Нурислом Тўхлиев

БОЗОРГА ЎТИШНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

билан бўйлашишни кўзламоғи зарурлиги ҳақидаги фикрни олға суради.

Айни маҳалда шуни ҳам қайд этиш лозимки, муаллиф "башорат" деган сўзни ёқтирмаса-да, мақолаларида дабдабали сўзлардан қочса-да, ҳар бир олим иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт жараёнлари ҳамда тенденцияларини илғай олиши ва улардан умумий хулосалар чиқаришга қодир бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Зеро, унинг ўзи шундай иқтидор соҳибидир.

Мен ушбу тўпламга киритиш учун танлаб олинган мақолаларни ўқиб, бозор иқтисодиёти қирралари, унга ўтиш муқаррарлиги ва бу борада мамлакатимиз ўзига хос хусусиятларга эгалиги тўғрисида илмий билимгина олиб қолмай, балки катта маънавий қониқиш ҳам ҳосил қилдим ва хаёлимдан бир фикр ярқ этиб ўтди: қани энди, қилни қирқ ёрадиган тарихчи, файласуф, иқтисодчи, ҳуқуқшунос олимларимиз ва бошқа соҳаларнинг етук мутахассислари томонидан мустақиллик йилларида мамлакатимиз эришган ютуқлар йўлини босқичма-босқич кўрсатувчи ана шундай китоблар кўплаб ёзилса!

Озод ШАРАФИДДИНОВ,
Беруний номидаги Ўзбекистон
давлат мукофоти лауреати,
профессор.

БОЗОРДАН БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ

80-йилларнинг
ўрталарига келиб тараққиётнинг
экстенсив омиллари
имкониятлари чеклана бошлади.
Социализм ўзининг мудҳиш
қиёфасини борган сари
тўлароқ намоён қилабошлади.
Иқтисодиётнинг
пастга қараб
сирғалиши тезлашди.
Аҳоли турмуш даражаси
пасая бошлади.
Экологик вазият ёмонлашди.
Ижтимоий, сиёсий,
айниқса, миллий муносабатлар
кескинлашди.
Миллий республикаларда
сепаратизм кайфияти кучайди.
Қабул қилинган қарорлар,
дастурлар самара бермади.
Бундай шароитда
бозордан бошқа йўл қолмади.
Бозор муносабатларига ўтиш
объектив реалликка айланди.

МОНОКУЛЬТУРА ҲАҚИДА

Пахта яккаҳокимлиги (монокультура) кейинги бир неча йил ичида пайдо бўлган ҳодиса бўлмай, балки ўзининг қарийб юз йиллик ривожланиш тарихига эга. Маълумки, ўтган асрнинг 60-йилларида Ўрта Осиёнинг чор Россияси томонидан босиб олиниши 90-йилларга бориб, асосан, тугалланди. Ўлкамиз чоризмни ва унинг ривожланиб келаётган капиталистик саноатини биринчи навбатда арзон хомашё манбаи сифатида қизиқтирар эди. Агар 1886 йилда рус тўқимачилик саноати истеъмол қилган пахта толасининг ҳажми 123 минг тоннани ташкил қилиб, шундан 96 фоизи чет элларидан келтирилган бўлса, 1914 йилга келиб тўқимачилик саноати учун жами 454 минг тонна пахта толаси етказиб берилди. Лекин бу толанинг фақат 48,7 процентигина чет мамлакатлардан (Америка ва Мисрдан) келтирилган эди. Қолган қисмини эса Ўрта Осиё халқлари етиштирдилар. Шундай қилиб, 1886–1914 йилларда рус тўқимачилик саноатига Ўрта Осиёдан пахта толаси етказиб бериш 42 марта кўпайди. Агар 1888 йилда регионда 13,2 минг гектар суғориладиган ерга пахта экилган бўлса, 1914 йилга келиб бу кўрсаткич қарийб 600 минг гектарга етди. 1916 йилга келиб пахтага ажратилган экин майдонларининг умумий ҳажми революциягача максимал нуқтага – 748 минг гектарга етиб, энг юқори, яъни 301 минг тонна пахта толаси тайёрланди.

Фарғона водийси революцияга қадар ҳам Ўрта Осиёда асосий пахтачилик райони бўлган. 65 фоиз пахта майдони водийда эди. Бу ерда монокультура ўша йиллардаёқ илдиз

Т 99

Тўхлиев Н.

Бозорга ўтишнинг машаққатли йўли

// Сўз боши муаллифи: О. Шарафиддинов /.–Т.: "Ўзбекистон", 1999. – 240 б.

Ушбу тўпламга муаллифнинг мустақил диёримизда бозор муносабатларини қарор топтириш, иқтисодий ислоҳотларни бошлаш ва тўла амалга ошириш масалаларига бағишлаб сўнгги ўн йил ичида ёзилган ҳамда республика матбуотида эълон қилинган мақолалари жамланган. Уларда бозор иқтисодиётига ўтиш босқичлари акс эттирилган.

Тўплам кенг оммани бозор муносабатлари муаммолари ҳамда қирралари билан ошно этади, деб умид қиламиз.

КБК 65.9(5У)

Сўзбоши муаллифи - профессор Озод ШАРАФИДДИНОВ

Муҳаррир - Шомуҳиддин МАНСУРОВ

0605010404
ISBN 5-640-02623-5

© "Ўзбекистон" нашриёти. Тошкент, 1999 й.
© Н. Тўхлиев, 1999 й.

БИЗГА ҚАНДАЙ БОЗОР КЕРАК?

Мен иқтисодчи эмасман. Шунинг учун ҳам иқтисодий ривожланиш қонуниятларини яхши билмасман. Бироқ рўзғор тугиш жараёнида ҳар бир сўмни тежаб-тергаб сарфлаш, иложи борича жой-жойига қўйиш, зарур юмушлар орасидан энг зарурини танлаб, маблағни ўша жойга харжлашни ҳаётнинг ўзи ўргатиб қўяр экан.

Одамлар қўлида маблағ унча кўп бўлмаган, борлар ҳам тузукроқ сарф-харажат қилишга юраги дов бермаган тоталитар тузум даврида, очиғи, озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа буюмларнинг асосий қисми давлат дўконларидан харид қилинарди. У ерда нархлар қатъий белгиланган, тортиб сотиладиганга ҳам, доналаб сотиладиганга ҳам ўша нархда пул тўлаб, молни олиб кетаверириларди. Бозорга борганда эса тузукроқ савдолашишни ҳам билмасдик. Ва "бозор" деганда ўша ўзимиз ҳафтада, ойда бир борадиган бозор кўз олдимизга келарди. Иқтисодиёт илмига қизиққанларимизнинг ҳам билим даражамиз "сиёсий иқтисод", "ижтимоий мулк" тушунчаларидан нари ўтмасди.

80-йилларнинг охирида "бозор", "бозор иқтисодиёти", "бозор муносабатлари", деган истилоҳлар тез-тез қулоққа чалина бошлади. "Хусусий мулк", "тадбиркор", "ишбилармон" деган гаплар чиқди. Иқтисодиётдан йироқ одамларга бу тушунчалар баъзан эришроқ ҳам туюларди. Республикамиз мустақилликни қўлга киритиб, Президент Ислом Каримов йирик иқтисодчи олим ва давлат бошлиғи сифатида мамлакатимизни бозор иқтисодиёти сари бошлаб, Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўлини ишлаб чиқиб, уни ривожлантиришга ва чуқурлаштиришга киришгачгина бозор ҳақида муайян тасаввур пайдо бўлди. Айни маҳалда баъзи иқтисодчи олимларимизнинг бозор муносабатларига бағишланган илк мақолалари кўзга ташлана бошлади. Шундай мақолаларнинг муаллифларидан бири иқтисод фанлари доктори, профессор Нурислом Тўхлиевдир.

Унинг иқтисодиёт мавзуидаги мақолалари илмий бўлгани ҳолда, публицистик руҳда ёзилиши билан ажралиб туради. Мақолаларнинг илмий билишга қўшган ҳиссасидан ташқари ана шу руҳи адабиётшунос, публицист сифатида менинг диққатимни тортади. Шу боис мен кейинги ўн йил ичида ушбу муаллифнинг мақолаларини мутгасил ўқиб келаман.

Н. Тўхлиев социализмнинг деформациясини, бошқарув тизимида чуқур илдиз отган маъмурий-буйруқбозлик иллатларини собиқ иттифоқ давридаёқ теран англаган, иқтисодий ҳаётда бозордан бошқа йўл йўқлигини, бозор биз учун тарихий ҳамда миллий ҳодисалигини, бозорнинг асли ватани Осиё эканлигини ўз мақолаларида илмий асослаб, публицистик тилда баён этган зукко олимлардан. Муаллиф бозор ҳақида бор ҳақиқатни очиқ айтар экан, тангликдан чиқиш йўллари борасида ўз фикрларини билдириб, эртанги кунимизга умидворлик билан қарайди. Чунончи, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини мустаҳкамлаш учун, биринчидан, бозор иқтисодиётига ўтиш, иккинчидан, халқаро бозорга йўл очиш, учинчидан, жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш зарур. Бунинг учун эса ҳар қандай монокультурага ва монополияга чек қўйиш, одамлар онги ва руҳиятидан боқимандалик ҳамда лоқайдликни суриб чиқариш, иқтисодий маҳдудликдан халос бўлиш, юртбошимиз таклиф этган бозор муносабатларига ўтиш тамойилларида белгиланган ислоҳотларни ўз вақтида, тўла амалга ошириш зарур.

Муаллиф мазкур масалаларга бағишланган мақолаларини бир тўпламга жамлабди. Мақолалар шунчаки тўпланмаган, балки мазмун-моҳияти, иқтисодий ҳаётимизнинг қайси босқичида ёзилганига қараб, уч бўлимга ажратилган.

"Бозордан бошқа йўл йўқ" деб номланган биринчи бўлим мақолаларини ўқиркансиз, Иттифоқ чок-чокидан сўкила бошлаган 80-йилларнинг охири, СССР ўз-ўзидан тарқала бошлаган 1990–1991 йиллар ҳамда мамлакатимиз мустақилликни эндигина олган давр иқтисодий ҳаёти кўз олдингизда қайта гавдаланади. Ўша маҳалда жамиятнинг илғор кучлари мустақиллик ишқи-ла ёниб, уни қўлга киритиш, сўнг сақлаб қолиш учун курашган бўлса, айримлар собиқ иттифоқ тирилиб қолишидан хавфсираб, баъзилар эса ҳатто ундан умидвор ҳам бўлиб, ортига, ён-атрофига аланглар эди. Шундай паллада муаллиф ўз мақолаларида биз учун мустақиллик ва бозордан бошқа йўл йўқ эканлигини баён қилди.Бу бўлимга киритилган мақолалар мустақиллик йилларида амалга

оширилган ишлар, босиб ўтилган йўл ва эришилган муваффақиятларни рўй-рост англашга ёрдам беради.

Иккинчи бўлимга "Буюк синовлар даври" деб ном берилган. Бу – бежиз эмас. Ёдингизда бўлса, тарқалиб кетган собиқ иттифоқдош республикаларни турли номлар остида қайта бирлаштиришга уринишлар авж олди. Унда иқтисодий бирлашувдан кўра сиёсий жиҳатдан бирлаштиришга интилиш, яна "катта оға"ларни "яратиш"га уриниш кайфияти сезилиб қолди. "Бозор назарияси" ишлаб чиқила бошланди, "уч юз кун", "беш юз кун", "тўққиз юз кун" дастури ва бошқача дастурлар "ёғилиб кетди". Бозорга одамларни, бошига бир ургандай, "гангитиб" ўтиш, яъни "шок терапияси" тарғиб этила бошланди-ки, гўё одам бу зарбадан ўзига келганда бозор муносабатлари қарор топиб қоладигандай. Шундай қалтис паллада юртбошимиз Ислом Каримов бундай "терапиялар" бизга тўғри келмаслигини қатъий эълон қилиб, бозор муносабатларига аста-секин, босқичма-босқич ўтиш зарурлигини, айни маҳалда кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, жамиятнинг заиф қатламларини ижтимоий ҳимоялаш, иқтисодий ислоҳотларни бошлаб юбориш шиори билан чиқди. Тўпламнинг иккинчи бўлимига ана шу руҳда ёзилган мақолалар киритилган.

"Туб иқтисодий ислоҳотлар йўлида" деб аталган учинчи бобга эса айни ислоҳотларни чуқурлаштириш, мустақилликни янада мустаҳкамлаш, иқтисодий, ижтимоий тараққиёт тамойиллари ҳақида баҳс юритувчи мақолалар киритилган. Уларда инқироздан ривожланиш орқали чиқиш, бунинг учун миллий саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа базавий тармоқларни жонлантириб, шу орқали иқтисодий ўсишга ҳамда юксалишга эришиш ғояси илгари суриладики, у ҳар қандай ўқувчини бефарқ қолдирмайди.

Эътиборли томони шундаки, мақолаларни ўқиган киши кўз ўнгида республикамизда бозор муносабатларига ўтиш масаласи кўтарилган пайтдан бошлаб амалга оширилган ишлар босқичма-босқич, даврма-давр, мантиқий боғлиқликда ҳамда изчил намоён бўлади. Тўпламнинг диққатни жалб этувчи яна бир хусусиятини таъкидлаб ўтишни истардим. Мақолаларда муаллиф илк капитализмга хос бозор муносабатларини эмас, балки ривожланган, цивилизацияли бозор тушунчаси ҳамда белгиларини тарғиб этади. Бу билан бозор муносабатларига кириб келаётган Ўзбекистон унинг ибтидоий босқичида турган мамлакатлар билан эмас, иқтисодий тараққиётнинг юқори поғоналарида турган қудратли давлатлар

ота бошлаганди. Чунки суғориладиган ерларнинг 75 дан 100 фоизигача пахта экилар эди.

1920–30 йилларда "пахта мустақиллиги учун кураш", "пахта учун кураш – социализм учун кураш" шиорлари остида янги ерлар ўзлаштириш ҳамда ғалла ва бошқа экинларни қисқартириш ҳисобига пахта экиладиган майдонлар жадал суръатлар билан кенгайтирилди.

1914–1929 йиллар орасида Ўзбекистоннинг суғориладиган ерларида пахта экин майдони 41,5 процентга ошган бўлса, Туркманистонда 38, Тожикистонда 28 мартага кўпайди. Шунга мувофиқ равишда ғалла ва бошқа донли ўсимликлар экиладиган майдонлар бизнинг республикамизда 31, Тожикистонда 50, Туркманистонда 18 процентга қисқарди. Шу билан бирга полиз, боғ ва узумзорлар билан банд бўлган майдонларни сезиларли кенгайтириш имкониятлари ҳам чекланди. Илгари Ўрта Осиёда ғалла маҳсулотларига бўлган эҳтиёж ички резервлар эвазига тўла қондириларди. Пахта экиладиган майдонларнинг кескин ўсуви ҳисобига ўлкада дон тақчиллиги вужудга келди. Агар 1927–1928 йилларда Ўрта Осиёга ташқаридан 560 минг тонна дон маҳсулотлари келтирилган бўлса, бу кўрсаткич беш йилдан кейин 820 минг тоннага етди.

50-йилларда қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш учун умумиттифоқ ҳашари бошланди. Жиззах ва Сирдарё музофотларида, кейинчалик Қарши ва Сурхон-Шеробод, Бухоро ва Қуйи Амударёда янги-янги пахта майдонлари очилди. Бу эса 60-йилларнинг бошидаёқ Амударё ва Сирдарё ҳамда Орол денгизида сувнинг кескин камайишига олиб келди. Шундай бўлса-да, ҳозир республика агросаноати комплексида пахтачиликнинг ҳиссаси 70 фоизни ташкил этади. Республикадаги барча экин майдонларининг деярли ярмига, яъни 2 миллион гектардан ортиғига пахта экилмоқда.

Шуни қайд қилиш лозимки, жаҳон пахтачилиги аллақачон интенсив йўлдан, гектар ҳосилдорлигини ошириш ҳисобига ривожланмоқда. Кейинги 40 йил ичида жаҳонда пахта ишлаб чиқариш 2 мартага ошган бўлса, пахта экиладиган

майдонлар 10 процентга қисқарди. Бизда пахтачиликда экстенсив йўл ҳамон сақланиб келмоқда.

Қайта қуриш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини демократлаштириш амалга оширилаётган бир пайтда пахта яккаҳокимлигига чек қўйиш, пахта ишлаб чиқаришни мақсадга мувофиқ даражада камайтириш вақти етди.

Табиийки, биз пахта етиштиришдан бутунлай ёки жуда катта миқдорда воз кечолмаймиз. Гап монокультурани жиловлаш, пахта экиладиган ер майдонларини жиддий суратда камайтириш устида бормоқда. Агар холисона фикр юритадиган бўлсак, шуни айтиш керакки, иқтисодий мустақил республика, бутун халқ пахтачиликдан жуда катта фойда кўриши аниқ. Чунки уни ташқи ва ички бозорда истаган маҳсулотга айирбошлаш мумкин. У сифати тезда бузилмайдиган маҳсулот. Полиз, сабзавотчилик ва боғдорчилик маҳсулотлари эса бундай вазифани бажармаслиги мумкин.

Лекин пахта республиканинг ўзида иложи борича кўпроқ қайта ишланиши ва тайёр маҳсулотга айланиши учун ҳам жон куйдириш лозим.

"Ёшлик" журнали. 1989, №3

БОЗОР: ВАҲИМА ВА УМИД

Иқтисодиётда инқироз кучайиб бормоқда. Ислоҳот, иқтисодий ва молиявий ҳаётни соғломлаштириш бўйича қабул қилинган дастурлар жиддий ижобий силжишларга олиб келиши у ёқда турсин, балки мавжуд муаммоларни янада кескинлаштирди. Иш ҳақи ва ишлаб чиқариш пировард натижалари ўртасидаги нисбат бузилиши давом этмоқда. Тўла хўжалик ҳисобига ўтиш муносабати билан иш ҳақи фонди устидан давлат назоратининг бекор қилиниши шунга олиб келдики, ўтган йили мамлакат бўйича иш ҳақи 10,9 фоизга, саноат ишлаб чиқариш ҳажми эса атиги 1,7 фоизга (яъни 6,4 мартага кам) ўсди. Бу ўсиш ҳам мавҳум қиймат шаклида. Расмий маълумотларда мамлакатда миллий даромад 2,4 фоизга ўсди деб қайд қилинди. Лекин сўмнинг қадрсизланиш жараёнларини ҳисобга олганда, амалда у ўсмади, аксинча, пасайди. Жумҳуриятимиз иқтисодиётидаги ўтган йили ва шу йилнинг биринчи кварталида бу каби нохушликлар мавжуд демографик вазиятда янада ҳунук тус олди.

Истеъмол бозоридаги буюм ва маҳсулотларнинг кескин камайиши, унинг сифатининг ёмонлашуви, нархларнинг яширинча ва очиқчасига узлуксиз ўсиши, пулнинг қадрсизланиш доирасининг кенгайиши, муомалага қўшимча қоғоз пуллар чиқарилиши (пул эмиссияси) кундалик ҳодиса бўлиб қолди. Муомаладаги ҳар бир сўмга тўғри келадиган буюм ва маҳсулотлар миқдори 18 тийинга тушди. Олдинда бизни нималар кутаяпти?

Ҳукумат яқингинада иқтисодиётни соғломлаштиришнинг 6 йилга мўлжалланган дастурини ишлаб чиққан эди. Бу дастурга мувофиқ 1990–1992 йилларда давлат бюджетидаги тахчилликни камайтириш, аҳоли пул даромадларининг маҳсулотлар билан таъминланишини яхшилаш, пул эмиссиясининг ўсишини тўхтатиш орқали иқтисодий ва молиявий ҳаётни соғломлаштириш, 1993–1995 йилларда эса бозор муносабатлари учун шарт-шароит ҳозирланиши керак эди. Лекин бу дастур қабул қилинганидан кейин ҳам халқ хўжалигида аҳвол яхшиланмади. Истеъмол бозори янада камбағаллашди, тақчиллик кучайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда ислоҳотда туб бурилиш ясаш, мамлакатни бозор иқтисодиётига ўтказишни кескин жадаллаштиришга қарор қилинди. Бир жойда депсиниш кулфатидан таваккал бозорга ўтган яхшироқ деган йўл тантана қилди. Шундай қилиб келгуси йилнинг бошидан моҳиятан янги иқтисодий муносабатларга ўтиш аниқ бўлиб қолди.

Бозор нима ўзи? Бозор деганда бировлар иқтисодиётини барча бало-қазолардан қутқарадиган сеҳрли воситани, бошқа бировлар эса омади келиб иши юришиб кетиши мумкин бўлган жойни кўз олдиларига келтирадилар. Лекин бозор униси ҳам, буниси ҳам эмас. Савдогарлар ва олиб сотарлар билан лиқ тўла савдо расталари, пул ва мол эгаларининг шовқин-суронли тортишуви, колхоз ёки чайқов бозори ҳам эмас. Бозор товар ишлаб чиқариш қонунлари асосида ташкил қилинган айирбошлаш, товар ва пул муомаласи муносабатларининг йиғиндиси, ишлаб чиқариш ва истеъмол ўртасидаги муҳим боғловчи бўғиндир.

Бозор иқтисодиётининг тарафдорлари биринчи навбатда турли хил эгри йўллар билан топган жамғармаларини сарфлаш иложини ахтараётган мафиялашган яширин иқтисодиёт корчалонлари, кооперативчилар ҳамда деформацияга учраган социализм, текисчилик, жамоат манфаат-ларини ўз шахсий манфаатларидан устун қўйиш догмага айланган бизнинг шароитимизда ўз истеъдодини намоён қилолмаган

кишилардир. Уларнинг сафи у ёки бу майда тузатишлар билан иқтисодиётни тубдан яхшилаб бўлмасликка ишонч ҳосил қилган, ночор турмуш шароитидан ҳафсаласи пир бўлган кишилар билан кенгаймоқда. Ана шу охирги гуруҳ орасида бозор иқтисодиётининг асл моҳиятини англамаётганлар, бизнинг мамлакатимизда келтириб чиқариши мумкин бўлган ижтимоий оқибатларни эҳтироссиз белгилай олмаётганлар кўпчилик. Жамиятда маош ҳисобига наридан-бери тирикчилик ўтказиб турадиганлар анча-мунча, 70 йил мобайнида ҳеч қачон амал қилмаган "меҳнатга яраша тақсимлаш" принципи жон-жонига сингиб кетганлар ҳам озчилик эмас. Хуллас, шундай вазият вужудга келаяптики, бозор иқтисодиёти тарафдорлари радикаллар, яъни кескин чора кўришни илгари сурувчилар, бу янгиликни ҳозирча ҳазм қила олмаётганлар эса консерваторлар, яъни мутаассиблар гуруҳига бирлашмоқдалар.

Тўғри, ҳозир ҳам бизда бозор иқтисодиёти намуналари мавжуд. Унинг доираси ресурсларни марказлашган қатъий тақсимлаш орқали чегараланиб келинди. Кейинги йилларда бошқаришнинг иқтисодий усуллари бирмунча кучайиши натижасида бозор муносабатлари ҳам кенгайди. Лекин барибир улар халқ хўжалиги уммонида оролчалардан иборат бўлиб қолаётган эди. Энди эса мамлакатни ҳақиқий бозор иқтисодиёти томон кескин буриб юборишга қарор қилинди. Бозор иқтисодиёти шунчаки расм, ёки сўз ўйини эмас, у мамлакат президенти таъкидланганидек, Октябрдан кейин содир бўладиган энг катта бурилишдир. Лекин бозор муносабатларига бир сакраб, обрўли бир иқтисодчи олим айтганидек, "бирданига шўнғиш" мумкин эмас. Чунки ғарқ бўлиш мумкин.

Бозор иқтисодиётига ўтишга тайёрмизми? Бу саволга қисқа ва жўнгина жавоб бериш қийин. Гап шундаки, бизнинг авлодимиз бозор иқтисодиёти шароитида яшагани йўқ. Бу борада капиталистик дунё тажрибасини ҳам жиддий ўрганганимиз йўқ. Капиталистик корхоналарда ишлаганимиз, ёки Хитой каби ўн минглаб талабаларни ривожланган

мамлакатларнинг дорилфунунларида ўқитаётганимиз йўқ. Капиталистик олди-сотди, яъни таклиф, баҳолар таркиб топиши, ташвиқот, буюм ва маҳсулотлар сотилишини рағбатлантириш, уларнинг хилларини режалаштириш билан боғлиқ масалаларни энди ўрганаяпмиз. Менежерлик мактаблари ҳам эндигина иш бошлади. Бу, биринчидан. Иккинчидан, бозор маҳсулот ишлаб чиқаришнинг қонуний якуни, сотиш ва сотиб олишни таъминлайдиган восита. Унинг шакллари кўп. Масалан, ишлаб чиқариш воситалари, истеъмол буюмлари, қимматбаҳо қоғозлар ва меҳнат (иш кучи) бозорлари ва ҳоказо. Хўш, биз бозорда эртага нимани сотамиз ва сотиб оламиз? Ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олишга ҳамманинг ҳам қурби етмайди. Корхонага эга бўлиш осон иш эмас. Ижарачиларга, кооперативларга кичик, ўнғай ва арзон техника воситалари керак. Уларни саноатимиз деярли ишлаб чиқармайди. Истеъмол бозори эса қулаб тушай деб турибди. Ўзбекистон шароитида халқ истеъмоли молларининг ярми ташқаридан келтирилади. Бу ерда халқ хўжалигининг таркиби асосан хомашё етказиб бериш, ер ости бойликларини қазиб олишга йўналтирилган бўлиб, чуқур қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси анча паст.

Жумҳуриятимизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол молларининг таркибига бир назар ташлайлик. Унинг таркиби оқилона мезонлар у ёқда турсин, ҳатто умумиттифоқ бўйича ишлаб чиқариладиган истеъмол моллари таркибидан ҳам жиддий фарқ қилади. Мен бу ерда мамлакат бўйича бу таркиб мақсадга мувофиқ, бизда ҳам худди шундай бўлиши керак деяётганим йўқ. Истеъмол моллари орасида оғир саноат тармоқларининг ҳиссаси мамлакатда 33,4 фоиз, жумҳуриятимизда эса 25,3 фоиз. Бу шуни билдирадики, бизнинг рўзғоримизда маиший асбоблар, машиналар ва ускуналар, мебель ва бошқалар умумиттифоқ кўрсаткичидан паст. Лекин енгил саноат маҳсулотлари бизда 35,8 фоиз, иттифоқ бўйича эса 25,8 фоиз. Собиқ иттифоқ бўйича ҳам, жумҳуриятимиз бўйича ҳам пойабзал ва тикувчилик буюмлари ишлаб чиқариш талабга мувофиқ эмас.

Истеъмол моллари орасида озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳиссаси ҳам жумҳуриятимизда паст. Лекин ун ва ёрма, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш эса кўпроқ.

Иш топишга воситачилик қилувчи муассасалар (меҳнат биржалари) йўқ. Биз буни социализмнинг буюк афзалликларидан бири деб ҳисоблаб келдик. 1922–1925 йилларда мамлакатимизда 300 та иш топишга воситачилик қилувчи муассаса орқали 10 миллиондан кўпроқ киши ўтганди. Бундай воситачи муассасаларда иқтисодчилар, социологлар, врачлар, депутатлар хизмат қилиб, бу жойларда ишсизларга ёрдам, пул ва буюмдан иборат нафақалар берилиши, вақтинча ижтимоий иш билан, ёток билан таъминлаш, ишчи касбларига тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва бошқа тадбирлар амалга оширилиши керак.

Лекин бир нарса аниқ. Иқтисодиётни боши берк кўчадан олиб чиқишнинг бозор усулидан бошқа йўли йўқ. Инсоният ҳали бозор усулидан қулайроқ иқтисодий воситани топгани йўқ. Ахир бутун дунёда иқтисодий муносабатлар бозорга асосланган бўлса, биз ўзгача хўжалик юритиш усули билан ҳозирги замон жаҳон хўжалигида ўзимизга мос ўринни топа олмаймиз.

Бозор иқтисодиётига ўтиш унга мувофиқ келадиган ривожланган янги молия-кредит, пул, валюта, нарх сиёсати, банклар, ижтимоий ҳимоя усуллари ва бошқа шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо этади. Биргина ахборот етказиб беришни олайлик. Америкалик сармоя эгаси Тинч океани соҳилида туриб ўз автомобилидан мамлакат ичкарисидагина эмас, бошқа мамлакатлардаги валюта ва жамғарма муассасалари билан телефон орқали боғланиб, худди ёнма-ён гаплашаётгандек у ерлардаги соат сайин ўзгариб турадиган молиявий иқлимдан, бозор аҳволидан тўлиқ хабардор бўлиб туриши мумкин. Фермерларга ва бошқа корхона эгалари учун яратилган шароит, улар ўртасидаги масъулият ҳисси ва иқтисодий маданият ҳақида гапирмасак ҳам бўлади. Бизда эса ҳатто шаҳар телефони орқали тузук гаплашиш амри маҳол.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, бозор иқтисодиёти қанчалик "халқ фаровонлигига қаратилган", "ижтимоий йўналтирилган бозор" деган бежирим қўшимчалар билан айтилмасин, ўз қонуниятларига ва оқибатларига эга ягона соғлом бозор мавжуд. Яримта бозорни ҳозирча ҳеч ким кўрмаган. Маълумки, мамлакатимизда бозор муносабатлари принципларига йўналтирилган давлат корхонаси ва кооперация тўғрисида Қонунлар қабул қилинган эди. Аммо аввал бошдан бу қонунлар муваффақиятсизликка маҳкум этилган эди. Гап шундаки, давлат корхонаси ҳақидаги қонуннинг моҳияти бир-бирига зид икки принципга асосланган эди. Мустақиллик ва қатъий марказий бошқариш бир-бирини инкор этадиган тушунчалар эканини англаш қийин эмас. Худди шунингдек, кооперативларни жорий қилиш ҳам ярим-ёрти характерга эга эди: улар давлат таъминоти доирасидан ташқарида қолиб, хуфя иқтисодиёт билан алоқалари кучайди.

Бозор битта. Лекин унга олиб келадиган йўллар ҳар хил. Осиёдаги қисқа вақт ичида иқтисодий тараққиётда жуда ҳам илгарилаб кетган Жанубий Корея, Гонконг, Таиланд, Сингапур, Малайзияни (Япония алоҳида, кам учрайдиган нодир ҳодиса) олайлик. Уларнинг бозор муносабатига ўтиши асосан ташқаридан капитал киритилиши ва шу билан ташқи халқаро бозорга қараб йўл тутиш ҳисобига амалга ошди. Улар давлат мулкини хусусий қўлларга бўлиб беришга эмас, балки ундан самарали фойдаланишга алоҳида эътибор бердилар. Бунда ягона солиқ, маблағ сарфлаш ва рақобат дастакларидан кенг фойдаланилди. Унча катта бўлмаган, аҳолиси тарихан интизомли, меҳнатсевар бўлган бу мамлакатларнинг тез тараққиёт ва халқаро бозорда ўз мавқеига эга бўлиш сирларини худди мана шу манбалардан ахтариш керак.

Исроил ва Туркиянинг бозор муносабатига асосланган иқтисодиёти биринчи навбатда ташқи савдога қаратилган. Туркия, масалан, бунга иқтисодиётни марказлашган давлат бошқаришини чегаралаш, хусусий соҳаларини рағбатлантириш, ғарб технологияси билан қуролланган кичик ва йиғув ишлаб чиқаришни ташкил қилишни жадаллаштириш,

BUXORO MUHANDISLIK-TEXNOLOGIYA INSTITUTI
REESTR № 76452
"___" _____ 2014 y

жаҳоннинг саноати тараққий этган мамлакатлари билан алоқаларни кенгайтириш орқали эришди. Натижада бу мамлакатда ташқарига мол чиқариш ҳажми кейинги 10 йил мобайнида, яъни иқтисодиёт тўла бозор муносабатларига кўчирилганидан кейин 4 марта ошди.

Исроилда техник жиҳатдан юксак саноат тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, янги технологияни яратишга алоҳида эътибор берилади. Шуни ҳам айтиш керакки, Исроил ҳар йили АҚШдан 3 миллиард долларлик ёрдам олади, босиб олинган араб ерларидан ҳозиргача фақат даромад олди.

Юқоридаги мисоллардан шу нарса кўриниб турибдики, иқтисодий тараққиёт қайси мамлакатда бўлмасин, ривожланган ички ва ташқи бозорга, чет эл капитали билан ҳамкорликда маблағларнинг бир тармоқдан иккинчисига оқиб ўтиб туришига асосланган. Ташқи дунёдан ажралиб қолган ички бозор йўқ. Бизнинг мамлакатимиз, хусусан, Ўзбекистон ташқаридан бериладиган катта иқтисодий ёрдамга кўз тута олмайди. Жумҳуриятимизда ташқарига чиқариладиган маҳсулот ҳажмида экспортнинг ҳиссаси 15 фоиздан ошмайди. Чиқариладиган буюм ва маҳсулотлар рақобатбоп эмас. Очиқ иқтисодий зоналар ташкил қилиш ва у ерга чет эл капиталини икки тарафлама манфаатдорлик асосида киритиш ишлари ҳам муваффақият қозонмади. Бизникидек йирик мамлакатнинг боткоқликдан бирданига чиқиб кетиши қийин. Бундай шароитда инқироз қуршовидан алоҳида-алоҳида ёриб ўтиш керакка ўхшаб қолди. Бундан шундай хулоса келиб чиқади. Иқтисодий ва сиёсий ислоҳотнинг чуқурлашуви жумҳуриятларнинг мустақиллигини кенгайтириш билан чамбарчас боғлиқ.

Ҳар бир мамлакатнинг, ҳар бир жумҳуриятнинг бозор иқтисодиётига ўтиши ўзининг алоҳида хусусиятига, жаҳон бозоридаги ранг-баранглигига эга бўлиши лозим. Бозорнинг қонуни ва мазмуни бир хил бўлса ҳам, у ерда ҳамма бир хил маҳсулот билан савдо қилиши қийин. Хўш, Ўзбекистонимизнинг бозор иқтисодиётига ўтиш хусусияти қандай

бўлиши керак ва у қандай қилиб халқаро, жумҳурияглараро бозорда ўзининг ўрнига эга бўлади?

Назаримда бозор муносабатига ўтиш учун жумҳуриятимизда, энг аввало, иқтисодий, ижтимоий муҳит вужудга келиши керак. Бир зарба билан бозор муносабатларига ўтиш, айниқса, бизнинг ўлкамизда жиддий мураккабликларга, сиёсий ва миллий вазиятнинг беқарорлашувига олиб келиши мумкин. Чунки олдиндан шарт-шароит тайёрламасдан бирданига бозор иқтисодиётига ўтиш дастлаб нарх-наво ва ишсизликнинг бир неча бор ошиб кетишига олиб келади.

Бир неча бор ошиб кетадиган бозор нархлари энг кам иш ҳақи оладиган ўлкамиз аҳолиси бошига калтак бўлиб тушиши тайин. Гап шундаки, 1988 йили Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ҳисоблаганда ўртача ялпи ойлик даромадлари 75 сўмгача бўлган аҳолининг сони 44,7 фоизни ташкил қилди, яъни 9 миллион кишидан ошди. Собиқ иттифоқ бўйича бу кўрсаткич 12,6 фоиздир. Кўриниб турибдики, аҳолининг кам таъминлан-ган қатламининг ҳиссаси бизнинг жумҳуриятимизда анча юқори. Уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашни яхшилаш мақсадида энг зарур маҳсулотларга нарх-навони бир даражада сақлаб қолиш, айримларини эса варақа (карточка) орқали тақсимлаш усулига ўтиш каби тадбирларни ишлаб чиқиш мумкин. Аммо бу тадбирлар мавж ураётган бозор уммонининг тўлқинларига бардош бера олармикин?

Тўғри, яқин вақтлар ичида ҳукумат "режали бозор" иқтисодиётини таъминлаш мақсадида 28 та янги қонун ва қарорлар тайёрлайди. Улар биринчи навбатда банк ва солиқлар тартиби ислоҳоти, яккаҳокимликка қарши қонуният, давлат корхонаси ва кооперативлар тўғрисида қонунларга ўзгаришлар киритиш ва бошқалардир. Шунингдек, иқтисодий фаолият эркинлиги ва ташаббускорлигини ривожлантириш, прогрессив солиқлар жорий қилиш, даромадлар кўрсаткичи, баҳолар тартибини ислоҳ қилиш ҳақида ҳам қонунлар ишлаб чиқилади.

Тўрт тоифада баҳолар амал қилади: қатъий давлат чакана баҳолари, давлат томонидан бошқариладиган чакана баҳолар,

шартнома бўйича ва эркин бозор баҳолари. Эркин бозор баҳолари имкониятини етарли баҳоламаслик хато бўлар эди. У катта сув тўғонида юзага келган кичкинагина ёриққа ўхшайди. Бу ёриқ борган сари кенгайиб, келгусида бутун тўғонни яксон қилиши мумкин. Эркин баҳоларнинг кучи ҳам шундай.

Эркин бозор нархлари ҳукмронлигининг аста-секин ошиб бориши икки томонлама оқибатларга олиб келади. Мамлакат ва жумҳурият даражаларида талаб ва таклифни мувофиқлаштириш истеъмол бозоридаги кескинликни юмшатишга олиб келса, истеъмолчи даражасида эса катта табақаланишларга, аҳолининг олдиндан белгилаб қўйилган маош ва нафақа оладиган қисмининг турмуш даражасига жиддий салбий таъсир кўрсатади. Чунки иш ҳақининг ўсиш суръатлари бозор баҳоларидан орқада қолиши аниқ.

Талаб билан таклифни бараварлаштиришнинг йўли фақат баҳоларни ошириш эмас. Баҳоларни ўз даражасида сақлаб, халқ истеъмоли маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш орқали ҳам уни мувофиқлаштириш мумкин. Лекин бу анча қийин йўл.

Бозор иқтисодиётида буюм ва маҳсулот ишлаб чиқаришнинг тури ва миқдорини ишлаб чиқарувчи эмас, истеъмолчи белгилайди. Бу айрим корхоналарнинг, айниқса, ўз харажатини ўзи қоплай олмайдиган корхоналарнинг ёпилишига олиб келади. Корхоналарнинг қайта қурилиши, бошқа соҳага ўтказилиши, айримларининг экологик сабабларга кўра тўхтатилиши, халқ хўжалиги учун кераксиз мутахассислар тайёрлаётган айрим ўқув юртлари ва улардаги бўлимларнинг, илмий тадқиқот муассасаларининг ёпилиши ҳам охир-оқибатда ишсизликнинг кенгайишига олиб келади. Ҳозир марказдаги иқтисодчи олимларнинг тахминича, бозор иқтисодиётининг дастлабки йилларида ишсизлик мамлакатда 10–20 миллион кишига етади. Ҳозирнинг ўзида бозор муносабатларига ўтмасдан жумҳуриятимизда 1 миллион ишсиз мавжуд. Тўғри, моддий ишлаб чиқаришдан бўшаганларнинг бир қисмини хизмат кўрсатиш соҳалари ўз бағрига олиши

мумкин. Қолган қисми-чи? Уларга ишсизлиги учун нафақа тўланиши керак. Аммо давлат хазинасидаги бусиз ҳам тақчил маблағлар қайси тадбирга етсин?

Бозор иқтисодиётига жадал суръатларда ўтишни айримлар таклиф қилаётгандек, давлат мулки миқдорини 30 фоизгача камайтириш ва ундан бўшаган жойларни жамоа, ширкатчилик, кооператив, аралаш, хусусий ва якка тартибдаги мулк шаклари билан тўлдириш, яъни ҳар хил мулкчиликка ўтиш билан таъминлаш мумкин, деб ҳисобламоқдалар. П.Г. Бунич иқтисодни кўтариш учун яширин капитални хусусий мулк соҳасига сафарбар этиш йўли билан очиққа чиқариш керак, дейишгача борди. Хўш, қайсинисини олдин жонлантириш керак: давлат мулкиними ёки хусусий мулкними? Бизда давлат мулки ўз имкониятларини тугатгани йўқ, лекин у мадорсиз. Шуни айтиш керакки, ҳозиргача давлат умумхалқ мулкини жонлантириш учун бизда амалда ҳеч нарса қилингани йўқ. Бу борадаги тадбирларнинг барчаси тор амалиётчилик асосида юзаки бўлиб, истиқболли мақсадларга бўйсундирилмади.

Давлат умумхалқ мулкидан турли хил мулк шаклларига ўтиш тарафдорлари мулкнинг коллектив, ширкатчилик шаклига катта умид боғламоқдалар. Бундай тажриба ҳақида гапириш ҳам, эшитиш ҳам, хаёл суриш ҳам ниҳоятда мароқли. Бироқ ривожланган капиталистик давлатлардаги ишчи-хизматчиларнинг пай тўлаш орқали корхоналарга эгалик қилиш тажрибасига бизнинг шароитда ижтимоий-иқтисодий иқлим йўқлигини унутмаслигимиз керак. Октябрь инқилоби хусусий мулк ўрнига ижтимоий мулкни ўрнатди, энди эса яна хусусий мулкка қайтмоқчимиз. Бу ҳам ўз-ўзидан кучли ижтимоий ларзаларсиз бўлмайди. Гегелча ривожланишнинг моҳияти мавжуд нарсани синдириш эмас, балки уни янги мазмун билан бойитиш ва уни янги босқичга кўтаришдир. Диалектик ривожланиш назарияси ҳам худди ана шундан келиб чиқади. Шу маънода иқтисодиёт революцияларни, кескин ларзаларни хуш кўрмайди, у аста-секин, лекин доимо ўсиб, кучайиб боришдир.

Тўғри, бизнинг мамлакатимизда ҳам давлатдан ишлаб чиқариш воситаларини сотиб олиб, муваффақиятли фаолият кўрсатаётган меҳнат коллективлари бор. Улар бунинг учун ижтимоий-иқтисодий муҳитдан эмас, ўзларининг ишбилармон раҳбарларининг ноёб шахсий хусусиятларидан миннатдор бўлишлари керак. Офтальмолог олим Фёдоров, саноатчи Кабаидзе, қурувчи Травкин, колхоз раислари Вагин, Айдак, ижарачи Сивковлар ана шундай истеъдод соҳибларидир. Бундай кишилар ва тажрибалар мамлакатимизда, жумҳуриятимизда, афсуски, жуда ҳам кам.

Ҳолбуки, Америкадаги майда корхоналарни олайлик: уларнинг асоси оила аъзолари бўлиб, қолганлари (5–10 киши) ёлланма кишилардир. Ҳозирги пайтда у ерда бундай кичик корхоналарнинг сони 3 миллиондан зиёдроқ бўлиб, улар ялпи миллий маҳсулотнинг 20 фоизини бермокда.

Бозор муносабатларига ўтишни таъминлашда давлат мулкининг имкониятлари катта.

Мен шахсан шунга аминманки, давлат мулкини жонлантирмасдан туриб, бизда бошқа мулк шаклларини ривожлантириб бўлмайди. Фақат давлат мулки бозор муносабатларига ўтиш билан юз берадиган чуқур табақаланишларни сусайтиради, янги муносабатларга иқлим тайёрлайди, рақобат, соҳибкорлик, ташаббускорлик ҳисларини, бозор маданиятини тарбиялайди. Давлат мулкига ягона ва қатъий солиқ тартибига ўтиш, маблағ сарфлаш сиёсатини қайта қуриш, масалан, жамғарма берадиган тармоқ ва корхоналардан солиқ олмаслик ёки солиқ миқдорини камайтириш, уларни устун даражада маблағ билан таъминлаб туриш, рақобатни ташкил қилиш каби тадбирлар орқали иккинчи хаёт ато қилиш мумкин.

Агар давлат мулки ҳаракатсиз, заиф ва рақобатга қобилиятсиз бўлса, мулк эгалигининг ҳар бир кўриниши хоҳ кооператив бўлсин, хоҳ хусусий бўлсин, тезлик билан ижтимоий бўлмаган мазмун касб этади, истеъмол ҳисобига бойиш имкониятини топади. Мана, кооперативлар майдонга чиқаётиб, рақобатдан, давлат таъминоти ва буюртмасидан ташқарида қолди. Натижада, истеъмол талабига нисбатан

якка ҳокимлик ҳуқуқига эга бўлди. Давлат корхоналари маҳсулотлари, баҳоларни ошириш, олибсотарлик ҳисобига катта даромадларга эга бўлиш имкониятлари худди ана шу ерда. Давлат тармоқлари серҳаракат ва эпчил бўлган жойда кооперативлар иқтисодиётни соғломлаштиришнинг қўшимча омили бўлиши мумкин. Бизда эса улар ижтимоий-иқтисодий ва миллий ҳаётни бекарорлаштириш манбаларидан бирига айланди, хуфя иқтисодиётнинг кучайишига хизмат қилди.

Давлат мулкини жонлантириш бозор иқтисодиётига ўтишда жамият аъзоларининг бошланғич имкониятларини бараварлаштиришга хизмат қилади. Мамлакат, жумҳуриятнинг умумий тараққиёти даражаси эса кўп жиҳатдан уларнинг "ички пружина"ларидан қанчалик самарали фойдаланишга боғлиқ. Жумҳуриятимиз иқтисодиётини тубдан соғломлаштириш, бозор муносабатларига ўтиш, биринчидан, баҳо таркиб топишини ислоҳ қилиш билан боғлиқ. Баҳоларни ўзгартириш, уларни ижтимоий меҳнат харажатларига яқинлаштириш нафақат жумҳуриятнинг, балки ҳар бир корхона ва хўжаликнинг ҳуқуқи бўлиши керак. Барча қишлоқ хўжалик маҳсулотларига харид нархлари қайта кўрилиши керак.

Иккинчидан, иқтисодий зарар келтирадиган маҳсулот турларига, тармоқлар, корхоналар, хўжаликларга бериладиган қарзлар тўхтатилиб, бу маблағлар аҳолининг кам даромад оладиган қатламларига – пенсионерлар, кўп болали оилаларга сарфланиши лозим. Жумҳуриятимизда барча хўжаликлар орасида иқтисодий зарар келтириб ишлайдиган колхозларнинг ҳиссаси, расмий маълумотларга кўра, 0,1 фоиз. Демак, 99,9 фоиз колхозлар фақат фойда беради. Лекин бунга ким ишонади? Паст даромадли, паст иш ҳақи ҳисобига фойда олиб, бошқа йўллар билан наридан бери хўжалик юритиб турганлари камми? Ана шуларнинг ҳаммаси ўрнига ижарачи, пудратчи оила ва жамоалар тузилиши керак.

Учинчидан, ташқаридан олиб келтириладиган халқ истеъмоли молларини, энг аввало, озиқ-овқат маҳсулотларини аста-секин камайтириб бориб, бу хил маҳсулотларни шу ернинг ўзида ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш керак.

Бизнинг, масалан, ғалла, унни ташқаридан сотиб олиб келишимиз мутлақо мантиққа зиддир. Ота-боболаримиз ташқаридан ғалла келтиришни хаёлларига ҳам келтиришмаган. Нима учун? Чунки, биринчидан, бошқа минтақаларда етиштирилган буғдойнинг таркибида ўзга микроэлементлар бўлиб, янги жойдаги истеъмолчиларда турли хил касалликлар, шу жумладан, юқумли касалликларни туғдириши мумкин. Иккинчидан, ҳеч қандай ЭҲМларсиз улар яхши билишган – бошқа жойдан ғалла келтириш иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайди. Карвон хомашё билан эмас, тайёр маҳсулот билан савдо қилган. Учинчидан, ғалла мустақиллик белгиси. Нонсиз халқ, юрт эса ўзгаларга қарам.

Халқимиз пахта мустақиллигини таъминлаб, ғалла, озиқ-овқат ва бошқа турли зарур маҳсулотлар қарамлигига тушиб қолди. Биз ўзимизни ғалла билан таъминлашимиз керак. Шундай пайтлар бўлган эди. Ҳатто 50-йилларда Қашқадарё вилоятида етиштирилган буғдой бутун жумҳуриятни, Бойсун даштларида етиштирилган буғдой бутун Сурхон вилоятини шошириб қўярди. Қани ўша буғдойлар? Чорва ҳам тўқ эди.

Тўртинчидан, шу ерда етиштириладиган барча ер ости ва ер усти бойликларини шу ернинг ўзида тугал қайта ишлаб, уларни тайёр маҳсулотга айлантириш усулларини ўзлаштириш ўта муҳим вазифалардан бўлиб, тараққиёт ва даромад манбаидир.

Бешинчидан, жумҳуриятимизда туризмни ривожлантириш ташқи алоқаларни ўрнатиш ва уни мустаҳкамлашда ва шу йўл билан чет эл капиталини киритишда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, катта даромад манбаларидан биридир. Биргина Аҳмад Яссавий, Ҳаким Термизий, Абу Абдулло Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий мозорлари ва қадамжоларига зиёратни кенгайтиришнинг ўзи ўлкамизни мусулмон дунёсининг иккинчи Маккасига айлантириб юборади. Бизда бундай азиз жойлар кўп.

Жумҳуриятимиз иқтисодиётини тиклаш ва уни ташқи дунё бозори билан боғлашнинг нодир йўллари мавжудлиги табиий. Биз бу йўлларни ахтаришимиз, ўрганишимиз керак бўлади.

Фаннинг кучи нимада, деган саволга Л. Толстой амалиётда қўлланилишида, машҳур француз қомусчи олими А. Пуанкаре эса унинг кучи изланишда, деб жавоб берган эди. Биз бозор муносабатларининг қатламларини чуқурроқ ўрганишимиз керак. Шу мақсадда жумҳуриятимизда мустақил, биронта маҳкамага бўйсунмайдиган иқтисодий илмий текшириш институти ташкил қилиниб, у фақат бозор иқтисодиётини ва бу борадаги чет эл тажрибаларини ўрганиб, ҳукуматга тавсиянома тайёрлаб беришга йўналтирилса, фойдали иш бўлур эди.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати",
1990 йил 12 май

БОЗОРДАН БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ

Кейинги пайтда бозор теварагида баҳслар шунчалик қизидики, ўтган 70 йил давомида иқтисодиёт, хўжалик фаолиятидаги бирон-бир воқеа ҳали бунчалик кескин, зиддиятли мунозараларга сабаб бўлмаган. Ўз аҳамияти, кўлами билан у иқтисодий ҳодиса доирасидан чиқиб, кенг ижтимоий, сиёсий хусусият касб этди. Бу жиҳатдан уни, ҳеч муболағасиз, Октябрь инқилобидан кейинги энг йирик воқеа десак бўлади. Ўтиш қарор топгач, кўпгина мафкуравий қолиплар ўз-ўзидан синади, жамият аъзоси тақдирига у ёки бу даражада таъсир кўрсатилади. Бозор иқтисодиётига кўчиш расмий сиёсат даражасига кўтарилганининг боиси мана шу. Вилоят ва шаҳарларда қабул қилинган иқтисодиётни соғломлаштириш ва бозор муносабатларига ўтиш дастурлари, муддати, амалга ошириш йўлларидаги айрим фарқларига қарамасдан, мазмунан бир хил – бозорга тенг келадиган муқобил жараён йўқ, чунки инсоният бозордан самаралироқ механизмни ҳали яратмаган. Буни жаҳон тараққиёт тажрибаси ҳам тасдиқлаб турибди.

Нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш осон кўчмаяпти? Шов-шув, мунозаралар кўп-у, бозор иқтисодиётини шакллантириш бўйича белгиланган тадбирларни амалга ошириш кечикмоқда. Шунча гап-сўзлардан кейин ҳам бозорга ўтишни чиппакка чиқариш хавфи йўқ эмас. Бозор муносабатларига ўтишдан манфаатдор бўлмаган қатламлар, гуруҳлар, аниқ кишилар бор. Бу табиий. Биринчидан, соғлом бозор муносабатлари бошқариш органи ходимларини қулай моддий

таъминот ва имтиёзлардан маҳрум қилиб қўяди. Иккинчидан, маъмурий система бағрида шаклланган корхона ва хўжалик раҳбарлари катта қисмининг янги шароит талабларига жавоб бериши қийин. Учинчидан, меҳнаткашлар орасида текисчиликка, ижтимоий пассивликка кўникиб, айрим тармоқ ва минтақа меҳнат ресурсларига бўлган тақчиллик эвазига ўз иш жойларини эгаллаб турганлар ҳам анча. Улар ҳам бозорга ўтишга унчалик ишқивоз эмас, чунки бозорга ўтгандан кейин тер тўкиб ишлаш керак бўлади. Ва, ниҳоят, яширин иқтисодий ва кооперативчилик корчалонлари ҳам меъёрдаги бозордан, истеъмол бозорларининг мол билан тўлдирилиб, тақчилликка барҳам берилишидан, фонд ва ресурсларнинг ғайритабиий маъмурий тақсимланишига чек қўйилишидан манфаатдор эмаслар; бу бироз ғалати кўринса-да, аммо бор гап. Бу уларни осон ва мўмай даромадлардан маҳрум қилади. Иқтисодий демократиянинг негизи бозор механизмида жойлашган.

Биринчи навбатда ўз ҳузур-ҳаловатини, тирикчилигини ўйлайдиган, кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлмаган ана шундай кишилар мафкуравий қобиқда қотиб қолган мўътадиллар билан иттифоқда, матбуот ва оммавий ахборотнинг бошқа воситалари ёрдамида бозорнинг салбий образини яратишди. Ҳали бозорга ўтмасдан туриб, одамлар бозордан безиб колдилар. Бозор бу энг аввало нарх-навонинг кескин ошиб кетиши ва оммавий ишсизликнинг вужудга келиши деб уқтирилди. Ҳақиқатан шундайми? Умуман баҳоларни оширмасдан, ишсизликка йўл қўймасдан туриб ҳам бозорга ўтиш мумкинми?

Йўқ, ҳозирги баҳолар системаси билан меъёрдаги бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди. Бизда ҳамиша баҳолар талаб ва таклиф, қиймат қонунлари асосида эмас, балки ғайритабиий йўл билан, рақобат курашидан ташқарида, маъмурий усулда шаклланиб келди. Ахир оғир саноат ва машинасозлик, кўмир, газ, нефть, ўрмончилик материалларига, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига қўйилган харид баҳолари ижтимоий зарурий меҳнат ҳаражатларидан пастлигини кўпчилик

билади-ку. Шундай экан, хоҳлаймизми-йўқми, бозор муносабатларига ўтиш жараёнида айрим товарлар гуруҳига баҳолар кескин ошади, айрим гуруҳларига эса ҳозирги даражада ва ҳатто бундан ҳам паст баҳолар қўйилиши мумкин. Нархларнинг оммавий пасайиши бозор механизми қарор топиб, ишга тушиб кетгандан кейин, истеъмол бозори моллар билан мўл-кўл таъминланганидан сўнг рақобат натижасида юз беради. Шунинг учун ҳам бозорга ўтишнинг биринчи босқичида ижтимоий ҳимоя воситаларига, даромадларни индекслаш, нисбатан кам таъминланган аҳоли қатламларига компенсация ажратишга алоҳида эътибор берилади, "истеъмол саватига" кирувчи, яъни яшаш минимуми учун зарур бўлган озиқ-овқат маҳсулотларининг қатъий давлат нархи сақланади. Дотация ва субсидни энди илгаригидек ишлаб чиқарувчиларга эмас, балки истеъмолчиларга ажратиладиган бўлади. Мана шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтишни нарх-навони оширишдан бошламаслик керак, дейиш қуруқ сафсатабозликдан бошқа нарса эмас. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг муҳим шарт-шароитларидан бири баҳоларга эркинлик беришдир.

Эркин баҳолар бировнинг иродаси билан эмас, балки табиий равишда, иқтисодий қонуниятлар асосида юз беради. Лекин барибир бирон-бир мезонга, мўлжалга эга бўлиш керак-ку. Ана шундай мезон, мўлжал борми? Ҳа, бор. У ҳам бўлса жаҳон баҳоларидир. Улар ўзларида ижтимоий зарурий меҳнат ҳаражатларини кўпроқ акс эттиради. Биз бутунлай ўртача жаҳон бозори нархларига ўтмасак-да, мамлакат, жумҳурият ичида икки тоифада – ҳисоб-китобларни ташқи ва ички баҳоларда юритишимиз керак. Жаҳон баҳоларига мўлжал қилиш қайси турдаги товарларни ишлаб чиқаришни кўпайтириш, қайси турдагиларни камайтириш, ҳамиша ишлаб чиқариш тузугини ўзгартириб бориш, ички бозорни ташқи бозор билан боғлаш, қайси турдагиларни ички бозор учун, қайсиларини ташқи бозор учун ишлаб чиқаришни режалаштириш имконини беради. Масалан, Ғарбий Оврупо бозорида бир тонна ўрта толали нав пахта

1990 йилнинг майида (эркин алмаштириладиган валютани расмий курс бўйича сўмга айлантирганда) 1143 сўмга, ингичка толали нав эса 1238 сўмга баҳоланди. Мамлакат ичкарисида эса шунча пахтанинг улгуржи нархи бу вақтда мутаносиб равишда 2480 ва 3430 сўмга тенг бўлди. Хўш, биз учун пахтани ташқарига сотиш қулайми, ёки мамлакат ичкарисидами? Тўғри, бу ҳисоб-китоб расмий валюталар курси бўйичадир. Ҳа, сўмнинг оддий қоғоздан фарқи қолмаган, бунинг устига сўм ҳали эркин алмаштири-ладиган (конвертирланадиган) валюта бўлмаган ҳозирги пайтда пахтани чет элга арзонга сотиб бўлса ҳам унинг эвазига кўпроқ озиқ-овқат, кийим-кечак сотиб олиш мумкин. Аммо гап бу ерда иқтисодий таҳлиллар ва халқаро статистика таққослари учун фойдаланиладиган расмий курс устида бораяпти.

Тинч океан қирғоқларидаги бандаргоҳлар (портлар) омборларидаги Канада буғдойларининг улгуржи баҳоси ўтган йилнинг майида 112 сўм 74 тийин бўлгани ҳолда мамлакатимиз ичкарисида 130 сўмга, яъни 1,2 мартага юқори бўлди. Лондон биржасида кофе биздагига нисбатан 18,2 мартага, Нью-Йорк биржасида эса 9,4 мартага, Ғарбий Оврупа бозорларида СССРдаги нисбатга ўсимлик ёғининг улгуржи баҳоси 2–3 мартагача арзон. Энди яна бир гуруҳ истеъмол товарлари борки, уларнинг улгуржи баҳолари мамлакат ичкарисида ташқи бозордагига нисбатан анча паст. Масалан, Лондонда бир тонна мол гўшти биздаги давлат нархига нисбатан 2,6 мартага қимматроқ. Денгиз маҳсулотлари, жумладан: балиқ гўшти бўйича ҳам нисбат деярли шундай. ГФРда биздагига нисбатан оқ ноннинг нархи 6 мартага, қора нон эса 8,9 мартага қиммат. Бир қараганда гўшт ва буғдой сотиш бизга пахта ва ёғ сотишдан кўра иқтисодий қулайроқ туюлади. Лекин бу ерда баҳоларнинг нотўғри турганлигини эсдан чиқармаслик керак. Бизда гўштнинг паст нархи давлат томонидан ҳар йили ажратиладиган миллиардлаб сўм дотация ҳисобига таъминланади. Биз буни ижтимоий адолат деб ҳисоблаймиз, бу зарарларни алкоголь ичимликлар, кийим-

кечак (сунъий толадан ишланган), енгил автомобиллар ва бошқа харидоргир товарлар ҳисобига қоплашга ҳаракат қиламиз. Чунки улардан оборот солиғи тушади. Хўш, зарарни бир бало қилиб қопладик ҳам дейлик, лекин у ёки бу ишлаб чиқарувчини, айтайлик, гўшт ёки сут ишлаб чиқарувчини кўп ва сифатли маҳсулотни истеъмолчига етказиб беришда ким рағбатлантиради? Уларни айрим қонун ва фармойишлар ҳам, мукофотлар ҳам, ҳатто устама нархлар ҳам тўла рағбатлантиролмайди. Фақат бозор қонуниятлари асосида шаклланадиган соғлом баҳоларгина уларни тўла рағбатлантириши мумкин.

Баҳо сиёсати шундай нозик сиёсатки, у ишлаб чиқаришга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатади. Бизда эса баҳоларнинг асосан маъмурий, ғайриилмий шаклланиши оқибатида иккинчиси кўпроқ юз бермоқда. Асримизнинг 10–20-йилларида бир кило буғдойнинг баҳоси бир кило сутнинг баҳосига тенг бўлган экан. Албатта, бундай шароитда деҳқонлар ғалла ишлаб чиқаришдан манфаатдор эдилар. Ғаллачиликнинг ривожланиши ўз навбатида чорвачилик озуқа базасини ҳам мустаҳкамлади. Бу даврда мамлакат ўзини нафақат дон билан таъминлади, уни четга экспорт ҳам қиладиган бўлди. Ўрта Осиёда ҳам барқарор ғалла баланси мавжуд эди. Аммо кейинчалик ғалла қадрсизлана бошлади. Агар инқилобдан олдин қорамол тирик вазнининг бир килосига 3,5 кило буғдой тўғри келган бўлса, 60-йилларнинг ўрталарида 11 кило буғдой тўғри келди. Ҳозир улар ўртасидаги фарқ янада ошган. Натижада ғалла ишлаб чиқариш кескин камайди, унинг камёблиги вужудга келди, четдан дон олишга мажбур бўлдик. Бу ҳолат чорвачиликка ҳам салбий таъсир этмасдан қолмади. Ҳозир айрим минтақаларда бир кило сутнинг баҳосига 3–4 кило, бир кило қорамол гўштига 15–20 кило буғдой тўғри келади. ГФР, Нидерландлар, Буюк Британия, Дания, Франция, Бельгия ва Италия каби мамлакатларда бир кило сутнинг баҳосига 1,3–1,5 кило буғдой, бир кило мол гўштига 6,5–7 кило буғдой сотиб олиш мумкин экан. Кўриниб турибдики, бу мамлакатларда бизга

нисбатан буғдой 2–3 марта зиёд қадрланади, нон эса ундан ҳам юқорирок.

Бизда бир жуфт аёллар этиги ёки пальтоси сотиб олиш учун камида бир тонна буғдой ёки бир центнер қорамол гўштини етиштириб сотиш керак бўлади. Хўш, энди қайсисини ишлаб чиқариш қулайрок? Албатта, ғалла ва гўштни ишлаб чиқариш қулай эмас. Мана уларнинг тақчиллиги сабаби! Тўғри, баҳолардан ташқари гўшт, сут, буғдой етиштирувчи ёки пойабзал, кийим-кечак ишлаб чиқарувчининг ўзига ҳам эркинлик бериш, соҳибкорлик, тадбиркорлик, бизнес учун шарт-шароит бўлиши зарур.

Бозор юқоридагидек белгиланадиган қатъий баҳоларни эмас, эркин баҳоларни хуш кўради. Аммо ҳанузгача ёқилғи-энергетика ресурсларининг асосий турлари – кўмир, нефть, газ, ўтинга, металлар, машинасозлик маҳсулотлари – дастгоҳлар, кранлар, қишлоқ учун машиналар, энергетика ва тўқимачилик асбоб-ускуналари, тепловозлар, электровозлар, вагонларга, дон экинлари асосий турларига, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар дони, чой, гўшт, сут, жун, тамаки, нон, кунгабоқар ёғи, қанд ва бошқа маҳсулотларга нарх белгилаш иттифоқ даражасида турибди. Хўш, бу рўйхатдан ташқарида жумҳурият, маҳаллий ҳукуматлар ва ниҳоят эркин бозор учун нима қолаяпти? Бу энди бозор эмас, ҳатто ярим бозор ҳам эмас, балки чорак бозордир. Балки гап бошқариладиган бозор хусусида кетаётгандир? Аммо бозор фақат нарх орқалимас, асосан табақалашган даромад солиқлари орқалигина бошқарилади, тартибга солиб турилади. Тақиқланмагандан ташқари барча шаклдаги хўжалик фаолиятига ижозат этилади. Халқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқарадиган, ўз даромадидан жамғарма, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш имкониятини берадиган соҳибкор ва меҳнат жамоаларига имтиёзли солиқ тўлаш ҳуқуқи берилади ёки маълум муддатга улар солиқлардан халос қилинадилар. Жамоа ва фуқаролар даромадларидан ундириладиган солиқлар давлат ғазнаси даромад қисмининг асосий манбаи бўлиб қолади.

Биз ҳамиша истеъмол бозоридаги чакана баҳолар ҳақида кўпроқ фикр юритамиз. Аммо ишлаб чиқариш воситалари бозоридаги улгуржи баҳоларнинг аҳволини ва улар уйғунлаштирилиши кераклигини ҳам назардан қочирмаслик керак. Бунинг устига ишлаб чиқариш воситалари бозори ҳам истеъмол буюмлари бозорига кўплаб товарлар етказиб беради.

Бозор муносабатларига ўтиш билан оммавий ишсизлик юзага келади, деган ваҳима ҳам мавжуд. Бозор ва ишсизлик бир-бири билан боғлиқ тушунчаларми? Бозорга ўтишнинг дастлабки босқичида ишсизлик доираси ҳам кенгайиши мумкин. Бунга асослар бор. Бозор шароитида норентабель, иқтисодий зарар келтириб ишлайдиган корхоналар ёпилади. Таназзулга учраган корхоналарни энди давлат ўз паноҳига олмайди, улар ёҳуд ижара, ширкат мулкига айланадилар, ёки хусусий қўлларга сотиладилар, фаолиятларини бозор қонун-қоидаларига мувофиқ тугатадилар. Экологик талабларга жавоб бермайдиган корхоналарнинг бошига ҳам шу кун тушади. Халқ хўжалиги тузугининг такомиллашуви ва синган корхоналардан бошқа соҳа ҳамда корхоналарга ишчиларни ўтказиш эса маълум қайта тайёрловни, корхона ва ходимларнинг йўналишини ўзгартиришни талаб қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, бозорсиз ҳам биз ҳозир ишсизлик даражаси бўйича жаҳонда энг олдинги ўринлардан бирида турибмиз. Ўзбекистонда меҳнатга яроқли аҳолининг 1 миллиондан ортиғи (эмизикли ҳамда тўрт ва ундан кўп болали оналар бундан мустасно) ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашмаётган экан, бу банд бўлганларга нисбатан 15 фоиз ишсизлик демакдир. Бунинг устига йилдан йилга иш жойларини қуриб топшириш аҳоли табиий ўсишидан орқада қолмоқда. Шундай экан, бу кўрсаткич ўсиши давом этаверади. Ишсизлик даражаси 1988 йилда АҚШда 5,2 фоизни, Канадада 7,5, ФРГда 5,5, Францияда 9,5, Италияда 11,3, Бельгияда 9,0 фоизни ташкил қилди. Жаҳонда энг паст ишсизлик Японияда –2,2 фоиз. Бу кўрсаткич 10 йил давомида деярли ўзгармасдан келмоқда. Шу давр мобайнида Италия, Франция, ГФРда ишсизлик бироз ошган бўлса,

АҚШда камайди, Канада ва Бельгияда деярли ўзгармади. Тўғри, чет элда ва бизда ишсизлик даражасини ҳисоблаш услубида фарқ бўлиши мумкин. Масалан, уларда меҳнат биржаларида қайд қилинмаган, қисман ишсиз (ҳафтанинг бир неча кунида ишга эга бўлган) фуқаролар ишсизлар сафига киритилмайди.

Бизда бозорга ўтишнинг биринчи босқичида вужудга келадиган ишсизликни ишга тушадиган ўн минглаб майда корхоналар, хусусийлашган савдо, овқатланиш, маиший хизмат тармоқлари ўз бағрига олиши мумкин. Сир эмас, кўпинча давлат ўзини иш ҳақи тўлаётган қилиб, ишчилар, ходимлар эса ўзларини ишлаётган қилиб кўрсатишади. Амалда эса икки томон ҳам бир-бирини алдайди. Айрим тармоқлар корхона ва хўжаликлардаги иш ҳақи даражаси ишсизликка тўланадиган нафақадан юқори эмас.

Бозор иқтисодиётига ўтгандан кейин ишсизликнинг янги, иккинчи босқичи вужудга келиши мумкин. Гап шундаки, ички истеъмол бозори маҳаллий, мамлакат ва чет элдан келтириладиган товарлар ҳисобига тўйинтирилгандан кейин бозор ҳар қандай товарни тан олмай қўяди. Энди жаҳон стандартларига, истеъмолчининг такомиллашиб бораётган эҳтиёжи ва дидига мос, сифатли, замонавий услубда товар ишлаб чиқарувчиларнинг қўли баланд келади, бу талабга жавоб бера олмайдиганлар эса синадилар, янги меҳнат резерви армияси вужудга келади. Ишсизликнинг бу босқичи 8–10 йилдан кейин юз беради. Аммо энди юз берадиган ишсизликнинг кенгаюви унчалик хавфли эмас. Чунки давлатда ҳам, меҳнат жамоаларида ҳам ижтимоий ҳимоя учун сармоя жамғарилган, меҳнаткашларнинг ўзларида ҳам яшаш минимуми яратилган бўлади. Ишлаб чиқаришни бозор талабига, конъюнктурага мослаб, маҳсулот сифатини борган сари яхшилаб рақобатбоп моллар етказиб бериш ҳам мумкин. Аммо бу меҳнат малакаларини, техника ва технологияни узлуксиз такомиллаштириб боришни тақозо қилади.

Хуллас, жаҳон тажрибаси ва илмий фикрлаш шуни кўрсатиб турибдики, бозор – бу фақат нарх-наволарнинг

кескин ошуви ҳамда ишсизлик эмас. У пировард мақсад ҳам эмас. Бозор иқтисодиётни ҳалокатдан қутқарадиган восита. У айирбошлаш механизми бўлса-да, кишилардаги ва қобилиятларни тўлароқ намоён қилиш, уларнинг меҳнат фаоллигини ошириш, илмий техника тараққиётини жадаллаштириш орқали ишлаб чиқаришга қудратли таъсир кўрсатади. Бинобарин, иқтисодиётни соғломлаштиришнинг, халқ турмуш даражасини яхшилашнинг, маданиятли жамият қуришнинг бозордан бошқа йўли йўқ экан, уни ҳар қандай "изм"лардан халос қилиб, самаралироқ ишлаб чиқариш ҳақида бош қотириш керак. Акс ҳолда "Аврора"нинг гўллари яна ўқланиши мумкин.

"Халқ сўзи", 1991 йил 5 январь

УМИДВОР ЭРТА

("Гулистон" журнали мухбири билан суҳбат)

МУХБИР: Нурислом ака, бозор иқтисодиётига ўтиш жамиятимизнинг турли қатламларида қизғин муҳокама қилинмоқда. Бозор муносабатлари ёхуд эркин бозор иқтисодиёти тўғрисида фуқароларнинг тасаввурлари ҳали анча мавҳум. Шу борадаги фикрларингизни муштарийларимизга етказсангиз.

Н.Т.: – Халқимизда: "Ҳолва деган билан оғиз чучимайди", деган нақл бор. Бозор чуқур ижтимоий-иқтисодий ҳодиса бўлиб, ўз қонуниятларига эга, у қарийб 30 минг йиллик тараққиётнинг маҳсули.

Хўжалик фаолияти, соҳибкорлик, тадбиркорлик ва ишлаб чиқаришнинг ташкил қилувчиларига юқори даражада эркинлик бермасдан, хўжалик ташкилотларининг, корхона эгаларининг, барча меҳнаткашларнинг иқтисодий фаолият натижалари учун масъулиятини оширмасдан, ишлаб чиқарувчилар ўртасида рақобатга йўл очмасдан, давлатнинг тўғридан-тўғри хўжалик фаолиятига аралашувига барҳам бермасдан, мулк плюрализмига йўл бермасдан, шу жумладан ижтимоий мулкнинг айрим шаклларини хусусийлаштирмасдан, баҳоларнинг асосан эркин шаклланувига эришмасдан, ишлаб чиқаришдаги давлат монополияси даражасини пасайтирмасдан, иқтисодиётнинг очиқлигини таъминлаб, миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалик системаси билан боғламасдан ва бошқа зарур шарт-шароитларни ҳозирламасдан туриб, меъёрдаги бозор муносабатларига ўтиб бўлмайди.

Айтинг-чи, ўтган давр ичида юқорида саналган бозор омилларидан қайси бири тез суръатларда ривожланмоқда?

Бозор иқтисодиётига ўтиш кўп жойларда ҳозирча оқсаётган экан, демак унинг ўзига хос қийинчиликлари ва маълум даражада мухолифлари бор. Қийинчилик шундан иборатки, ҳозирги авлод бозор муносабатлари шароитида яшаб кўргани йўқ. Улар маъмурий-буйруқбозлик машинаси (системаси деб айта олмайман, чунки система анча етук, ўзини-ўзи бошқарадиган, тўла қарор топган организм) доирасида бевосита унинг таъсирида шаклланган. Ана шунинг учун ҳам бозор биз эришиб бўлмайдиган мураккаб, капитализмнинг ажралмас қисми сифатида, айрим ҳолларда эса шундай содда тасаввур қилинадики, уни Олой ёки Қўйлиқ бозоридан мутлақо фарқи қолмайди.

Ёрдамчи унсурларсиз, инфраструктурасиз бозор ҳозирги замон бозори эмас. Биржаларни бозорнинг севимли фарзандлари дейишади. Бу бежиз эмас, биржа (бозор) қимматбаҳо қоғозлар, ишчи кучи, ҳаракатсиз ёки ҳаракатдаги капиталлар сотиладиган ёки сотиб олинадиган марказдир. Шунга қараб валюта, меҳнат, фондлар ҳамда бошқа биржа турлари мавжуд. Гап мураккаб ҳозирги замон техникаси билан жиҳозланган система устида бормоқда. Масалан, Нью-Йоркдаги Фондлар биржасида бир кунда 160 миллион долларлик қийматга тенг акциялар қўлдан-қўлга ўтади. АҚШда биржалар бўйича махсус комиссия бўлиб, унда 1,5–2 минг киши ишлайди.

Биржалар фаолиятининг назорати Японияда молия вазирлигига юклатилган. Ҳозирги пайтда биржалар хизмат кўрсатадиган алоҳида ташкилотлар ҳам таркиб топмоқда. Алоқа канали, маълумотлар банки, ахборот ва реклама тармоқлари, қимматбаҳо қоғозларни сақлаш юмушини бажарадиган компаниялар шулар жумласига киради. Биржасиз бозор иқтисодиёти, махсус ёрдамчисиз, хизматларсиз эса биржанинг ўзи бўлиши мумкин эмас. Табиийки, бунда меҳнат, акция ва фонд марказларини, ўзларининг махсус хизмат кўрсатиш соҳалари билан биргаликда яратиш бир

ҳафтада, бир ойда, ҳатто бир йилда бўладиган юмуш эмас. Бу марказларда ишлайдиган махсус тайёргарликка эга мутахассислар тўғрисида гапирмасак ҳам бўлади.

Бозор мухолифларига келадиган бўлсак, бу бор гап. Маъмурий-буйруқбозлик машинасига мослашиб, қулай имтиёзларни қўлга киритган раҳбар ва аппаратчилар оз эмас. Текисчиликдан манфаатдор ўртамиёна ақл-заковатга, қобилиятга эга кишилар ҳам анчагина. Бу тоифадагилар бозорга ўтсак капитализмга қайтиш бўлади, нарх-наволар ошиб кетади ва ишсизлик кенгаяди, деб қўрқитилган омма билан иттифоқда ана шундай мухолифлар гуруҳини ташкил қилмоқда.

Биз бозорга айрим раҳбар ёки олимнинг инжиқлиги туфайли эмас, балки ҳодисаларнинг табиий ривожи орқали бормоқдамиз. Турмуш даражасининг пасайиши, инфляциянинг ўсиши, молия-кредит соҳасидаги чуқур инқирозлар бозор механизмига ўтишни муқаррар қилиб қўймоқда. Ботқоқлик томон кетишнинг олдини олишда бозор механизмидан самаралироқ чора сезилмаяпти. Бизда кўплаб иқтисодий ислоҳотлар ўтказилди: илк бора Н. Хрушчев, А.Косигин ва 1979 йилги ислоҳотларни бир эслайлик. Ниҳоят, бундан бир йил муқаддам Н. Рижков иқтисодиётни соғломлаштириш дастурини таклиф қилиб, уни СССР халқ депутатлари сессияси қабул қилган эди. Афсуски, мазкур ислоҳотларнинг биронтаси ҳам ўз ниҳоясига етмади. Жамият пойдевори бўлган мулк муносабатларида ҳамда мафкурада кескин ўзгаришлар ясамасдан туриб, ҳеч бир ислоҳотни охиригача етказиш мумкин эмас экан.

М.: – *Бозор муносабатлари бусиз ҳам халқнинг чирсиллаб турган асабига таъсир қилмайдими? Нарх-навонинг кескин кўтарилиши ҳақида миш-мишлар бўлаяпти?*

Н.Т.: – Бозор биз учун пировард мақсад эмас, балки иқтисодиётни оёққа турғазиш, молиявий аҳволимизни соғломлаштиришнинг бекиёс воситасидир. Агар бозорсиз ҳам иқтисодимизни соғломлаштириб, турмушимизни фаровон қилиш мумкин бўлганда бозорга ўтишнинг ҳожати йўқ эди.

Нарх-наволарнинг ошувига келсак, биз истаймизми, йўқми барибир улар ўзгариши керак. Чунки бизда баҳоларнинг ғайритабиий турганлиги, унда ижтимоий зарурий меҳнат харажатлари тўлиқ акс этмаслиги кўпчиликка сир эмас. Бозор шароитида баҳолар давлат назоратидан чиқиб, асосан талаб ва таклиф ҳамда қиймат қонунлари заминида шаклланиши керак. Баҳолар товар ишлаб чиқаришга кетган ижтимоий зарур меҳнат миқдорини акс эттириши зарур.

Табиийки, бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичида айрим товарлар гуруҳининг баҳоси кескин ошади, айрим товарлар баҳоси ҳозирги даражада қолади. Ҳатто баъзи бирлари ҳозиргидан ҳам паст баҳода бўлиши мумкин. Баҳолар даражасининг умумий пасайиши эса, мўл-кўл истеъмол бозори вужудга келтирилгандан кейин рақобат асосида юз беради.

Баҳоларнинг ошуви нима учун керак? У ишлаб чиқарувчини рағбатлантириш, истеъмол бозорини мўл-кўл таъминлаш учун керак. Биз эса ҳозирча чакана баҳоларни ошириш билан машғулмиз. 1990 йилнинг 15 ноябридан оширилган баҳолар фақат халқ истеъмоли моллари баҳоларига тааллуқли. Бу ишлаб чиқарувчини рағбатлантируви амри маҳол. У халқнинг қўлидаги товар билан таъминланмаган пулларни йиғиштириб олиш мақсадига кўпроқ хизмат қилади.

Дўкон пештахталарининг тўлиб туриши, улар олдидаги шармандали турна катор навбатларни тугатиш учун чакана баҳоларга эрк беришнинг ўзи кифоя эмас. Агар моддий ишлаб чиқаришда инқилобий ўзгариш бўлмас экан, истеъмол бозорининг қашшоқлиги илгаригича қолаверади. Чет эл моллари бир кун туради, икки кун туради, кейин дўконлар пештахтаси яна бўшаб қолади, яна узундан-узун навбатлар, олибсотарлик, асаббузарлик.

М.: – *Бозор иқтисодиётига ўтишдаги мамлакатимиз ва айниқса жумҳуриятимизнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида кўпроқ гапирилаётир...*

Н.Т.: – Сўзсиз умумий қонуниятлардан ташқари ўзимизга хос хусусиятлар бор. Югославия, Венгрияда иқтисодий

ислоҳотнинг дастлабки беш йилида сезиларли силжишлар бўлган эди. Аҳоли кўп жиҳатдан истеъмол моллари, озиқ-овқат билан таъминланган эди. Инфляция билан улар ислоҳотнинг кейинги босқичида дуч келади. Бир йил ичида поляк злотихи инфляцияси тўхтатилди: 78 фоиздан 1,8 фоизга туширилди. Бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун ортикча пул чиқариш кескин сусайиб, биринчи марта ички бозорда доллар ўз қийматини йўқота бошлади. Бунда миллий валютанинг конвертирланганлиги муҳим роль ўйнади. Бизда эса иқтисодий ислоҳот бошлангандан бери нукул оркага кетаяпмиз.

Шуни ҳам айтиш керакки, юқоридаги давлатларда бозор анъаналари бизга қараганда кўпроқ сақланиб қолган эди. Ва ниҳоят Польшада, халқ ҳали ҳукуматни қўллаб турган вазиятда бозорга ўтилаётир. Биз 1985 йил апрелидан бозор муносабатларига ўта бошлашимиз керак эди. Ҳозирги ҳукумат халк олдида ўз обрўсини анча кетказиб қўйди. Эндиликда биз ўз хусусиятларимиздан келиб чиқиб ўзимизга мос бозор турини ва унга олиб борадиган йўлни танлашимиз лозим.

Шартли равишда бозорнинг икки турини бир-биридан фарқлаш мумкин. Биринчиси, америкончa типдаги бўлиб, унда давлатнинг иқтисодий роли энг паст даражага туширилади. Масалан, Гонконг атиги учта вазифа билан шуғулланади: 1) баркарорликни, қонун олдида мамлакат барча фуқароларининг тенглигини таъминлаш; 2) инфраструктурани ривожлантириш йўли билан бизнес ва соҳибкорлик фаолиятларига юксак даражада шароит ҳозирлаш; 3) ўзи тўғрисида ғамхўрлик қилолмайдиган фуқаролар ҳақида қайғуриш.

Бу йўл бозорга ўтишнинг кескин, шиддатли йўли бўлиб, корхоналарнинг зарар келтириб ишлашини, дотацияларни тан олмайди. Бу йўл бир қарашда анча мафтункор бўлиб туюлса-да, аммо халқни, асосан унинг кам таъминланган табақаларини бир мунча уринтириб қўяди.

Иккинчи бозор Ғарбий Оврупа типидаги бозор бўлиб, нисбатан кучли, давлат ва ижтимоий назоратни тақозо

қилади. Иккинчи йўл бизга анча қўл келган бўларди. Негаки бизда бозор унсурлари шаклланмаган, бозор анъаналари бир неча авлодлар онгидан мутлақо чиқариб юборилган. Қолаверса, аҳолининг кам таъминланган қатламлари сон жиҳатдан анчагина. Масалан, жумҳуриятимизнинг 40 фоиздан зиёд фуқаросини ўн олти ёшгача бўлганлар ташкил этади. Лекин бу йўл узоқ давом этадиган, бозорга ўтишнинг, бюджетни мустаҳкамлашнинг, истеъмол бозорини яхшилашнинг нисбатан аста-секин йўли.

Аммо хавфли томони шуки, иккинчи вариантни рўкач қилиб, амалда бозорга ўтишни кечиктириш, маъмурий-буйруқбозликка асосланган марказий бошқарувнинг юзасини таъмирлаб, мазмунан сақлаб қолиш кайфиятлари мавжуд. Акс ҳолда ёқилғи-энергетика ресурсларига, машинасозлик маҳсулотларига, энергетика ва тўқимачилик ускуналарига нарх белгилаш марказ ихтиёрида қолдирилаётганини қандай изоҳлаш мумкин? Харид нархлари бўйича ҳам аҳвол шу тартибда. Ғалла экинларининг асосий турлари, пахта, қанд лавлаги, кунгабоқар, гўшт, сут, чой, жун ва тамакига ҳам нарх иттифоқ даражасида белгиланиши давом этмоқда. Жумҳуриятларнинг ихтиёрида нима қолади унда? Агар бошқариладиган бозор ниқоби остида асосий нарх-наволар марказ орқали бичиладиган бўлса, бу энди бозор эмас.

Бозор маъмурий ўрнатиладиган баҳолар орқали эмас, балки табақалашган солиқлар орқали бошқарилади. Халққа энг зарурий моллар ишлаб чиқарадиган, жамғарма берадиган, даромаднинг асосий қисмини ишлаб чиқаришни ривожлантиришга сарфлайдиган корхоналар, айниқса майда корхоналар ўз фаолиятининг дастлабки босқичида ёки маълум муддатгача солиқлардан озод қилиниши мумкин. Меҳнат жамоалари, соҳибкорлар қанча осон даромад олсалар, бюджетга шунча кўп солиқ тўлайдилар. Бу ғарбда оддий ҳодиса.

М.: – *Бозор иқтисодининг кўпроқ иқтисодий томонлари ҳақида гаплашаяпмиз, пул, бизнес – булар ҳаммани бугунгидан баттар елиб-югуришга, мажбур қилиб қўймайдими,*

яъни одамларни янада ҳиссиз роботларга айлантириб қўймайдими?

Н.Т.: – Фикрингизни тушундим. Бозор муносабатларига ўтиш билан капитализмни тиклаш хавфи кучаяётганидан ташвишланаётганлар ҳам озчилик эмас. Чехословакия, Венгрия, Польша каби Шарқий Оврупо мамлакатларида рекапитализация анча жадал бораяпти. Аммо бу мамлакатлардан, айниқса бизнинг мамлакатимиздан капитализмгача масофа ҳали анча узоқ. Қолаверса, ўша капитализмни ҳам қуриш керак. У 2–3 асрлик эволюцион тараққиёт маҳсули. Бироқ ҳозир гап капитализмга ўтиш ёки ўтмаслик устида эмас, балки самаралироқ иқтисодиётни барпо қилиш, халқнинг турмуш даражасини яхшилаш устида бормоғи керак.

Бозор механизмининг қудрати шундаки, у қобилиятларни, истеъдодларни тўла рўёбга чиқариш имкониятини беради. Инсон интеллектининг ҳамма қирраларини намоён этади. Хўжалик ва меҳнат фаоллигини оширади, фан-техника тараққиётини жадаллаштиради. Ҳозирги шароитдаги текисчилик талант ва қобилиятларнинг ғилофда қолиб кетишига сабаб бўлмокда.

Аммо бозорни бўяб-безаб кўрсатиш ҳам ярамайди, келажакдаги фаровон ҳаёт учун нималардандир воз кечиш керак. Товушқоннинг ўзғирлиги бўринининг борлигидан, агар бўрилар қирилиб кетадиган бўлса, товушқон чопишни эсдан чиқариб, ёғ босиб қолади. Худди шунингдек кишилар ҳам бозор шароитида ҳар хил тасодифларга шай туради. Ижтимоий ҳимояга зўр бериб, янги ялқовлар авлодини тарбиялаш мени, масалан, кўпроқ ташвишлантиради.

М.: – *Дарҳақиқат, бозорга ўтиш жараёнида аҳолининг қашшоқ гуруҳларига ижтимоий ҳимоя воситаларини кучайтириш ҳақида кўп гапирилаяпти. Бу ҳақда қарорлар, фармонлар чиқаяпти. Аммо биринчи навбатда бу воситаларнинг манбаи ва уни кўпайтириш йўллари ҳақида ўйлаш керакдир, албатта.*

Н.Т.: – Шубҳасиз, бу асосий масалалардан бири. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш воситаларининг ягона манбаи давлат,

жумҳурият ва маҳаллий бюджетлардир. Шунинг учун бюджет бозор иқтисоди шароитида жуда муҳим унсурлардан ҳисобланади.

Бюджет тақчиллигининг, халқ истеъмоли моллари тақчиллигининг бугунги даражаси, инфляция фалокатли тус олмокда. Пул эмиссияси (муомалага қўшимча пул чиқариш) 1989 йилда 19 миллиард сўмни ташкил қилган бўлса, 1990 йилда 30 миллиард сўмга етмокда, шундан 1,5– 2,5 миллиард сўми бизнинг жумҳуриятимиз ҳиссасига тўғри келади. Қандай қилиб мамлакат, жумҳурият ва маҳаллий бюджетлардаги тақчилликни бартараф этиш мумкин? Халқ манфаатларига зарар етказмай бюджет тақчиллигини камайтириш мумкинми? Ҳа, мумкин. Масалан, ишлаб чиқариш бўйича қурилишларга ажратиладиган, ҳарбий мақсадларда сарфланадиган бюджет маблағларини камайтириш, чет элларга кўрсатиладиган ёрдамнинг ҳамма турларини кескин қисқартириш, корхоналарга ажратиладиган дотация ва субсидияларни тўхтатиш, давлат аппаратини сақлаб туришга кетадиган харажатларни кескин чеклаш ва ҳоказо йўллар орқали бу мақсадга яқинлашиш мумкин. Давлат бюджетидаги тақчилликни камайтиришнинг мазкур йўллари анча қулайрок туюлади. Афсуски, жумҳуриятимиз шароитида конверсия қилинадиган ҳарбий корхоналар деярли йўқ, армия, давлат хавфсизлиги ва милицияга жумҳуриятимиз бюджетидан кетадиган харажатлар унчалик катта эмас. Бундан ташқари улардан ҳозир бутунлай воз кечиб ҳам бўлмайди. Бундан келиб чиқадики, уларга сарфланадиган маблағ маълум ҳажмда сақланиб қолади.

Бошқариш аппаратини қисқартириш ҳам катта маблағ тежашнинг имконини бермайди. Унга кетадиган маблағ жумҳурият давлат бюджетининг атиги бир фоизга яқинини ташкил этади. Бунинг устига давлат бюджети 1991 йилдан бошлаб яна бир манбадан маҳрум бўлади. Шу пайтгача давлат ижтимоий суғурта воситалари давлат бюджети даромадларини тўлдириш омилларидан бири бўлиб келарди. У бир миллиардга яқин сўмни ташкил этади. Аммо суғурта воситалари даромади ўз мақсади бўйича сарфланиши зарур. Кўриниб турибдики,

бюджет даромадларини тежаш ва кўпайтириш имкониятлари ҳам чекланган. Боз устига бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан аҳолининг нисбатан кам таъминланган табақалари учун қатор имтиёзлар бериш тадбирлари белгиланган – пенсиялар, стипендиялар, нафақалар оширилмоқда.

Шундай қилиб давлат бюджетини тўлдиришнинг икки манбаи: оборот солиғи (давлат бюджети даромади тушумининг 1/3 қисмини беради), корхона ва аҳолидан ундириладиган даромад солиқлари (давлат бюджети даромади тушумининг 1/4 қисмини беради) қоляпти.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, оборот солиғи хомашё етиштириладиган регионларда эмас, балки асосан қайта ишлов бериладиган, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариладиган саноат марказларида ҳосил бўлади.

Бозор даромад, фойда келтирадиган корхона ва хўжаликларни хуш кўради. Синган (банкрот бўлган), рентабеллик даражаси паст корхоналарни ижара, ширкатчилик ва бошқа жамоа ёки хусусий хўжаликларга айлантирилади. Иқтисодий лексиконимиздан "планли зарар келтириб ишлайдиган корхона" атамасини бутунлай чиқариб ташлаш керак бўлади. Чунки бозор бундай корхона, хўжаликни тан олмайди.

М.: – *Маълумки, бизда яқин-яқинларгача деярли ҳамма мулк давлатники бўлиб келган (кооперативлар, колхозлар бундан мустасно). Эндиликда мулкни давлатдан ажратиш ва ҳатто хусусий мулкка йўл қўйиш ҳақида сўз юритилмоқда. Бу қандай тартибда амалга оширилади?*

Н.Т.: – Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш (разгосударствление) бозор иқтисодига ўтишда асосий тугунлардан биридир. Ишлаб чиқариладиган маҳсулотларнинг катта қисми ўзаро айирбошлашга мулк эгалари томонидан эркин таклиф қилингандагина бозор пайдо бўлади. Бизда ҳозирча барча мулк объектларининг 80–85 фоизи давлат тасарруфида. Содда қилиб айтсак, бизда давлат ҳам олувчи, ҳам сотувчи, ҳам харидор.

Иқтисодий монополия ҳеч қачон рақобат ва бошқа бозор унсурларини ривожлантиришга олиб келмайди. Тўла бозорга

ўтиш учун кўп қиррали мулк муносабатларига ўтиш, майда ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш (приватизациялаш), иқтисодий монополияга барҳам бериш керак. Иқтисодий монополизм бозорни чала қилиб, ҳамиша уни маълум ҳалқада ушлаб туради. Мулкни давлатдан ажратиш ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш воситалари ва натижалари билан кўшиш имкониятини беради.

Албатта, хусусийлаштириш, майда ва ўрта ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш корхоналарини хусусий қўлларга сотиш кўпчиликни ташвишлантирмоқда. У капитализмни тиклаш хавфи, кескин табақаланиш хавфини туғдирмоқда. Аммо қонун йўли билан бойлик тўплашнинг ўсишини эмас, ёлланма меҳнат кучидан тўловсиз фойдаланишнинг ўсишини тақиқлайдиган йўлларни топиш керак. Масалан, иш кучини ёллашнинг маълум меъёрини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари йирик корхоналарни хусусий қўлларга сотишни тақиқлаш мумкин. Майда корхона ҳамда бошқа ишлаб чиқариш объектларини хусусий қўлларга сотишда нафақат пулдорлар, шу билан бирга ишбилармон, журъатли фуқаролар ҳам қатнашиши мумкин. Бундай шароитда уларга ишлаб чиқариш воситалари бепул ёки имтиёзли сотилиши мумкин.

М.: – *Бозор муносабатларига ўтишнинг яна қандай муҳим жиҳатларига эътибор бериш лозим?*

Н.Т.: – Бозор механизми тўлақонли ишлаши учун, мустақиллик, иқтисодий-сиёсий суверенитет муаммоларининг тўғри ҳал қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Аммо СССР халқ депутатлари сессиясида қабул қилинган "Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари"да нефт, газ, олтин, олмос ва қимматбаҳо тошлар, техника ва эҳтимол бошқа бир қатор товарлар рўйхатига кўра иттифоқдош жумҳуриятлар билан келишилган ҳолда умумиттифоқ экспорт ресурси бўлади, алоҳида баҳоланади, деб кўрсатилган. Агар шундай бўладиган бўлса, мустақиллик ҳақидаги декларациямиз қаерда қолади? Мулк тўғрисидаги қонун жуда ҳам асоссиз

равишда кечикиб қабул қилинди. Бу қонун нафақат аллақачон қабул қилиниши, балки самарали ишлаши керак эди. Агар жумҳурият мулки объектлари ажратилиб, биринчи навбатда жумҳурият халқи учун хизмат қилмайдиган бўлса, иқтисодий ва сиёсий суверенитет ҳам, мустақиллик ҳақидаги декларация ҳам моддий асосга эга бўлмайди, қуруқ ҳавойи гап бўлиб қолаверади.

"Гулистон", 1991, №1

Суҳбатдош Абдумажид Азим.

ўтиш учун кўп қиррали мулк муносабатларига ўтиш, майда ва ўрта корхоналарни хусусийлаштириш (приватизациялаш), иқтисодий монополияга барҳам бериш керак. Иқтисодий монополизм бозорни чала қилиб, ҳамиша уни маълум ҳалқада ушлаб туради. Мулкни давлатдан ажратиш ишлаб чиқарувчиларни ишлаб чиқариш воситалари ва натижалари билан қўшиш имкониятини беради.

Албатта, хусусийлаштириш, майда ва ўрта ишлаб чиқариш, умумий овқатланиш корхоналарини хусусий қўлларга сотиш кўпчиликни ташвишлантирмоқда. У капитализмни тиклаш хавфи, кескин табақаланиш хавфини туғдирмоқда. Аммо қонун йўли билан бойлик тўплашнинг ўсишини эмас, ёлланма меҳнат кучидан тўловсиз фойдаланишнинг ўсишини тақиқлайдиган йўлларни топиш керак. Масалан, иш кучини ёллашнинг маълум меъёрини белгилаш мақсадга мувофиқдир. Бундан ташқари йирик корхоналарни хусусий қўлларга сотишни тақиқлаш мумкин. Майда корхона ҳамда бошқа ишлаб чиқариш объектларини хусусий қўлларга сотишда нафақат пулдорлар, шу билан бирга ишбилармон, журъатли фуқаролар ҳам қатнашиши мумкин. Бундай шароитда уларга ишлаб чиқариш воситалари бепул ёки имтиёзли сотилиши мумкин.

М.: – *Бозор муносабатларига ўтишнинг яна қандай муҳим жиҳатларига эътибор бериш лозим?*

Н.Т.: – Бозор механизми тўлақонли ишлаши учун, мустақиллик, иқтисодий-сиёсий суверенитет муаммоларининг тўғри ҳал қилиниши муҳим аҳамият касб этади. Аммо СССР халқ депутатлари сессиясида қабул қилинган "Халқ хўжалигини барқарорлаштириш ва бозор иқтисодиётига ўтишнинг асосий йўналишлари"да нефт, газ, олтин, олмос ва қимматбаҳо тошлар, техника ва эҳтимол бошқа бир қатор товарлар рўйхатига кўра иттифоқдош жумҳуриятлар билан келишилган ҳолда умумиттифоқ экспорт ресурси бўлади, алоҳида баҳоланади, деб кўрсатилган. Агар шундай бўладиган бўлса, мустақиллик ҳақидаги декларациямиз қаерда қолади? Мулк тўғрисидаги қонун жуда ҳам асоссиз

равишда кечикиб қабул қилинди. Бу қонун нафақат аллақачон қабул қилиниши, балки самарали ишлаши керак эди. Агар жумҳурият мулки объектлари ажратилиб, биринчи навбатда жумҳурият халқи учун хизмат қилмайдиган бўлса, иқтисодий ва сиёсий суверенитет ҳам, мустақиллик ҳақидаги декларация ҳам моддий асосга эга бўлмайди, қуруқ ҳавойи гап бўлиб қолаверади.

"Гулистон", 1991, №1

Суҳбатдош Абдумажид Азим.

ОСИЁ ВА БОЗОР

Бозор инсоният цивилизациясининг улуғ ютуқларидан бири сифатида энг аввало Осиё ҳодисаси эканлиги тўғрисида манбаларда етарли далиллар бор. Унинг илк кўриниши инсон меҳнатининг натижаларини ўзаро айирбошлашда намоён бўлди. Бу ҳозирги бартерга (валютасиз бевосита мол айирбошлаш) жуда ўхшаб кетади. Дастлабки тасодифий, нодоимий айирбошлашлар аста-секинлик билан барқарор, анъанавий бўлиб, заруратга айланиб борди. Илк айирбошлашлар, этнографларнинг қайд қилишларича. Тинч океани ҳавзасида жойлашган Жануби-Шарқий Осиёдаги ҳозирги Малайзия ва Бруней давлатлари ҳудудида, Малайя архипелагининг энг йирик ороли ҳисобланадиган Калимантанда пайдо бўлган.

Профессор Ю.Юрьев этнограф ва археологларнинг тадқиқотларига таяниб бундан 30 минг йиллар олдин ҳам Полинезияда (Тинч океани марказий қисмида жойлашган орол) у ёки бу даражада маҳаллий буюмларни денгиз орти буюмларига доимий айирбошлаш (бозор) мавжуд эди, деган хулосага келади. Улар нон дарахти танасидан ясалган узун тор қайиқларда узоқ сафарларга отланганликлари маълум. Улар очиқ океанда ҳатто булутли ва тунги шароитларда ҳам сув орқали узоқ масофани босиб ўтганлар. Хўш, ўша вақтда инсон учун анча хавф-хатарли доимий денгиз йўллари нима учун керак бўлиб қолди? Балиқ овлаш учун бунчалик узоқ масофани босиб ўтиш шарт эмасди, жуғрофий кашфиётлар учун эса ҳали зарурат йўқ эди.

Уларни ҳаракатга келтирган ҳақиқий куч – меҳнат натижаларини айирбошлаш, ўзга дунёдаги инсон меҳнати яратган буюмлар билан ошно бўлиш эди. Меҳнат натижаларини айирбошлашга эришиш – бу, инсоният учун жуда катта инқилобий ўзгариш, ўз қобиғидан чиқиб, бошқа микроцивилизация мевасидан баҳраманд бўлиш эди. Машҳур француз тарихчиси Фернан Бродель айирбошлашни озодлик, ёриб ўтиш, бошқа дунёга эришиш имконияти билан тенглаштирган эди. "Ортиқчасини айирбошлайдиган кишиларнинг фаолияти, – деб ёзган эди у, – гўё Инжилдаги туя аввалига игнанинг кўзидан канчалик қийинчилик билан ўтгани каби худди шундай тор туйнукдан оз-оздан ўтиб боради. Кейин эса тешик кенгайиб, уларнинг сони ортади, жамият эса охир-оқибатда "умумбозор жамияти"га айланади".

Аммо бу ҳали ибтидоий айирбошлаш эди. Ҳозирги маданийлашган бозорга келгунга қадар айирбошлаш қатор эволюцион босқичларни босиб ўтди. Ўрта асрлардаёқ товар бозорлари ихтисослаша бошлади. Чакана бозорлар (пировард истеъмол талаби қондириладиган бозор) кўтара савдо бозори (хомашё, асбоб-ускуналар ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари сотиладиган бозор) дан ажралиб чиқди. Товарлар ярмаркаларда, биржаларда сотиладиган бўлди. Вақти келиб, товар бозорлари билан бир қаторда мустақил хизмат бозори (транспорт, туризм) ҳам дунёга келди.

Буюмни буюмга алмашлаш давомида аста-секин айирбошлаш объектлари орасидан кўпчилик тан оладиган, бошқа кўпгина буюмларга муқобил ролини ўйнай оладиган буюм ажралиб чиқди. Бу чорвадорларда бир бош қўй, ғаллакорларда маълум меъёрдаги дон, овчиларда мўйна берадиган ҳайвоннинг териси ва ҳоказо. Кейинчалик бу ўринни пул эгаллади. Тарих ва маданият ёдгорликлари шундан далолат беради, айирбошлаш муносабатлари Ўрта Осиёда, хусусан, ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида нисбатан анча эрта пайдо бўлди. Чунки бу ерда, аниқроғи, унинг жанубий вилоятларида, Амударё ва Зарафшоннинг қуйи оқими ва Фарғона водийсида, ҳали эрамизгача бўлган 3–2 мингинчи

йилларда деҳқончилик маданияти юксак даражада ривожланди. Худди ана шу даврда аҳолиси чорвачилик билан шуғулланадиган иккинчи соҳа ҳам пайдо бўлди. Деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланадиган аҳоли ўртасида нисбатан жуда эрта мунтазам айирбошлаш муносабатлари ўрнатилди. Бу ҳаётий зарурат эди. Шунинг учун ҳам бозор энг аввало Осиёга хос ҳодиса деб аташга тўла асослар бор. Аму, Сир ва бошқа дарёлар этаклари Нил, Дажла, Фрот, Хуанхэ ва Ганг дарёси бўйларидек қадимий маданият бешикларидан бўлиб, бу ерлар қадим замонлардан ўзига кўплаб аҳолини жалб этиб келди. Яна шуни ҳам ҳисобга олиш керакки, Ўрта Осиё бир тамондан Месопотамия ва Эрон, иккинчи томондан Хитой ва Ҳиндистон ўртасидаги боғловчи халқа эди. Бундай қулай табиий ва жуғрофий шароит уни урушлар, босиб олишлар майдонига ҳам айлантириб қўйди. Натижада халқлар, маданиятларнинг бир жойда марказлашувига олиб келди. Аммо маҳаллий маданият ҳамма вақт фақат ўзидан устун ва қадимийроқ маданият унсурларини қабул қилди. Араб ёзуви қадимий хоразм ва суғд ёзувини сиқиб чиқарди. Чунки араб маданияти маҳаллий аҳоли маданиятидан юқорирок эди. Мўғул маданияти ҳақида эса бу фикрни айтиб бўлмайди. Шунинг учун ҳам мўғул маданияти халқимиз маданияти тарихида деярли из қолдирмади.

Осиё ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос феноменидир. Агар антик маданият хуннлар ва вандалларнинг тўхтовсиз ҳужумлари таъсирида қулаган бўлса, бу ерда маданият инқирози аста-секинлик билан пишиб етилди. Бу урушлар омили ҳисобига эмас, кўпроқ иқтисодий омил – денгиз йўлларининг очилиши билан карвон йўлларининг халқаро аҳамияти пасайиши таъсирида юз берди. Уйғониш ва маърифатпарварлик антик дунёдан Оврупога Осиё орқали ўтди. Маълумки, ҳеч бир маданият бутунлай йўқ бўлиб кетмайди. У бошқа ўзига қулай ижтимоий-иқтисодий иқлимда, бошқа кўринишда ҳаракат қилади. Ўтмиш авлод яратган маданият ҳозир халқимизнинг анъаналарида, ахло-

қида яшамоқда. Ўрта Осиёда барча ишлаб чиқариш шакллари ўзларининг бетакрор хусусиятлари ва қирраларига эга бўлди. Ўлкамизда классик қулдорлик тузумининг бўлмаганлиги, яъни қулдорлик муносабатлари ижтимоий-иқтисодий ҳаётни бутунлай белгиламаганлиги фикримизнинг далилидир. Шу вақтнинг ўзида Бухоро ва Хивада қуллар, тутқунлар то Октябрь инқилобигача мавжуд эди. Феодал муносабатларнинг хусусиятлари шундан иборатки, у ерда деҳқон, масалан, Россиядагидек ер эгасига эмас, балки ернинг ўзига бириктирилган эди. Феодал муносабатлари билан бақамти қулдорлик шакллари яшаб қолди. Буларнинг ҳаммасига ер-сув жамоалари кўп жиҳатдан таъсир кўрсатди. Ер-сув жамоачилиги муносабатларини таркиб топаётган капиталистик муносабатлар ҳам ва ҳатто Октябрь инқилоби ҳам бирданига йўқ қила олмади. Улар 20-йилларнинг иккинчи ярмигача, то ер-сув ислоҳотини ўтказгунга қадар сақланиб қолди. Осиё цивилизацияси Оврупо ва антик цивилизациядан консервативрокдир. Бунинг сабаби шуки, бу ерда қадриятлар-да маънавий йўналишнинг роли устунрокдир. Бу йўналишнинг илдизлари минг йиллар давомида бетакрор маданият ва ижтимоий тараққиёт билан суғорилди. Шунинг учун ҳам Осиёда анъаналарнинг роли жуда ҳам катта.

Афсуски, қисқа вақт ичида бошқа қадриятлар билан биргаликда асрлар давомида тўпланиб, такомиллашиб келган савдо-тижорат, бозор маданияти ҳам йўқ қилинди. Бозор маданияти қанчалик тез йўқ қилинган бўлса, уни шунчалик тез қайта яратиб бўлмайди. Бозор, биз юқорида кўриб ўтганимиздек, узоқ тарихий жараён. Бозор муносабатлари учун шарт-шароит, муҳит ҳозирлаш, унинг асосий унсурларини қарор топтириш – бу масаланинг бир томони. Энг қийини кишиларда бозор маданиятини, тижорат психологиясини, тадбиркорлик руҳини тиклашдир. Бунинг учун эса кишиларимизни тарихий ҳақиқат, аждодларимиз анъаналари, бутун жаҳон бозор тажрибаси билан таништириш, ёшларни ўз илдизларига яқинлаштириш зарур.

Ўрта асрларда Ўрта Осиё бозори гавжум, турли-туман моллари билан кўзни қамаштирадиган ва ниҳоятда арзон бозор бўлган. Бу вақтда ишлаб чиқариш воситалари бозори ҳақида гап бўлиши қийин, албатта. Истеъмол буюмлари, хусусан, озиқ-овқат бозори анча тараққий этган эди. Бунинг асосий сабаби шундаки, бу ерда деҳқончилик маданияти устун эди. Ерга эгаликнинг ижара, шартнома ва ҳатто хусусий шаклларидан, хуллас, кўп қиррали мулкдан кенг фойдаланилар эди. Ерга хусусий мулкчилик тўғрисида гап кетганда, кўпинча бу бизнинг ўлка учун анъанавий эмас, деган важ илгари сурилади. Шундайми? Амир Темур даврида, масалан, ерга эгаликнинг бешта асосий шакли мавжудлиги тарихий манбаларда қайд қилинган-ку:

1. *Суюрғол ерлари*. Бу турлича катталикдаги ерлар бўлиб, давлат мулки ҳисобланган ерлардан ажратиб берилган. Бу ер наслдан-наслга ўтган. Суюрғол эгаси ердан фойдаланганлиги учун давлатга солиқ тўламаган. Бу ер эгалари асосан катта ер эгалари бўлиб, бу ерларда деҳқонларни ишлатганлар ва улардан ер солиғи – хирож ундирганлар.

2.*Тархонлик ерлари*. Бу ерлар хусусий мулк бўлиб, мулк эгасига бирон-бир хизмат учун берилган. Тархонлик ёрлиғини олгандан кейин ердан келадиган бутун даромадни ўзига қолдирган. Бундай ёрлиқга эга бўлган ер эгаси катта ҳуқуқларга эга эди. Ёрлиқ тўққиз пуштга қадар наслдан-наслга ўтган.

3. *Ушрий ерлар*. Ерга эгаликнинг бу шакли саид ва хўжаларга тегишли бўлган. Бу ерлардан олинадиган ҳосилнинг ўндан бир қисми давлатга тўланган.

4. *Вақф ерлари*. У масжид, мадраса, хонақо, мозор ва шунга ўхшаш жойларга тегишли бўлган. Ер, сув, вулқон, тегирмон, жувоз, бозор, сарой, қул ва пулни вақф қилиш одат бўлган.

5. *Аскарларга, аскар бошлиқларига хизматлари учун берилган ерлар* ҳам мавжуд бўлган. Кейинчалик Бухоро хонлигида Шайбонийхон даврида ердан фойдаланишнинг тўрт шакли мавжуд бўлгани ҳақида манбаларда гап юритилади.

Ерлар умуман давлатники бўлиб, лекин ундан турли хил шаклларда фойдаланилган. Шакл қандай бўлишидан қатъи назар мақсад битта – ерни ишлаш, ундан ҳосил ундириш ва бозорни мўл-кўл маҳсулот билан таъминлаш бўлган. Деҳқон учун ҳам қайси ва кимнинг ерида ишлашнинг фарқи бўлмаган. У фақат бир нарсани: яхши ишлаб, яхши ҳосил ундиришни, оиласини боқиб, яхши турмуш кечиришни ўйлаган. Шунинг учун ҳам тасодифий эмаски, бозорлар бу вақтда жуда обод бўлган. Ерга эгалик эса маҳсулот ва пул шаклида ундириладиган солиқлар орқали бошқарилган. Барча солиқлар ҳиссаси ундирилган ҳосилнинг учдан бир, баъзан эса ярмига тенг бўлган.

Ички ва ташқи бозор, айниқса Темур даврида янада ривожланди. Самарқанд атрофида янги қишлоқлар барпо қилиниб, улар шарқнинг буюк шаҳарлари номи билан аталди. Янги бозорлар, савдо расталари қурилди, шаҳар атрофида турли хил савдо кўргазмалари ўтказилди. Бу ҳақда испан элчиси Клавиходан ўқиб билиш мумкин. У Самарқанд ички бозорининг ниҳоятда бой ва арзонлигини таърифлаш билан бирга ташқи савдода тутган ўрнини ҳам юқори баҳолайди. Рим ва Татаристондан тери ва мато, Хитойдан энг яхши ипак тўқималари келади. Яна дунёнинг бошқа ерида топилмайдиган мушк, лаъл, дур ва гавҳар, бошқа ҳар хил қимматбаҳо буюм ҳамда дориворлар келтирилади. Хитойдан келтириладиган моллар қимматбаҳо бўлган. Ҳиндистондан майда атторлик моллари келтирилган. Темур даврида Самарқанд Шарқнинг йирик савдо марказларидан бирига айланди.

Ибн Арабшоҳ эса Хуросондан маъданлар, Ҳинд ва Синддан ёқут, олмос, Хитойдан атлас, нодир тошлар, мушк, бошқа юртлардан олтин, кумуш келтирилишини ёзади. Бу вақтдаги савдонинг кўлами ҳақида Клавихо Хонбаликдан (Хитой пойтахти) 800 туялик карвон келди, деб далолат беради.

Самарқанд ташқи бозорга мол ҳам чиқарган. Буғдой ва гуруч жуда кўп ва арзон бўлган. Карвонлар фақат савдо-

сотиқ билан шуғулланиб қолмай, юртлар, халқлар ўртасида умуминсоний қадриятларни ташувчи муҳим алоқа воситаси ролини ҳам бажарган. Карвон билан бирга олимлар, санъаткорлар шаҳарлар, давлатлар оша саёҳатга чиқишган.

Табиийки, Темур ва Темурийлар даврида кенг ривожланган савдо-сотиқ муносабатлари империянинг парчаланиши билан йўқ бўлиб кетмади. Фақат савдо-сотиқ маркази энди Самарқанддан Бухоро ва Хива хонлигига кўчди, холос. Бухорода бу вақтга келиб савдо-сотиқ билан шуғулланувчи маҳаллалар, чорсулар, савдо расталари, токлар вужудга келади. Бу ерда кўплаб усти ёпиқ бозорлар мавжуд бўлган. Айниқса, Тими Абдуллахон машҳур бўлган. Савдо йўллари тузатилади, карвонсаройлар, работлар, сардобалар, дарёларга янги кўприклар қурилади. Савдо халқ хўжалигининг муҳим тармоғига айланиб боради. Ўрта Осиёнинг қул бозори эса маҳаллий хусусий хўжаликларни ишчи кучи билан таъминлашнинг манбаларидан бири бўлиб келди.

Бухоро ва Хоразм хонлиги Иван Грозний билан элчи алмашиб дипломатик ва савдо алоқаларини йўлга қўяди. Москвадан морж тишлари, кўн, ов қушлари, ошланган тери, асал, мум, ёғоч идишлар, ойна, бахмал келтирилади. Ҳарбий қурол, металлдан тайёрланган буюмлар, совут харид қилинган. Россия ва Сибирга ипак, пахта ва улардан тўқилган газмоллар, қора кўл тери, гилам, қуруқ мева, атторлик моллари чиқарилган. Тошкент чармдан ишланган буюмлар, от терисидан баланд эгарлар, ўқдонлар, чодирлар, чопонлар, жойнамозлар, елкапўшлар, камонлар, қоғозлар, ғалла чиқарган.

IX–X асрларда карвон савдоси Жануби-Шарқий Оврупони Ўрта Осиё, шунингдек, Эрон ва Кавказ орқали Мўғулистон ва Хитой билан боғлаган. 922 йилда халифа Муқтадирнинг Булғорияга юборган улкан карвонида 3000 от ва туя, 5 минг киши бор эди. Карвонлар мол айирбошлар, пул ҳам ҳисоб-китоб бирлиги сифатида хизмат қиларди. Мусулмон савдогарлари Хитойда молни молга айирбошласа, Оврупода кумуш тангаларни ишлатганлар.

Карвон савдоси IX–X асрларда жуда ҳам ривожланди. Хазарлар ва булғорлар билан савдо олиб борилган. Асосий транспорт воситаси ўта чидамли икки ўркачли Бактрия туяси эди.

Оврупо ва Осиёда ўзбек, тожик, қозоқ, қирғиз, туркман савдогарлари умумлаштирилиб "мусулмон савдогарлари" деб аталган. Улар айни вақтда мусулмон маданиятини тарқатувчилар ҳам эди. Бу ҳақда академик В.Бартольд шундай ёзади: "Мўғул империяси ташкил топишининг ўзи кўп жиҳатдан Хитой ва Мўғулистон ўртасидаги савдо-сотиқни ҳам ўз қўлларида ушлаб турган мусулмон савдогарлари фаолияти билан изоҳланади" (Бартольд В.В. Место прикаспийских областей в истории мусулманского мира, стр. 131–137).

Савдогарлар бир юртдан иккинчисига фақат мол эмас, шу билан бирга маданият, урф-одатларни, диний эътиқодларни ҳам олиб юрган. Улар кўрган, билган юртларидан энг илғор фан ва маданият ютуқларини ўз юртларига олиб келишган. Улар орасида олимлар, шоирлар, ҳофизлар, табиблар ва бошқалар бўлган. Улар жуғрофия, математика илмларини пухта билишган. Чунки буларсиз кенг саҳрода, бўронли ва қоронғи тунларда карвонни илгари бошлаш қийин бўлган. Ўрта Осиёда 10–14 ёшли ўспиринларни тижорат сирларини ўргатиш мақсадида карвонларга қўшиб юбориш расм бўлган. Савдогарлик билан аёллар ҳам шуғулланишган.

XVI–XVII асрларга келиб Ўрта Осиё ва Россия орасида савдо алоқалари анча кучайди. 1464 йилда Хиротда темурий Абу Саид томонидан биринчи рус элчилари қабул қилинган эди. Савдо алоқалари XVI асрга келиб янада кучайишига туғилиб келаётган савдо капитализми катта таъсир кўрсатди. Бу савдо алоқалари буюк географик кашфиётлардан кейинги дастлабки савдо алоқалари эканлиги боис ҳам унинг аҳамияти ҳар икки томон учун беқиёс эди.

Ўрта Осиёнинг Россия билан савдо йўли бу ердан Олтин Ўрдага борадиган синовдан ўтган ишончли карвон йўли орқали ўтарди. Бу йўл анча қадимий бўлиб, XIII–XIV

асрларда ундан хазарийлар, аббосийлар, мўғуллар ва туркийлар фойдаланган эди.

XIV–XVII асрларда Ўрта Осиёдан Россияга юбориладиган асосий экспорт моллари ипак, ип-газлама эди. Россиядан Ўрта Осиёга эса инглиз мовути, мўйна, тери, ёғоч идишлар, игна, ҳар хил тўғноғичлар келарди. Хиваликларнинг Россиядан совут, қора соболь ва ҳатто чаркас қизини сўраганликлари тарихий манбаларда қайд этилган. Икки тамонлама мол айирбошлаш ҳар икки томон учун аҳамиятга эга эди. Бироқ рус шарқшуносларн бу савдо "биз учун зарарли эди", қандай турдаги молларни келтиришни сўраб қилинган мурожаатларни эса "доимий тиланчилик", "уларнинг қуруқ таклифлари", деб атайдилар. Нима учун Россия Ўрта Осиё билан бўладиган савдога, рус шарқшунос олимлари ёзганидек, ўзларига "зарарли" бўлишига қарамасдан катта аҳамият беради? Гап шундаки, бу алоқаларнинг нафақат савдо-тижорат, балки жуда муҳим стратегик ва транзит аҳамияти бор эди. XIV асрга келиб рус колонизацияси Урал, Тоболь ва Иртишга келиб қолган. Бухоро ва Хива билан дипломатик ва савдо алоқаларининг ўрнатилиши рус ҳудудларига бўлиши мумкин бўлган тажовузлардан сақларди. Иккинчидан, Москва Бухоро ва Хивага келгусида Ҳиндистонга ўтадиган транзит йўли сифатида қарай бошлади. Бу жиҳатлардан олиб қараганда, Н.И Веселовскийнинг "бу савдо бизга қараганда Ўрта Осиё учун зарур эди" деб таъкидлаши ишончсизроқ туюлади. Кўпчилик рус шарқшунослари Ўрта Осиёга ҳамкор сифатида эмас, балки анча юқоридан, димоғдорлик билан ва ҳатто ишончсизлик билан қарайди.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан мусулмон дунёсида маданий инқирознинг кучайиши ва Оврупо саноати қўлининг узил-кесил устун келиши билан шундай ҳолат қарор топдики, унга кўра пахта ишлаб чиқариладиган барча Шарқ мамлакатлари – Мисрдан то Ҳиндистонгача хомашё таъминотчисига айланиб қолди. Академик Бартольд келтирган маълумотларига кўра, XVIII асрда бир фунт пахта хомашёсининг нархи 10–15 тийин, пахта калавасиники 30–40 тийин

бўлган. Бу нарх XIX асрнинг иккинчи ярми, яъни руслар Ўрта Осиёга келгандан кейин ҳам деярли ўзгармади. Қизиғи шундаки, ўлкада етиштирилган пахта хомашёсининг рус саноатида қайта ишланиши 300 йиллик тарихга эга, бу тажриба ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда.

Пахта хомашёси асосий ҳажмининг (90 фоиздан зиёдроқ) жумҳурият ташқарисида қайта ишланиши туфайли қишлоқ хўжалиги экинлари орасида пахта ва ғалла ўрин алмашди. Ғалланинг ҳиссаси 20 фоизга тушиб қолди. Бу ҳол ўз навбатида чорвачиликка салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади. Агар яна инқилобгача бўлган даврга қайтадиган бўлсак, шуни таъкидлаш лозимки, бу даврда ўлкада саноатнинг ҳиссаси бутун халқ хўжалигида 30 фоизга ҳам етмасди. Хўжалик ҳаётининг асосий қисми қишлоқ хўжалигидан иборат бўлиб қолаверади. Шунинг учун ҳам, Ўрта Осиёнинг чет эл билан савдо алоқалари асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан иборат эди.

Қишлоқ хўжалигидан олинадиган даромадлар ўлкада халқ даромадларининг 60 фоиздан зиёдроғини ташкил қилар эди. Қолган қисми ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқлари – саноат, ҳунармандчилик корхоналари, савдо, транспорт ва бошқа соҳаларга тўғри келиб, улар ҳам қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ёки унга хизмат кўрсатишга асосланган эди. Қишлоқ хўжалиги халқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг 67,4 фоизини берарди. Саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида оғир саноат асосий ишлаб чиқариш фондларининг 12 фоизини ташкил қилиб, ялпи маҳсулотнинг икки фоизини берарди. Майда ҳунармандчилик саноати ҳиссаси эса анча юқори эди. У ички истеъмол бозорини ранг-баранг моллар билан тўлдиришда муҳим аҳамият касб этди.

Буюк ипак йўли инсоният тарихида биринчи марта Шарқ ва Ғарбни бир-бири билан боғлаган қитъалараро улуғ йўл эди. Хўш, нима учун бу йўл очилганидан буён ўтган 22–23 асрдан сўнг унга қизиқиш бунчалик қизғин тус олди? Гап шундаки, бу йўл орқали нафақат хитой ипаги бир юртдан

иккинчисига олиб ўтилар эди. Шу билан бирга турли тилда гаплашувчи, турли худоларга сиғинувчи, турли подшоларга бўйсунувчи эл ва элатлар, халқларни бу йўл бир-бирлари билан боғловчи ҳалқа вазифасини ҳам ўтар эди. "Буюк ипак йўли" атамасини биринчи марта немис олими К.Рихтгофен ўзининг 1877 йилда чоп этилган классик асари – "Хитой"да илмий таомилга киритди. Олимларнинг тахминича, милоддан олдинги 126 йил (Буюк ипак йўлига оид дастлабки маълумотлар шу санага оид) Буюк ипак йўли очилган сана ҳисобланади. Милодгача биринчи асрларда ва милоднинг бошларида Ғарб ва Шарқни боғловчи учта қитъалараро йўл мавжуд эди. Жанубий – денгиз йўли Мисрдан Ҳиндистонга борар эди, лекин Ҳиндистонда тугамасди: Ҳиндистон бандаргоҳларидан йўл яриморол ичкарисига ва Шимол орқали Бактрия томон кетарди. Ярим оролни айланиб ўтиб Жануби Шарқий Осиё мамлакатларига, Тинч океани ҳавзасида жойлашган халқларгача етиб борар эди.

Иккинчи йўл Буюк ипак йўлининг бевосита ўзи бўлиб, Римдан Ўрта ер денгизи орқали Сурияга, у ердан Месопотамия орқали Шимолий Эронга келарди. Ўрта Осиё, Шарқий Туркистон орқали Хитойга ўтиб кетарди.

Учинчи йўл дашт йўли бўлиб, Шимолий Қора денгиз бўйи шаҳарларидан бошланар, Россиянинг жанубий чўллари орқали Қозоғистонни ҳам қамраб, Жанубий Туркистонда Буюк ипак йўлининг одатдаги трассасига қўшиларди. Бу йўллар орасида энг йириги – "шоҳ йўли" деб ном олган, умумий узунлиги 2400 километрлик йўл эди. У Кичик Осиёнинг ғарбий қирғоғидаги Эфес шаҳридан бошланиб Месопотамия орқали Дажла дарёси бўйлаб Персеполь ва Пасаргада орқали борарди.

Қува шаҳри яқинидаги қадимий тепаликдан Будда ҳайкали ва Будда ибодатхонасининг топилиши карвон йўли ёқаларида работлар, ибодатхоналар қурилганидан, Хитой билан алоқалар жиддий бўлганлигидан далолат беради. Ўрта Осиёнинг Хитой билан савдо алоқалари икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга эди. Хитойликлар Фарғонадан

илгари ўзларига номаълум бўлган узум ва бедани топдилар. Фарғона шиша буюмлари, отлари ҳам Хитойда машҳур эди. Шу билан бирга Хитойдан Фарғонага ипакчилик, кумуш, олтин, темирга янада такомиллашган ишлов бериш усуллари олиб келинди. Хитойликлар маҳаллий аҳолини латтадан қоғоз тайёрлаш усули билан ҳам таништирдилар.

Милодгача II аср ва милодимизнинг III асрлари давомида Ўрта Осиёнинг савдо ва воситачилик роли янада ортди. Бу даврда кўчманчи ва ўтроқ аҳоли ўртасида ички савдо ҳам янада ривожланади. Тангалар зарб қилинади. Жуда катта Хитой империяси билан бевосита савдо-иқтисодий алоқада бўлиш, ғарбга Хитой молларини, Ғарб молларини эса Хитойга олиб бориш, Ҳиндистон билан савдо қилиш, шимол билан савдо алоқаларининг ўсиши – буларнинг ҳаммаси Ўрта Осиёни улкан "халқаро бозорга" айлантирди. Бактрия ва Фарғона виносининг, буғдойи ва меваларининг ҳамда Парфия ва Мароға темирининг шуҳрати бутун қадим дунёга тарқалган эди.

Буюк ипак йўлининг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, гарчи унинг равнақи кўп жиҳатдан исломгача содир бўлган ҳодиса бўлса, ҳам, ислом дунёсининг кенгайиши ва мусулмон маданиятининг юксалиши билан боғлиқ. Осиёнинг Тинч океани қисмидаги қатор мамлакатлар – Малайзия, Индонезия, Филиппин аҳолиси катта қисмининг ислом динини қабул қилганлигининг асосий сабабчилари мусулмон савдогарлари бўлса керак. Бу ердаги насроний аҳоли мусулмон савдогарларидаги ростгўйлик, диёнат, покизалик каби ижобий хислатлардан таъсирланган бўлсалар ажаб эмас.

Умавий халифалар, замонида мусулмонлар, аввало Мисрни, у орқали бутун Шимолий Африкани эгаллаб, 710 йилда Испанияга кириб бордилар. Араблар таъсири кучли бўлган Ишблия (Севилья) ва Қурдоба (Кордова) шаҳарларида испан-роман аҳолининг катта қисми исломни қабул қилди. Қурдоба муҳим тижорат ва ҳунармандчилик маданияти марказларидан бири бўлиб қолди.

Табиийки, Испаниядаги араблар ўз юртлари ва бутун ислом дунёси билан савдо, маданий алоқалар мустаҳкамланишидан манфаатдор эди. Буюк ипак йўлининг Пиреней ярим оролига етиб боришида ана шу омиллар катта роль ўйнаган бўлиши керак. Иккинчи томондан, араблар Шарқий Эрон орқали Хоразмга етдилар ва аста-секин маҳаллий Эрон ҳукмдорлари ва уларнинг турк иттифоқчилари қаршилигини синдириб Мовароуннаҳрни эгаллаб олдилар. Ниҳоят араб лашкарбошиларидан бири Мекран орқали Синдга ўтди. Шундай қилиб биринчи марта араблар ҳинд тупроғига ҳам кириб олдилар. Кейинчалик Маҳмуд Ғазнавий, Буюк Темур ва темурийлар бир неча бор Ҳиндистонни забт этдилар. Уларнинг ҳар бири карвон йўли орқали ўз ота юртлари билан доимо алоқада бўлиб туришга уриндилар.

Аббосийлар сулоласи ҳукмронлиги даври ўрта аср мусулмон маданиятининг ҳар томонлама ривожланиши билан ажралиб туради. Эрон ва эллинизм дунёсининг таъсири остида адабиёт, теология, фалсафа ва табиий фанлар гуркираб ривожланди. Бу даврни швейцариялик шарқшунос Адам Мец ҳақли равишда "мусулмон ренессанси" деб атаган эди. Иқтисодиёт ва савдонинг кенг тараққий этиши, айниқса, илгаридан анча обод бўлган Эрон, Ирок ва Мисрда кузатилди. Халифалик чегарасидан ташқарида бўлган вилоятлар, Жанубий Оврупонинг чўл районлари, Узоқ Шарқ, Ҳиндистон ва Африка билан ҳам кенг савдо алоқалари ўрнатилган эди.

Савдогарлар Хоразм, Астрахан, Нижний Новгород, Москва йўли билан Ганза кўлигача борар эдилар. Ҳирот – Қазвин – Табриз йўли билан эса генуяликларнинг, венецияликларнинг, пизаликларнинг савдо кемаларига тушиб Оврупога етардилар. Ниҳоятда қўркинчли, серуруш замонлар бўлишига қарамай, Темур ҳокимиятининг сояси тушган ерларнинг барчасида савдо жуда жонли ва хавфсизроқ эди. Ниҳоят, орадан шунча вақт ўтиб, жаҳон ўша қадимги савдо-тижорат йўлларига, Осиё бозорига катта қизиқиш ва умид билан қараётганлиги бежиз эмас.

Дарё ўз ўзанидан оқади. Биз ҳозир босиб юрган тупроқда яна бозор маданияти гуллаб-яшнашига тўла ишонч бор. Бунга Тинч океани ҳавзаси яна халқларни бирлаштирувчи восита бўлаётганлиги, айниқса, унинг Осиё қисмида бозор муносабатлари кенг қулоч ёзаётганлиги далил бўла олади. Япония бугуннинг ўзида қатор етакчи тармоқлар тараққиёти бўйича АҚШни йўлда қолдириб кетди. (Масалан, электроника саноати ва бошқа тармоқлар). Жаҳоннинг технологик ва иқтисодий маркази Тинч океани ҳавзасига кўчмоқда. XXI аср Тинч океани ҳавзаси, шу жумладан унинг Осиё қисми асри бўлади деб айтишга тўла асос бор, деб ҳисоблайди америкалик сиёсатшунос ва жамоат арбоби З.Бжезинский. Шунинг учун ҳам у "Америпония" деб аташ мумкин бўлган умум Тинч океани ташкилоти таркибида конструктив ҳамкорлик доирасида Япониянинг қудратидан, унинг ҳозир ва келажакда ўйнаши мумкин бўлган ролидан фойдаланиш Америка учун хавфсизроқ бўларди деб ҳисоблайди. Америка – Япония "ўқи" ташқи сиёсатни мувофиқлаштириб туриш, халқаро иқтисодий масалаларда биргаликда қарор қабул қилиш, йирик америка – япон корхоналарини бирлаштириш ва уларни ўзаро бошқариш, уларнинг раҳбарларини биргаликда тайёрлаш, Тинч океани қирғоқларини икки томондан қамраб олган умумий истеъмол бозорини барпо этиш ва бошқа мақсадларни кўзда тутади. Хўш, биз нима қиламиз? Тинч океани жараёнида ўзининг ўрнини олиш учун, аввало, сиёсий, миллий барқарорлик бўлиши ва меъёрдаги бозор муносабатларига ўтиш лозим.

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати",

1991 йил 7 июнь

БОЗОР – МИЛЛИЙ ҲОДИСА

Бозор иқтисодиётига ўтиш тўғрисида анча дадил илмий изланишлар, тадқиқотлар бўлаяпти. Уларда бозор иқтисодиётининг моҳияти ва унга қандай қилиб ўтиш йўллари умуман тўғри талқин қилинмоқда. Дарҳақиқат, бозор энг аввало тарихий ҳодисадир. Унга бирданига ёки қисқа вақт ичида ўтиш қийин. Чунки бозор фаолияти учун шарт-шароит, унинг асосий унсурлари ва инфраструктураси шаклланиши керак. Соҳибкорлар авлоди, бозор механизмини яхши тушуниб, уни бошқарадиган янги кадрлар отряди етишиб чиқиши лозим.

Бозор иқтисодиётининг яна бир муҳим томони унинг миллий воқеа эканлигидир. Яъни у аввало миллий, кейин эса байналмилал жараёндир. Миллий бозорсиз жаҳон бозори бўлмайди. Миллий (ички) бозорлар ривожланиб тўйинтирилгандан кейин халқаро бозорга қўшилади. Бизнинг жамиятимизга боғлаб олганда эса меъёрдаги бозор муносабатларига ўтиш учун энг аввало миллий тотувлик, мамлакат, жумҳурият фуқаролари ўртасида аҳиллик, келишув бўлиши керак. Аммо ҳозирча бундай аҳиллик ва тотувликнинг ўзи йўқ. Айрим жумҳурият ва халқларга менсимасдан, димоғдорлик билан қараш, уларни еб қочарликда айблаш, миллий адоват, фуқаролар, қонунлар, фармонлар, парламентлар, божхоналар уруши давом этмоқда. Буларнинг ҳаммаси бозор иқтисодиёти томон дадил юришни қийинлаштирмоқда. Мамлакатимиз, шу жумладан жумҳуриятимиз ҳам миллатлар конгломератидан иборат. Бозор иқтисодиёти йўлидан ривожланган капиталис-

тик мамлакатлар эса асосан мономиллатдан иборат. Итальянлар, японлар, греклар, французлар ўз мамлакатлари аҳолисининг 90 фоиздан зиёдроғини ташкил этади. Табиийки, бу мамлакатларда миллий муаммолар йўқ. Тўғри, АҚШ ва Канада каби мамлакатлар ҳам мономиллатдан таркиб топмаган. Аммо улардаги миллий-этник ва бошқа муаммоларни соғлом бозор муносабатлари, иқтисодий манфаатдорлик ва тараққиёт кейинги ўринларга суриб қўйган. Шундай қилиб бозор муносабатлари миллий консолидация жараёни ҳамдир.

Сепаратизм (ажралиб чиқиш) кайфияти кучайган давлатда миллий бозорни шакллантириш қўшимча қийинчиликларни келтириб чиқаради. Чунки бир хил воқеага турли хил миллат вакиллари ўз хусусиятлари ва манфаатларидан келиб чиқиб турли хил муносабатда бўладилар. Бир мамлакатда яшаб, алоҳида валюта, алоҳида нарх ва тарифларга ўтиш ягона ички бозор фаолияти талабига мутлақо зиддир. Миллий тотувликнинг йўқлиги, ўзаро уруш-жанжалларни келтириб чиқариб, умумий иқтисодиёт илдизига болта урмоқда.

Тақчиллик доираси кенгайиб, халқ турмуш даражасининг пасайуви жумҳуриятларни ва уларда яшовчи халқларни, турли миллат вакилларини бир-бирларига қарама-қарши қўйишни кучайтириб юборди. Бир жумҳурият бошқа жумҳуриятни текинхўрликда айблаши, ўз ночорлигининг сабабини бошқалардан қидириши ҳоллари юз берди. Бу ниҳоятда кулгили ва шармандали ҳолдир. Тўғри, 1988 йилда Ўзбекистон аҳолиси мамлакат аҳолисининг етти фоиздан кўпроғини ташкил этгани ҳолда ялпи ижтимоий маҳсулотнинг 3,5 фоизини, саноат маҳсулотининг 3,13, қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 4,6, транспорт ва алоқа хизматининг 2,5, савдо, умумий ва моддий-техника таъминотида яратиладиган хизмат ва маҳсулот қийматининг 4,3 фоизини берди. Жумҳурият миллий даромадининг ишлаб чиқарилган қисмидан фойдаланилган (истеъмол қилинган), давлат бюджетининг даромад қисмидан харажат қисми устун. Улар ўртасидаги фарқ иттифоқ ҳисобидан ажратиладиган маблағ

эвазига қопланиб келинди. Буларнинг ҳаммаси бор гаплар. Аммо, ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромаднинг асосан оғир ва қайта ишлаш саноати жойлашган марказларда ҳосил бўлиши, давлат ғазнасининг асосий даромад манбаларидан бири бўлган оборот солиғининг ўша марказларда вужудга келиши ҳам бор гап. 1990 йилга келиб жумҳурият шундай молиявий ҳолатга дуч келдики, оборот солиғи фақат алкоголь ичимликлари ишлаб чиқариш ва уни сотишдан тушадиган бўлди.

Нима қилиш керак? Қандай қилиб миллий бозорни шакллантириш, уни тўйинтириш керак? (Миллий бозор деганда жумҳурият бозори, ички бозор кўзда тутилаяпти). Миллий-этник адоватларни ва барча бошқа ички муаммоларни, ҳис-ҳаяжонларни иқтисодиётга, уни соғломлаштиришга, бозор иқтисодиёти механизмини ишга тушириб юборишга қаратилса яхши бўларди. Иккинчидан, халқ хўжалиги тузугини халқ истеъмоли томон, бозор талаби томон дадил буриш мақсадга мувофиқдир. Нима ишлаб чиқариш биринчи, нима ишлаб чиқариш иккинчи, учинчи даражали масала эканлигини бозорнинг ўзи белгилайди. Аммо иқтисодиётимиз тузуги бозор талабларидан ҳали анча йироқ. Бу ҳолда ички бозорнинг қашшоқлиги давом этаверади. Ташқаридан келтириладиган моллар билан бу ердаги ҳар куни, ҳар соатда пайдо бўлиб турадиган талабларни тўла қондириб бўлмайди.

Ялпи миллий маҳсулот таркибида аҳолига хизмат кўрсатиш соҳасида яратиладиган қийматларнинг ҳиссаси бизнинг мамлакатимизда АҚШга нисбатан деярли икки марта паст. Бу нисбат кейинги йилларда ўзгармасдан келмоқда. Гап шундаки, хизмат кўрсатиш ички бозорнинг муҳим унсурларидан биридир. У аҳоли пул даромадларини реализация қилиш шартларидан ҳисобланади. Кишиларга нафақат станок, трактор, самолётлар керак. Улар ўзларининг ранг-баранг маиший хизматга, сервисга бўлган эҳтиёжларини ҳам қондириши керак. АҚШ миллий маҳсулотида саноатнинг ҳиссаси бизнинг саноатимиз ҳиссасига нисбатан анча паст

(1,5 марта). Бу унчалик мақсадга мувофиқ эмасдек туюлади. Аммо уларда биздагидек ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқариш йўқ. Саноат маҳсулотларининг керакли қисми, харидоргири, халқ эҳтиёжларига хизмат қиладиган турлари ишлаб чиқарилади. Қурилишнинг ҳиссаси миллий маҳсулотда биздагига нисбатан икки марта паст бўлишига қарамасдан уларда уй-жой муаммоси биздагидек кескин бўлмаса керак. Қишлоқ хўжалиги ҳиссасининг миллий маҳсулотда жуда пастлигининг (2%) сабаби шундаки, бу ерда етиштирилган маҳсулотларнинг жуда катта қисми саноатда қайта ишлашдан ўтади.

Энди яхши бўларди бу икки мамлакатнинг иқтисодий кўрсаткичларини жумҳуриятимиз кўрсаткичлари билан солиштириш имкони бўлса. Аммо бундай имконият йўқ. Жумҳуриятимиз статистикасида ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш услубини ўзлаштириш ва уни амалиётга жорий қилиш ҳанузгача ҳал этилмаган. Бу халқаро солиштиришларни қийинлаштиради. Агар жумҳурият халқ хўжалигидаги ялпи ижтимоий маҳсулот ва миллий даромад таркибини олиб қарайдиган бўлсак, бу ерда хизмат кўрсатиш соҳасининг (транспорт, алоқа, савдо, моддий-техника таъминоти, тайёрлов ва бошқа тармоқлар) ҳиссаси ҳаммаси бўлиб мувофиқ равишда 10 ва 16 фоизни ташкил этади, холос. Шунга кўра ялпи маҳсулот ва миллий даромадда саноатнинг ҳиссаси анча баланд.

Иқтисод халқларни, юртларни ўзаро туташтириш имкониятидир. Бутун жаҳон умумий бозор теварагида, муштарак хўжалик ечимлари атрофида бирлашмоқда. Чегара, паспорт, армия, полиция, божхона, пул ва бошқа вақтинча унсурлар борган сари рамзий тус олиб бормоқда. Бизда эса кейинги пайтларда сепаратизм авж олди. Бунинг сабаби қашшоқликдир. Барча очларни бир жойда ушлаб бўлмайди. Улар бир-бирларини кемириб ташлашлари мумкин. Агар шундай бўлмаганда ҳам ўз очлигининг айбдорини ахтаришга тушиб кетган ва "айбдорни" аллақачон топган бўларди.

Чет эллик соҳибкор, бизнесмен, масалан, агар синадиган бўлса, у ҳеч маҳал бунинг сабабини миллий келиб чиқиши

билан изоҳламайди. Агар у шундай қилса, бу анча нотабиий, ҳақиқатга зид бўлиб чиқарди. У шундай деб ҳисоблаганда ҳам атрофдагилар унга ақлдан озган киши сифатида қарашар эди. У буни яхши билади ва шунинг учун ҳам уни ортиқча фожиага айлантирмайди ва "начора, омадим келмади", деб қўяди. Бизнинг шароитимизда эса бирон-бир мансабга эришолмаган киши бунинг сабабини жуғрофий келиб чиқишидан, миллатидан ахтаради. Ўзбекистондаги олий ўқув юртларига ўтолмаган бошқа миллат вакили ҳам бунинг ўзагини ўзбек бўлмаганлиги билан боғлайди. Бошқа жумҳурият олий ўқув юртларига кира олмаган ўзбек талабаси ҳам шундай хулоса чиқариши аниқ. Паспортдан тортиб, ишга жойлашиш ва ҳатто меҳмонхонадан ўрин олишни расмийлаштириш варақасига миллатини кўрсатиш лозим. Бу нимагадир шама қилаётгандек, маълум жойда, маълум миллат вакилларининг имтиёзли эканлигини таъкидлаётгандек бўлиб туюлади. Аммо, товар ишлаб чиқаришнинг суръати, сифати ва кўлами миллатга эмас, меҳнат кишисининг қобилиятига, билимига боғлиқ. Миллати биринчи ўринга суриладиган жойда ҳеч бир халқ ўзининг кучли вакиллари билан қатнаша олмайди. Яхшилари қолиб, нолойиқлари яхши миллий кадрлар сифатида илгари сурилади. Заиф кишилар, табиийки, ўз атрофига заифларни тўплайди, уларга таянади. Муҳим ўринларга қобилиятига қараб эмас, қариндош-уруғчилик, ошна-оғайнигарчилик, ҳамшаҳарлик, ҳаммиллатлик белгиларига қараб тавсия қилинади. Аммо буларнинг ҳаммаси охир-оқибатда стагнацияга, чиришга олиб келади. Табиий танланиш йўқ жой борган сари ожизлашиб, кейин албатта йўқ бўлиб кетишга олиб келадиган йўлдир. Мулкка эгалик, масъулият, умид ва келажакка ишонч ҳисси, рақобат кураши, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти, ҳаётни янада завқлирок қилишга интилиши ана шундай кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиши мумкин.

Биз Ўш воқеаларидан бироз олдин "Шарқ юлдузи" ойномасида (1990 йил, 4-сон, 138-бет) шундай деб ёзган

эдик: "Ерга икки томондан – бир томондан территория, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш воситаси сифатида қараш лозим. Территория сифатида ер жумҳуриятники, ишлаб чиқариш воситаси сифатида эса ишлаганникидир. Бу ер нафақат туб аҳолига, балки шу ерда яшаётган барча аҳолига қарашлидир". Аммо бу оддий қоидага хилоф ҳаракат Ўшдаги қонли тўқнашувга туртки бўлди. Шунга қарамасдан, шу йил Қирғизистон Олий Советининг навбатдан ташқари сессияси президент А.Акаевнинг ветосини инкор этди. Яъни жумҳуриятда ер фақат қирғизларга эмас, балки Қирғизистон халқини ташкил этувчи барча миллат ва элатларга тегишли эканлиги тўғрисидаги ер кодексига ўзгартириш киритиш ҳақидаги президент таклифи кўпчилик овоз билан кун тартибига киритилмади. Бу энди ер ва унинг бойликлари жумҳуриятда фақат қирғиз халқига тегишли демакдир. Мен бу билан қўшни жумҳурият парламенти қарорига оппонентлик қилмоқчи эмасман. Асло ундай эмас. Мен фақат бир жойда яшаб, бир арикдан сув ичадиган ҳар хил миллат вакилларининг манфаатларига бир хил муносабатда бўлмасликка қўшила олмаслигимни ва бу қадар бир томонлама қонунлар қабул қилишдан жумҳуриятимиз парламенти йироқ эканлигидан мамнунлигимни таъкидламоқдаман холос.

Фуқаролар келишуви ва бирдамлиги асосида ички бозор товарлар билан мўл-кўл таъминлангандан кейин ташқи иқтисодий фаолият, яъни ташқи бозорга чиқиш учун қулай истиқбол очилади. Табиийки, миллий бозорнинг тўйинтирилишида чет эл капитали ёрдамида ўзаро манфаатдорлик асосида қурилган қўшма корхоналар катта роль ўйнаши мумкин.

Халқаро бозорга қолоқ саноат ва қишлоқ хўжалиги билан қандай қилиб чиқиш мумкин? Бу борада албатта яхлит андоза ёки тавсия йўқ. Бу масалада жумҳуриятнинг бой иқтисодий потенциали ва жўғрофий ўрни тенгсиз капитал бўлиши мумкин. Бизда кўпинча, меҳнатсевар ажойиб халқимиз бор, дейишади. Бу тўғри. Аммо, халқни ҳали тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш, уларни жадал ва самарали ишлашга ўргатиш керак. Биз шиддат билан ишлашдан чиқиб

кетганмиз. Малакали ишчи кадрлар кам. Кетмон билан эса халқаро бозорга чиқиб бўлмайди. Бой иқтисодий потенциалдан фойдаланиш жумҳуриятнинг иқтисодий суверенитети билан боғлиқ.

Жумҳуриятмиздан Осиё ва Оврупони боғловчи трансконтинентал йўл ўтади. Илгари бу карвон йўли эди, энди эса унга ҳаво, темир ва автомобиль йўллари қўшилди. Форс кўрфазидаги уруш ва ҳозирги вазият ўлкамизнинг транзит йўли сифатидаги илгариги ўрнини тиклашни тақозо қилмоқда. Агар бу ердан ўтадиган барча йўллар халқаро йўллар билан туташтириладиган бўлса, жумҳурият ўзининг Сувайш ва Панамага ўхшаш ҳаво ва қуруқликдаги иқтисодий қон томирига эга бўлади. Темир ва автомобиль йўллари билан Хитой орқали буюк океанга чиқиб олиш имконияти очилади.

Ўзбекистон меҳнат ресурсларига бой, иқлими мева ва сабзавот етиштиришга қулай. Лекин сувга тақчил ўлка. Бунинг устига яқин келажакда сув, айниқса, ичимлик суви биринчи стратегик хом ашёга айланиши мумкин. Россия, хусусан рус шимоли эса сувга бой. Икки жумҳуриятдаги фақат ана шу икки имкониятни интеграциялаш (агар улар бутунлай янгича иқтисодий муносабатларга қуриладиган бўлса) жуда катта натижалар бериши мумкин. Шунинг учун ҳам Сибирь дарёлари сувининг бир қисмини жануб тамон буриш кун тартибидан тушмайдиган муҳим муаммолардан бири бўлиб қолаверади. Бу масала жумҳурият раҳбарлари ёки айрим олимларнинг инжиқлиги эмас, балки объектив заруратдир.

"Ҳаёт ва иқтисод",
1991, №11

БОЗОР ВА ҲАҚИҚАТ

Ўлкамиз жаҳонда табиий ресурсларга бой мамлакатлардандир. Бизда турли хил маҳсулотларни етқазиш учун кенг экин майдонлари, йирик индустриал база, жуда катта олимлар армияси, қисқаси, жамият эҳтиёжларини тўла қондириш учун зарур бўлган барча омиллар бор. Лекин, шунга қарамасдан, кейинги пайтларда биз энг қашшоқ давлатлар қаторига тушиб қолдик, мамлакатимиз кескин танқислик жамиятига айланди. Боиси – бизда шахсий манфаат ва меҳнат натижалари ўртасида тўғридан-тўғри боғлиқлик йўқ. Мамлакатда кўп ислоҳотларга қўл урилди. Жумладан, 1953, 1965, 1979 йиллардаги ислоҳотлар аслида ёмон тадбирлар эмасди. Лекин уларнинг ҳеч бири охирига етмади. Чунки шахсий манфаат ва меҳнат натижалари ўртасидаги алоқани яхшилаб бўлмади.

Табиат ресурсларининг, ер, сув, ўрмон, қазилма бойликларнинг ҳам чеки-чегараси, адоғи бор. Улардан пала-партиш фойдаланиш, хом ашёни арзон нархда ташқарига сотиш – бу кўп жиҳатдан келажак авлод ҳисобига яшаш демакдир. Бизда эса, маъмурий-буйруқбозлик тартиботи даврида ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи ўртасидаги алоқанинг заифлиги экстенсив омиллардан кенг фойдаланиш ҳисобига наридан бери компенсация қилиниб келинди. Экстенсив омилларнинг борган сари ўз имкониятларини тугаллаб бориши, интенсив хўжалик юритиш механизмининг яратилмаганлиги бугунги танқисликни, иқтисодий тангликни келтириб чиқариши аниқ эди. Мамлакатда 1988 йил ўрталаридан

бошланган иқтисодий танглик 1990 йилнинг ўрталарига келиб янада ҳалокатли тус олди.

Хўш, иқтисодий танглик нима? Агар соғлом жамиятда миллий даромад ишлаб чиқариш йилига 1 фоизга, меҳнат унумдорлиги 0,6 фоизга пасайса, инфляция даражаси 6–8 фоизга етса, иқтисодий танглик бошланган ҳисобланади. Ҳукумат кризисга қарши чора-тадбирлар кўришга мажбур бўлади. Бизда эса миллий даромад ишлаб чиқаришнинг кўлами 1988 йилдан бошлаб йилига 2 фоиздан пасайиб борди. Мустақил экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, бу кўрсаткич амалдаги расмий кўрсаткичдан камида 3–4 марта юқори эди. Инфляция даражаси эса 1991 йилга келиб йилига, кварталига, ойига эмас, ҳафтасига ўсди. Буларнинг ҳаммаси халқ турмуш даражасига салбий таъсир кўрсатди.

Ишлаб чиқариш кўламининг борган сари пасайиб бориши айниқса Ўзбекистон жумҳуриятидек кескин демографик шароитда яшаётган регионларда аҳоли турмуш даражасига янада кучлироқ таъсир кўрсатди. Саксонинчи йиллар охирида Ўзбекистон аҳоли жон бошига миллий даромад ишлаб чиқариш, реал даромад, иш ва меҳнат ҳақи, меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўйича иттифоқдош жумҳуриятлар орасида фақат Тожикистондан юқорида турар, барча иқтисодий, ижтимоий кўрсаткичлар бўйича ўртача иттифоқ кўрсаткичидан жиддий орқада қолиб кетган эди. Бас, шундай экан, қайси томондан нажот кутиш мумкин? Балки бозор муносабатларига ўтиш ва шу йўл билан инсондаги, табиатдаги бор имконият ва қобилиятларни ишга тушириб юбориш қўл келар. Ҳар ҳолда, энди эскича яшаб, эскича ишлаб бўлмайди, акс ҳолда, пастга қараб сирғалиш давом этавериши мумкин.

Халқ хўжалигининг амал қилиб келган тузуги экстенсив тараққиёт маҳсулидир. У ўзида иқтисодий заруратни эмас, балки қатъий марказлашган маъмурий бошқаришни ва унинг юраги – режали ривожланишни акс эттиради. Қатъий режа асосида ривожланадиган иқтисодиёт эса ўз-ўзини ўстиришга қодир эмас. У танқисликни, ишлаб чиқариш монополизмини ҳар куни, ҳар соатда такрор ишлаб чиқариб туради. Халқ

хўжалигида ижтимоий аҳамияти кам бўлган, халқ эҳтиёжларини қондиришга эмас, балки ишлаб чиқариш учун ишлаб чиқарадиган соҳалар, корхоналар ҳиссаси баланд эканлиги фикримизнинг далилидир.

Халқ хўжалиги тузугини халқ эҳтиёжлари томон сезиларли даражада бурмай туриб, танқисликка барҳам бериб бўлмайди. Бу тузукка таъсир қиладиган самарали механизм эса бозордир. Бозор шароитида ижтимоий эҳтиёжлар тан олмаган соҳалар ўз-ўзидан барҳам топади. Давлат ҳам бозор тан олмайдиган, бунинг устига иқтисодий зарар келтирадиган соҳа ва корхоналардан воз кечади. Бевосита халқ эҳтиёжига хизмат қиладиган, хазинага маблағ берадиган ишлаб чиқариш эса рағбатлантирилади.

Танқисликни келтириб чиқарадиган шарт-шароитлардан яна бири ишлаб чиқариш монополизмидир. Монополизм истеъмолчидан танлаш ҳуқуқини тортиб оладиган, шу тариқа бозорда якка ҳукмронликни қўлга киритадиган даҳшатли ялмоғиздир. Айтайлик, бозорда мол ва хизматларнинг қандайдир бир турини фақат бир корхона таклиф қиладиган бўлса, бозорга келган харидор мол (хизмат) таклиф қилувчининг барча шартларини қабул қилади ёки қуруқ қайтиб кетади. Яқин вақтларгача монополизм капитализмга хос иллат деб ҳисоблаб келинди. Монополизм эса иқтисодиётда, у орқали жамиятнинг барча жабҳаларида ўзининг мавқеини мустаҳкамлаб борди.

Одатда танқислик қондирилмаган талаб сифатида вақти-вақти билан ҳар қандай бозорда вужудга келиши мумкин. Бу ҳодисага барҳам бериш янги харидоргир моллар пайдо бўлиши билан боғлиқ. Айрим молларнинг миқдори дастлаб чекланган экан, унга харид талаби маълум вақтгача қондирилмасдан қолиши мумкин. Бундай шароитда товар ишлаб чиқарувчи бошқа бир товар ишлаб чиқарувчи худди шунақа ишлаб чиқаришни йўлга қўйгунга қадар бозорда монопол ҳуқуққа эга бўлади, шундан фойдаланиб вақтинча қўшимча фойда олиб туради. Арзон қўшимча фойда харидоргир мол ишлаб чиқариш йўли билан уни қўлга

киритишни хоҳловчи рақобатчиларни эртами-кечми, албатта, ўзига жалб қилади. Натижада, рақобатчи маҳсулот тури ишлаб чиқарилиши билан дастлаб янги маҳсулот ишлаб чиқарган корхонанинг монопол мавқеига путур етади, унинг устунлиги бартараф қилинади. Шундай қилиб, монополизм соғлом жамиятда вақтинча характерга эга. Бунинг устига антимонопол, антитрест қонунлари, солиқлар, имтиёзлар (кредит, ссуда бериш) орқали доимо унинг қаршилиги синдириб турилади.

Социализм хўжалик юритиш соҳасидаги ўзининг дастлабки фаолиятини халқ хўжалигини марказлашган режа асосида ташкил қилиш йўли билан бошлади. Бу билан амалда монополизмни қонунлаштирди. Давлат бозордаги реал аҳволни ўзида акс эттирмайдиган, олдиндан белгилаб қўйилган нархларни қўллаб-қувватлади. Шу тариқа доимо талабнинг таклифдан устунлигини, яъни тақчилликни таъминлаб турди. Оқибатда амалда барча корхоналар доимий монополистларга айланиб, бозор ва истеъмолчига ўз шартларини қатъий ўтказиш имкониятига эга бўлиб олдилар. Ишлаб чиқаришни йириклаштириш ва ихтисослаштириш халқ хўжалигида монополизмнинг кучайишини рағбатлантирди. Йириклашув ва ихтисослашув иқтисодий қонун даражасига кўтарилиб, халқ хўжалигининг барча тармоқларига, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш, ижтимоий-маданий жабҳаларга ҳам кенг тарқалди: бутун мамлакат бўйича кўпчилик саноат маҳсулотлари турини битта, иккита ёки учта корхона етказиб берадиган бўлди. 1988 йилга келиб Ўзбекистонда 100 тагача ишчиси бўлган саноат корхоналарининг умумий сони 3000 тага ҳам етмасди. Ҳамма жойда улканпарастлик васвасаси авж олди. Бир томондан, ишлаб чиқариш монополизми танқисликнинг келиб чиқишига шароит ҳозирлади, иккинчи томондан, ана шу танқисликнинг ўзи монополизмнинг кенг томир отиши учун имкон яратди.

Яна бир хулоса. Капиталистик мамлакатлардаги монополиялар қаттиқ рақобат кураши натижасида илғор, юқори самарадорликка ва кам меҳнат харажатларига эга ҳозирги замон техника ва технологияси билан жиҳозланган

корхоналардир. Сунъий, рақобат курашидан ташқарида, иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламайдиган, юқоридан туриб амалга ошириладиган ташкилий шакллар одатда техник ва иқтисодий жиҳатдан қолоқ корхоналарнинг ҳам монополист бўлиб олишларига кўмаклашади. Худди шундай танқислик шароитида ҳам ҳар қандай ва ҳатто энг қолоқ корхона ҳам монополистнинг диктаторлик ҳуқуқини қўлга киритиши мумкин.

Монополизм истеъмолчини фақат иқтисодий жиҳатдан қарам қилиб қўйиш билан чекланмай, айни чоғда уни камситади, ҳақоратлайди. Агар монополия ишлаб чиқарувчи (сотувчи)ни шоҳ қилса, рақобат истеъмолчини шоҳ қилади.

Монополизм танқисликдан ташқари товар ишлаб чиқарувчиларда масъулиятсизликни ҳам келтириб чиқаради, истеъмолчининг талаб-эҳтиёжларини менсимасликка олиб келади. Натижада дўкон токчалари кераксиз, сифатсиз ва бир хил моллар билан тўлиб кетади. Саноат режа кўрсаткичларини ошириб бажаради, истеъмолчи эса ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан қониқмай қолаверади. Масалан, 1980–1989 йилларда жумҳуриятимизда ялпи ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш 46, шу жумладан, халқ истеъмоли буюмлари ("Б" гуруҳи) 74 фоизга ўсди. Аҳоли умумий сонининг ўсиши эса 26 фоизни ташкил қилди. Кўриниб турибдики, ижтимоий маҳсулот, миллий даромад, саноат маҳсулотининг кўпайиши аҳоли ўсишидан юқори бўлган. Жумладан, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш 2,8 марта устун бўлган. Демак, бу буюмларга аҳолининг эҳтиёжлари шунча марта кўп қондирилиши, умуман, аҳоли турмуш даражасида сезиларли ўзгариш юз бериши лозим эди. Аммо, афсуски, бундай бўлмади.

Бошқаришнинг иқтисодий унсурларига ўтиш, демократик унсурларнинг, корхоналар мустақиллигининг кенгайуви билан улар ўзларининг монопол ҳуқуқларидан, ўзларининг алоҳида ўринларидан шахсий манфаатлари йўлида фойдаландилар. Бу баҳоларнинг ошувида, шартномаларнинг бузилишида, ишлаб чиқариш ҳажмининг ва ассортиментининг қисқариши-

да яққол намоён бўлди. Шу билан бир вақтда корхоналарда турли маҳсулот ишлаб чиқариш, уларнинг сифатини яхшилаш билан боғлиқ бўлган меъёрдаги бозор хулқ-атвори кузатилмади. Корхона энг аввало баҳолар бўйича ўзининг ҳукукини кенгайтирди, бу ўз навбатида яна танқислик занжирини келтириб чиқарди. Бундай шароитда пул ўзининг қийматини йўқотади, корхонани борган сари кам қизиқтиради. Қўлга киритилган пулдан қандай фойдаланиш муаммоси пайдо бўлади. Корхона ўзининг маҳсулотини сотишга эмас, балки ўзига керакли бошқа бир маҳсулот турига айирбошлашга интилади. Бу жараёнларда тақчил маҳсулотлар умумий муқобил вазифасини ўтай бошлайди, бартер авж олади.

Меъёрдаги пул умумий муқобил, ҳар қандай товар (хизмат) турига айирбошланиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Лекин пул бу ҳуқуқни ўзида мустаҳкам ушлаб қолиши учун бир қатор шарт-шароитлар бўлиши керак. Акс ҳолда, у қандай шаклда ва қайси давлатда бўлишидан қатъи назар, ўзига юклатилган вазифаларни бажаролмайди. Пул, энг аввало, конвертирланадиган, яъни чет эл валюта ва товарларига эркин алмаштириладиган бўлиши керак. Бизда эса 1990 йилга келиб сўмнинг мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқарисида ҳам қадрсизланиши астрономик тезликда ўсди. Бир америка долларининг расмий курси 60 тийин атрофида бўлса-да, "қора бозорда" унга 60–100 сўм совет пулини алмашадиган бўлишди. Чунки молия издан чиқди, истеъмол бозори қулаб тушди, истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш, умуман, ижтимоий ишлаб чиқариш суръатлари аҳоли пул даромадларидан орқада қолди, мамлакат экспорт базаси кескин қисқарди, ишлаб чиқарилган маҳсулотлар жаҳон бозори рақобатидан жуда ҳам паст бўлиб қолди. Очиқроқ қилиб айтганда, чет эллик бизнесменларга мамлакат ичкарисидан ҳам, халқаро бозордан ҳам ҳеч нарса сотиб олиш мумкин бўлмай қолган совет пули эвазига мол, хизмат сотишдан қандай наф бор? Бизнинг эса чет эл валютаси орқасидан қувишимиз янада тезлашди, валюта васвасаси бошланди. Аҳвол шу даражага бориб етдики, молиявий

аҳволни яхшилаш учун валюта билан олибсотарлик қилиш, тақчил молларни кимошди баҳоларда сотиш легаллаштирилди. Бундай ишлар учун инқилоб йилларида кишилар отишга ҳукм қилинган бўлса, эндиликда расмий давлат иқтисодий (молиявий) сиёсати даражасига кўтарилди. Мамлакат Олий Кенгашининг 1990 йил 1 апрелдаги қарорига мувофиқ валюталарни тартибга тушириш тўғрисида қонун кучга кирди. Бу норматив акт мамлакат ички валюта бозоридаги чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш билан боғлиқ бўлган барча ҳаракатларни бозор курси бўйича амалга оширишни кўзда тутди.

Пулнинг аста-секин ўз вазифаларидан, энг аввало айирбошлаш воситаси вазифасидан сиқиб чиқарилиши бартер алоқасини кенг қўллашга олиб келди. Бартер – тўғридан-тўғри валютасиз товар айирбошлашни билдиради. У товар-пул муносабатлари ҳали унчалик ривожланмаган давр учун характерлирокдир, аслида ибтидоий айирбошлашдан кам фарқ қилади. Тўғри, бартер алоқалари маданиятли дунёда ҳам, яъни ривожланган капиталистик мамлакатлар ўзаро савдо алоқаларида ҳам мавжуд. Аммо у ерда бартер алоқаларидан иқтисодий муносабатларни соддалаштириш, қулайлаштириш мақсадида фойдаланилади. Бизда эса бу усулга ўтиш хўжалик, тижорат алоқаларини янада мураккаблаштириб юборди. Шу йилнинг бошларида Рязань агросаноат комплекси товар биржасида ғалати ҳодиса рўй берди. Красноярск ўрмон-саноат хўжалиги ёғоч материалларини гўштга алмаштирмоқчи бўлди. Рязань вилоятидаги бир совхоз гўшт беришга тайёр, лекин унга фақат цемент керак экан. Цементни литвалик агропром вакиллари таклиф қилишди, эвазига металл сўрашди. Металл ҳам топилди. Уни Челябинск металлургия заводи таъминотчилари сотмоқчи бўлишди, лекин ўрнига цемент, ёғоч эмас, дон сўрашди. Ростов вилояти хўжаликлари эса дон беришга тайёр эканликларини, фақат уни металлга эмас, ёғочга алмаштирмоқчи эканликларини билдиришди. Бундай мураккаб бартер хотираси кучли электрон ҳисоблаш машинасини ҳам чалғитса керак.

Тақчиллик иқтисодиёти табиий равишда қашшоқлик иқтисодиётини келтириб чиқаради. Бу ҳолат Ўзбекистон мисолида янада яққолроқ намоён бўлди. 80-йилларнинг охирларига келиб Ўзбекистон иттифоқда энг қашшоқ жумҳуриятлардан бирига айланди. Аҳоли жон бошига саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш даражаси бўйича жумҳурият мамлакат даражасининг 46,8 фоизини ташкил қилди. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистондан кейин фақат Туркманистон ва Тожикистон турадиган бўлди. Ҳатто, аграр жумҳурият бўла туриб, моддий ишлаб чиқариш соҳаларида банд бўлганларнинг ярмиси қишлоқ хўжалигида жойлашгани ҳолда аҳоли жон бошига қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича умуммамлакат даражасининг 68,1 фоизини ташкил этди. Шундай қилиб, иқтисодий танглик, қашшоқлик, молиявий парокандалик туфайли воқеаларнинг мантиқий давоми сифатида бозор иқтисодиётига келдик. Бизга, албатта, аҳолини, айниқса, унинг моддий жиҳатдан кам таъминланган қисмини аяйдиган, кескин ижтимоий, сиёсий зиддиятларга олиб келмайдиган, ижтимоий табақаланишларни кучайтирмайдиган бозор керак. Аммо бунақа бозор бўлармикан? Бозор қиймат, талаб ва таклиф қонунлари асосида шаклланадиган эркин нарх-наволардир. Шундай экан, у ҳеч кимни синишдан, рақобат курашида мағлубиятга учрашдан ва пировардида ишсиз қолишдан кафолатламайди.

Дунёда ҳозир турли хил бозор шакллари мавжуд. Амриқоча йўл бозорга ўтишнинг кескин, шиддатли йўлидир. У бир қарашда анча мафтункор бўлиб туюлса-да, аммо халқни, асосан унинг кам таъминланган табақаларини бирмунча уринтириб қўйиши мумкин. Амриқоча бозор – баҳоларнинг эркин шаклланиши, субсидиядан воз кечиш, ташқи савдо учун очиқ иқтисодиёт, валютанинг конвертирланганлиги, давлат корхоналарини приватизациялаш, чет эл инвесторларини жалб қилиш, носамарадор заводларни ёпиш ва ортиқча ишчиларни бўшатишни кўзда тутади. Бу йўл маълум кескинликлар – юқорироқ баҳолар, ишсизлик, даромадларнинг пасайиши, ташқи қарзнинг ошуви билан

боғлиқ. Аммо булар қисқа муддатли йўқотишлар бўлиб, эркин бозорга ўтиш билан боғлиқ бўлган узоқ муддатли фойда билан қопланиши мумкин.

Ғарбий Оврупо типидаги бозорда эса давлат томонидан нисбатан кучли, ижтимоий назорат талаб этилади. Германия, Италия, Франция, Испания тажрибаси эркин соҳибкорликни давлат бошқариши билан қўшиб олиб бориш самаралироқ модель эканлигини кўрсатди.

Учинчи типдаги бозор осиёча бозордир. Замонавий осиёча бозор америкоча ва оврупоча бозорга нисбатан анча кейин қарор топган бўлиб, улардан ўзига мувофиқ унсурларни қабул қилиб олган. Японияда ҳам, Осиёнинг янги индустриал давлатларида ҳам эркин соҳибкорлик фаолияти давлат бошқариши (марказлашган режалаштириш) билан қўшиб олиб борилади. Баҳоларни бозор белгилайди. Аммо асосий баҳолар фискаль усуллар (солиқ скидкалари, тарифлари, пошлиналари, субсидиялар) билан бошқарилиши мумкин. Бинобарин, баҳолар миллий манфаатларни назарда тутиб сотиш-сотиб олиш, жамғариш-инвестициялаш бўйича ўзига хос сигнал вазифасини ўтайди. Осиё бозори лицензияларни сотиб олиш эвазига (технологик пиратлик) экспорт базасини мустаҳкамлашга қаратилган.

Иккинчи бозор типи бизга анча қўл келган бўларди. Негаки, бизда бозор анъаналари шаклланмаган, бозор анъаналари бир неча авлод онгидан чиқариб юборилган. Қолаверса, аҳолининг кам таъминланган, ижтимоий меҳнат билан шуғулланмайдиган қисми анчагина. Лекин бу йўл узоқ давом этадиган бозорга ўтишнинг, бюджетни мустаҳкамлашнинг, истеъмол бозорини яхшилашнинг нисбатан аста-секин йўли. Албатта, ҳозирги иқтисодиётда у ёки бу типдаги бозор соф ҳолда учрамайди. Эндиликда мамлакатлар, халқлар тажрибаси анча умумийлашиб кетган. Лекин маълум шароитда, ички хусусиятларни ва ташқи вазиятни ҳисобга олиб турли бозор шаклларидан ва турли давлат тажрибаларидан фойданиш, муҳими, бу ерда ҳукумат абжирлик билан кемани ҳалокат гирдобидан олиб чиқиб кетиши керак.

Қашшоқликдан чиқишнинг ҳамма учун ягона, бир хил йўли йўқ. Кўпчилик маданий, сиёсий ва ижтимоий фарқлар бизни ривожланган капиталистик мамлакатлардан ажратиб туради. Аммо қолоқ хўжаликни қандай қилиб самарали, рақобатбоп иқтисодиётга айлантириш бўйича талай умумийлик ҳам борки, булардан кўпгина хулосалар чиқариш мумкин. Осиёдаги янги индустриал давлатлар, улардан олдин эса Япония иқтисодий ислоҳот ва хўжаликни структуравий қайта қуриш давомида Шарқий Оврупо тажрибасидан фойдалангани диққатга сазовордир.

1933 йилда АҚШ президенти Рузвельт конгресдан қашшоқликка қарши кураш олиб бориш учун кенг ваколат сўраган эди. Маъмуриятнинг федерал қарзи ҳисобига ёшлар учун иш ҳафтасининг максимал давомийлиги ва иш ҳақи минимуми ўрнатилди. Кўпчилик буни АҚШда XIX асрда қарор топган эркин соҳибкорлик давлатини гўрга тиқиш деб ҳисоблади. Амалда эса мамлакат аралаш иқтисодиётга келди, тангликдан чиқиш учун шарт-шароит ишлаб чиқишни давлат ўз қўлига олди. Иш ҳақи бир неча йилга "музлатилди". Бу истеъмол бозорини стабиллаштиришга хизмат қилди. Бизда эса иш ҳақи тўхтовсиз ошиб бораётган баҳоларни қувишда давом этмоқда. Бу истеъмол бозорини борган сари издан чиқариб, қимматчиликни оширмоқда.

Иқтисодиёт оғир тангликда. Бу тангликни биров боши берк кўчага кириб қолишга, яна биров жар ёқасига келиб қолишга ўхшатади. Аҳвол, менинг назаримда, биринчи ҳолга ҳам, иккинчи ҳолга ҳам мос келмайди. Боши берк кўчадан иложини топиб чиқиб кетиш, жардан юмшоқроқ йиқилиб, кейин ўзни ростлаб олиш мумкин. Биз ҳозир поёнсиз саҳрода адашиб қолган йўлчига ўхшаймиз. Шунинг учун ҳам жаҳоннинг илғор мамлакатлари тажрибасидан ижодий фойдаланиб, миллий, табиий ва жуғрофий хусусиятларни ҳисобга олиб, бирон-бир йўл танлангани маъқул. Чунки саҳрода адашган киши бир жойда тураверса ҳам, яқин йўлни ахтариб тўрт томонга зир чопаверса ҳам, ҳалок бўлади.

Бошқа мамлакатлар ҳам бир вақтлар бизга ўхшаб қийин вазиятга тушиб қолган эди. Иккинчи жаҳон урушидан кейин япон иқтисодиётида рўй берган вазият чуқур саноат инқирози, маъмурий-иқтисодий андозадан (модель) бозор андозасига ўтиш қийинчиликлари, иқтисодиётнинг ҳарбий ишлаб чиқаришга бўйсундирилганлиги, тинкани қуритадиган тақчиллик, инфляция ва бошқалар ҳозир биз бошимиздан кечираётган ҳолатга бир мунча ўхшайди. Аммо японлар бу қийинчиликлардан анча тез чиқиб кетдилар. Чунки улардаги бошқаришнинг марказлашган ҳарбий қолипи тартибот бўлмасдан, балки мавжуд вазиятни ҳисобга олиб орқага чекиниш эди. Шунинг учун ҳам бу ерда хўжаликнинг янги бозор андозаси яратилмади, балки унга кўпам узоқ бўлмаган масофадан қайтилди. Ва ниҳоят, миллатнинг энг қобилиятли қисми, соҳибкор, омилкор кишилар йўқ қилиб юборилмаган эди. Асосий масала ислоҳотни нимадан бошлаш эди. Бу масала тўғри белгиланиб, муваффақиятли ечилди. Иқтисодий жонлантиришнинг устун томонлари – аввало озиқ-овқат, кўмир, руда, ҳаёт учун энг зарур буюмларни ишлаб чиқариш юксалтирилди.

Хитой ва Вьетнам иқтисодий ислоҳотни устун даражада қишлоқ хўжалигидан, озиқ-овқат бозорини тўйинтиришдан бошлади. Бизда ижобий натижа улардагидек тезда намоён бўлмаслиги мумкин. Чунки 70 йил давомида бир неча авлод деҳқончилик маданиятидан узилиб қолди. Уларда эса узилиш даври нисбатан қисқароқ бўлди. Машҳур венгер иқтисодчиси Я.Корнаи ўзининг "Ўтиш даври иқтисодиёти тўғрисида хатлар" ида шундай деб ёзган эди: "Давлатнинг буйруғи билан хусусий секторни йўқ қилиш мумкин, аммо уни декрет билан тиклаб бўлмайди".

Америкадаги 1929 йилги иқтисодий танглик ҳам ниҳоятда ҳалокатли кечганди. Очлик ғалаёнлари, озиқ-овқат дўконларини талаш, минглаб завод, фабрикаларнинг тўхтаб қолиши, ишсизликнинг кескин ошиб кетиши, очликдан ўлиш ҳоллари, маънавий ва руҳий синиш юз берган эди. Умуман олганда 1929–33 йилларда капиталистик дунёда юз берган ва биз

капитализмнинг умумий кризиси деб атаган ҳодиса, биз талқин этганимиздек, капитализм инқирозининг, капитализмдан социализмга ўтиш эрасининг бошланиши эмасди. Аслида у капитализмнинг ўспиринлик касали эди. У бу оғришдан кейин янада шиддатли кучая бошлади.

Табиий, энди ўз-ўзидан шундай савол туғилади: хўш, вазиятдан қутулиш учун нима қилмоқ ёки нимадан бошламоқ керак? Мақсадга эришиш учун бозор ва эркин соҳибкорлик асосида фаолият кўрсатадиган, очиқ иқтисодиёт ва чет эл капиталининг кенг иштирокини таъминлайдиган тузумнинг қонуний базасини тайёрлаш ва ҳаракатга келтириш, биринчи навбатда минглаб қонуний акт ва инструкцияларни бекор қилиш керак. Австралиялик журналистларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, Собиқ СССРдаги хўжалик фаолиятини тартибга солиб турувчи барча қонуний актларни ўқиб чиқишнинг ўзига инсон 4–5 йиллик умрини бағишлаши керак экан.

Давлат аппарати ва соҳибкорлик ўртасида доимо зиддият бор. Улардан бири чеклашларни, иккинчиси имкониятларни такрор ишлаб чиқаради. Бозорга ўтишнинг биринчи босқичида давлат аппаратининг кучлилиги шунга олиб келдики, бир томондан, бозорга ўтишга давъат қилинди. Иккинчи томондан, халқ назорати, социалистик мулкни муҳофаза қилувчи, тақиқловчи идоралар сақланиб қолди. Бозор ва юқоридаги ташкилотларнинг вазифалари эса ҳар хилдир. Шунинг учун ҳам, бозор муносабатларини шакллан-тиришга оид кўпгина қонунлар ишламади.

Бозор, эркин соҳибкорлик – фуқароларнинг фаолия-тини чегаралашлардан мутлақо ҳоли қилиш демакдир. Бир чет эллик элчи рус подшохи Екатерина II дан сўраган экан: "Жаноби олиялари, айтинг-чи, сиз қандай қилиб қулоқсиз боён-ларингизнинг сизга ҳамиша қулоқ солишига эришасиз?" "Мен ҳеч қачон уларни ўзларининг манфаатларига зид ишларни қилишга мажбур этмайман", – деб жавоб берган экан малика император.

Иккинчи, меъёрдаги бозор муносабатлари амал қилиши учун фуқаролар келишуви, миллий тотувлик бўлиши зарур. Аммо бизда бу омил йўқ.

Сепаратизмнинг кучайиши ички миллий бозорни шакллантиришда қўшимча қийинчиликлар келтириб чиқаради. Чунки, бир хил воқеага турли миллат вакиллари ўз манфаатларидан келиб чиқиб, турлича муносабатда бўладилар. Бир иқтисодий кенгликда яшаб, алоҳида валюта, алоҳида нарх ва тарифларга ўтишни талаб қиладилар. Миллий тотувликнинг йўқлиги ўзаро низо, жанжалларни келтириб чиқаради, иқтисодиётнинг илдизига болта уради.

Учинчидан, бозор иқтисодиётининг муҳим шартларидан бири бўлган иқтисодиётнинг очиқлигини, унинг алоқаларини ривожланган мамлакатлар билан кенгайтиришни таъмин-лашдир. Чунки бутун жаҳон алоҳидаликдан умумийликка қараб бормоқда. Умуман олганда, кўҳна тарих алоҳида давлатларни, айрим-айрим халқларни бирлаштиришга бўлган уринишларни кўп кўрган. Бу бирлаштиришлар сиёсий йўллар – урушлар, босиб олишлар орқали амалга ошириб келинган. Туркистонда, Ўрта Осиёда фақат кейинги икки минг йиллик-нинг ўзида ўн марталаб давлат сиёсий тузуми ўзгарди, юрт қўлдан-қўлга ўтди. "Буюк давлатчилик", "Буюк империя-чилик" сиёсатига қадим дунёдан ҳам, янги дунёдан ҳам истаганча мисоллар топилади. Лекин барча сиёсий бирлаш-тириш ғояларининг, ҳаракатларининг умри қисқа.

Сиёсат диний, миллий қобиқларга ўралганда ҳам маълум давргача яшаши мумкин. "Панславянизм", "панисломизм", "панамериканизм", "панарабизм" ғояларини эслайлик. Бу ғоялар инсон қалбининг нозик пардаларига қанчалик таъсир этмасин, барибир, катта муваффақият қозонмади, бундан кейин ҳам уларнинг келажаги йўқ. Гап шундаки, сиёсат қандай шаклда бўлмасин, у зўравонликдир. Шарққа қилинган тўрт салб юриши ҳам шармандалик билан тугади. Чунки пайғамбар қабрини озод қилиш, тўғрироғи, христианлик байроғи остида Қуддус (Байт ул-Муқаддас) – Иерусалимни ишғол қилиш учун бошланган 1095–1492 йиллардаги юришлар ҳар гал босқинчилик билан якунланаверди. Буни кўрган ҳақиқий диндорлар салб юришларидан чиқиб

кетдилар. Зеро, худога ибодат билан эмас, балки итоат билан хизмат қилиш мумкин деган гап бор.

Умумийликка боришнинг қудратли воситаси халқларни, миллатларни, кишиларни этник – қабиласига, динига қараб ёки қайси ғордан чиққанига қараб бирлаштиришдан иборат бўлиши мумкин эмас.Ҳозирги кўп асрлик эволюцион тараққиёт натижасида шаклланган турли-туман миллатларни ягона турк ёки ислом туғи остида бирлаштиришга интилиш саробга интилиш билан баробардир. Уларни қурол кучи билан ёҳуд макр билан бирлаштириш ундан ҳам мушкул.

Умуман, турли тилда сўзлашувчи, турли худоларга сиғинувчи халқларни, юртларни бир-бирларига яқинлаштирадиган маданийлашган, универсал ва демократик восита борми? Бор. Бу восита – тенглик, ўзаро ҳурмат, ўзаро манфаатдорлик асосига қурилган мустақил, озод халқ ва давлатларнинг иқтисодий иттифоқидир. Табиийки, бу иқтисодий ҳамкорликнинг ўзи ҳам маълум ахлоққа, мақсад ёки эътиқодга асосланган бўлиши лозим.

Иқтисодиёт – халқларни, юртларни ўзаро туташтиришнинг битмас-туганмас имкониятидир. Бутун жаҳон умумий бозор теварагида, муштарак хўжалик ечимлари атрофида бирлашаётганининг сабаби ҳам мана шундадир. Чегара, паспорт, армия, пул ва бошқа вақтинчалик унсурлар борган сари рамзий аҳамият касб этиб бормоқда. Бизда эса сепаратизм газак олмоқда. Чунки биз қашшоқмиз. Жумҳуриятларнинг мустақилликка интилишига табиий ҳодиса деб қарамоқ керак. Келгусида ягона иқтисодий кенгликда бирлашув ихтиёрий бозор қонуниятлари асосида бўлади. Бу эркин жумҳурият (давлат)ларнинг ўзаро тенгликка асосланган, умумий бозорга ўхшаган иқтисодий иттифоқи бўлади. Дўстлик фақат тенглар ўртасида бўлиши мумкин.

Тўртинчидан, бозор иқтисоди шароитида тараққиётда анъанавий ҳамкорларнинг, шу жумладан Россиянинг ўрни йўқ эмас, албатта. Республикамизнинг Россия билан иқтисодий ҳамкорликни кучайтириши учун имкониятлари кўп. 50-йилларнинг бошидаёқ инглиз геополитиклари Евроосиё

дунё ороли, бу оролнинг марказда эса ернинг юраги жойлашган. Россия ернинг юрагига ҳукмронлик қилувчи давлат, шунинг учун ҳам у марказий стратегик позицияни эгаллайди деган фикрни ўртага ташлаган эдилар.

Дарҳақиқат, шундай. Россияда стратегик хом ашёлар сероб, келгусида инқирозга учраши муқаррар энергитиканинг битмас-туганмас захиралари мавжуд. Ўрмон, нефть ва газнинг ўзи бир дунё. Яқин келажакда сувнинг, шу жумладан ичимлик сувининг энг биринчи стратегик хомашёга айланиши аниқ. Олтинчи қитъада бугун музёрар кемалар, самолёту вертолётлар, чанғи боғлаган пиёдаларнинг сон-саноғи йўқлиги сабаби фақат спорт ёки об-ҳаво муаммоси билангина боғлиқ эмас.

Абадий музликка чиқадиган рус шимоли сувга бой. Ўрта Осиё эса меҳнат ресурсларига (фақат меҳнат ресурсларигагина эмас) бой, лекин иқлими қуруқ, мева-чева, пахта етиштиришга анча қулай. Икки минтақадаги ана шу ресурсларни интеграциялаш, агар улар бутунлай янгича иқтисодий асосларга қуриладиган бўлса, катта натижалар бериши мумкин. Шунинг учун ҳам Сибирь сувларини жанубга оқизиш кун тартибидан тушмайдиган муаммолардан бўлиб қолаверади.

Бешинчидан, биз ўзимизнинг Евроосиёлигимиздан фойдаланишимиз керак. Иқтисодий сиёсат серҳаракат бўлиб, силжишларни тез илғаб туриши, ўзгараётган дунёдан ҳамиша воқиф бўлмоғи керак. Акс ҳолда, доимий кузатувчи бўлиб қолавериши мумкин. 70-йиллар бошларида капиталистик дунё ўз бошидан энергетика ва валюта инқирозини кечирди. Бу ҳодиса АҚШни асосий эътиборни Атлантикадан Тинч океани ҳавзасига кўчиришга мажбур қилди. Шунга мувофиқ у ўзининг ҳарбий, саноат ва илмий салоҳияти марказларини мамлакатнинг шарқий қирғоғидан ғарбий қирғоғига силжитди. Жаҳон тараққиётининг боришини белгилайдиган нуқталарнинг (давлатларнинг) бештасидан тўрттаси Тинч океани билан бевосита боғлиқ эканлигини АҚШ ҳисобга олмаслиги мумкин эмас эди.

Форс кўрфазида бўлиб ўтган воқеалар ташқи иқтисодий фаолиятимизга ўзгаришлар киритиш лозимлигини кўрсатди. Кўрфаздаги уруш ҳаво, автомобиль транзит йўлларининг Ўрта Осиёдан ўтишини тақозо қилиб қўйди. Ўзбекистон келгусида ўзининг ҳаво ва қуруқликдаги Сувайш ва Панамага ўхшаган халқаро иқтисодий қон томирига эга бўлиши мумкин. Бу йўллар эса халқаро туризмни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Зеро, Ўзбекистон қуруқликдаги қудратли давлатлардан бирига айланиши учун имконият мавжуд.

Ниҳоят, бу ишни амалга оширишнинг рамзий аҳамияти ҳам бор. У бир неча асрдан кейин Буюк ипак йўлининг муайян қисмини амалда қайта тиклаш имконини ҳам беради. Буюк ипак йўли ўтганда, карвон йўллари туташган даврда юртимизнинг мавқеи қанча ортиб, иқтисодиёти ва маданияти юксалган бўлса, келажакда ундан ҳам юксалиши мумкин. Бу йўл бизни ипак йўли олиб чиққан умуминсоний қадриятларга яқинлаштиришига, юртимиз гавжум Осиё бозори билан боғловчи шахобчалардан бири бўлишига шубҳа йўқ. Ўзбекистон Шарқ ва Ғарб ўртасида энг қисқа ҳаво ва автомобиль йўли вазифасини бажариши мумкин. Бунга жуғрофий аҳволимиз имкон беради.

Олтинчидан, бутун жаҳон Тинч океан, Шимолий Америка ва Ғарбий Оврупо бозорлари атрофида бирлашмоқда. Биз учун Тинч океан ва унинг Осиё қисми бозорига чиқиш бирмунча қулайроқ ва осонроқдир. Унга эса Ҳиндистон, Хитой ва Россия орқали чиқиш мумкин. Бундан ташқари XXI асрда бу бозор энг гавжум, арзон дунё тижорат марказига айланиши керак. Бозор иқтисодиётини алоҳида олинган жумҳуриятда, давлатда ривожлантириб бўлмайди. Тарихий, иқтисодий жараён боришининг характери шундай. Тараққий этган бозор ягона иқтисодий кенгликни тақозо этади.

Баъзан юртдошларимиз: "Чет давлатларга эшикларимизни ланг очиб қўйиб, кейин уларни ёполмай қолмайлик. Капиталистлар ҳеч кимга текинга ёрдам бермайди", – дейи-

шади. Бу хавотирларда қисман жон бор. Лекин бозор иқтисодиётининг қоидаларидан бири иқтисодиётнинг очиқлигидир. Шарқ ва Ғарб дунёси ўртасида денгиз дарвозаси ролини бажараётган, ҳар беш минутда чет элнинг океан лайнери кириб ё чиқиб турадиган Сингапурни босиб олиш ҳеч бир давлатнинг хаёлига келмаса керак. Агар харитага назар солсак, бундай дарвоза вазифасини бошқа давлатлар ҳам бажариши мумкинлигини кўрамиз. Бироқ бу вазифа фақат Сингапурга насиб этди. Чунки бу ерда ҳукуматнинг узоқни кўриб сиёсат юритиши географик шароит билан биргаликда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ост-Индия компаниясининг кемалар тўхтаб ўтадиган базаси сокин балиқчилик посёлкасидан жаҳонда энг фаол савдо бандаргоҳига айланди. Бугун у халқаро молиявий марказлардан бири, жаҳондаги 20 та энг бой мамлакатлар жумласига киради. Чет эл валютасининг жуда катта захирасига эга. Турмуш даражаси бўйича Осиёда фақат Япониядан кейин туради. Бу ерда хитойликлар, ҳиндлар, малайзияликлар, филиппинликлар, овруполиклар, вьетнамлар яшашади. Лекин миллий нифоқ йўқ. Иқтисодий ўсишнинг барқарорлигини таъминлаш қолган барча муаммоларни иккинчи ўринга суриб қўяди.

Сингапур билан боғлиқ мисол яна шундан далолат берадики, иқтисодий юксалишни таъминлашда ҳукуматнинг, ҳукумат танлаган йўлнинг аҳамияти беқиёсдир. Бундан икки аср муқаддам Адам Смит ўзининг машҳур "Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари" номли китобида шундай деб ёзган эди: "Буюк миллатлар ҳеч қачон алоҳида шахсларнинг исрофгарчилиги ва калтабинлиги билан камбағаллашмайди, аммо улар кўпинча давлат ҳокимиятининг исрофгарчилиги ва калтабинлиги билан камбағаллашади". Агар бир-икки товар ишлаб чиқарувчи ютқизса, бошқалари ютади, жамият миқёсида ҳеч нарса ўзгармайди. Агар ҳукумат ютқизса, унда бутун халқ, юрт ютқизади, қашшоқлашади.

Янги замонлар келмоқда. Соғлом, табиий муносабатлар қарор топмоқда. Товар ишлаб чиқаришнинг суръати, сифати

ва кўлами миллатга эмас, меҳнат кишисининг қобилиятига, билимига боғлиқлигига тобора кўпроқ ишониб бормоқдамиз. Табиий танланиш йўқ жой ҳалокатга маҳкум эканлигига, фақат мулкка у ёки бу шаклда эга бўлиш, рақобат кураши, жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёти ҳаётни янада завқлироқ қилиши, кўнгилсиз ҳодисаларнинг олдини олиши мумкинлигига яна қандай исбот керак?

"Ўзбекистон адабиёти ва санъати",
1991 йил 13 декабрь

БУЮК СИНОВЛАР ДАВРИ

Бозор иқтисодиётига ўтиш
хийла мураккаб,
чуқур ижтимоий-иқтисодий жараён.
Унга фақат декретлар
билангина ўтиб бўлмайди.
Мулкни давлат
тасарруфидан чиқариш
ва хусусийлаштириш,
эркин соҳибкорлик
ва рақобатни вужудга келтириш,
энг қийини –
кишилар дунёқарашида,
турмуш, яшаш тарзида
чуқур ўзгаришлар ясаш лозим.
Бозор иқтисодиётининг
ички ва ташқи асосларини ҳозирлаш,
унинг иқтисодий
ва ҳуқуқий негизини яратиш
биринчи галдаги вазифалардандир.
Бозор муносабатларига ўтиш
ўзига хос бир синов.
Бировлар унга бардош бераолади,
бировлар эса йўқ.
Лекин карвон илгарилаб кетаверади.

ТАНГЛИКДАН ЧИҚА ОЛАМИЗМИ?

Бундан беш йил муқаддам бошланган иқтисодий танглик 1990 йилнинг ўрталарига келиб янада кескинлашди. Ишлаб чиқаришнинг ҳажми мутлоқ пасайди. Ишлаб чиқариш қувватларининг иш билан таъминланиши ёмонлашди, ишсизлик ўсди. Пул-кредит ва валюта-молия соҳалари парокандаликка учради. Буларнинг ҳаммаси миллий даромад ишлаб чиқариш ва меҳнат унумдорлиги даражасининг кескин пасайиб кетишида, инфляциянинг ўсишида янада яққолроқ намоён бўлди. Шуни таъкидлаш лозимки, таназзул нафақат иқтисодиётни, шу билан бирга жамиятнинг сиёсий ва ижтимоий жабҳаларини ҳам қамраб олди.

Хўш, нима учун шундай бўлди? Қайта қуриш ва жадаллаштириш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш дастурлари қаерда қолди? Уларнинг бирортаси ҳам ниҳоясига етмади. Нега? Чунки ислоҳотчиларга маъмурий, буйруқбозлик тизимидан жуда қашшоқ иқтисодий мерос қолди. Халқ хўжалигининг "мустамлака" структураси жиддий ўзгаришсиз, ҳарбий комплекс мақсадларига мувофиқ сақланиб келаётган эди. Бу структуранинг умри моддий ва меҳнат потенциалидан, айниқса, хомашё ва бошқа табиий ресурслардан экстенсив фойдаланиш ҳисобига узайтириб келинаётган эди. Лекин ҳар қандай ресурснинг ҳам чегараси бор, барча имкониятлар чекланган, вақти келиб тугаши аниқ. Биргина мисол. Халқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланиши сифат жиҳатидан ёмонлашди. Уларнинг "қариш" жараёни ва эскириш даражасининг ўсиши анча

илгари бошланиб, ҳозир ўта таҳликали нуқтага яқинлашди. Агар 1980 йилда саноат асосий ишлаб чиқариш фондларининг эскириши 36 фоизни ташкил қилган бўлса, 1988 йилга келиб бу кўрсаткич 45 фоизга етди. Тасаввур қилинг, саноатда ҳар икки меҳнат воситасидан деярли биттаси эски, яъни ҳозирги замон технологияси талабларига жавоб бера олмайди. Халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида ҳам аҳвол бундан яхши эмас. Мана нима учун кейинги пайтларда саноатда, қурилишда, айниқса, транспортда ҳалокатлар, фожиалар бунчалик кўпайди. Кўнгилсизликларнинг бундан кейин камайишига техник-иқтисодий кафолат йўқ

Ана шундай иқтисодий меросга янги муаммолар қўшилди. Улар бусиз ҳам қийин аҳволни янада мушкуллаштирди. Маълумки, киритилган ҳар қандай ўзгариш, қандайдир вақт давомида эскилардан воз кечиб янгиларнинг тўла ишлаб кетишига қадар бошқаришнинг қўлдан чиқиб кетишига олиб келади. Бу объектив нарса, у билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас. Ислоҳот ҳам худди шундай. Иккинчидан, дастлаб ислоҳотнинг шундай дастури қабул қилиндики, у деструктив унсурлардан холи эмасди. Гап шундаки, ишлаб чиқариш воситаларига давлат мулки ҳукмронлиги шароитида ислоҳот макрожараёндан, яъни бутун халқ хўжалиги даражасидан бошланиши лозим эди. Биринчи навбатда нархларнинг шаклланишини қайта кўриб чиқиш, ишлаб чиқаришни демонополлаш, ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш, халқ хўжалиги пропорцияларини балансслаштириш, пул муомаласини яхшилаш каби тадбирларни давлат ўз кучига ва иродасига таяниб амалга ошириши керак эди. Бу тадбирлар иқтисодий дастакларни тақозо этмасди. Жамиятда эса давлатнинг роли ниҳоятда баланд бўлиб, у ўзида 85–90 фоиз мулк объектларини бирлаштирган эди.

Шунга қарамасдан бизда ислоҳот халқ хўжалигининг қуйи халқаси – корхонадан бошланди. Корхоналарга мустақиллик берилди. Лекин бу мустақиллик нархлар, монополизм ва бошқа дастаклар орқали ушлаб турилди. Натижада корхоналар кислород етишмаган одамнинг аҳволига

тушиб қолдилар. Бу ҳол корхоналарни ўз мустақиллигидан ўзларининг манфаатлари учун фойдаланишга мажбур қилди. Бу баҳоларнинг ошувида, шартномаларнинг бузилишида, ишлаб чиқариш ҳажмининг ва маҳсулот турларининг камайишида намоён бўлди. Уларни истеъмолчиларнинг талаб ва эҳтиёжлари, имкониятлари мутлақо қизиқтирмай қўйди.

Бутун чоралар билан аввало саноатни жонлантириш керак эди. Бизда саноат "ўлик". У халқ эҳтиёжларига жавоб бермайди, серҳаракат эмас, қотиб қолган. Истеъмол бозорини тўйинтиришга қаратилган ширкатлар ва майда корхоналар эса бундай шароитда яратувчилик ўрнига қўпорувчилик ролини бажара бошлади. У хуфя иқтисодиётни, қора бизнесни легаллаштириш воситаси бўлиб майдонга чиқди.

Мулк муносабатлари чуқур жараёнларни ифодалаб, иқтисодий тизим, хўжалик механизми орқали ҳаракат қилади. Хўжалик механизмининг ўзгариши нафақат ширкат, шахсий мулкларнинг, балки энг аввало давлат мулки муносабатлари қиёфасини ўзгартириб юборади. Жаҳон ва ўз тарихий тажрибамиз шуни кўрсатадики, давлат мулки муносабатларида кенг ва турли хил имкониятлар мужассамлашган. Давлат мулкини турли хил – авторитаризмдан демократизмгача мазмун билан тўлдириш мумкин. Давлат мулкининг монополлашган шакли бир тип, монополлашмаган шакли бошқа хил типдир. Қисқа қилиб айтганда, мулк турли хил шакллар орқали ўзлаштирилади. Мана, масалан, Гонконг, Сингапур, Таиланд каби мамлакатларда давлат мулкидан хусусий мулк каби фойдаланилади. Хитой ва Вьетнам эски қолипни синдирмасдан, давлат устунлигидан воз кечмасдан туриб озиқ-овқат бозорини маҳсулот билан тўлдирди. Уларда деҳқоннинг ердан ижара ва хусусий шаклларда фойдаланиш ва шу йўл билан шахсий манфаатларини меҳнат натижалари билан бевосита қўшиб юбориш имкониятлари яратилди.

Бизда эса ислоҳот дастурлари қанчалик кўп бўлса, шунчалик танглик чуқурлаша бошлади, пастга қараб сирғаниш тезлашди. Ана шундан кейингина мулкий муносабатларда катта структуравий силжишлар ясашга

киришдик. Давлат ва жамоа хўжалиги – ширкат мулкидан ташқари бошқа мулк шакллари, шу жумладан хусусий мулк майдонга кела бошлади. Агар 1990 йилда давлат мулки ўз доирасида барча меҳнаткашларнинг 78,6 фоизини бирлаштирган бўлса, 1991 йилга келиб бу кўрсаткич 72,7 фоизга тушди. 1991 йилда жамоа хўжалиги – ширкат соҳасида барча меҳнаткашларнинг 12, қўшма корхоналарда 0,2, ижара корхоналари ва ширкатчилик жамиятларида 7,3, хусусий ва якка соҳибкорлик соҳасида 4,8 фоизи фаолият кўрсатдилар. Шундай қилиб, давлат секторига муқобил секторда 1990 йилда барча ишловчиларнинг 21,3 фоизи банд бўлган бўлса, улар бир йилдан кейин 27,1 фоизни ташкил этди. Жамият аралаш иқтисодиёт томон бормоқда.

Октябрь инқилобидан кейин хусусий мулк тугатилиб, кўп укладлилик умумлаштирилиб, ижтимоий мулк қарор топди. Энди-чи? Энди эса хусусий мулк эгасини, соҳибкорни шакллантириш, уларга иккинчи умр бағишлаш асосий муаммолардан бўлиб қолди. Иқтисодиётни юксалтиришнинг асоси хусусий мулк, эркин соҳибкорлик ва рақобат деб тан олинди. Бу умумлашувдан алоҳидаликка қайтиш демакдир. Бу ўзига хос инқилобдир. Лекин иқтисодиёт 70–80 йил ичида икки инқилобга бардош берармикин? Умуман иқтисодиёт инқилобларни хуш кўрмайди. У аста-секин, эволюцион тараққиётни, юксалишни, янги усуллар билан бойитиб боришни тақозо этади. Агар хусусий мулк зўрлик билан, давлатларнинг иродаси билан йўқ қилинган бўлса, уни тиклаш зўрлик ёки декрет билан бўлмайди. У анча давом этадиган жараён. Демак, бозор муносабатларини шакллантириш учун ҳам вақт керак.

Аралаш иқтисодиёт бозорга ўтишнинг эркин соҳибкорликка, "карахтлик терапияси"га асосланадиган шиддатли шаклидан фарқ қилади. У иқтисодий фаолиятнинг айрим турларига давлат монополиясини сақлаб қолишни, аҳолининг энг қашшоқ қисмини ижтимоий ҳимоялашни назарда тутади. Бу йўл жамиятнинг тарихий тақдири билан боғлиқ бўлган иккинчи имкониятдир. Агар шу имкониятдан ҳам фойда-

ланилмаса, учинчи йўл – бозор иқтисодиётига ўтишнинг кескин инқилобий йўли қолади. Бозор, бу беаёв система. Унга ўтишнинг жадаллашуви билан норентабел корхоналарнинг ёпилиши, ишсизлик, нархларнинг легаллашуви ва инфляция ҳозиргидан ҳам кучлироқ намоён бўлади. Буларни инкор этиш мумкин эмас. Бундай ижтимоий, иқтисодий ларзалар жамият аъзолари ўртасидаги қарама-қаршиликни кучайтирмасдан қолмайди. Бир томондан, туғилиб келаётган ёш соҳибкор, бизнесменлар табақаси, демократик кайфиятдаги фуқаролар энди эскича яшашни хоҳламайди, бозор томон шиддат билан боришни истайди. Иккинчи томондан, эски маъмурий-буйруқбозлик тартиботи доирасида шаклланган эски тузумнинг имтиёзларига ўрганиб қолган раҳбарлар, бошқарув аппаратидагилар, аҳолининг бозор ва унда юз бериши мумкин бўлган оқибатлар (нарх-наво, ишсизлик) билан қўрқитилган қисми янгича яшашни истамайди. Чунки уларнинг кўпчилиги янги шароитда ўз ўринларини топиб олиши анча мушкул. Қулай имтиёзлардан ажралиш эса аниқ. Ана шу икки бир-бирига қарама-қарши кучлар ижтимоий кескинлик, фуқаролар уруши хавфини туғдиради. Бу хавфни иқтисодий молиявий аҳволни барқарорлаштириш, хўжалик ҳаётини демократлаштириш, фуқаролар ижтимоий келишуви, миллатлар тотувлиги, халқнинг ҳукуматга ишончи орқалигина барҳам топтириш мумкин.

Агар жамият аъзолари ўртасида келишув ва тотувлик, ҳукуматга ишонч бўлмаса, уларнинг ўрнида бўшлиқ ҳосил бўлади. Бу бўшлиқ бошқа нарса билан тўлдирилади. Бу – табиат қонуни.

Бизга ажратилган тарихий имкониятлар қандай шаклда бўлмасин, барибир бозор муносабатларига олиб келадиган воситалар эди. Барча халқлар, юртлар барибир бозор муносабатларига келади ёки уни босиб ўтади. Бозордан бошқа йўл йўқ. Ҳали инсоният ундан самаралироқ хўжалик усулини, инсоннинг моддий манфаатдорлигини, унинг меҳнат натижалари билан тўғридан-тўғри боғлаш механизмини яратган эмас.

Маълумки, бу механизмга у ёки бу шаклда бирон-бир мулк шаклига эга бўлиш орқали эришилади. Бирон-бир мулкка эгалик ҳуқуқи бўлмаган одам, иқтисодчи Адам Смит айтганидек, иложи борича кўпроқ ейиш ва иложи борича камроқ ишлашдан манфаатдор бўлиши мумкин.

Мавжуд имкониятлардан фойдаланмаслик бозорга ўтишни қийинлаштиради холос. Мана, машҳур Маршалл режасини олайлик. Бу режа иккинчи жаҳон урушидан кейин Оврупони иқтисодий тиклаш режаси бўлиб майдонга чикди. Кўпгина бозор иқтисодиёти асосида ривожланаётган давлатлар томонидан у бош иқтисодий дастур сифатида қабул қилинган. Бу режа, жуда содда қилиб айтганда, уч йўналишда ўзининг ифодасини топади: аввало, кишиларни наридан бери кийинтириш, озиқ-овқат билан таъминлаш, хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, демократия. Бизда бу омиллар мавжудми? Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш кечикиб кетмокда, буларсиз бозор иқтисодиётининг асосий талабларидан бўлган хусусий мулкни ҳам, эркин соҳибкорликни ҳам, рақобатни ҳам юзага кел-тириб бўлмайди. Давлат мулкидан фойдаланиш шаклларини такомиллаштириб, кўп қиррали мулкчилик шакллари орқали уларни ўзлаштиришни такомиллаштириб, кишиларни ҳеч бўлмаганда минимал кийинтириш, тўйғазиш имконига эга бўлиб, ундан кейин ислоҳот чуқурлаштириб борилса яхши бўларди. Ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқлар билан ислоҳот қилиб бўлмайди.

Бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнидаги энг халққа манзур бўлмаган тадбир бу нархларни легаллаштиришдир. Аслида эркин нархлар хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш, монополлаштиришдан қайтиш каби бозор механизми учун шарт-шароит ҳозирлайдиган тадбирлардан кейин энг охирида амалга ошириладиган юмушдир. Акс ҳолда инфляциянинг янги занжири келиб чиқади. Тақчиллик ҳукмрон бўлган шароитда эркин бозор баҳоларига ўтиш ўзини оловга уриш билан баробар.

Бундай оқибатлардан кафолатлайдиган восита иқтисодиётни соғломлаштириш, кишиларнинг турмуш даражасида тез ва кескин ижобий ўзгаришлар ясашдир. Афсуски, иқтисодиётда, молияда орқага кетиш давом этмоқда. 1991 йилнинг I ярмида 1990 йилнинг I ярмига нисбатан собиқ иттифоқ бўйича саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш 6,2 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулоти – 11, чакана товар айирбошлаш – 12, пуллик хизмат 15 фоизга пасайди. Ялпи миллий маҳсулот ишлаб чиқариш 1986 йилда 3,3 фоизга ўсган бўлса, расмий маълумотларга кўра 1990 йилда 2 фоизга, ўтган йилнинг биринчи ярмида эса 10 фоизга камайди. Мустақил экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, пасайиш даражаси расмий маълумотлардан 3–4 марта устун. Биринчи марта халқ истеъмоли моллари, шу жумладан озиқ-овқат ишлаб чиқаришнинг мутлақ пасайиши кузатилди. Молларнинг туёқ сони камайди. Уларнинг маҳсулдорлиги ва ҳар бир бош сигир бўйича ўртача сут соғиб олиш қисқарди. Буларнинг ҳаммаси айрим жумҳуриятларда аҳоли ўсиши тенденцияси мавжуд бўлган шароитда юз бермоқда. Ўзбекистондек кескин демографик вазиятда яшаётган ҳудудлар учун ишлаб чиқариш абсолют ҳажмининг паст суръати ёки мутлақо ўсмаслиги нақадар ҳалокатли эканлиги ўз-ўзидан аён.

Демократия учун эса ҳар бир жамият аъзоси мулкка эгалик қилиши, ундан фойдаланиш, уни ўзлаштириш имкониятига эга бўлиши керак. Мулк – мустақиллик демакдир. Демократиянинг сиёсий асоси иқтисодий ҳаётга ижодий ёндашув, соҳибкорлик, хусусий мулк, бозор структурасининг ривожланиши орқалигина кенгаяди. Ишлаб чиқариш монополизми бирон бир сиёсий фирқа, раҳбарнинг танҳо ҳукмронлигини такрор ишлаб чиқаради, рақобатга йўл бермайди, тоталитар режимга моддий база бўлиб қолаверади.

Бозор иқтисодиёти тақозо этадиган яна бир муҳим шарт-шароит бу ягона иқтисодий кенгликка эришишдир. Биз кўпинча ягона бозор атрофида бирлашишни, ягона валютага ўтишни, чегараларнинг борган сари рамзий тус олиб

бораётганлигини Оврупо иқтисодий ҳамжамияти ("Умумий бозор") мисолида кўрар эдик. 1990 йилнинг охирида Малайзиянинг таклифи билан янги иқтисодий структура – Шарқий Осиё иқтисодий гуруҳи деб номланган ҳамжамият ташкил қилиш концепцияси илгари сурилди. Бугун иқтисодий манфаатлар, бу манфаатларни бошқалар олдида, аниқроғи, Шимолий Америқо ва Ғарбий Оврупо бозоридан ҳимоя қилиш ана шундай уюшмалар тузиш орқали янада кенгроқ иқтисодий кенгликка эга бўлишни тақозо этмоқда. Шарқий Осиёда ҳам Оврупо иқтисодий ҳамжамияти тажрибасининг қўлланиши ички чегараларни йўқотиш ва меҳнат самарадорлигини ва иқтисодий фаолликни ошириш орқали бу мамлакатлар ялпи миллий маҳсулотини 200 миллиард сўмга ошириш имкониятини берар экан. Ягона Оврупо бозорини 1992 йилдан ташкил этиш истиқболи Осиёни маълум ташвишга солиб қўйди. Чунки Оврупо ҳамжиҳатлиги ичида савдо шартларини либераллаштириш Осиё товарларининг сотилиш шарт-шароитлари ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Ҳа, давлатлар, халқлар алоҳидаликдан умумийликка қараб бормоқда. Бизда эса бошқача, бунга зид жараён бормоқда. Бозор ягона иқтисодий кенгликни талаб қилади, учрайдиган ҳар қандай сиёсий, миллий, иқтисодий ғовлар унинг кўламини чеклайди, суръати ва самарадорлигига акс таъсир ўтказади. Бизда эса парламентлар, қонунлар, божхоналар уруши бошланган, қатор регионларда фуқаролар уруши аллақачон бошланиб кетган, миллий адоват кучайган. Афтидан келажакда бирлашув учун ажралиш лозимга ўхшайди. Эндиги бирлашув ҳур давлатларнинг ихтиёрий бирлашуви бўлиб, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш заруратларидан келиб чиқади.

Бозор учун, шунингдек, ҳуқуқий қонуний асос даркор. Ўнлаб биржалар иш бошлади. Лекин биржа тўғрисида қонун ҳамон йўқ. Савдогар билан олибсотар, бизнесмен билан чайқовчи ўртасидаги чегара қаердан ўтади? Биржа ва брокерлар бор, керагидан ҳам ортиқча, лекин товар ва

ресурслар кам. Натижада биржа воситачиликдан кўра чайқов марказларига айланиб қолмокда. Бозор муносабатлари олди-сотди, тақсимот доирасида мавжуд бўлиб, ишлаб чиқаришга етиб келолмаганлигича қолмокда. Аслида бозор ишлаб чиқаришга фаол таъсир кўрсатувчи буюк воситадир. Соҳибкорлик тўғрисидаги Қонун бу борада жуда катта роль ўйнаши керак эди. Бизда тадбиркорлик тўғрисида қонун бор. Лекин улар бир хил тушунчалар эмас. Бозор учун тадбиркоргина бўлиш озлик қилади, унга соҳибкор, хусусий мулк ва рақобатчи керак. Соҳибкорлик – бу касб, хатти-ҳаракат, турмуш тарзи. Тадбиркорлик эса фазилатдир. Унга ҳар бир киши, уй бекасидан тортиб вазиргача эга бўлиши керак.

Тўғри, соҳибкорлик тўғрисида қонун қабул қилинганда ҳам у ишламаслиги мумкин. Чунки бунинг учун хусусий-лаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, монополлаш-тиришдан қайтиш ва монополлаштиришга қарши кураш каби ўнлаб қонунлар мажмуаси бўлиши ва улар ишлаб кетиши керак.

Иқтисодиётнинг ва унинг негизида жамиятнинг тақдирини белгилаш ҳал қилувчи паллага кирди. Мустақил жумҳурия-тимизнинг ана шу вазиятдан чиқиб кетиши, инсоният цивилизациясидан ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга ишонч ҳар бир фуқаронинг қалбидан жой олиши керак. Инсонни фақат келажакка ишонч, яхшироқ яшашга интилишигина қутқаради.

"Туркистон",
1992 йил 22 январь

ХАЛҚАРО БОЗОРГА ЙЎЛ

Ўзбекистон жумҳурияти ўзининг давлат мустақиллигини эълон қилгандан кейин унинг бевосита халқаро бозорга кириши, жаҳон инфраструктураси билан боғланиши объектив реалликка айланди. Аммо бунинг учун иқтисодий ва сиёсий суверенитетдан ташқари яна бир қатор шарт-шароитлар бўлиши керак. Биринчи навбатда истеъмол бозори тўйинтирилиб, сўмнинг қадр-қиммати тикланиб, аста-секин жумҳуриятнинг иқтисодий ва молиявий аҳволи соғломлашиб бориши керак. Ҳозирча тез фурсатларда бунга эришиш қийин. Чунки иқтисодий танглик, молиявий парокандалик анча чуқурлашиб кетган. Аммо Ўзбекистонда миллий бозорнинг қаддини ростлаб олиб, жаҳон бозори томон силжишига катта имкониятлар, шарт-шароитлар, агар керак бўлса, кафолатлар ҳам бор. Асосий кафолат ундаги бой табиий ва меҳнат ресурсларидир.

Маълумки, жаҳон бозори ишчи кучи, халқаро капитал ва кредитлар, ёқилғи-хомашё ва қишлоқ хўжалиги товарлари, саноат товарлари, машина ва асбоб-ускуналар, хизмат кўрсатиш, лицензиялар ва ноу – хау, инжиниринг хизмати, транспорт хизмати ва бошқа бозорлардан таркиб топади. Ана шу халқаро бозор структурасининг 8–10 тармоғидан деярли барчаси бўйича Ўзбекистон фаол иштирок этиши мумкин.

Ўзбекистон энг аввало минерал хомашё ресурсларига бой. Бу ерда ресурсларнинг катта захиралари бўлишига қарамасдан, уларнинг улушини миллий даромад бирлигида ва аҳоли жон бошига ҳисобланганда жуда ҳам паст. Масалан, кон-саноат

комплексининг ҳиссаси жумҳурият саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида 5 фоиз атрофида. Нима учун шундай? Гап шундаки, Ўзбекистон кон-саноат комплекси маҳсулотларининг катта қисми хом-ашё ёки ярим тайёр маҳсулотлар сифатида жумҳурият ҳудудидан олиб чиқиб кетилади ва ундан узоқда чуқур қайта ишланиб, тайёр маҳсулотга айлантирилади. Табиийки, бу ресурсларнинг асосий қисми ҳисоб-китобларга олинмайди, жумҳурият ялпи ижтимоий маҳсулоти, миллий даромадини шакллантиришда иштирок этмайди. Ўзбекистонда жойлашган кон-саноат комплекси объектлари ҳозиргача асосан Иттифоқ вазирлик ва маҳкамалари тасарруфида эди. Собиқ иттифоқдош жумҳуриятларнинг алоҳида мустақил давлатларга айланиши муносабати билан иттифоқ миқёсидаги вазирлик ва маҳкамалар барҳам топмоқда. Илгари улар тасарруфида бўлган корхоналар энди маҳаллий жумҳурият ихтиёрига ўтмоқда. Энди бу ресурсларнинг шу ернинг ўзида чуқур қайта ишланиши ёки шу ернинг ўзидан бевосита экспорт қилиниши жумҳурият валюта фондини тўлдириш, моддий ишлаб чиқаришни ривожлантириш имкониятларини кенгайтиради.

Ўзбекистонда 100 дан ортиқ минерал хомашё турлари топилган. Уларнинг базасида бир неча юз кон-руда корхоналари, шахта ва карьерлари қуриб ишга туширилган. Бу объектларнинг ёрдамида тоғ массасини қазиб олиш айрим йилларда 60 млн. кубометрдан ошиб кетган эди. Ўзбекистон кон-саноат комплексида ишлаб чиқариладиган ярим тайёр маҳсулотлар таркибига пўлат, прокат, металл шаклидаги мис ва рух, вольфрам ва молибден концентратлари, висмут, нодир металлар, дала шпати ва бошқалар киради.

Кон-саноат комплексининг тармоқ ва территориал структурасининг такомиллашуви жараёни давом этмоқда. Бу табиий ҳол. Ўзбекистон кон-саноат комплексининг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг таркибида асосий ўринни рангли металлургия эгаллайди. Унинг ҳиссаси ялпи маҳсулот ва асосий ишлаб чиқариш фондларининг қийматида 80 фоиздан ошиқроқ, саноат ишлаб чиқариш тармоғи бўйича

эса 70 фоиздан кам эмас. Ундан кейинги ўринни қора металлургия эгаллайди. Нометалл руда саноати ҳиссаси комплекс ялпи маҳсулоти ҳажмида 1 фоиздан нари-бери. Комплекснинг территориал тузуги эса янги конларнинг очилиши, эски, ўз хизмат бурчини адо этиб бўлганларининг ёпилиши билан ўзгариб турибди.

Кон-саноат комплексининг хомашё ва ишлаб чиқариш базаси иқтисодий тараққиёт ва жумҳурият экспорт потенциалига кўп жиҳатдан таъсир кўрсатади. Фан-техника инқилоби минерал хомашёнинг тутган ўрнига ва уларга талаб даражасига жиддий таъсир кўрсатади. Бир томондан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг моддий сиғими камаяди, иккинчи томондан сунъий материаллар иккиламчи ресурслар ишлаб чиқариш жараёнига кўплаб жалб қилинмоқда. Аммо бу минерал ресурсларнинг аҳамияти пасаймоқда, деган гап эмас.

Жумҳуриятда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг жуда катта резервлари бор. Чунки у бой тупроқ-ўсимлик ресурсларига эга. Бу ресурслар интенсив қишлоқ хўжалиги учун анча қулай. Ўзбекистоннинг умумий ер майдони 44.740.0 минг гектарни ташкил қилиб (1989 йил маълумотларига кўра), шундан 28494,7 гектари қишлоқ хўжалигига тегишлидир. Агар мавжуд 4349,3 минг гектар экин майдони структурасини кўздан кечирадиган бўлсак, унинг деярли ярмини техника экинлари, шу жумладан пахта майдони ташкил этади. Кейинги йилларда бутун экин майдонларининг ўсиши пахта экинини кенгайтириш ҳисобига бўлди. Экстенсив хўжалик юритиш устун даражада борди. Бу ўз навбатида экологик вазиятни кескинлаштиришга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сифатининг ёмонлашувига олиб келди. Чунки техника экинлари, жумладан пахта кенг суратда химиявий ўғитлардан фойдаланишни тақозо этади.

Қишлоқ хўжалиги экинлар майдонининг кенгайтирилиши кўп жиҳатдан стихияли бориб, атрофга, муҳитга салбий таъсир кўрсатди. Айрим арбоблар, мутахассислар ва ҳатто иқтисодчи олимлар қишлоқ хўжалигининг устун экстенсив

йўлдан ривожланишини зарурий шарт деб ҳисоблаб, уни демографик аҳвол билан боғлайдилар. Аммо ана шундай сув ва ер ресурсларидан йиртқичларча фойдаланиш Оролнинг, Аму, Сирдарё ва бошқа сув манбаларининг кескин қисқаришига олиб келди, экологик тангликни келтириб чиқарди. Бироқ озиқ-овқат муаммоси ҳал бўлмади. Катта миқдорда гўшт, ғалла ва бошқа хўжалик маҳсулотлари ташқаридан келтирилмоқда.

Ўзбекистоннинг мавжуд сув ресурслари миқдор ва сифат жиҳатдан тугаш даврига кирди. Сирдарёнинг Оролга сув бериш имкониятлари аллақачон бутунлай тугаган, Амударёни эса, прогнозларга қараганда, яқин келажакда ана шундай қисмат кутмоқда. Бунинг устига жумҳурият дарёлари ишлаб чиқаришмаиший тармоқ оқавалари, суғориладиган ерлар ва дренаж системаларининг ювишдан сўнг химикатлар билан заҳарланган ташламалари билан ифлосланмоқда. Натижада жумҳуриятнинг асосий сув тармоқлари – Амударё, Сирдарё, Зарафшон ва бошқа дарёлар ичимлик суви билан таъминлашда амалда яроқсиз бўлиб қолди. Орол денгизи сув режимининг бузилиши, сатҳининг фалокатли даражада пасайиши Оролбўйи табиий-иқлим шароитига ҳалокатли таъсир кўрсатмоқда. Бу ерда юзага келган аҳвол ердан кўп йиллар давомида экстенсив фойдаланишнинг бевосита оқибатидир. Ҳолбуки, сув ресурсларининг тақчиллиги туфайли Ўзбекистонда экин майдонларини кенгайтириш имкониятлари чекланган. Аҳоли кўпаймоқда, жумҳуриятнинг ҳар бир аҳолиси ҳисобига экин майдони миқдори эса қисқармоқда. Бундай шароитда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни ўстириш фақат интенсивлаш ҳисобига, яъни ер майдони бирлигидан маҳсулот чиқишини кўпайтириш ва маҳсулот чорва маҳсулдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги структурасини такомиллаштириш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш ҳисобига таъминлаш лозим. Аҳволни яхшилаш учун инвестиция сиёсатини кескин ўзгартириш, қишлоқ хўжалигида капитал маблағларнинг асосий қисмини сувни тежовчи тадбирларни ўтказиш ва ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтириш керак.

Худди ана шу йўналишда жумҳуриятга чет эл инвесторларининг капиталини киритиш ва уларнинг ёрдамида сувдан фойдаланишнинг тежамкор усулларини, масалан, томчилаб суғоришни жорий қилиш, химиявий воситалар билан ифлосланган сувни қайта ишлаб ичимлик сувига айлантириш муҳим вазифалардандир. Келажакда ичимлик суви стратегик хомашёга айланади. Бунақа технология Исроилда аллақачон яратилган. Бу ишга Туркия каби давлатлар воситачи бўлиши ёки бевосита иштирок этиши мумкин. Бу ерда яна бир муҳим муаммолардан бири етиштирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдир. Қайта ишлаш соҳасининг заифлиги етиштирилган ҳосилнинг катта миқдорда нобуд бўлишига, унинг тўла-тўкис истеъмолчи дастурхонига етиб бормаслигига сабаб бўлмоқда. Чорва моллари бизни кўпинча гўшт, жун, сут сифатида қизиқтиради. Лекин улардан олиш мумкин бўлган иккиламчи маҳсулотлар эса деярли бутунлай фойдаланилмайди. Масалан, гўштга топширилган молларнинг териси базасида пойабзал ҳамда чарм кийимлари фабрика ва цехлари қуриш мумкин.

Ўзбекистонда энергия (ёқилғи) ресурслари қандай? Бу борада катта муаммолар, ечимлар мавжуд. Суюқ ёқилғи ҳиссасининг тез ўсиши ҳисобига бошқа ёқилғи (масалан, кўмир)нинг ҳиссаси камаймоқда. Ёқилғи-энергетика балансидаги гидроэнергетика муҳим роль ўйнаши мумкин эди. Аммо дарёларнинг камсувлилиги, айримларининг эса бутунлай қуриб бораётганлиги бу манба имкониятларини чегаралайди. Атом энергиясидан фойдаланилмайди. Қуёш энергиясидан фойдаланиш бўйича дастлабки қадамлар ташланди. Эндиги вазифа чет эл фирмалари иштирокида геотермал, шамол энергиясидан ҳамда техника экинларидан этил спирти ажратиб олиб, ундан суюқ ёқилғи сифатида фойдаланиш имкониятларини қидириш керак бўлади.

Собиқ СССРда ишлаб чиқариладиган нефтнинг (газ конденсатини қўшиб ҳисоблаганда) 0,4, табиий газнинг 5,2 ва кўмирнинг 0,7 фоизи Ўзбекистоннинг ҳиссасига тўғри келганди. Албатта, Ўзбекистон ҳозирча ўз-ўзини нефть билан

таъминлай олмайди. Бу ҳол иқтисодий ўсишга жиддий таъсир кўрсатади. Нефть импорти ташқи бозорга боғлиқликни янада кучайтиради. Ёқилғи истеъмоли структурасида эса нефтнинг ҳиссаси камаймаяпти, яқин ўн йилликларда нефть ёқилғи-энергетика балансида асосий ва самарали энергия манбаи ва кимёвий хом ашё сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Аҳоли ва меҳнат ресурсларига келадиган бўлсак, Ўзбекистон аҳолисининг сони ва таркиби, шунингдек иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси билан бошқа регионлардан кескин фарқ қилади. Бу фарқлар табиий, тарихий, миллий ва ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар билан белгиланади. Узоқ вақт давомида жумҳурият учун аҳоли ўсишининг "мустамлака типи" характерли эди: туғилишнинг юқори коэффициентига ўлимнинг ундан кам бўлмаган даражаси тўғри келарди. Фақат кейинги йилларда ҳозирги замон тиббиёт ва соғлиқни сақлаш ютуқларидан кенг фойдаланилиши, шаҳарларда халқ турмуш даражасининг яхшиланиши натижасида такрор ишлаб чиқариш жараёнида айрим ижобий силжишлар вужудга келди.

Агар 1897–1940 йилларда жумҳурият аҳолиси 1,6 мартага ўсган бўлса, кейинги қирқ йил давомида уч мартадан зиёдроқ ўсди. Умумий ўлим, унинг таркибида болалар ўлимининг камайтирилиши аҳоли табиий ўсиш суръатларини жадаллаштириб юборди. 1988 йилда Ўзбекистонда ҳар минг киши ҳисобига 35,1 киши туғилиб, 6,8 киши вафот этди. Демак, аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 28,3 га тенг бўлди. Мамлакат бўйича эса аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 10 тага тўғри келди, яъни жумҳуриятдаги кўрсаткичдан деярли 3 марта пастроқ бўлди.

Аҳоли умумий ва санитария маданиятининг, турмуш даражасининг ўсиши билан яқиндан боғлиқ равишда жумҳуриятда аҳоли табиий ўсиш суръатларида 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошлаб пасайиш тенденцияси кузатилмоқда. Агар 1986 йилда ҳар минг киши ҳисобига 37,8 бола туғилган бўлса, 1988 йилда 35,1 бола туғилди. Шунга мувофиқ

равишда аҳолининг табиий ўсиши ҳар минг киши ҳисобига 30,8 дан 28,3 нафарга тушди.

Табиий ўсиш асосан қишлоқ аҳолиси ҳиссасига тўғри келмоқда. Шаҳар аҳолисининг ўсишида туғилиш билан бир қаторда миграция жараёни катта таъсир кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда миграция жараёни янги завод ва фабрикаларнинг қурилиши ва уларни малакали ишчи кадрлар билан таъминлаш мақсадида мамлакатнинг марказий районларидан кишиларни кўчириб келтириш ҳисобига бўлди. Урушдан кейинги йилларда Олмалиқ, Ангрен, Бекобод, Навоий, Чирчиқ каби индустриал шаҳарлар барпо бўлиб, улар аҳолиси тез суръатларда ўсди.

Қишлоқ аҳолиси ҳисобига шаҳарларда яшовчи аҳолининг ўсиб бориш тенденцияси давом этмоқда. Бу жараён яқин 15–20 йиллар ичида ўз суръатини сақлаб қолса керак. Қишлоқда яшаш шароитининг шаҳарга нисбатан пастлиги, унинг ёшларни иқтисодий, ижтимоий ва маданий жиҳатлардан қондира олмаслиги бу жараённинг боришига сабаб бўлмоқда. Агар 1970 йилда шаҳар аҳолиси 4 млн. 322 минг кишидан иборат бўлиб, бутун жумҳурият аҳолисининг 36,6 фоизини ташкил этган бўлса, 1988 йилга келиб 8 млн. 106 мингга етди ва бутун аҳолининг 40,7 фоизини ташкил этди. Бу жараённинг салбий натижаси ҳам борган сайин яққолроқ намоён бўлмоқда. Қишлоқлар бўшаб қолмоқда. Ерларни ишлайдиган, чорвачиликни ривожлантирадиган ёшларнинг ҳиссаси камайиб бормоқда.

Аҳолининг табиий ўсиши билан меҳнат ресурсларидан самаралироқ фойдаланиш муаммоси келиб чиқмоқда. 1990 йилга келиб жумҳуриятнинг 1 миллиондан ортиқ аҳолиси ижтимоий фойдали меҳнатда қатнашмади. Иш жойларини қуриб, фойдаланишга топшириш аҳоли табиий ўсишидан сезиларли даражада орқада қола бошлади. Халқ хўжалигининг ҳозирги структураси меҳнатга яроқли аҳолининг барчасини ўз бағрига олишга қодир эмас. Натижада аҳоли жон бошига ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад ишлаб чиқариш аҳоли ўсиш суръатларидан орқада қолмоқда, бу ўз

навбатида аҳоли турмуш даражасининг ўсиш ўрнига пасайиб кетишига олиб келмокда.

Иқтисодий ўсишнинг ҳозирги босқичи меҳнат ресурслари малакасини ошириш муаммосини кўндаланг қилиб қўяди. Бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан фан ва техника ролининг ортиши ва айниқса вужудга келадиган янги тармоқлар махсус ва малакали билимларни тақозо қилади. Айниқса маҳаллий миллат вакилларидан малакали ишчи кучининг етишмаслиги кескин бўлиб қолмокда. Унинг асосий сабаблари қилиб жумҳуриятнинг умумий қолоқлигини, паст умумтаълим даражасини, кадрлар тайёрлаш системасининг эскирганлигини кўрсатиш мумкин.

Табиатдан фойдаланиш хусусиятларини таҳлил этиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, табиат ресурсларидан фойдаланиш асосан ўзининг иқтисодий қолоқлиги, ишлаб чиқариш-технологик жараёнларнинг охирига етказилмаганлиги, халқ хўжалиги структурасининг марказий бошқарувга тўла бўйсундирилганлиги билан характерланади. Бу ўз навбатида жумҳурият халқ хўжалигини ички, пировардида эса ташқи бозорга яқинлаштирмайди, балки узоқлаштиради. Бу ерда халқ хўжалигининг тармоқ структураси жиддий ўзгаришларга муҳтож. Хомашёни қайта ишлаш ва тайёр маҳсулот етказиб бериш қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати, шунингдек машинасозлик корхоналари тармоқларини кенгайтиришни талаб этади. Холбуки, кейинги ўн йилликда юқорида тилга олинган сермеҳнат тармоқлар ўрнига фондталаб тармоқлар – химия, нефть-химия, ёқилғи тармоқлари жадал ривожлантирилди. Саноат ишлаб чиқаришида, масалан, машинасозликнинг салмоғи 20 фоизга яқин, холос.

Индустрия аввалгидек асосан ярим тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ёки хомашёни дастлабки қайта ишлашга йўналтирилган. Улар кейин жумҳуриятдан ташқаридаги шерик корхоналарга юборилади. Халқ истеъмоли молларининг салмоғи саноат маҳсулоти умумий ҳажмида 25 фоиздан ошмайди. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига тўғри келадиган миллий

даромаднинг мамлакатдаги ўртача даражадан қарийб 2 баравар пастлиги кўп жиҳатдан шу билан изоҳланади. Бу ерда нафақат пахтанинг асосий қисми, балки жун, пилла ва қатор бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ҳам бошқа регионларда қайта ишланиб тайёр маҳсулотга айлантирилади. Энг аввало қазиб олинадиган минерал хомашёлар ва ёқилғининг барча турларини ишлаб чиқариш сезиларли ўсди. Масалан, нефть (газ конденсатини қўшиб ҳисоблаганда) 1970 –1988 йилларда 1805,3 минг тоннадан 2435,8 минг тоннага, газ 32094 млн.куб метрдан 39943 млн.куб метрга, кўмир қазиб олиш 3747 минг тоннадан 5470 минг тоннага етди. Рангли металларни қазиб олиш анча ўсди. Табиат имкониятларидан фойдаланишнинг интенсивлашуви регион ресурслари ва экосистемаси эксплуатациясини кучайтирди.

Табиат ресурсларидан фойдаланишнинг интенсивлашуви тўғрисида ишланадиган ер майдонларининг тез кўпайиши ҳам далолат беради. Кейинги йигирма йил ичида жумҳуриятда сув хўжалик қурилиши кенг миқёсда амалга оширилди ва янги ерлар кенг ўзлаштирилди. Натижада 1980 – 1988 йилларнинг ўзидагина Ўзбекистоннинг экин майдонлари 355 минг гектарга кенгайди ва умуман олганда 4,3 миллион гектардан ошиб кетди. Шу вақт ичида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун 23,2 миллиард сўм, шу жумладан сув хўжалиги қурилишига 8,6 миллиард сўм (37 фоиз) капитал маблағ ажратилди. Ерларни ўзлаштириш ҳажмларини кўпайтириш пойгасида капитал маблағларнинг асосий қисми – 80–90 фоизи янги қурилишга, ғоят оз қисми эса эскидан суғорилиб келинаётган экинзорларнинг мелиоратив ҳолатини ушлаб туриш ва яхшилашга қаратилган.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон суғориладиган майдон, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг қиймати, сувдан фойдаланиш бўйича Ўрта Осиёда етакчи ўринни ва ресурс имкониятларидан фойдаланиш даражаси, ҳар гектар ердан олинадиган фойда, фонд самарадорлиги, сарфланган сувнинг ҳар 1000 куб метри ҳисобига фойда бўйича охирги ўринни эгаллаб турибди. Янги ерларни ўзлаштиришга ва сув хўжалиги

қурилишига берилиб кетиш ишлаб чиқариш фондларини кескин ўстиришга олиб келди –1 гектар ер ҳисобига асосий ишлаб чиқариш фондлари билан таъминланганлик 1980–1988 йилларда деярли икки баравар ошди. Лекин шу вақт ичида фондлар самарадорлиги ҳам икки баравар камайди. Ўзбекистонда қишлоқ хўжалик ерларининг ҳар юз гектаридан Украинага қараганда уч баравар кам, Белоруссиядан – қарийб тўрт, Молдовадан – беш баравар кам маҳсулот олинмоқда.

Маълумки, ишланадиган ер майдонининг ўсиши қишлоқ хўжалик маҳсулотларини кўпайтириш маъносида маълум ижобий самара берди. Аммо у шу билан бирга тупроққа ўз салбий таъсирини кучайтирди. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш динамикаси ерлар ўсиш динамикасидан паст бўлиб қолмоқда. Узоқ йиллар мобайнида асосий эътиборни ерларнинг сифат ҳолатини яхшилашга қаратмасдан, ишлаб чиқариш майдонларини беқиёс кенгайтириш қишлоқ хўжалигига жуда катта зарар етказди: ерлар ботқоқлашди, шўр босди, эрозия ривожланди, тупроқ унумдорлиги пасайди.

Кўриниб турибдики, Ўзбекистон жуда бой моддий ва меҳнат ресурсларига эга. Аммо бу бойликлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эмас. Ишлаб чиқаришни ташкил этиш, моддий ресурслардан омилкорлик билан фойдаланиш, меҳнат кишисидаги талант ва қобилиятларни ишга тушириб юбориш муҳим аҳамият касб этмоқда. Бозор муносабатларига ўтиш бу муаммоларни ечишга хизмат қилиши аниқ. Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш жумҳуриятда камида 100 мингга майда, асосан қайта ишловчи тайёр маҳсулот етказиб берадиган корхоналарни вужудга келтиришни тақозо этади. Бу йўл билан меҳнат ресурсларидан ҳам тўла фойдаланиш имконияти пайдо бўларди. Миллий, табиий ва жуғрофий умумийлиги бўлган чет эл давлатлари билан ҳамкорликда ана шундай қўшма корхоналарни қуриб ишга тушириш икки томонлама фойдали бўларди.

"Ҳаёт ва иқтисод", 1992 , №2

МУСТАҚИЛЛИКНИНГ ИҚТИСОДИЙ АСОСЛАРИ

Истиқлолга эришган ҳар бир мамлакат, халқ олдида турадиган энг долзарб, энг мураккаб муаммо – мустақилликнинг иқтисодий асосларини яратиш ва мустаҳкамлашдир. Бу муаммо 135 йилдан кўпроқ вақт мобайнида мустамлака ва ярим мустамлака шароитида яшаб келган бизнинг ўлкамиз учун янада кескинроқдир. Иқтисодий ва сиёсий мустақиллик бир нарса эмас. Улар бир-биридан фарқ қилади. Иқтисодий мустақилликка эълон ёки декрет билан эришиб бўлмайди. У маълум тарихий муддат – ўтиш даврини тақозо этадиган чуқур ижтимоий, иқтисодий, сиёсий жараёндир. Ана шу муддат ичида истиқлолнинг тақдири ҳал бўлади. Давримизнинг, ёш ўзбек давлатининг башарий масъулияти ҳам шунда.

Эндигина туғилиб тетапоя бўлаётган мустақил ўзбек давлати иккита ғоятда муҳим ва қийин вазифани ҳал килишга киришган. Биринчидан, маъмурий-буйруқбозлик тартиботига асосланган эски бошқарув қолипини синдириб, иқтисодиётни бозор муносабатлари асосига кўчирмоқда. Иккинчидан, ташқи давлат ва минтақаларга карамликдан ҳоли бўлган, мустақил миллий хўжалик тизимини яратмоқда.

Мустақил иқтисодий сиёсат юргизиш имкониятига эга бўлган Ўзбекистон бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечиб, қатъий бозор иқтисодиёти томон йўл олди. Кўп укладли аралаш иқтисодиётни шакллантириш, соҳибкорлик руҳини тиклаш бошланди.

Мулк, соҳибкорлик, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида ва бошқа қатор қонунларнинг қабул қилиниши бозор инфраструктурасини шаклланти-ришнинг ҳуқуқий (қонуний) асосини кенгайтирди. Бошқариш органларини қайта ташкил қилиш, уларнинг вазифаларини бозор талабларига мувофиқлаштириш ишлари бормоқда. Тармоқ вазирликлари ва маҳкамалари ўрнига газ, енгил, озиқ-овқат ва бошқа тармоқларда ассоциация, концерн тузилмоқда.

Қишлоқда янги иқтисодий муносабатларни жорий килишга катта эътибор берилмоқда. 10 мингдан ортиқ деҳқон хўжаликлари 70 минг гектардан кўпроқ ер майдонларида фаолият кўрсатишмоқда. Уларнинг ривожланиши учун 200 минг гектардан кўпроқ махсус ер фонди ажратилган. Истеъмол бозори учун бевосита маҳсулот етказиб берадиган оила хўжаликлари кенг қулоч ёймоқда.

Аралаш иқтисодиётни шакллантириш якка соҳибкорлик доирасини кенгайтириш масаласини ҳам ўз ичига олади. Бу фаолият турлари маиший хизмат кўрсатиш, чиқиндиларни қайта ишлаш, таъмирлаш ишларида айниқса яққол кўзга ташланмоқда. Хусусий корхоналар иш бошлади.

Бу ишларга мутасадди бўлган Ўзбекистон соҳибкорлари Иттифоқи икки мингдан зиёдроқ қўшма ва кичик корхоналарни, ширкат, ассоциация ва тижорат банкларини ўзида бирлаштирмоқда. Брокерлик идоралари, савдо уйлари, аудиторлик фирмалари ва дилерлик хизматлари иқтисодий ҳаётимиздан ўрин олмоқда.

Биринчи бўлиб иш бошлаган Ўзбекистон Республикаси "Тошкент" кўп тармоқли товар-фонд биржаси таъсисчилари орасида давлат тижорат ва қўшма корхоналари мавжуд биржа оборотига металл ва металдош буюмлар, ёғоч материаллар, технологик ва электр жиҳозлари, халқ истеъмоли моллари ва бошқа ҳар хил маҳсулотларни киритиш билан шуғулланади, "Осиёконтинентал" акционерлик жамияти савдо уйининг ваколатхоналари жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида очилган. Осиё акционер-тижорат биржа банки,

“Ўзинкомбанк”, “Ипак йўли”, “Ўзсаноатқурилиш-банк” ва бошқа тижорат банклари пул-кредит ҳаракатларини бозор муносабатлари асосида ташкил этишга киришган.

Маълумки, ягона хўжалик комплекси, деб аталиб келинган бирикманинг бир бўлаги ҳисобланган жумҳуриятимиз иктисодиёти бевосита ва билвосита минглаб кўринмас иплар билан, аввало марказ, кейин эса бошқа минтақаларга чирмаб ташланган эди. Энди эса ягона халқ хўжалик комплекси қулади, эски хўжалик алоқалари узилди. Асосан хомашё чикариб, ташқаридан тайёр маҳсулот келтиришга ихтисослашган ёш ўзбек давлати олдида қўшимча иқтисодий қийинчиликлар пайдо бўлди. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам ташки муҳит таъсиридан ҳоли бўлган миллий иқтисодиётни қуриш муаммосини кўндаланг қилиб қўйди. Аммо миллий иқтисодиёт ғояси автаркизм (ёпиқ, биқиқ хўжалик тизими)ни тарғиб килиш деган гап эмас. Гап жаҳон хўжалик системаси билан интеграциялашган миллий хўжалик тизими устида бормокда. Ташқи иктисодий фаолият, хорижий эл инвестициялари тўғрисида ҳамда ташқи алоқаларни либераллаштирувчи бошқа қатор фармонлар чиқарилганлиги бежиз эмас.

Ташқи иқтисодий алоқалар инфраструктурасини шакллантириш жараёни бормокда. Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, Божхона давлат қўмитаси иш бошлади. Ўзбекистон Оврупо тикланиш ва тараққиёт банки, Халқаро банк, иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти каби обрўли халқаро уюшмаларга кирди. Халқаро валюта жамғармаси, Осиё банки савдо ва тарифлар бўйича Бош келишувга, БМТ иқтисодий ташкилотларига кириш арафасида турибди. Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари билан икки томонлама иқтисодий алоқалар ўрнатилмокда.

Ўзбекистонда 250 га яқин қўшма корхона иш бошлаган. 1991 йилнинг ўзидаёқ улар 450 миллион сўмлик маҳсулот берган эди. Қўшма корхоналардан кўзланган бош мақсад — бу ерга янги техника ва технологияни келтириш, хорижий эл бошқариш тажрибасини сингдириш,

бозорни зарур мол ва хизматлар билан тўлдириш, юқори малакали кадрлар тайёрлашдир.

Миллий иқтисодиётни барпо этиш халқ хўжалиги, айниқса, саноатда чуқур структуравий силжишларни, тайёр маҳсулот етказиб берадиган тармоқларни ривожлантириш, ижтимоий аҳамияти паст корхона ва соҳалардан воз кечишни тақозо этади. Бунинг учун жуда катта капитал маблағлар зарур. Аммо ҳукумат пул тизимини барқарорлаштириш мақсадида бюджетдан марказлашган капитал харажатларни бир неча марта кисқартиришга мажбур бўлди. Кредит сиёсатига талабчанликнинг оширилиши ва инвестиция ресурсларига нархларнинг кескин оширилиши корхоналар жамғармаларини амалда йўққа чиқарди. Умумий талабнинг жиддий сусайиши ҳамда хўжалик алоқаларининг узилиши ишлаб чиқариш фаолиятининг пасайиб боришига олиб келди. Бу ўз навбатида келгусидаги жамғариш имкониятларини чеклади. Бу айниқса фан ва технология жиҳатдан илғор тармоқларда яққол намоён бўлмоқда. Шунга қарамасдан ҳукумат томонидан устунлик молия-пул тизимини барқарорлаштиришга қаратилдики, бу иқтисодий сиёсатнинг аҳамияти ҳозир ўз-ўзидан равшан. Структуравий қайта куришлар ва унга мувофиқ кенг кўламли инвестиция дастурларини қабул қилишни жадаллаштириш ва бу борадаги шошма-шошарлик шубҳасиз гиперинфляцияни келтириб чиқариши мумкин эди.

Инвестиция учун ҳозирча реал захиралар йўқ. Шунинг учун унинг ҳажми яқин йиллар ичида янада камайиши мумкин. Аммо бюджетни барқарорлаштиришни узоқ йиллар давомида тўпланган саноат имконияти ҳисобига таъминлашга интилиш пировард мақсад эмас. Халқ хўжалигини, аввало унинг саноат тармоқларини реконструкциялаш, структуравий қайта қуришлар ислоҳотнинг ҳам, мустақилликнинг иқтисодий пойдеворини мустаҳкамлаб бориб миллий иқтисодиётимизни барпо этишнинг ҳам асосий шартларидир.

Ҳисоб-китобларга кўра, Россия машинасозлигида машина ва асбоб-ускуналарнинг атиги 20 фоизигина жаҳон стандартларига мувофиқ келиб, 54 фоизи замонавийлаштиришга,

25 фоизи эса бутунлай алмаштиришга муҳтож экан. Демак, халқаро миқёсга эришиш учун рус ҳукуматига 14,5 йил керак бўлади. (Агар жаҳон бўйича ҳозирги даража сақланса). Бутун саноат ва унинг бошқа тармоқлари бўйича аҳвол бундан ҳам мушкул. Бизда аҳвол бундан ёмон эмас, деб ким кафолат бераолади?

Хўш, нима қилиш керак? Биринчидан, миллий саноатни замонавийлаштириш корхоналарнинг жалб қилинаётган сармояларга масъулиятини оширадиган иқтисодий усуллар асосида амалга оширилиши керак. Валюта захираларининг танқислиги, хорижий элдан технологик асбоб-ускуналар ва машиналар сотиб олиш имкониятларининг чекланганлигига қарамасдан кўпгина корхоналарда саноат имкониятларидан фойдаланиш даражасининг ўта пастлиги ҳеч кимга сир эмас.

Иккинчидан, хорижий эл инвестициясини киритишни кенгайтириш керак бўлади. Масалан, 80-йилларда Хитойга киритилган хорижий эл инвестициялари 44 миллиард долларни ташкил этган эди. Ёки бўлмаса шу давр ичида хорижий элликларнинг АҚШ иқтисодиётига 1 триллион доллар киритганлигини эслатиб ўтишнинг ўзи кифоя. Ўзбекистон халқ хўжалигининг хорижий эл капиталига эҳтиёжи катта. Қолаверса, бу ерда хорижий сармоя учун кафолотлар – минерал ва бошқа хомашёларнинг бой захиралари, арзон иш кучи, капитал сарфлашнинг нисбатан кенг соҳалари ва ниҳоят ижтимоий, сиёсий вазият бор.

Учинчидан, жаҳон мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, экспорт потенциалини кенгайтириш, четга товар чиқаришнинг четдан товар киритишга нисбатан устунлигини таъминлаш. 1991 йили экспорт 2,2 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, импорт 3,6 миллиард сўмдан ошиб кетди, яъни 1,5 мартадан зиёдроқ паст бўлди. Бутун жаҳонда, ҳатто ривожланаётган мамлакатлар экспорт таркибида хомашё, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳиссаси камайиб, қайта ишловчи саноат маҳсулотлари, шу жумладан, асбоб-ускуналар ҳиссаси ортмоқда. Бизга эса собиқ Иттифоқдан хомашё экспорти ва халқ истеъмоли товарлари

импорти мерос бўлиб қолган. Асосий экспорт товари пахта хомашёси бўлиб келмоқда.

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиёти билан уйғунлашуви жараёнида қайси томон устунлик қилади: Ғарбми ёки Шарқми? Шимолий Америқо бозори томон борамизми ёки Ғарбий Оврупо ёки Осиё бозори сари юрамизми? Президент И. Каримов бошчилигида Ўзбекистон ҳукумати делегациясининг дастлабки расмий ташрифлари Хитой, Ҳиндистон, Туркия, Жанубий Корея, Малайзия ва Индонезия, Саудия Арабистони, Покистон бўйлаб бўлганлиги бу саволга аниқлик киритди. Ташқи сиёсатда Осиё омили нафақат геополитик, шу билан бирга анъанавий, тарихий аҳамиятга ҳам эгадир. Бозор муносабатларининг Осиёвий ҳодиса эканлигига бугун тўла асослар бор. Бозор муносабатларининг асосий унсурларидан бири ҳисобланадиган пул (танга)нинг ватани ҳам Кичик Осиёдаги Лидия (милодгача V аср) давлати бўлган деб тарихнинг отаси Ҳеродот ёзиб қолдирган.

Буюк ипак йўли, Мовароуннаҳр, Туркистоннинг бозор маданиятига қўшган буюк ҳиссаси ҳам бор гап. Дарё ўз ўзанидан оқади, деган нақл бор халқда. XXI асрнинг Осиё эраси бўлиши борган сари назариядан реалликка айланмоқда. Ҳа, Осиё ҳали ўзининг сўнгги сўзини айтгани йўқ. Яқинлашиб келаётган келгуси юз йилликда Тинч Океани ҳавзасида жойлашган Осиё бозори энг истиқболли, энг бой, ривожланиши энг арзон бозор бўлиши керак.

"Туркистон",
1992 йил 27 август

БУЮК СИНОВЛАР ДАВРИ

Давримизнинг характерли хусусияти бозор иқтисодиётига ўтишни тақозо этадиган туб хўжалик ислоҳотини амалга ошириш, давлат мустақиллигининг иқтисодий негизини яратиш, миллий иқтисодиётни жаҳон хўжалик тизими билан уйғунлаштиришдир. Ўзбек халқининг тарихий тақдири билан боғлиқ бўлган бу қадар масъулиятли ва ўта залворли вазифа мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги янги ёш ҳукумат зиммасига тушди.

Зудлик билан қатор янги Қонун ва Фармонлар ишлаб чиқилди. Бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос Ўзбек ЙЎЛИ танланиб, унинг асосий тамойиллари ва қоидалари белгиланди. Ёш, миллий кадрларни тайёрлаш, энг қийини, кишиларда бозор руҳияти ва кўникмаларини ҳосил қилиш ва ривожлантиришга жиддий киришилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хўжалик юритишнинг янги шаклларини вужудга келтириш бошланди. Буларнинг ҳаммаси ўтиш даврида амалга оширилиши лозим бўлган жуда мураккаб юмушлардандир. Улар мамлакатимизда нисбатан қисқа вақт ичида, энг асосийси, ижтимоий ларзаларсиз кечмоқда. Аммо ҳамон истеъмол бозорининг ночорлиги, танқислик, тинка-мадорни қуритадиган инфляция давом этмоқда. Пулнинг қадрсизланиши амортизация ва жамғарма маблағларини ютиб юбориб, ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини чеклаб қўймоқда. Иқтисодий ўсишни таъминлаш, халқ турмуш фаровонлигини ошириш, хўжалик тизимини бевосита аҳоли

эҳтиёжлари томон буриш асосий муаммо бўлиб келмоқда. Нима учун?

Аввало шуни таъкидлаш лозимки, бу қадар кенг кўламли муаммоларнинг бир зумда ечилишини даъво килиш нотабиий ҳаракат бўларди. Чунки улар анча узокдан бошланган, чуқур ва кўп омилли характерга эга. Бугунги қийинчиликларнинг илдизлари ўта марказлашган тоталитар маъмурий тизимга бориб тақалади. Л. Брежнев "коммунизми" табиат ресурсларидан экстенсив фойдаланиш, аҳолининг камтарона турмуш даражасига асосланган эди. Нефть, олтин, пахта сархушлиги (эйфорияси) бошқа қатор, масалан, илғор техника, тежамкор технологияни яратиш муаммоларини орқага суриб ташлади. Маълум тарихий сабабларга кўра, Ўзбекистон ягона халқ хўжалиги организмининг бир бўлаги сифатида ривожланиб келди. Саноат, илмий-техника имкониятларининг энг залворли ва энг яхши қисми тўғридан-тўғри мудофаа мақсадларига йўналтирилди. Улар, табиийки, олди-сотди, айирбошлаш объекти бўла олмади, бозорни четлаб ўтди. Турли ҳисоб-китобларга кўра, яқин йилларгача яратилган ижтимоий маҳсулот ва хизматларнинг ҳаммаси бўлиб 12–15 фоизигина кишиларнинг кундалик эҳтиёжларига, қолган қисми эса ишлаб чиқариш, қурилиш, мудофаа ва бошқа ноистеъмол соҳаларга сарфланди. Саноат ишлаб чиқаришининг "А" ва "Б" гуруҳлари ўртасидаги нисбат ҳам худди шу фикрни тасдиқлайди. Жуда катта миқдордаги маблағ ва маҳсулотлар йирик асосий фондларда, захираларда, қурол-аслаҳаларда, узоқ муддатли ҳамда тугалланмаган қурилишларда буюмлашган эди. Бугун уларни харакатга келтириш, халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш сари йўналтириш учун жуда катта миқдорда маблағ зарур. Хизматчиларни янги соҳаларга қайта тайёрлаш тўғрисида эса гапирмаса ҳам бўлади. Устига устак, бизда, бошқа ривожланган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, ер, ер ости бойликлари, кўчмас ва интеллектуал мулк, ишлаб чиқариш воситаларининг катта қисми ва бошқа кўпгина моддий ва маънавий бойликлар сотилмайди ва сотиб олинмайди.

Натижада, улар пул белгиларини реал тўлдиришга хизмат қилмайди.

Нима қилмоқ керак? Бу абадий саволга Президент И. Каримов Олий Кенгашнинг сўнгги сессиясида сўзлаган нутқида ҳам, Вазирлар Маҳкамасида ўтказилган йиғилишда ҳам ислоҳотни чуқурлаштириш керак, деган жавобни берган эди. Ва, ниҳоят, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони эълон қилинди. Бу ҳужжат ўзининг моҳияти ва кўлами билан олдин чиққан қарор ва фармонлардан жиддий фарқ қиладиган, бозор муносабатларига ўтишда бурилиш ясайдиган инқилобий воқеадир. Дарҳақиқат, олға боришдан, бозор муносабатларини ривожлантиришдан, агар таъбир жоиз бўлса, унга ўтишни радикаллаштиришдан ўзга йўл қолмади. Бир жойда депсиниб туриш ҳам, орқага қайтиш ҳам мумкин эмас. Чунки юртбоши таъкидлаганидек, "кўприклар ёндирилган". Биз демонополлашган, давлат тасарруфидан чиқарилган, рақобатли, самарадорликка йўналтирилган, очиқ жаҳон хўжалиги билан уйғунлашган замонавий иқтисодиётга эга бўлишимиз керак.

Ислоҳотни чуқурлаштиришнинг аниқ дастак ва механизмлари кўп. Улар тўғрисида анча-мунча гапирилмоқда. Аммо уларнинг қайсилари устида гап кетмасин, бир нарса аниқ бўлмоғи керак – бош мақсад меҳнат ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлашдир. Ишсизлик ва ижтимоий тенгсизликни тугатиш билан социализм инсоният тарихида ўзига буюк ҳайкал қолдирди. Уни қанча ҳақорат қилмайлик ёки, аксинча, идеаллаштирмайлик, тарихий ҳақиқат шундай. Аммо социализм меҳнат ва шахсий манфаат ўртасидаги узвий боғлиқликни тўла таъминлай олмади, аксинча, кишиларни ўз меҳнат натижаларидан узоқлаштирди, мавҳум умумийликка ундади. Н. Хрушчев, А. Косигин ислоҳотларини олайлик. Ёмон тадбирлар эмасди. Лекин барибир улар охирига етмади,

муваффақият қозонмади. Нимага деганда, жамият пойдевори–мулк муносабатларида чуқур ўзгаришлар ясай олмади. Ҳар гал ислоҳотлар метиндек мустаҳкам, лекин ҳаракатчанлик қобилиятини йўқотган давлат мулки қаршилигига учраб, орқага чекинаверди. Қайта қуриш билан боғлиқ ислоҳотлар эса хўжалик пирамидасининг қуйи қисми–корхоналарни қамраб олишга ҳаракат қилди: мулк шакли дахлсиз қолган ҳолда хўжалик субъектларига эркинлик берилди. Натижада улар ҳаво етишмаган кишидек мажолсиз қолаверди. Берилган эркинликдан эса биринчи навбатда баҳоларни ошириш йўли билан истъмолчини талаш мақсадида фойдаланилди. Буларнинг ҳаммаси бозор механизмининг айрим аъзоларини ўта марказлашган давлат режалаштириши асосида ривожланадиган организмга сунъий кўчириб ўтказишдан бошқа нарса эмасди. Кишилар ким ва нима учун ишлаётганини, ўз меҳнатининг натижаларини ўзи ўзлаштира олишини билиши керак. Ўзи учун ишлаган чарчамайди, деган гап бор. Бунга эришишнинг учта классик йўли мавжуд: хусусий мулк, эркин соҳибкорлик ва рақобат. Бозор иқтисодиёти ҳам ана шу уч таянч нуқтага асосланади. Янгидан қабул қилинадиган қонун ва қоидалар ҳамда амалдагиларига киритиладиган ўзгартишлар ана шу фаолият-ларни такомиллаштиришга хизмат қилмоғи лозим.

"Фуқароларнинг ... хусусий тадбиркорлик фаолияти ҳар томонлама рағбатлантирилсин, майда улгуржи, шу жумладан, оилавий асосдаги савдо тузилмаларини ташкил этиш бутун чоралар билан қўллаб-қувватлансин", – деб кўрсатилади Фармонда.

Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш доирасида хусусий ва акционер корхоналар, очиқ типдаги акционер жамиятлар давлат мулкининг бир қисмини ким ошди савдоси орқали сотиш ва бошқа йўллар орқали кенгаяди. Кишиларга ва чет эл сармоядорларига йирик хизмат кўрсатиш соҳасидаги корхоналарни имтиёзли сотиш ёки ижарага беришга киришилади. Ана шу йўллар орқали нодавлат ишлаб чиқариш ривожланиб, рақобатли "аралаш"

иқтисодиётни вужудга келтириш жараёни тезлашади. Қанча кўп киши хусусий мулкка эга бўлса, давлат шунча барқарор ва бадавлат бўлади. Шунинг учун ҳам кишиларнинг хусусий мулк эгаси бўлиши учун иложи борича кўпроқ имконият яратилиши мақбул. Шу мақсадда замонавий маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, ишлаб чиқариш қиёфасини ўзгартириш, хусусийлаштиришни тезроқ ва кенгроқ миқёсда ўтказиш, деҳқонлар, ҳунармандлар, майда товар ишлаб чиқарувчиларни яқиндан қўллаб-қувватлаш, бошқача қилиб айтганда, улар ўзларини намоён қилиши, улардаги ташаббускорликни уйғотиш учун кенг шарт-шароитлар яратиш муҳим аҳамият касб этади. Фармонга мувофиқ янгидан ташкил этиладиган Республика кўчмас мулк савдоси ҳамда фонд биржаси бу ишда катта роль ўйнайди. Улар хўжалик хаётининг бошқача усулини тақозо этади, албатта. Ишлаб чиқариш муносабатларида инқилобий ўзгаришлар содир бўлади, янги хўжалик субъектлари вужудга келади, янги рағбатлар, мотивлар шаклланади, хўжалик фаолиятидаги кўпчилик чеклашлар барҳам топади.

Бу вазифаларни молия-кредит соҳасида чуқур ўзгаришлар ясамасдан туриб амалга ошириш қийин. Биринчи навбатда ишлаб чиқаришнинг устун йўналишлари аниқ белгиланади. Ана шундай йўналиш, шубҳасиз, майда ва ўрта соҳибкорлик (бизнес), озиқ-овқат ишлаб чиқаришдир. Шундай қилинсагина, техника ва энергия воситаларининг нархи канчалик "ўйнамасин", маҳсулот ишлаб чиқарувчи ўз улушига эга бўлади. Бу йўл билан аҳоли жамғармаларидан ҳам самарали фойдаланиш мумкин.

Майда ишлаб чиқариш ёки бизнес давлатдан катта сармоя талаб этмайди, балки одатда фуқаролар, оилалар жамғармасига асосланади. Агар сармоя зарур бўлган тақдирда янги ҳужжатга мувофиқ ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ва акционерлик-тижорат банклари миллий ва чет эл валютасида кредит беришни амалга оширади.

Яқинда Жанубий Қурияда халқаро иқтисодий семинарда иштирок этиб, корейс "мўъжизаси"нинг "сир"ларини

англашга ҳаракат қилдим. Корейс саноатининг юқори суръатларда ривожланиши бой минерал хомашё базасига эмас (улар жуда тақчил), балки ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, янги техника ва технологияни жорий этиш, инсондаги бой қобилиятларни юзага чиқаришга асосланган. Бундан ташқари, уларда иқтисодиётнинг тақдирини майда ишлаб чиқариш ҳал қилади, деб ҳисоблаш мумкин. Миллионлаб майда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш корхоналарида кишилар эртадан кечгача мисоли бир корхона, бир цех бўлиб меҳнат қилади. Майда ишлаб чиқариш кўп жиҳатдан сиёсий фаолликни чегаралайди, ҳаммани ўз иши билан шуғулланишга мажбур қилади. Мулкка эгалик масъулияти шунга ундайди.

Майда бизнес, ҳунармандчилик осиёликлар учун анъанавий ишлаб чиқариш шакли, аҳолини иш билан таъминлаш ва истеъмол бозорини тўйинтириш манбаидир. Йирик ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган "ёриқча"лар хусусий майда соҳибкорлик ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар билан тўлдирилади. Инқилобгача Ўзбекистонда майда ҳунармандчиликнинг ҳиссаси металл буюмларга ишлов беришда 72, озиқ-овқат маҳсулотлари ва қурилиш материаллари тайёрлашда 70—80 фоиздан кам бўлмаган. Шунингдек, кийим-бош, шойи тўқиш, тикувчилик ва ёғочга ишлов беришнинг деярли хаммасини ўзида бирлаштирган.

Бу соҳаларда ишлаб чиқариш туркум характерга эга бўлмасдан, кўпинча якка, алоҳида буюртма асосида бўлган. Аммо бу молларнинг сифати жаҳон стандартларидан қолишмаган, Абдулҳамид Фитратнинг ҳикоя қилишича, Бухоро ҳожиларидан бири бир кийимлик алачани хадя этиш учун Мадинаи Мунавварага олиб боради. Аммо нима сабабдандир уни қайтариб олиб келмоқчи бўлади. Одесса божхонаси маъмурлари алачани чет эл моли деб гумон килиб бож талаб этадилар. Ҳожи бу алача Бухороники деб фарёд чекса ҳам, божхонадагилар "ҳали Бухорода бу даражадаги молни тўқийдиган фабрика қурилган эмас. Бу Фарангистон молидир. Сен буни Истанбулдан сотиб олгансан" дейдилар.

Бечора ҳожи ноилож бир неча сўм бож пули бериб, ўзининг матоҳини қайтариб олган экан.

Майда ва ўрта бизнесга кўмаклашувчи Республика фонди ташкил топгани ижобий ҳодисадир. Унга юқорироқ мақом берилиб, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланса янада яхшироқ бўларди. Худди шундай марказларнинг рақобатни таъминлаш, давлат монополиясини чеклаш ва соҳибкорликни (тадбиркорликни эмас) ривожлантириш бўйича ҳам ташкил топиши катта аҳамиятга эгадир. Соҳибкорлик иш эгаси, хусусий мулкдор деганидир. Бозор иқтисодиёти шароитида у алоҳида фаолият туридир. Шу билан бирга соҳибкорлик юриш-туришнинг маълум услуби, типи, фикрлар, хулқ, феъл-автор тарзи ҳамдир. Буларнинг ҳаммаси ташаббускорликда, ноанъанавий ҳаракатларда, кенг қамровлилик ва тавакалчилик ҳамда ишчанликда намоён бўлади. Тадбиркорлик бу ҳали иш, корхона эгаси дегани эмас, балки кўпчиликка хос бўлиши лозим бўлган фазилатдир, холос, Тадбиркорлик уй бекасига ҳам хос нарса. Соҳибкорликнинг энг биринчи шарти ва белгиси иқтисодий эркинликдир. Соҳибкор мустақил қарор қабул қилиши ва унинг оқибати учун жавоб бериши керак. У ёки бу шаклдаги мулк эгасигина ана шундай имкониятга эга бўлади.

Истеъмол бозорини тўйинтириш ва у орқали миллий валютанинг қадрини ошириш муаммоси тақиқловчи, жазоловчи, солиқ ва божхона органлари фаолиятига жиддий сифат ўзгаришлари киритишни талаб қилаётган эди. Масалан, корхона фаолияти солиқ ва санитария-эпидемиология муассасалари томонидангина назорат қилинса етарлидир. Солиқнинг ўзи ҳам табақалашган, қайишқоқ, истеъмол бозори манфаатларини ўзида акс эттирадиган бўлиши лозим. Нима учун валюта тушумидан солиқ тўлайдиган корхона яна ташқарига маҳсулот чиқаргани учун ҳам солиқ тўлаши керак?

Фармонга кўра Ўзбекистонга келтириладиган товарларнинг барча турларидан бож йиғимлари бир ярим йилга бекор килинади. Худди шунингдек, ҳудуддан товар экспорти ҳам

либераллаштирилади. Чунки ташқарига мол чиқармай, ташқаридан мол олиб келиш мумкин эмас. Бозор иқтисодиёти икки томонлама қатновга эга кўчага ўхшайди. Вилоятлар, туманларни божхона ола таёқлари билан бир-биридан бўлиб қўйиш мамлакат ҳудуди бўйлаб товар ва хизматларнинг эркин ҳаракатини қийинлаштиради. Бозор хар қандай сунъий тўсиқларни хуш кўрмайди, унинг учун ягона ҳаракат ҳудуди қанча кенг бўлса, шунча яхши. Биз нафақат мамлакат ичида, балки Ўрта Осиё ва Қозоғистон, қолаверса Овросиё–ягона бозор ҳудудига эришмоғимиз лозим.

Товар (хизмат)ларнинг ҳаракат доирасини чеклашни ёки алоҳида рухсат орқали амалга оширишни бутунлай инкор этиш мумкин эмас, албатта. Чунки у давлат сиёсати. Бу сиёсатни аниқ вақт ва шарт-шароитга қараб либерал-лаштириш ёки рамзийлаштириш бутунлай бошқа нарса.

Президент фармонида Ўзбекистон Республикасида валюта бозорини ривожлантириш ва муомаладаги мавжуд валюта ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш масалаларига катта эътибор қаратилган.

Сўмни барқарорлаштиришга эришиш ҳам ички, ҳам ташқи имкониятлардан баробар фойдаланган ҳолдагина осонроқ кечиши мумкин. Бунинг учун валюта ва фонд биржалари томонидан валюта ҳамда қимматбаҳо қоғозларнинг талаб ва таклиф асосида қарор топадиган жорий курс бўйича нархи белгиланиши ва эълон қилиниши лозим. Мустақил мамлакатнинг Молия вазирлиги ва Марказий банки бундай ҳуқуққа эга. Давлат қатьий валютаси бир қисмининг сотилиши, айрим ҳолларда эса, сотиб олиниши маҳаллий валютанинг қадрсизланишини тўхтатишга хизмат қилади, холос. Бунинг учун ривожланган хусусий тижорат банклари системаси зарур. Ҳар йили турли хил инвестицияларга мўлжалланган жуда катта миқдорда вақтинча бўш маблағ (доллар) мамлакатлар ўртасида кўчиб юради. Бунинг ёнига иқтисодий, техник, гуманитар ёрдам учун ажратиладиган маблағларни ҳам қўшиш керак. Шулардан маълум қисми сўзсиз Ўзбекистонга ҳам тегишлидир. Аммо бу улушнинг

ўсиши, уни ўзлаштириш сиёсий ва иқтисодий барқарорликдан ташқари ҳуқуқий, ишлаб чиқариш шартшароитларига, бозор инфраструктураси даражасига боғлиқ. Мана нима учун ишчи кучи ва хом ашёга бой бўлган қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш инфраструктурасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этмоқда. Буларнинг ҳаммаси инфляция, моддий таъминланмаган тақчилликни камайтиришга хизмат қилади. Шундай қилиб, давримизнинг бош хусусияти Ўзбекистоннинг бой имкониятлар мамлакатидан жаҳоннинг тараққий этган мамлакатлари қаторига ўсиб ўтишидир. Бу жараённинг тезлашуви ислоҳотни чуқурлаштиришга, кишиларимиздаги, заминимиздаги бой имкониятлардан фойдаланиш даражасига боғлиқ. Ислоҳотни бир киши бошлайди ва у ҳақли равишда ўша кишининг номи билан аталади. Аммо миллионлар унга бош қўшсагина, миллат ўз етакчиси атрофида жипслашсагина, ислоҳот зафар қозонади.

Ислоҳотнинг энг катта ва хавфли душмани лоқайдлик ва бепарволикдир. Улар кўзга кўринмас, пинҳона, ўз орамизда бўлгани учун ҳам ҳар қандай душмандан хавфлирокдир. Лоқайдлик орқали нафақат ислоҳотни, балки ҳар қандай кучли ғояни, олий мақсадни обрўсизлантириш ёки йўққа чиқариш қийин эмас. Улуғ Данте дўзахнинг энг ўтли қаъри буюк синовлар чоғида бетарафликни танлайдиган кишиларга мўлжалланган, деб ёзган эди. Ҳозир ана шундай буюк синовлар даври, Миллат, Ватан, Мустақиллик тақдири ҳал бўлаётган даврдир.

"Ўзбекистон овози",
1994 йил 29 январь

ЯГОНА ИҚТИСОДИЙ МАКОН ЙЎЛИДА

Ягона иқтисодий макон яратиш учун, аввало, Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтисодий иттифоқини мустаҳкам негизга қўйиш, ундан ҳам олдин миллий иқтисодиётни юксалтириш лозим. Бусиз, арава отдан олдин юра олмаганидек, қитъалараро ягона иқтисодий маконни орзу қилмоқ кулгули. Нега? Маълумки,Ўрта Осиё ва Қозоғистон жаҳоннинг йирик ҳудудларидан бири. Унинг ер майдони салкам 4 миллион квадрат километр, аҳолиси 50 миллион кишидан ортиқ.

Бу ерда бешта мустақил республика – давлат жойлашган. Мазкур мамлакатларда, жумладан, Ўзбекистонда 1991 йилнинг баҳоридан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бошланди. Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шартлари ва ўзига хос жиҳатлари Президентимизнинг "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли", "Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли", "Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари" китобларида асослаб берилди. Маълумки, бозор иқтисодиётини барпо этиш миллий, ички ҳодисадир. Бунинг учун дастлаб хусусий мулкка эрк бериш, рақобатни вужудга келтириш, эркин соҳибкорликни ривожлантириш керак бўлади. Шу билан бир қаторда унинг ташқи жиҳатлари — миллий иқтисодиётни халқаро хўжалик тизими билан уйғунлаштириш муаммолари ҳам йўқ эмас.

1993 йилнинг илк кунлари Тошкентда Ислом Каримов ташаббуси билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари раҳбарлари иштирокида тубдан янгича иқтисодий ҳамкорлик масаласи кўтарилган эди. Бу воқеа Ўзбекистонни минтақа

муаммоларини дунё миқёсига олиб чиқувчи марказ сифатида яна бир марта жаҳонга танитди. Мазкур ҳаракат бугун ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Шу йилнинг биринчи февралидан уч қўшни мамлакат — Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги божхона тўсиқлари олиб ташланди."Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаат-ларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги (1994 йил 21 январь) Президент Фармони миллий иқтисодиётни халқаро хўжалик тизимига уйғун-лаштиришга кафолат бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтисодий ҳамкорлиги янги мустақил давлатларга, уларнинг халқларига нималарни беради?

Бир неча мамлакат имкониятларини бирлаштириш ва уни долзарб умумий хўжалик муаммоларини ечишга қаратиш зўр самара бериши аниқ. Бу—тажрибада синалган қонуният. Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасида аҳолиси ва меҳнат ресурслари бўйича (40 фоиз) етакчи ўринни Ўзбекистон, ер майдони бўйича (68 фоиз) Қозоғистон эгаллайди. Қолаверса, бу икки мамлакатда минерал хомашёнинг жуда катта захиралари бор. Ўзбекистонда, мисол учун, олтин, кумуш, уран, мис, молибден, қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа қазилма бойликлар мавжуд. Республика яқин келажакда ўз темир конларига ҳам эга бўлади. Туркманистон ёқилғи-энергетика ресурсларига бой. Қирғизистон Ўрта Осиёнинг Швейцариясига айланиш ҳаракатида. Аммо минтақа иқтисодиётининг заиф томонларидан бири унинг собиқ иттифоқ саноат районларига боғлиқлигидир. Бу ерда ишлаб чиқариш ва савдо-алоқа тизими собиқ СССР ягона халқ хўжалик мажмуи манфаатларига бўйсундирилган ҳолда қарор топганди. Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, асосан пахта, ипак, каноп, мева, сабзавот етказиб бериши керак эди. Бундай ихтисослашув маҳаллий саноат базасини ривожлантиришга имкон бермасди. Бу ҳол минтақа иқтисодиётини саноат маҳсулотларининг баҳоларини эркинлаш-тиришдан манфаатдор қилмай қўйди. Бозор муносабатларига ўтиш, эски кооперация алоқаларининг узилиши туфайли энергия

воситалари, ўрмон-ёғоч, металл, ғалла ва бошқа маҳсулотлар нархининг кескин ошиб кетиши минтақа иқтисодиётига, унинг молиявий аҳволига жиддий салбий таъсир ўтказди. Чунки бу маҳсулотларнинг асосий қисми ташқаридан келтирилади. Биргина энергия воситаларининг қимматлашуви бу ердаги барча асосий тармоқларда харажатларнинг ошиб кетишига олиб келди. Урушга қадар Ўрта Осиё республикаларида экинлардан спирт ажратиб оладиган корхоналар бор эди. Кейинчалик бу заводлар ёпилиб, спирт ишлаб чиқариш монополияси Украинага берилди. Украина эса кейинги йилларда спирт етказиб бериш мажбуриятларини турли сабабларга кўра узлуксиз буза бошлади. Бундан фармацевтика, парфюмерия, озиқ-овқат саноати, касалхоналар, поликлиникалар, демакки, аҳоли катта зарар кўрадиган бўлди.

Бундай шароитда минтақа давлатлари қарши чоралар кўришга мажбур бўлмоқда. Пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни биринчи навбатда енгил, тўқимачилик, озиқ-овқат саноатини ривожлантириш мақсадида халқ хўжалигида кескин структуравий қайта қуришнинг жадаллашаётгани ана шундай чоралар жумласига киради.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтисодий ҳамкорлиги зарурати бу ерда истиқомат қилаётган туб аҳолининг ўхшаш тил ва ягона динга мансублиги, муштарак тарих ва анъаналаригагина асосланмайди, албатта. Гарчи бу омилларнинг аҳамияти беқиёс бўлса-да, масала бундан анча чуқурроқ. Иқтисодий ўсиш, бозор қонуниятлари минтақавий иқтисодий бирлашувни тақозо этмоқда. Нефть ишлаб чиқарадиган араб давлатлари уюшмаси (ОПЭК) Африка, Лотин Америкаси давлатлари ва ниҳоят, "Умумий бозор"га кирадиган Европа давлатлари бирлашмаси тасодифий эмас. Иқтисодий тараққиётни таъминловчи, шунингдек, бозор муносабатларини ривожлантирувчи тўрт унсур – меҳнат, капитал, товар ва хизматнинг ягона ҳудудда эркин ҳаракат қилиши учун минтақамизга умумий бозор зарур. Божхона зарбалари, кўп вақт, асаб ва қувват сарфини тақозо этадиган турли расмиятчиликлар ҳам иқтисодий иттифоққа ундовчи омиллардандир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари иқтисодий интеграцияси, энг аввало, ички тараққиётга таъсир кўрсатиб, миллий валютанинг қадрсизланиши жараёнини жиловлашга хизмат қилади. Масалан, бир мамлакат миқёсида рақобат ҳақида гапириш қийин. Агар ягона бозор вужудга келиб, унда турли мамлакатлар бир хил турдаги товарлар билан иштирок этадиган бўлса, рақобат вужудга келади. Натижада эса товарларнинг сифати яхшиланади, нарх пасаяди. Ягона ҳудудий бозордан нафақат иқтисодиёт, балки одамларнинг ўзи ҳам бевосита ютади. Аҳолининг бозордан ўзига керакли товарларни танлаш имконияти кенгаяди. Ички бозорда бундай имконият чегараланган. Маълумки, аҳоли керакли товарни ўз ҳудудидан тополмаса, уни қўшни республикалардан олиб келади. Умумий бозорда эса ҳар бир фуқаро – қозоқ, тожик, туркман, ким бўлишидан қатъи назар, бир хилда танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳеч ким бировга тазйиқ ўтказмайди. Айирбошлаш тенг ҳуқуқли ҳамкорлар ўртасида содир бўлади.

Бундан ташқари, ҳудуддаги давлатлар уюшган ҳолда, аҳиллик билан ҳаракат қилсагина жаҳон хўжалик тизимидан ўзларига муносиб ўрин эгаллайди. Масалан, "нефтедоллар" деган тушунча мавжуд. Нима учун "пахтадоллар" деган тушунча йўқ? Бунинг учун пул бирлигини бир талай асосий товарлар қийматига тенглаштириш керак бўлади. Негаки, пулнинг қадрсизланиши давом этмоқда. Долларнинг сўмга нисбатан қиймати ошиб бормоқда. Бу жараён ҳозирча давом этадиган кўринади. Сабаби – пулимизнинг ҳимояси заиф. Унинг олтин мазмуни бекор қилинган, муомаладагиларининг миқдори эса товар билан кам таъминланган. Бундай шароитда доллар ёки бошқа обрўли валютанинг сўмга нисбатан чайқов қиймати олдинга чиқиб олади. Бир қанча асосий маҳсулот турлари, дейлик, пахта, олтин, нефть, газ ва бошқаларни умумий эквивалент даражасига кўтарилса, қандай бўлар экан? Аммо алоҳида давлат, масалан, биргина Ўзбекистон доирасида бунга эришиш қийин. Уни Ўрта Осиё, МДҲ ёки бир хил турдаги маҳсулотни катта миқдорда ишлаб чиқарадиган давлатлар халқаро иқтисодий уюшмаси орқали амалга ошириш енгил кечади. Қолаверса, минтақа

давлатлари учун муштарак бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Масалан, сув, энергетика, озиқ-овқат ва бошқа муаммолар юзасидан ягона концепциялар зарур. Тўғри, Ўрта Осиё иттифоқи муҳитини яратиш мураккаб, маълум вақт талаб этадиган жараён. Шунга қарамасдан, унинг аниқ механизми бир хил товарларни катта миқдорда етиштириб берадиган тармоқларда жойлашган деб ҳисоблаш мумкин. Ана шу тармоқлар, айтайлик, сув, энергетика, пахта, ғалла бўйича келишувларга эришиш, бу ишларни мувофиқлаштирувчи илмий марказларни ҳозирданоқ ташкил этиш мақсадга мувофиқдир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон бозори, табиийки, барча муаммоларни ҳал қила олмайди. Евроосиёлигимизнинг ҳам, қитъалараро иқтисодий ҳамкорликнинг ҳам беқиёс аҳамияти бор.

Қитъалараро ҳамкорлик ЎртаОсиё ва Қозоғистондан ташқари Россия ва бошқа Осиё давлатларини ўз ичига олади. Гап шундаки, Туркманистон орқали ўтадиган темир йўл Машҳадга, Каспий денгизига чиқади. Бу жуда яхши. Аммо Каспийдан кейинги йўлимиз фақат Эрон бўлиб қолиши мумкин. Ундан кейинчи? Ҳозирги шароитда Тинч океани омили билан боғлиқ давлатларнинг қудратига қудрат қўшилмоқда. Энг буюк тўрт мамлакат – Америка, Япония, Хитой ва Россия Тинч океанига бевосита чиқади.

Аждодларимиз – Бухоро ва Хива савдогарлари Россия билан йўлга қўйган алоқаларни тиклаш ва уни замонавий даражага кўтариш бугун муҳим аҳамиятга эга. Келгусида сув ва энергия воситалари энг зарур стратегик хомашёларга айланиши сир эмас. Россияда эса унинг катта захиралари мавжуд. Ўрта Осиё меҳнат ресурсларига бой, мева-сабзавот, пахта, пилла, жун, минерал хомашё сероб. Ана шу манбаларни интеграция-лаштиришнинг ўзигина ҳар икки томон учун катта фойда келтиради. Ягона бозор ҳудуди қанча кенг бўлса, шунча яхши. Аммо унга кирувчи мамлакатлар мустақил ва тенг ҳуқуқли бўлмоғи лозим. Келгусида балки Евроосиёдан ҳам юқорироқ ҳамкорликка ёки иттифоққа ўсиб ўтиш пайти келар. Тарихий тараққиётнинг ўзи шуни тақозо этади. Нима учун, масалан,

келгусида АҚШ – Ўрта Осиё – Япония иқтисодий учбурчагига эришиш мумкин эмас? Қулай жуғрофий шароити, бой маъдан ва хом ашё ресурслари ва нисбатан арзон иш кучи ҳисобига мазкур учбурчакда умумий манфаатларни уйғунлаштирувчи ўзаро боғловчи халқа ролини Ўрта Осиё бажариши мумкин. Бундай ҳамкорлик дунёнинг энг қудратли икки давлати – АҚШ ва Япония сармоя ва технологиясини минтақага киритишдан ташқари, Тинч океани омилидан баҳраманд бўлишни осонлаштиради. Жаҳон воқеаларининг маркази XXI асрда Буюк океанга, унинг Осиё қисмига кўчади. Қолаверса, бу ҳолнинг тарихий илдизлари ҳам йўқ эмас. Ҳиндистон ярим оролигача борган карвон йўли кейинчалик кемаларда Тинч океанида жойлашган Осиё орол-давлатларига туташган эди.

Ҳар қандай ҳамкорлик ички манфаатлар ҳисобига шакланади, албатта. Бизнинг манфаатларимиз аниқ. АҚШ нинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонда қандай манфаатлари бўлиши мумкин? Улар бу мамлакатнинг ички иқтисодий қийинчиликларидан келиб чиқади. Иқтисодий ўсиш, давлат қарзи муаммолари бу ерда кескин. СССР нинг парчаланиши АҚШ нинг ўта қудратли давлат сифатидаги аҳамиятига маълум даражада путур етказди. Жаҳонда етакчилик учун кураш ҳарбий-стратегик соҳадан иқтисодий соҳага кўча бошлади. Бу курашда унга қарши турадиган реал куч Японияди р. Америка учун "кун чиқар" мамлакати билан зиддиятдан ҳамкорлик қулайроқдир.

АҚШ маъмуриятининг иқтисодий ўсишни таъминлаш учун янги халқаро иқтисодий ҳамкорлик механизмини ахтариши табиий. Урушдан кейин ана шундай механизм ишлаб чиқилган ва у "Маршалл плани" деб аталган эди.

Бу режага мувофиқ АҚШ Европа бозорига бевосита кириб келди. Ташқи бозорнинг кенгайиши ички иқтисодиётга катта туртки берди. 1960 йилга келиб Американинг ялпи миллий маҳсулоти умумжаҳон иқтисодиётида 33,7 фоизни ташкил этди. Тўғри, кейинги йилларда бу кўрсаткич бир оз пасайди, аммо жаҳон иқтисодиётининг бу буюк давлатга кўп жиҳатдан боғлиқлиги ҳозир ҳам давом этмоқда. АҚШ да иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши Япониянинг мавқеини

мустаҳкамлайди, жаҳон иқтисодиётида унинг аҳамиятининг ошувига олиб келади. Шундай бўлиб ҳам келмоқда. Мустақил Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатларида миллий иқтисодиётни шакллантириш билан боғлиқ бўлган ички қийинчиликлар ҳисобига инвестиция вакууми ҳосил бўлди. Агар бу бўшлиқни АҚШ тўлдирмаса, албатта, Япония тўлдиради. Бўшлиқ узоқ давом этиши мумкин эмас. Табиат қонуни шундай. Япон саноатида ишлаб чиқарилаётган товарлар, табиийки, фақат ички бозорга мўлжалланмаган. Уларни сотиш жаҳон бўйлаб, айниқса, рақобат, ички бозорни ҳимоялаш, божхона сиёсати заиф минтақаларда амалга ошмас экан, япон компанияларида синиш хавфи сақланиб қолаверади. Барча ривожланган давлатлар учун янги-янги бозорлар керак. Япония экспорт имконияти кенгайиб борар экан, ўз навбатида унинг хомашёга ва тайёр маҳсулотни сотишга эҳтиёжи ҳам ошиб бораверали.

Аммо бу жараёнларда Ўрта Осиё ва Қозоғистон технология киритувчи ва хомашё чиқарувчи минтақа бўлмаслиги, янги "оға"лар таъсирига тушиб қолмаслиги керак. У тенг ҳуқуқли ҳамкор сифатида жаҳон хўжалик тизимидан муносиб ўрин олиши лозим. Бунинг учун Евроосиё ҳақидаги бир қарашда жозибадор хомхаёллардан воз кечиб, аввало, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ягона иқтисодий ҳудудини мустаҳкамлаш энг оқилона йўлдир.

"Ўзбекистан овози",
1994 йил 2 июнь

УМУМИЙ БОЗОР – УМУМИЙ МАНФААТЛАР ТАҚОЗОСИ

Аждодларимиз ҳаёти, тирикчилик фаолияти учун Ўрта Осиё ва Қозоғистон ҳудуди азал-азалдан яхлит бир макон бўлиб келгани барчага маълум. Улар бу заминда чегара нимаю божхона нима эканини билмай от сурганлар, карвон етаклаганлар. Уларни ягона дин, ўхшаш тил ва урф-одатлар, муштарак тарих ва яшаш тарзи каби омиллар бирлаштириб турган. Октябрь тўнтаришидан кейин, сталинча миллий чегараланиш натижасида бу ҳудудда "суверен" деб аталган бешта иттифоқдош республика вужудга келди. Шундай қилиб, азалий қон-қардош ва қўшни халқлар — ўзбеклар, қозоқлар, қирғизлар, туркманлар ва тожиклар ўртасида илк бор сунъий девор тикланди. Собиқ СССР тарқаб кетиши арафасида бу республикалар давлат мустақиллигини эълон қилди ва шу тариқа Ўрта Осиё ва Қозоғистон мамлакатларининг жаҳон тараққиёти жараёнида муносиб ўрин эгаллаб, халқаро хўжалик тизими билан интеграциялашуви учун тарихий имконият туғилди.

Аммо азалий қон-қардош халқлар ўртасида совет даврида тикланган сунъий девор мустақилликдан сармастлик замонидаги паспорт, чегара, божхона расмиятчиликлари туфайли янада мустаҳкамланди. Бу энди аввалгисидан ҳам баттарроқ ғов эди. Янги қийинчиликларни енгиш, тарихий илдизларни, келгуси тараққиёт истиқболларини ҳис этиш Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари раҳбарларидан катта жасорат талаб этар эди. Бундай жасоратли раҳбар топилди.

“Донишманд ота-боболаримиз бугун биз “ягона иқтисодий макон” деб атаётган иқтисодий тизимни ўша пайтдаёқ шакллантириб улгурганлар. Бизнинг бугунги вазифамиз тарих синовидан ўтган шу қардошлик ришталарини янада такомиллаштириш, унга янгича моҳият бағишлашдан иборатдир”, деб таъкидлади Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов минтақадаги янги муаммоларни ҳал этиш хусусида гапирар экан.

Истиқболга, тараққиётга элтувчи йўллар, усуллар ҳар хил бўлиши мумкин, лекин бир нарса ҳамма учун баб-баравар: бозор муносабатлари туфайли жадаллашаётган иқтисодий ўсиш минтақавий хўжалик бирлашувини тақозо этмокда. Бир минтақада истиқомат қилувчи талай мам-лакатлар имкониятларини бирлаштириш ва уларни долзарб умумий хўжалик муаммоларини ечишга жалб этишнинг ижобий самара бериши – тажрибада синалган қонуниятдир. Ягона бозор ҳудуди қанча кенг бўлса, шунча яхши. Товар, хизмат, сармоя ва меҳнатнинг эркин ҳаракати учун ягона макон лозим. Улар канчалик эркин ва тез ҳаракат килса, миллий бозорлар шунча тез ранг-баранг истеъмол моллари билан бойийди. Чегара, паспорт ва божхона расмият-чиликлари бу йўлдаги сунъий ғовдан бошқа нарса эмас.

Тўғри, биз имкониятларимизни фақат минтақавий бозорга мослаштириш билангина кифояланмасдан, Оврупо, Америка, Тинч океанининг Осиё қисмидаги давлатлар бозорлари сари ҳам ҳаракат қиламиз. Жаҳон андозаларига мос товарлар ишлаб чиқаришга эришиш – Ўзбекистон иқтисодий стратегиясининг бош йўналишларидан биридир.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақаси иқтисодиётининг заиф жиҳати – унинг узоқ вақт мобайнида собиқ Иттифоқ саноат районларига қарам бўлиб келганидадир. Бу ердаги ишлаб чиқариш ва савдо-алоқа тизими собиқ СССР ягона халқ хўжалик мажмуи манфаатларига бўйсундирилган ҳолда қарор топган эди.

Бозор муносабатларига ўтиш, эски кооперация алоқала-рининг узилиши туфайли ёқилғи-энергия воситалари, ўрмон-

ёғоч, металл, ғалла ва бошқа маҳсулотлар нархининг кескин ошиб кетиши минтақа иқтисодиётига, унинг молиявий аҳволига жиддий салбий таъсир ўтказмасдан қолмади. Биргина энергия воситалари нархининг қимматлашуви бу ердаги барча асосий тармокларда харажатларнинг бирданига ошиб кетишига сабаб бўлди Бундай шароитда Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари ҳам қарши чоралар кўришга мажбур бўлмокда, албатта. Пировард маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларни, шунингдек, ёқилғи-энергетика, енгил саноат, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатини, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш мақсадида халқ хўжалигида кескин структуравий қайта қуришларнинг жадаллашаётгани ана шундай чора-тадбирлардир. Бугунги кунда Ўзбекистон нефть ва ғалла мустақиллигига эришмокда. 1991–94 йиллар мобайнида мамлакатимизда нефть ва газ ишлаб чиқариш икки марта ошди.

Яна бир мисол. Урушга қадар Ўрта Осиё республикаларида спирт ишлаб чиқарадиган корхоналар мавжуд эди. Кейинчалик бу корхоналар ёпилиб, спирт ишлаб чиқариш монополияси бошқа ҳудудларга берилди. Мана энди, иқтисодий ва молиявий қийинчиликларга қарамай, Ўзбекистон ҳукумати катта маблағ ажратиб, Янгийўл, Андижон ва Қўқонда янги спирт заводини ишга туширишга муваффақ бўлди.

Умумий бозор ёхуд ягона иқтисодий ҳудуд ташкил этиш – объектив иқтисодий жараён. У ихтиёрийлик, ўзаро манфаатдорлик асосида кечади ва бир талай миллий хўжаликларда иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган ўзаро ишлаб чиқариш, савдо-сотиқ ва маданий алоқаларни мунтазам ривожлантириш негизида янги сифат ўзгаришига сабаб бўлади. Умумий бозор – хўжалик алоқаларини такомиллаштириш йўлидаги иқтисодиётнинг асосий унсурлари ҳисобланадиган товарлар, хизматлар, сармоялар ва меҳнат захираларининг эркин ҳаракатини таъминлайдиган яхлит бир макондир. Бу маконда эркин ҳаракат қилувчи давлатлар, корхоналар, фирма ва компаниялар учун бир хил рақобат шароити яратилади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон умумий бозорини ташкил этишнинг истиқболи борми? Ҳа, бор. Ягона бозор шаклланиши учун мана бунга ўхшаш шарт-шароитлар шаклланмоғи зарур: ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви, мамлакатлар ривожланиш даражасининг бир-бирига яқинлиги, давлатлар ўртасида ягона иқтисодий ҳудуд ташкил этиш. Маълумки, бундай шарт-шароит минтақамизда мавжуд. Бундан ташқари, бу ерда демографик вазиятнинг ўхшашлиги (табиий ўсиш суръатлари юқори); ҳудуднинг минерал хомашё, хусусан, ёқилғи-энергетика воситаларига бойлиги; қишлоқ хўжалиги ривожи учун табиий иқлим шароитининг қулайлиги; ягона транспорт ва энергетика тизимини яратиш имкониятларининг мавжудлиги; ижтимоий ишлаб чиқаришда банд бўлмаган аҳолининг нисбатан кўплиги; миллий, маданий, диний, тарихий умумийлик ва шу каби бошқа омилларни ҳам санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир. Буларнинг барчаси умумий бозорни шакллантиришда муҳим ўрин тутади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон умумий бозорини ташкил этишдан максад — минтақадаги захиралардан самарали фойдаланиш, миллий иқтисодиётларнинг ривожланиши билан боғлиқ бир талай муаммоларни ҳал қилишдир.

Ягона Ўрта Осиё ва Қозоғистон бозори зарурати кўп жиҳатлардан бир хилдаги товарларни катта миқдорда ишлаб чиқариш имкониятларидан туғилмокда. Пахта, мева, сабзавот, кўмир, газ, нефть, олтин минтақадаги давлатларнинг деярли ҳаммасида мавжуд. Ана шу тармоқларда маҳсулот миқдори ва сифатини белгилаш бўйича келишувларга эришиш, бу ишларни мувофиқлаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ғарбдаги "Умумий бозор"га кирадиган Оврупо давлатлари, нефть ишлаб чиқарадиган араб мамлакатлари уюшмаси, Африка ва Лотин Америкаси минтақасида ташкил топган иқтисодий ҳамжамиятлар худди ана шундай вазифаларни биргаликда амалга оширишни кўзда тутади.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари иқтисодий ҳамкорлиги инфляция жараёнини чегаралашга ҳам хизмат қилиши

мумкин. Дейлик, бир мамлакат миқёсида рақобат анча заиф кечади. Агар ягона минтақавий бозор вужудга келиб, унда турли мамлакатлар бир хил турдаги товарлар билан иштирок этадиган бўлса, рақобат учун янада кенгроқ имконият очилади. Натижада товарларнинг сифати яхшиланади, нархи пасаяди. Истеъмолчининг керакли молларни танлаш имконияти кўпаяди. Ички бозорда эса у чегараланган бўлади. Аҳоли ўзига керакли молни ички бозордан топа олмаса, қўшни бозордан танлайди. Умумий бозорда ҳар бир фуқаро, мамлакати ва миллатидан қатъи назар, бир хилда танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Биров бировга тазйиқ ўтказа олмайди. Айирбошлаш тенг ҳуқуқли истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида кечади.

1994 йилнинг бошларида Тошкентда Ўзбекистон ва Қозоғистон ўртасида ягона иқтисодий маконни шакллантириш тўғрисида шартнома имзоланган эди. Кейинчалик бу шартномага Қирғизистон ҳам қўшилди. Халқ хўжалигининг турли соҳалари бўйича ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ўнлаб ҳукуматлараро келишувларга эришилди. Улар биргаликда кредит, бюджет, тўлов, солиқ, баҳо, божхона, валюта сиёсатини юритишни назарда тутади. Алмати шаҳрида Давлатлараро ижроия қўмита, Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон банк маркази, Самарқандда ЮНЕСКОнинг Ўрта Осиё ва Қозоғистон муаммолари илмий тадқиқот институти иш бошлади. Саноатни интеграциялаштириш дастури ишлаб чиқилди. Тошкентда Ўрта Осиё ва Қозоғистон олимпиадаси ўтказилди. Бу жараён борган сари теранлашиб, янгича сифат касб эта бориши табиий. Ҳаёт Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари қудрати ва имкониятларини минтақа учун муштарак бўлган муаммоларга қаратиш лозимлигини илгари сурмоқда. Сув, энергетика, озиқ-овқат, экология ва бошқа муаммолар юзасидан ягона концепция ва дастурлар зарур. XXI аср нафақат информатика асри, шу билан бирга, сув асосий стратегик хомашёга айланадиган юз йиллик бўлиши борган сари ойдинлашмоқда. Энергия воситаларининг анъанавий бўлмаган турларини ишга тушириш, принципиал янги технологияга эга

бўлиш ва шу йўл билан ёқилғини тежаш мумкиндир. Аммо сувни, айниқса, чучук сув ўрнини босадиган неъматни яратишга инсон ақл-заковати ожиз. Шу боис ҳам кўпчилик учун умумий бўлган сув артерияларидан фойдаланишни яхшилаш, сувсизликка чидамли экин турларини кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилиб, давлатлараро илмий муассасалар уларни мувофиқаштириб берса айни муддао бўларди.

Қолаверса, бугун Ўрта Осиё ва Қозоғистон умумий бозорини ташкил этиш келгусида янада юқорироқ иқтисодий ҳамкорлик босқичи томон, дейлик, Овроосиё ва ҳатто АҚШ — Ўрта Осиё — Япония иқтисодий учбурчагини яратиш сари қадам босиш имконини беради. Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтисодий ҳамкорлигининг минтақадаги мустақил давлатлар халқларига қандай наф бериши маълум. Хўш, Россия, Америка ва Япониянинг Ўрта Осиё ва Қозоғистонда қандай иқтисодий манфаатлари бўлиши мумкин?

Ўрта Осиё ва Қозоғистон меҳнат захираларига ва шунга мувофиқ, нисбатан арзон иш кучига бой. Мева-сабзавот, пахта, пилла, жун сероб. Ўзбекистон ва Қозоғистонда минерал хомашёларнинг катта захиралари бор. Олтин, кумуш, уран, мис, молибден, қўрғошин, рух, вольфрам, литий ва бошқа казилма бойликлар мўл. Туркманистонда ёқилги-энергетика ресурслари катта миқдорда. Санокни яна давом эттириш мумкин. АҚШ эса иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида янги халқаро иқтисодий ҳамкорлик майдонини ахтариши табиий. Ана шундай ҳамкорлик объекти Ўрта Осиё ва Қозоғистон бўлса ажаб эмас. Урушдан кейин Америка ҳукумати учун бундай объект вайрон этилган Овруподан топилган эди.

Япония саноатида ишлаб чиқарилаётган товарлар, табиийки, бу мамлакат ички бозоригагина мўлжалланган эмас. Япониянинг миллий ва китъалараро компаниялари уларни жаҳон бозорида, айниқса, рақобат, ички бозор ҳимояси, божхона талаблари заиф минтақаларда сотишдан кўпроқ манфаатдордир. Барча ривожланган мамлакатлар учун янги-янги бозорлар зарур. Япониянинг экспорт имконияти

кенгайиб борар экан, унинг хомашёга эҳтиёжи ҳам ошиб кетаверади. Ахир, бу эҳтиёжни у ҳамма вақт ҳам Австралия ва Канада ҳисобига қондира олмайди.

Қитъалараро ҳамкорлик Ўрта Осиёдек минтақага илғор технологияни жорий этишдан ташқари, Тинч океани кулайликларидан баҳраманд бўлиш имконини ҳам беради, буюк сув йўлига чиқишни осонлаштиради. Келгуси аср Тинч океаннинг Осиё қисми замони бўлади. Бу бозордан четда қолиш — катта имкониятларни бой бериш билан баробар. Колаверса, бу ҳолнинг тарихий илдизлари ҳам йўқ эмас. Тинч океан соҳилида исломнинг тарқалишида мусулмон савдогарлари муҳим ўрин тутгани ҳақида далиллар бор. Аждодларимизнинг, хусусан, Хива ва Бухоро савдогарларининг ўрта асрларда Россия билан йўлга қўйган алоқалари тасодифий эмас эди.

Ватанимиз Ўзбекистоннинг Ўрта Осиёдаги муаммолар, воқеа ва ҳодисаларни жаҳон миқёсига кўтарувчи (глобаллаштирувчи) марказ сифатида майдонга чиқаётгани диққатга сазовордир. Президент Ислом Каримов Бирлашган Миллатлар Ташкилоти минбаридан сўзлаган нутқларида ва бу ташкилот Бош котиби Бутрос Ғолийга йўллаган мактубларида, Оврупонинг нуфузли анжуманларида жаҳоннинг эътиборини Орол фожиасига, минтақада вужудга келган ҳалокатли экологик вазиятга, Афғонистон ва Тожикистондаги қонли можароларни тўхтатишга қаратаётгани фикримизнинг далилидир. Ўзбекистоннинг бундай дадил ҳаракати мамлакатимизнинг нуфузи, иқтисодий, сиёсий барқарорлигини янада мустаҳкамлаш учун қулай шароит яратмоқда.

"Тафаккур",
1995, №3/4

ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон
постсоциалистик майдонда
биринчилардан бўлиб
ривожланишнинг бозор йўлини танлади,
иқтисодиётнинг пастга кетишига
барҳам берди,
макроиқтисодий барқарорликка эришди.
Келгусида иқтисодий ўсиш
ва юксалиш учун
мустаҳкам пойдевор ҳозирлади.
Саноат ишлаб чиқариш
ҳажми бўйича
ислоҳотдан олдинги йиллардан
ўтиб кетди.
Импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар
ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйди.
Тараққиётнинг
Ўзбекона модели,
инқироздан ривожланиш орқали
чиқиш феномени
бутун дунёга довруқ таратди.
Бунда ҳукумат
ва унинг раҳбари
Ислом Каримов томонидан
пухта ишлаб чиқилган
ислоҳотлар стратегияси,
бозор муносабатларига ўтишнинг
беш асосий тамойили
ҳал қилувчи роль ўйнади.

ФАРОВОНЛИК САРИ ЯНА БИР ҚАДАМ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг тўртинчи сессиясида мамлакатимиз Президенти сўзлаган нутқи ўзининг кенг қамровлилиги, теранлиги ва назарий хулосалари билан ижтимоий-сиёсий ҳаётимизда муҳим ўрин эгаллади. Маърузада ислоҳот жараёнларининг бориши таҳлил этилиб, 1996 йилда республикамиз олдида турган вазифаларнинг устувор йўналишлари белгилаб берилди.

Ўтган йилнинг иқтисодий соҳадаги муҳим якуни ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатишдан иборат бўлди. Бу эса ўз навбатида ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пастга қараб сирғанишининг олдини олишга имконият яратди. Шунингдек, қишлоқ хўжалиги, ёқилғи-энергетика, нефть-кимё, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш каби қатор тармоқларда юксалишга эришилди.

Халқ хўжалигида эса сифат ўзгаришлар чуқурлашди. Давлатга қарашли бўлмаган, нодавлат секторининг ҳиссаси ортди. Улар ўтган йили саноат ишлаб чиқариши ва барча капитал маблағларнинг 40 фоиздан ортиқроғини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса 97 фоизини берди. Бу секторда ҳозир иш билан банд аҳолининг 64 фоизи меҳнат қилмоқда. Хўш, иқтисодиётимиздаги ана шу ижобий силжишлар нималар ҳисобига таъминланди? Балки қулай жуғрофий, табиий шароит ҳал қилувчи роль ўйнаётгандир? Аммо бу омиллар қўшни жумҳурият, мамлакатлар учун ҳам деярли баб-баравар-ку. Шуни таъкидлаш лозимки, мамлакатимиз қўшни давлатлар сингари халқаро кредитларга кўз

тикиб ўтиргани йўқ. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб тараққиётнинг ички имкониятларига таянади. Жумладан, ёқилғи-энергетиканинг асосий қисмини берадиган Ҳамдўстлик мамлакатларида газ ва нефть ишлаб чиқариш кескин пасайган бўлса, Ўзбекистонда ўтган йили нефть ва газ конденсати қазиб олиш деярли 1,5 марта ошди. Илгари четдан нефть келтириш 4 млн. тоннани ташкил қилган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 750 минг тоннага камайтирилди. Албатта, буларнинг барчаси нефть қазиб олишга ва уни қайта ишлайдиган заводларнинг қувватини оширишга катта маблағлар сарфланганлигининг самарасидир.

1994 йилда Ўзбекистонда 2,7 млн. тонна дон етиштирилган бўлса, бу кўрсаткич 1995 йилда 4,4 млн. тоннага етди. Аввал республикамизда дон ишлаб чиқариш ҳеч вақт икки миллион тоннага етмаган эди. Истеъмолнинг деярли учдан икки қисми ташқаридан ғалла сотиб олиб келиш ҳисобига қондириларди. Импортнинг асосий қисмини ана шу истеъмол маҳсулоти ташкил этарди. Ўтган йили биргина тайёрланган ғалланинг ўзи 3,3 миллион тоннани ташкил этди. Шу мақсадда экин майдонларининг структураси ўзгартирилиб, ғалла майдонларининг улуши жиддий оширилди.

Шу ўринда дон ва ёқилғи-энергетика мустақиллиги кимга ва нимага керак, деган савол туғилиши табиий. Бу, биринчидан, юртимизни ташқи бозорга қарамликдан халос этади. Иккинчидан, бу маҳсулотларни мамлакат ичида ишлаб чиқаришни кескин кўпайтириш натижасида катта миқдорда маблағ тежалади. Ниҳоят, учинчидан, бу ишнинг маънавий-психологик томонлари ҳам йўқ эмас. У кишиларда ислоҳотнинг боришига ишончни мустаҳкамлайди, устун соҳаларни босқичма-босқич ривожлантириш орқали мақсад сари боришнинг ҳақиқатлиги ва афзаллигини намойиш этади.

Бугун бу маҳсулотларни ишлаб чиқаришни узлуксиз ошириб бориш билан бир қаторда тежамкор технология ва ёқилғининг ноанъанавий турларини топиб, улардан кенг фойдаланишнинг аҳамияти ошиб бормоқда. Масалан, дон

истеъмолини озиқ-овқат таркибида сабзавот ва меваларнинг ҳиссасини ошириш орқали чегаралаш мумкин. Ёқилғи-энергия таркибида эса шамол, сув, қуёшдан, геотермал сувлардан, агар керак бўлса, техника экинларидан этил спирти ажратиб олиб, ёқилғи сифатида фойдаланиш нефть ва газни тежаш имконини беради.

Ушбу сатрлар муаллифи ўтган йили Калифорниянинг шамоллар дарасида минглаб шамол парракларининг энергия ҳосил қилишини кузатган эди. Унинг Ўрта Осиёда ҳам шундай энергия ҳосил қилишга ўтиш учун нималар керак, деган саволига ўша ерлик менежер шундай деб жавоб берди: бунинг учун учта омил даркор – шамол, хоҳиш-истак ва маблағ. Хоҳиш-истак ва шамол керагидан ҳам ортиқ. Зарурат ҳам бор. Экология, табиатни авайлаб-асраш муаммоси ана шундай ноанъанавий энергия турларидан кенг фойдаланишга ўтишни тақозо этмоқда. Бу борада Фанлар академиясининг қатор институтлари, айрим тармоқ илмий муассасалари ва ўқув юртлари лабораторияларида ноанъанавий энергия ҳосил қилиш, иккиламчи хомашёлардан самарали фойдаланиш бўйича жаҳон андозаларидан кам бўлмаган илмий-тадқиқот ва ҳатто амалий ечимлар бор. Энди у халқ хўжалигида ўз аксини топиши керак.

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган йиғилишда қишлоқ хўжалигини ҳаёт-мамотимизни, иқтисодий мустақиллигимиз тақдирини ҳал этадиган соҳа деб атади. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки қишлоқ хўжалигини ривожлантириш истеъмол бозорини тўйинтириш ва шу орқали инфляция ва ортиқча эмиссияга барҳам беришга имконият яратади.

1994 йилда илк бор Ўзбекистонда ташқи савдо балансида фаол салдога эришилди. Яъни ташқарига мол чиқариш ташқаридан мол киритишга нисбатан сезиларли даражада устун бўлди. Бундан аввал ҳамиша пассив ташқи иқтисодий алоқа салдосига эга эдик. Чунки ташқарига хомашё, ярим тайёр маҳсулот чиқариш ташқаридан тайёр мол олиб келишга нисбатан бир неча бор арзон. Бир вақтлар пахта Ўзбекистон

экспортининг 60–70 фоизини ташкил этар эди. Бугун нафақат пахта толаси, бошқа хомашёлар, шу билан бирга мураккаб техника воситалари – тракторлар, самолётлар Ҳамдўстлик мамлакатларигагина эмас, балки саноат жиҳатидан тараққий этган мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда.

1996 йилда амалга оширилиши лозим бўлган муҳим вазифалар сирасига иқтисодиётни таркибий янгилашни давом эттириш, устувор йўналишларни белгилаб, бу соҳаларда жадал ривожланишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, мулкдорлар синфини шакллантириш ва шу мақсадда кичик ҳамда хусусий тадбиркорликни, қимматбаҳо қоғозлар бозорини ривожлантириш, қишлоқда хўжалик юритиш шаклларини кенгайтириш йўли билан ислоҳотнинг боришини чуқурлаштириш ва бошқалар киритилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан жамиятда кескин табақаланиш даражасини юмшатиш, халқ айрим гуруҳларининг қашшоқлашувига йўл қўймаслик муҳим вазифалар сифатида қўйилмоқда. Маориф, соғлиқни сақлаш, маънавият ва ахлоқни тиклаш, илм-фанни ривожлантириш, эркин-демократик жамият қуриш келажагимизни таъминлашнинг муҳим шарти эканлиги кўрсатилди.

1995 йилда янгиланиш ва юксалиш сари илдам бориш йўлида пойдевор яратилди. Эндиги вазифа, биздан ҳақли талаб этилаётганидек, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқ фаровонлигининг юксалиши йўлида бурилиш ясашдир.

"Халқ сўзи",
1996 йил 23 январь

ЎЗБЕКИСТОН ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Ўрта Осиё ва Қозоғистон минтақасининг энг нуфузли мамлакатларидан биридир. Бу ерда минтақа жами аҳолисининг 40 фоиздан ортиқроғи яшайди. Жуғрофий жойлашуви анча қулай, темир йўл, автомобиль ва ҳаво йўллари чорраҳасида жойлашган. Саноат ва қишлоқ хўжалиги хийла ривожланган. Иқтисодиётда бозор муносабатлари кенгайиб, жаҳон хўжалик системаси билан жадал интеграциялашиб бормокда. Ўзбекистонда антиқа маъдан хомашёлари, ер ости бойликлари сероб. Маъданларнинг 95 тури топилган. Ер ости бойликларининг юздан ортиқ конлари ишлаб турибди.

Иқтисодиётда саноат катта ўрин тутади. 1993 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 22,4 фоизи ана шу тармокда ишлаб чиқарилди. Саноатнинг 100 дан ортиқ соҳалари мавжуд бўлиб, улар орасида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишловчи ва агросаноат мажмуига хизмат кўрсатувчи тармоқлар етакчи мавқега эга. Булар пахта тозалаш, шойи тўқиш, консерва, ёғ-мой ва бошқа саноат турларидир. Шунингдек, химия ва нефть химияси, машинасозлик, электроника, энергетика, металлургия, енгил ва курилиш материаллари саноати жадал суръатларда ривожланмокда.

Саноат тараққиётида ёнилғи-энергетика комплексининг ўрни алоҳида. Таркиби газ, нефть ва нефтни қайта ишлаш, кўмир ва энергетикадан иборат бу комплекснинг ҳиссаси саноат ишлаб чиқаришида 10 фоиз. Ўзбекистон МДҲ

давлатлари орасида табиий газ қазиб олиш бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Ўтган кейинги уч йил мобайнида Ўзбекистонда ёқилғи-энергетика мустақиллигини таъминлаш борасида муҳим қадам қўйилди. Яқин йиллар ичида ёқилғи-энергетика бўйича ташқи бозорга боғлиқликка барҳам берилади. Бундан тежаладиган катта маблағлар халқ хўжалигининг бошқа муҳим тармоқларини ривожлантиришга сарфланади. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда газ конденсатлари захирасида Ўзбекистоннинг ҳиссаси 74 фоизни ташкил этади. Бу ерда минтақа нефть захираларининг 31 фоизи, табиий газнинг 40, кўмирнинг 55 фоизи жойлашган.

Табиий газнинг разведка қилинган захиралари икки триллион куб метрни, кўмирники икки миллиард тоннадан ошиқроқни ташкил этади. Ўзбекистон жаҳондаги ўнта йирик газ ишлаб чиқарувчи мамлакатлар жумласига киради. Шуни айтиш керакки, бу рақамлар илгари қаттиқ сир сақланар, уни матбуотда очиқ ёзиш мумкин эмас эди. Қазилма бойликларнинг айрим турларини ишлаб чиқариш ҳажмини ҳатто маҳаллий ҳукумат раҳбарлари ҳам аниқ билмасди. Уларнинг ҳаммаси марказнинг монополияси ҳисобланарди. Маъдан бойликларимиз, Ўзбекистоннинг кенг имкониятлари ва унинг минтақа ва жаҳон хўжалигида тутган ўрни ҳақида биринчи марта мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Давос форумига иккинчи иштирокида рўй-рост гапирди ва жаҳондаги йирик бизнесменларни ана шу бойликлардан фойдаланишда ҳамкорликка чақирди. Мана энди бу бойликлар мамлакат мустақиллигига, ўзбек халқининг фаровонлигига хизмат қилмоқда.

Металлургия комплекси маъдан хом ашёсини, қора ва рангли металларни қазиб чиқаришни, бойитишни ва қайта ишлаб чиқаришни амалга оширмоқда. Олтин, кумуш, мис, қўрғошин, цинк, вольфрам, молибден, литий, уран, алюминий хомашёси, нодир металлар ва бошқа қатор қазилма бойликларнинг мўлжалдаги захиралари уларнинг қидириб топилганларидан анча кўпроқдир. Ўзбекистонда олтиннинг 30 кони топилган. Қазиб олинадиган олтиннинг умумий миқдори бўйича Ўзбекистон МДҲ мамлакатлари

орасида иккинчи, кумуш, мис, қўрғошин, цинк ва вольфрам бўйича учинчи ўринни эгаллайди. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятида олтин ишлаб чиқариш миқдори бўйича саккизинчи, уни аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича эса бешинчи ўринни эгаллайди. Ўзбек олтинининг сифати юқори жаҳон стандартларига мувофиқ келади. Шунинг учун ҳам у бир неча бор халқаро мукофотлар совриндори бўлган.

Химия ва машинасозлик комплекслари саноатнинг муҳим соҳаларидир. Янги иқтисодий шароитда бу тармоқларда чуқур структуравий қайта қуришлар амалга оширилиб, улар мамлакатнинг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирилган.

Ишлаб чиқарилаётган саноат истеъмол молларининг учдан бир қисми енгил саноат корхоналари томонидан амалга оширилмоқда. Бу ерда анъанавий етакчи соҳа тўқимачиликдир.

Иқтисодиётда агросаноат мажмуаси муҳим аҳамиятга эга. Бу мажмуа мамлакат ялпи ички маҳсулотининг, асосий ишлаб чиқариш фондларининг ва халқ хўжалигида иш билан банд бўлганларнинг деярли ярмини ўзида бирлаштиради. Ялпи ички маҳсулотнинг 27,9 фоизи қишлоқ хўжалиги ҳиссасига тўғри келади. Ўзбекистон пахта, ипак, қоракўл етиштириш бўйича жаҳонда тўртинчи, мева-сабзавот, узум етиштириш бўйича МДҲ мамлакатлари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Ўрта Осиё ва Қозоғистонда етиштириладиган пахта толасининг учдан икки қисми республикамиз ҳиссасига тўғри келади. Бу ерда 5 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ва мевалар етиштирилади. Бу миқдор ички бозор эҳтиёжидан анча кўпроқдир.

Қишлоқ хўжалиги тараққиётига монанд, бу ерда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни қайта ишлаш тармоқлари ривожланмоқда. Пахта тозалаш саноати ҳиссасига мамлакат саноат ишлаб чиқаришининг чорак қисми тўғри келмоқда. Йирик ва истиқболли қайта ишлаш тармоқлари ёғ-мой, мева-сабзавот, консерва соҳалари ҳисобланади.

Ўзбекистон ривожланган транспорт ва алоқа артериясига эга. Янги автомобиль, темир, ҳаво йўллари очилмоқда. Алоқа воситаларининг моддий-техника базаси яхшиланмоқда. Шундай қилиб республикамиз Ғарб ва Шарқ, Жануб ва Шимол ўртасидаги жонланган чорраҳага айланмоқда.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи бой имкониятларини баён этишдан мақсад нима? Мақсад шуки, биринчидан, мамлакатимиз ҳақиқатан ҳам бой ресурс потенциалига эга. Бу потенциал миллий иқтисодиётни қуришда, кооперация алоқалари узилиб қолгандан кейин вужудга келган ўзига хос вакуумни тўлдиришда, ўтиш даври зарбаларини юмшатишда муҳим роль ўйнайди. Иккинчидан, табиий бойликларнинг сероблиги бу яхши нарса. Аммо улар ҳамма муаммоларни ҳал этишга ягона асос бўла олмайди. Мавжуд ресурслардан оқилона фойдалангандагина, барча имкониятлар (моддий, интеллектуал, капитал) ишга тушгандагина иқтисодиёт юксала бошлайди. Уларни сотиш ёки озиқ-овқат, арзон кийим-кечакка алмаштириш билангина узоққа бориб бўлмайди. Собиқ Иттифоқ шароитидаги нефть, ўрмон-ёғоч, керак бўлса пахта эйфорияси нималарга олиб келганлиги бугун барчага тушунарли. Натижа бу бўлдики, кўпчилик долзарб муаммоларнинг кўзи бекилди, ёки уларнинг ечими кейинга сурилди. Бугун бу сиёсатнинг аччиқ мевларини тотмоқдамиз.

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган ана шу икки йўлдан бирини, мураккабини танлади ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишнинг қатъий йўлини тутди. Бунда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг иқтисодиётни туб ислоҳ қилишнинг бешта асосий тамойили асос қилиб олинди.

Маълумки, 1995 йилнинг бошларидан Ўзбекистонда бозор муносабатларига ўтишнинг иккинчи, сифат жиҳатдан янги босқичи бошланди. Биринчи босқичда иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш йўллари ва стратегиясини шакллантириш масалалари назарий ва амалий жиҳатлардан асосланди. Бозор муносабатларининг ҳуқуқий асослари

яратилди. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, кўп укладли иқтисодиётни барпо этиш, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, аграр муносабатларнинг янги типини яратиш жараёнлари амалга оширилди. Бу тадбирларнинг натижаси ўлароқ иқтисодиётда туб сифат ўзгаришлари вужудга келди. Давлатга қарашли бўлмаган, нодавлат секторининг иқтисодиётдаги улуши кескин ошди. Бу сектор 1995 йилда саноат маҳсулотларининг 44 фоизини, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг эса 97 фоизини берди. Барча капитал маблағларнинг 44 фоиздан ортиқроғи унинг ҳиссасига тўғри келди. Ҳозир халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 64 фоизи ана шу секторда меҳнат қилмокда.

Айниқса, чакана савдо, умумий овқатланиш, аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича давлатга тегишли соҳаларнинг салмоғи тез ошди. Ўн минглаб корхоналар хусусийлаштирилди. Улардан қарийб ярми хусусий корхоналарга айлантирилган бўлса, қолганлари ҳиссадорлик жамиятлари, жамоа ва ижара корхоналари сифатида иш бошладилар. Мулк ҳақида, тадбиркорлик ҳақида, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш ҳақида, ижара ҳақида ва бошқа қонунларнинг қабул қилиниши бозор инфраструктурасини шакллантиришнинг хуқуқий базасини кенгайтирди. Республика Президентининг корхона ва ташкилотларга эркинлик берадиган, деҳқон (фермер) ва шахсий томорқа хўжаликларини қўллаб-қувватлайдиган Фармонлари эълон қилинди. Қабул қилинган Қонун ва Фармонларнинг аксарият қисми мулк, тадбиркорлик ва рақобатни вужудга келтириш муаммоларига бағишланган. Бу тасодифий эмас, албатта. Чунки хусусий мулк, хусусий тадбиркорлик ва рақобатсиз бозор муносабатлари бўлиши мумкин эмас.

Биринчи босқичда бозор иқтисодиётига хос янги ташкилот ва муассасалар таркиб топтирилди. Тармоқ вазирликлари ва маҳкамалари ўрнида ассоциациялар, концернлар ташкил этилди. Кўпчилик бирлашма ва корхоналар мулкнинг жамоа шаклига ўтди, ижара муносабатлари,

кичик корхона ва хусусий фирмалар, деҳқон ва оила хўжаликлари ташкил этиш ривожланди. 1995 йили мамлакатда 32 минг кичик корхона халқ хўжалигининг 22 тармоғида фаолият кўрсатди. Бу борада "Хусусий тадбиркорлик ва ташаббусни қўллаб-қувватлаш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши, "Бизнес-фонд", "Мадад" суғурта жамиятининг ташкил этилиши муҳим роль ўйнади. Мулкдорлар табақаси шакллана бошлади.

Кўп укладли иқтисодиётни шакллантириш хусусий тадбиркорлик доирасини кенгайтириш чора-тадбирлари тизимини ҳам ўз ичига олди. Бу иш айниқса маиший хизмат кўрсатиш, иккиламчи хом ашёларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш, таъмир ишларини олиб бориш соҳасида ривожланди. Бу фаолиятнинг ривожланишида Ўзбекистон тадбиркорлари иттифоқи алоҳида ўрин тутди. Бу иттифоқ республикадаги юзлаб кўшма ва кичик корхоналар, ассоциациялар, биржалар, тижорат банклари ишига кўмаклашди. Давлат ташкилотлари билан бақамти бозор инфраструктурасининг қуйидаги муҳим бўғинлари – брокер конторалари, савдо уйлари, аудитор ва дилер хизматлари ҳаракат қила бошлади. Ёймалар, аукционлар, кўргазма-сотувлар доимий тус олди.

Биринчи босқичда Ўзбекистон Республикасининг жаҳон иқтисодиётига фаол кириб бориш жараёни бошланди. "Ташқи иқтисодий фаолият ҳақида", "Чет эл инвестициялари ҳақида" Қонунлар, ташқи алоқани либераллаштириш бўйича қатор фармонлар эълон қилинди. Қўшма корхоналар тузиш, республикага чет эл сармояларини олиб келиш билан боғлиқ бюрократик тўсиқлар олиб ташланди. Чет эл сармоядорлари республика қонунлари тақиқламаган барча фаолият турлари билан шуғулланиш имкониятига эга бўлдилар. Уларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ва манфаатларини ҳимоя қилиш кафолатлари яратилди. Республика ҳудудида олган фойдадан эркин фойдаланиш, солиқ имтиёзи бериш ана шулар жумласига киради. Натижада чет эл капитали иштирокида мамлакатимиз ҳудудида қайд қилинган қўшма корхоналарнинг сони 1500

дан ошиб кетди. Ўтган йили республикамизда жаҳоннинг 25 давлатидан 166 чет эллик фирма, банк ва компанияларнинг вакилликлари фаолият кўрсатди.

Ташқи иқтисодий алоқалар инфраструктураси шаклланди. Шу мақсадда Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки, божхона идораси ташкил этилди. Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ташкил этилиб, бу орган ягона ташқи иқтисодий сиёсат стратегиясини ишлаб чиқиш ва бу соҳада давлат манфаатини ҳимоя қилишга масъул этиб белги- ланди.

Ўзбекистон қисқа вақт давомида Европа банки, Жаҳон банки, Осиё банки, Халқаро валюта фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти, БМТнинг иқтисодий ташкилотлари каби қатор обрўли халқаро иқтисодий ташкилотларга аъзо бўлиб кирди.

Табиийки, ислоҳот ислоҳот учун ўтказилмайди. Ислоҳот иқтисодий ривожланишни амалга оширишда муҳим восита бўлиб, унинг пировард мақсади аҳолининг турмуш фаровонлигини таъминлашдир. Ўзбекистоннинг иқтисодий имконияти ва ундан унумли фойдаланиш ҳукуматнинг тўғри иқтисодий сиёсати ҳамда бозор иқтисодиётига ўтишда танлаган йўли иқтисодиётимизнинг қиёфасини тубдан ўзгартириш билан бир қаторда муҳим ижобий силжишларни ҳам юзага келтирмоқда.

1995 йилга келиб эса иқтисодиётнинг пастга қараб сирғалишига бутунлай барҳам берилиб, микроиқтисодий барқарорликка эришила бошланди. Шу билан бирга баъзи тармоқларда, масалан, ёқилғи-энергетика мажмуида жиддий ўсишга эришилди. Натижада юксалиш томон, бундан кейинги ривожланиш учун мустаҳкам замин яратилди. Ялпи ички маҳсулот таркибида инвестицияларга ажратилган маблағларнинг ҳиссаси муттасил ошиб бормоқда. Бу кўрсаткич ўтган йил якуни бўйича 7 фоизни ташкил этди. Бу жуда кам муҳим кўрсаткичдир. Ўз-ўзини еб, шунинг ҳисобига яшаб турадиган хўжаликнинг келажаги бўлмайди. Жамғарма беришга қодир иқтисодиёт эртанги кун учун ишлаётган, истиқболли иктисодиётдир.

Яна бир муҳим воқеа: 1994 йил охирига келиб биринчи марта экспорт ва импорт балансида ижобий салдога эришилди. Ўзбекистондан чиқарилган моллар 1994 йилда 3 миллиард АҚШ долларидан ошган бўлса, мамлакатга мол киритиш 2,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Яъни ташқарига мол чиқариш ташқаридан мол келтиришга нисбатан устун бўлди. Илгари ҳамиша Ўзбекистон пассив савдо балансига эга эди. Чунки ташқарига хом ашё чиқариш ташқаридан тайёр маҳсулот келтиришга нисбатан бир неча бор арзон. Бугунга келиб экспорт ва импорт таркиби такомиллашмокда. Илгари экспорт таркибида асосий ўринни хомашё эгаллаган бўлса, бугун унинг таркибида самолётлар, тракторлар ва бошқа мураккаб техника воситалари бор. Импорт таркибида эса буғдой асосий товар бўлмай колди. Унинг ҳиссаси, умуман истеъмол буюмларини ташқаридан харид қилиш кескин камаймокда.

Нарх-навони либераллаштириш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ўзбекча ислоҳотнинг ўзига хос хусусият-ларидан бири бўлиб қолди. Бу ҳол социал йўналтирилган немис бозори иқтисодиёти каби тарихга алоҳида ҳодиса бўлиб кирса ажаб эмас. Иш ҳақи, шу жумладан унинг энг кам миқдорини, пенсиялар, стипендия-лар ва нафақаларнинг миқдорини мунтазам ошириб бориш натижасида аҳоли даромадларини муайян даражада сақлаб туришга ҳамда даромадларнинг кўпайиб боришини таъмин-лашга эришилди. Пулнинг қадрсизланиши ва пул эмис-сиясини камайтириш борасида олиб борилган тадбирлар ҳам ўз самарасини берди.

Ислоҳотнинг иккинчи масъулиятли босқичи бошланди. Бу даврнинг муҳим вазифалари ва устун йўналишлари – хусусийлаштиришни чуқурлаштириш, рақобат ва тадбир-корлик учун чинакам иқлим яратиш, умумиқтисодий барқарорликни ва миллий валютани янада мустаҳкамлаш, чуқур структуравий ўзгаришларни давом эттиришдан иборат. Бу босқичнинг муваффақиятли амалга оширилиши Ўзбекистоннинг кўзга кўринган мамлакатлар орасидан

муносиб ўрин эгаллашини, кучли ижтимоий кафолатланган демократик давлатнинг шаклланишини таъминлаши лозим.

Иккинчи босқичда иқтисодиётни таркибий янгилаш, устувор йўналишлар белгиланиб, бу соҳаларда жадал ривожланишни таъминлаш, иқтисодиётнинг ҳудудий таркибини такомиллаштириш, мулкдорлар қатламини шакллантириш мақсадида хусусий, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини авж олдириш, қишлоқда хўжалик юритишнинг янги шаклларини кенгайтириш йўли билан ислоҳотнинг боришини чуқурлаштириш ишлари давом этади.

Иқтисодиётимиз олдида турган муҳим залворли вазифалардан яна бири ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш билан бир қаторда унинг моддий-техника базасини янгилашни яхшилашдир. Нима учун бу вазифага муҳим муаммо сифатида алоҳида тўхталяпмиз? Гап шундаки, ҳозир саноат тармоқлари бўйича саноат ишлаб чиқариши асосий фондларининг эскириши йилига 30—32 фоизни ташкил этади. Шу вақтнинг ўзида саноат тармоқлари бўйича янги саноат ишлаб чиқариши асосий фондларини ишга тушириш йилига 3 фоиз атрофида, машинасозлик комплексида эса бу кўрсаткич 1,2, кимё ва нефть-кимё саноатида 0,8 фоиздан иборат. Бу борада кескин чоралар зарур. Акс ҳолда халқ хўжалиги моддий-техника базасини такомиллаштириш, ишлаб чиқаришни реконструкциялаш ва замонавий негизга кўчириш ишлари чўзилиб кетади. Енгил ва озиқ-овқат саноати моддий-техника базасини мустаҳкамлаб, уни замонавий асосга кўчирмасдан туриб истеъмол бозорини тўйинтириш қийин. Миллий валютанинг қадрини ошириш, инфляцияга барҳам бериш ҳам кўп жиҳатдан шу вазифага боғлиқ. Инфляция – бу хўжаликнинг СПИД касалидир. Унга барҳам берилмас экан, аҳолининг ўсаётган даромадлари ҳам, корхоналарнинг жамғармага ажратиладиган маблағлари ҳам ўз-ўзидан емирилиб кетаверади. Шунинг учун ҳам ҳукуматнинг иқтисодий сиёсатида бу борадаги кўмушларнинг ечимига катта ўрин берилмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан жамиятда вужудга келадиган кескин табақаланиш даражасини юмшатиш, халқ айрим гуруҳларининг қашшоқлашувига, люмпенлашувига йўл қўймаслик муҳим вазифалар сирасига киради. Маориф, соғлиқни сақлаш, маънавият ва ахлоқни тиклаш, илм-фанни ривожлантириш эркин демократик жамият қуриш, келажагимизни таъминлашнинг муҳим шарти бўлиб қолмокда.

Дастлабки кундан бошлаб аҳолини, айниқса унинг кам таъминланган қисмини ижтимоий ҳимоялаш ишига ислоҳотнинг асосий қоидаларидан бири, Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос хусусияти сифатида қаралган эди. Яқинда аҳолининг 1992 йилгача бўлган омонатларини бугунги пул қийматидан келиб чиқиб, 1996 йилдан бошлаб тўлашга қарор қилинди. Омонатчиларга бўлган адолатсизликка барҳам бериш ҳамма нарсадан аҳамиятлироқ, деб ҳисобланиб, молиявий қийинчиликларга қарамасдан шу мақсадларга катта маблағлар ажратилаётганлиги диққатга сазовордир.

Хўжаликнинг янги бозор муносабатлари ва миллий иқтисодиёт талабларига жавоб берадиган структурасини шакллантириш давлатнинг бундан кейин ҳам бош ислоҳотчи вазифасини бажаришини тақозо этади. Нима учун Ўзбекистонда давлат бош ислоҳотчи, ислоҳотнинг тақдирини белгилайдиган кафолат, куч сифатида майдонга чиқди? Давлат мустақиллигига эришиб бозор иқтисодиётига ўта бошлаган дастлабки пайтда халқ хўжалиги тизимини ўзгартиришга сарфлаш учун бир жойда тўпланган йирик капитал ҳеч кимда йўқ эди. Фуқароларимизнинг дастлабки имкониятлари деярли бир хил, жуда паст эди. Бундай шароитда давлатнинг ўзи инвестор бўлди. Ислоҳотнинг иккинчи босқичида, мана энди, кичик ва ўрта инвесторлар, йирик компаниялар, чет эл капитали майдонга чиқмокда.

Эндиги босқичнинг вазифаси миллий хўжаликнинг характерини ўзгартиришга эришишдир. Хомашё етказиб берувчи иқтисодиётдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи

иқтисодиётга ўтиш, товарлар, сармоя ва меҳнатнинг ривожланган бозорини барпо этишдир.

Ўзбекистон бир неча бор синовлардан ўтган тараққиётнинг икки бош асосига таянадиган – сиёсатда демократия, иқтисодиётда бозор муносабатларидан иборат ўз ривожланиш моделига эга. Бу модел уни ишлаб чиқиш жараёнида бир қатор умумбашарий саволларга аниқ ва равшан жавоб бериш зарур эди. Масалан, мамлакатимиз қандай шаклдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий тузум томон ҳаракат қилади; жамиятни бошқаришда рақобатга, давлат мулкига, корпоративлик ва бошқаларга қандай роль ажратилади; ижтимоий ҳимоя ва меҳнат бозорини бошқаришнинг хусусиятлари қандай бўлади; биз ижтимоий қадриятларни сақлаб қоламизми ёки АҚШдагидек капиталистик рақобатга қўшилиб кетамизми? Бу ва бунга ўхшаш мураккаб саволларга Ислом Каримов "Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" китобида батафсил ва ишонарли жавоб берди.

"Мулоқот",
1996, №3

ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ ПИЛЛАПОЯЛАРИ

Яқинда "Труд" газетасида Анвар Тавобовнинг "Реалликми ёки сароб" деб номланган мақоласи босилди. Муаллиф ҳозирги кунда билан Россия билан Ўрта Осиё ва Қозоғистон давлатлари ўртасида қарор топаётган муносабатларга тўхталар экан, бизнинг мамлакатимиз хусусида шундай деб ёзади: "...ўзбек иқтисодиётининг ўсиш кўрсаткичлари Халқаро валюта фонди ва Жаҳон банки тахминларидан ҳам ошиб тушмоқда. Собиқ Иттифоқ республикаси Россиядан нефть ва газ олишдан воз кечиб, ўзини ўзи электр қуввати билан таъминламоқда". Албатта, москвалик журналист юртимиз иқтисодиётида юз бераётган чуқур таркибий силжишларни, сифат ва миқдорий ўзгаришларни эътироф этаётган биринчи ва охирги қаламкаш эмас. Чунки уларнинг бундай хулосаларга келаётганлигига жиддий мантиқ ва асослар бор.

Ўзбекистонда нафақат устувор ҳисобланган ёқилғи-энергетика мажмуи тармоқларида, шу билан бирга, халқ хўжалигининг бошқа кўпчилик соҳаларида ҳам иқтисодий ўсишга эришилмоқда. Натижада макроиқтисодий кўрсаткичлар яхшиланмоқда, молиявий барқарорлик мустаҳкамланмоқда. Юқорида қайд этилган мақолада таъкидланганидек, 1996 йилнинг биринчи ярим йиллигида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш Россияда 1995 йилнинг шу даврига нисбатан 5 фоиз пасайган бўлса, Ўзбекистонда бу миқдор 3,2 фоиз ўсди.

Умуман, бир ижтимоий-иқтисодий тузумдан иккинчисига ўтиш даврида, янги жамият барпо қилишнинг дастлабки

босқичида ишлаб чиқариш кескин пасаяди, барча иқтисодий, молиявий кўрсаткичлар ёмонлашади. Бу – жаҳон тажрибасида кўп марта тасдиқланган ҳодиса. Чунки иқтисодиётни янги шароитга мослаштириш учун корхоналар таъмирланиб, замонавийлаштирилади, бутун халқ хўжалигида таркибий қайта қуришлар амалга оширилади. Бозор тан оладиган маҳсулот ишлаб чиқарадиган янги тармоқ ва корхоналар барпо этилади, ўтмас матоҳ тайёрлайдиганлари эса тўхтатилади. Бу жараён, одатда, сурункали ишсизлик, инфляция, жамғарманинг пасайиб кетиши, халқ оммаси турмуш даражасининг ёмонлашуви билан боғлиқ ҳолда кечади.

Иттифоқ тарқалиб кетгандан кейин деярли барча собиқ республикаларда ҳам шунга ўхшаш жараёнларга дуч келиндики, улар ҳатто ҳозир ҳам давом этмоқда. Нима учун Ўзбекистон бундай иқтисодиётда юз бериши муқаррар бўлган салбий воқеа ва ҳодисалардан мустасно бўлди? Агар "Ўзбекистон – жаҳон андозалари доирасига сиғмайдиган, унинг тараққиёти классик иқтисодий ривожланишдан хийла фарқ қиладиган алоҳида феномен мамлакат", деб лўнда жавоб қиладиган бўлсак, муҳтарам ўқувчи бундан тўла қаноатланмаслиги, масалага бироз аниқлик киритишимизни исташи мумкин. Бу – табиий ҳол. "Бой маъданли хомашё ресурслари мавжудлиги, ислоҳотларнинг тўғри йўлдан бораётганлиги, сиёсий барқарорлик ва миллий тотувлик бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда", десак, булар ҳам бор гаплар. Аммо иқтисодий ўсишни таъминлаётган омилларнинг айримлари ҳақида батафсилроқ тўхталмасдан иложимиз йўқ.

Янги тузумнинг эскиси устидан ғалабаси учун, илгаригидан ҳеч бўлмаганда бир баҳя юқори иқтисодий ўсишга эришиш лозимлиги масаласи ҳаммадан бурун Ўзбекистонда илғанди. Хўш, унга қандай эришилди? Ислом Каримов таъбири билан айтганда, биз энг оғир йўлни танладик. Кўпчилик Ҳамдўстлик мамлакатлари четга мол чиқаришдан тушган маблағлар, ташқи қарзларининг ҳаммасини турли чет эл моллари келтиришга, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдиришга сарфладилар. Биз бўлсак маблағ-

ларимизнинг асосий қисмини сармоялар жалб этиш (инвестициялаш)га, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ўстиришга ажратдик. Бунинг мисоли сифатида мамлакатимизда қурилаётган ва ишга туширилган ўнлаб корхоналарни кўрсатиш мумкин. Бугун улар илк меволарини бермоқда, яқин келажакда эса бутун бўй-бастини кўрсатади. Чунки сармояларни жалб этишнинг дастлабки босқичида унинг натижаси кечикади, чинакам самара кейинроқ, улар тўла қувват билан ишлаб кетгандан сўнг намоён бўлади. Биринчи босқичда пулнинг қадрсизланиши учун ҳам шароит бўлади. Чунки инфляциянинг илдизи янги, тугалланмаган қурилишга бориб тақалади. Уни битказиш учун катта миқдорда маблағ сарфланади, қурувчиларга маош тўланади, аммо корхона маълум вақтгача маҳсулот бера олмайди ёки тўла қувват билан ишлай олмайди. Шу боис мамлакатда вақтинча товарлар билан таъминланмаган пуллар муомалада бўлади.

Аммо, эртани, келажакни ўйлаган киши яратувчанлик, бунёдкорлик йўлидан боради, осон йўл, арзон обрў ахтариб, истеъмол бозори атрофида ўралашиб қолмайди. Фақат қорин ғами билан яшайдиган, "Жаннат – бу ҳар хил товарлар билан тўлиб-тошган супермаркет" деб ҳисоблайдиганлар буюк истиқбол ҳақида ўйлашга қодир эмас.

Йирик миқдорда сармоялар жалб этиш дастурларини амалга ошириш миллий даромад ва давлат бюджети маблағларини қайта тақсимлашни тақозо этади. Ўзбекистонда бир неча йилдан буён миллий даромадда жамғарма фонди ҳиссаси ошиб бормоқда, давлат бюджетининг харажатлар қисмида эса халқ хўжалигига сармоя жалб этишга ажратилган маблағлар миқдори ўсмоқда. 1994 йилда, масалан, инвестиция маблағлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан 4 фоизни ташкил этган бўлса, 1995 йилда бу нисбат 7 фоизга етди. Бундай анъана истеъмол даражасини чеклаётгандек бўлиб кўринади. Аммо жамғарма фондининг маълум қисми халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришга сарфланаётгани ва бу истеъмол учун хизмат қилишини эътиборга оладиган бўлсак, масала равшан бўлади-қўяди.

Халқ хўжалиги тармоқларига йирик миқдорда ички ва ташқи сармояларни жалб этиш чуқур сифат ўзгаришларига ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, 1994 йил якунига кўра, мамлакатимизда биринчи марта ташқи савдода фаол сальдо вужудга келди. Яъни, четга товар чиқаришнинг умумий миқдори (АҚШ долларида ҳисоблаганда) ташқаридан товар келтиришга нисбатан устун бўлди (бунгача ҳамиша импортнинг ҳажми экспортдан юқори бўлиб келган). Чунки хорижга ҳомашё чиқариш мамлакатга тайёр маҳсулот олиб келишга қараганда бир неча бор арзонга тушади. Кейинги икки йилда бу ижобий силжиш янада мустаҳкамланди. Бунинг устига, пахта толаси ва ғалла ягона экспорт ва импорт товари бўлмай қолди. Четга мол чиқариш ва ташқаридан мол киритишнинг таркиби кенгайди. Экспорт товарлари қаторига олтин, самолёт, 1996 йилдан эса автомобиль ҳам қўшилди. Ғалла мустақиллиги йўлида бошланган ҳаракат уни ташқаридан олиб келиш миқдорини жиддий камайтирди.

Бу борадаги яна бир таркибий ўзгариш ҳақида. 1994 йилда Ўзбекистон экспортининг 68 фоизи, импортининг эса 55 фоизи ҳамдўстлик давлатлари, биринчи навбатда Россия Федерацияси ҳиссасига тўғри келарди. Ўтган йилнинг биринчи ярми якунига кўра, яқин хорижий мамлакатнинг улуши экспортда 23,5, импортда 28,5 фоизни ташкил этди, холос. Ўзбекистон ташқи савдосида узоқ чет эл давлатлари салмоғи ўсиши анъанаси яққол кўзга ташланмоқда. Тўғрида, агар автомобилингиз ҳар юз километр масофага 10 литр ва ундан ортиқ ёнилғи сарф қилишини истасангиз, Россия билан савдо-иқтисодий алоқаларга зўр беринг. Агар шунча масофага 5 литр ёнилғи билан етиб олишни, замонавий техника ва технологияга эга бўлишни хоҳласангиз, саноати ривожланган бошқа мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилинг. Самарадорини танланг. Бозор дегани ўзи шу.

Собиқ СССРда узоқ вақт ҳукм сурган ёқилғи-энергетика "сармаст"лиги кўпгина долзарб муаммоларнинг кўзини беркитиб қўйган эди. Энергия ва металлни тежайдиган технологияни яратиш ва уни жорий этиш кейинга суриб

ташланди. Ёқилғи-энергетика ресурсларига бўлган талабни уларни қазиб олиш ва қайта ишлашни муттасил кенгайтириш ҳисобигагина қондириб бўлмайди-ку, ахир? Бу муаммони мавжуд машина-трактор паркини тежамкор технологияга ўтказмасдан, ёқилғи-энергиянинг ноанъанавий турларидан фойдаланишни йўлга қўймасдан туриб, тўла ҳал этиш мумкин эмас. Қолаверса, ҳар қандай табиат ресурсларининг чеки-адоғи бор.

Ҳар ҳолда ким билан ва нимани олди-сотди қилишда давлат ва халқ манфаати, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масаласи бош мезон бўлиши керак. Бозор иқтисодиёти – бамисоли ҳаракат икки тарафлама бўлган йўл. Мол чиқмаса – мол кирмайди ёки аксинча. Бинобарин, Анвар Тавобовнинг "Россия Ўрта Осиё ва Қозоғистондан илдам суръатлар билан чекинмокда. Собиқ марказнинг бу давлатлардан иқтисодий мустақиллиги кундан-кунга реалликка айланмокда", дея қилаётган ноласини ёш давлатларнинг инжиқлиги деб изоҳлаб бўлмайди.

Тўғри, ташқи савдо-сотиқда ҳали муаммолар бор. Масалан, нима учун Япония билан бўлаётган савдо-иқтисодий алоқаларимиз митти Гонконг ёки Жанубий Қурия билан қилаётган шундай алоқаларимиздан бир неча бор кам? Япония нега маъданли хомашё ресурсларини биздан эмас, Австралия, Канададан сотиб олиши керак? Нима учун айрим мамлакатлар билан фақат бир томонлама, яъни ёки экспорт, ёки импорт алоқасига эгамиз? Кўриниб турибдики, ҳали бу соҳада "нима учун"лар бирталай. Лекин бу алоҳида мавзу.

Иқтисодий ўсиш бозор муносабатларига ўтишнинг муҳим тамойилларидан бири – кучли ижтимоий сиёсат юргизиш имкониятини берди. Натижада мамлакатимизда оммавий люмпенлашувнинг, кўпчиликнинг пауперизм ботқоғига ботиб кетишининг олди олинди. Бундай ижтимоий қатлам ва гуруҳлар эса, кескин мулкий табақалашув, рақобат, оммавий ишсизлик доимий характерга эга жамиятларда юзага келиши мумкин бўлган ҳодисалардир. Уларнинг сафи мол-мулкидан ажралган турли ижтимоий гуруҳлар ҳисобига тўлиб боради.

Ҳатто ўрта асрларда ҳам, ҳар хил хайр-эҳсонлар билан бу жараёнларни юмшатишга уринишлар бўлган.

Нима учун люмпенлар ва пауперлар ижтимоий хавфли ҳисобланади? Гап шундаки, люмпен – немисча жулдур, пауперизм – лотинча қашшоқ, йўқсил, деган маъноларни англатиб, кенг халқ оммасининг энг зарур турмуш воситаларидан ажралиб қолганини билдиради. Бундайлар, одатда, дайдилик, тиланчилик, ўғрилик, товламачилик, фоҳишабозлик билан кун ўтказади. Улар – сиёсий лоқайд, тутуруқсиз, авантюризм, бошбошдоқликка мойил бўлиб, турли хил тўдалар, тартибсизликларнинг келиб чиқиши учун қулай муҳит.

Тўғри, Шарқда ҳеч қачон асл маънода люмпенлик ва пауперизм бўлмаган. Мадраса, масжид ва вақф ерлари, мулклари, ер-сув жамоалари ҳамиша мулкий табақаланиш қирраларини ювиб, уни юмшатиб келган. Шунинг учун мамлакатимиз раҳбари ижтимоий соҳани нафақат устувор деб эълон қилди, балки бу йўналишда бир қатор аниқ тадбирларни белгилади. Даромад ва маблағларнинг ижтимоий соҳа фойдасига қайта тақсимланишини кўзда тутувчи бир неча фармон ва қарорлар қабул қилинди. 1992 йилнинг 1 январига қадар қўйилган омонатлар ўз эгаларига қайтарила бошланди. Ижтимоий-маданий тадбирлар, аҳолини ижтимоий муҳофаза этиш чора-тадбирларига давлат бюджети даромадларининг 55 фоизидан ортиқроғи сарфланмоқда. Давлатнинг марказлашган маблағларидан ташқари корхона, муассаса ва ташкилотларнинг даромадлари маҳалла қўмиталари ва фуқаролар йиғинлари кенгашлари иштирокида ночор ва эҳтиёжманд оилалар фойдасига қайта тақсимланаётир. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Аммо даромадларни қайта тақсимлаш қонимиздан жуда секинлик билан чиқиб кетаётган боқимандалик психологиясини жонлантирмаслиги керак. Тақсимлаш ва қайта тақсимлаш – яхши усул. Узоқ йиллар давомида миллий даромаддаги камомадни дотация билан, бюджетдаги камомадни суғурта жамғармаси ҳисобидан қоплашга кўникиб қолган эдик. Бу

аслида Алининг дўпписини Валига, Валиникини бошқасига кийгизишдан бошқа нарса эмасди. Марказдан бериладиган ёрдам пулининг шаклланишида ўзимизнинг ҳам қатнашганлигимиз, унинг миқдори арзон-гаровга сотган хомашёмизни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган оборот солиғининг бир қисми эканлиги тўғрисида дурустроқ ўйлаб ҳам кўрмасдик. Боқимандалик кайфияти – лоқайдлик ва бепарволик каби иқтисодиётнинг кўзга кўринмас зулукларидир. Мустақиллик ва бозор муносабатлари шароитида давлат, ҳар бир корхона, ҳар бир киши ўзига, ўзининг кучи ва имкониятига ишониши керак.

Албатта, сармоя жалб этиш – бу фақат янги қурилиш, деб тушунсак хато бўларди. Мамлакатда янги қурилиш билан ёнма-ён амалдаги корхоналарни таъмирлаш ва замонавийлаштириш ишлари ҳам кетмоқда. Янги корхона ва тармоқларни барпо қилиш йирик маблағталабликдан ташқари халқ хўжалигининг бўйига эмас, энига, яъни экстенсив омиллар ҳисобига ривожланаётганини билдиради. Бундай шароитда ҳаракатдаги ишлаб чиқариш аппарати эскириши, ҳозирги замон фан ва техника, технологияси даражасидан узилиб қолиши мумкин. Бугунги куннинг талаби эса ишлаб чиқаришнинг қотиб қолган эски тизимидан тезлик билан таркибий қайта қуришларга, ишлаб чиқаришнинг техникавий асосларини, маҳсулот турларини янгилаш жараёнларига жадал ўтишдир. Акс ҳолда, қўшниларимизда бўлаётганидек, моддий ишлаб чиқаришни жўнлаштириш, ибтидоийлаштириш тамойили кучайиши мумкин. Ҳозирча ўзимизда ҳам саноат ишлаб чиқариши асосий фондларининг эскириши янги асосий ишлаб чиқариш фондларини ишга туширишдан 8–10 марта юқори. Машинасозлик, кимё ва нефть кимёси саноатида эса бу кўрсаткич янада баланддир. Агар аҳвол шундайлигича қоладиган бўлса, ишлаб чиқариш моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уни замонавийлаштириш ишлари чўзилиб кетади.

Яна бир муаммо – бу уй-жой қурилишидир. Ривожланган мамлакатларда турар-жой фонди барча такрор ишлаб

чиқариладиган моддий бойликнинг 20–45 фоизини ташкил этади. Уй-жой қурилиши турар-жой фондига хизмат кўрсатиш билан биргаликда кўплаб ишчи ва хизматчиларни иш билан банд этади. Бу тармоққа сармоя жалб этиш эса бутун иқтисодиётни кўтаришга хизмат қилиб, катта самара беради. Афсуски, кейинги йилларда марказлашган капитал маблағ сарфи таркибида ноишлаб чиқариш, шу жумладан, турар-жойлар қурилиши ҳиссаси пасайди. Бундай шароитда унда бюджет, корхона маблағлари, банк кредитлари, чет эл сармояларини ва қарзлари билан бир қаторда аҳоли маблағларидан фойдаланишни кучайтириш катта аҳамиятга эга. Ҳукумат иқтисодий сиёсатига ишонч мустаҳкамланса, шахсий маблағларга кафолат кучайтирилса, ҳар ким ўзининг сармоясидан мўмай фойда оладиган бўлса, бу иш янада илгарилаб кетиши мумкин.

Иқтисодий ўсиш, мамлакатимизнинг салоҳияти ва рақобатбардошлиги, албатта, инсон омили билан боғлиқ. Кишиларимизни маънавиятли ва маърифатли қилиб тарбиялаш борасида катта ишлар олиб борилаётгани муълум. Таълим, фундаментал ва амалий фанлар ривожини қўллаб-қувватлайдиган тадбирлар ҳам эътибордан четда қолмаётир. Халқимизнинг илмий заковати эса тобора сайқал топмоқда. Бозор иқтисодиёти унинг янги қирраларини очмоқда. Бизда, баъзи бир давлатларда бўлаётгани сингари, ақл экспортига ҳам, ақл импортига ҳам эҳтиёж йўқ. Биз ўзимизни бошқалар билан таққослай олмаймиз, таққосламоқчи ҳам эмасмиз. Чунки ўзимизнинг тарихимиз, анъаналаримиз, сажиямиз, зеҳниятимиз бор. Шароитларимиз ҳам ҳар хил. Ўсиш, улғайишимиз эса ўз йўлидан боради. Аммо бу жўн жараён эмас. Пиллапоянинг юқори нуқтасига бирданига кўтарилиб бўлмаганидек, бирданига улғайиш ҳам, иқтисодий тараққиётга эришиш ҳам мумкин эмас.

"Халқ сўзи", 1997 йил 21 январь

ЎЗГАЛАР ЭЪТИРОФИ

Леонид Левитиннинг Дональд С. Карлайл билан ҳамкорликда ёзган "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти" китоби ҳақида мулоҳазалар

Мустақиллик шарофати билан Ўзбекистон жаҳонни, жаҳон эса Ўзбекистонни кашф этмоқда. Мустақилликнинг илк йилларида амалга оширилган ишларнинг кўлами, натижа ва аҳамияти, шиддати шу кадар кенг миқёслики, бу тарихан қисқа давр бир неча ўн йилларга татийди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон йўли жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда. Мамлакат Президенти Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон – иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида" китоби қатор чет мамлакатларда нашр этилди. Халқаро "Палея" нашриёти "Халқлар доҳийлари, XX аср" сериясида "Ислом Каримов" китобини чоп этди. Нуфузли сиёсий, иқтисодий-молиявий журналлар, ҳафтаномаларда Ўзбекистон ва унинг Президенти ҳақида, бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбек феномени ҳақида мақолалар босилиб турибди. Уларда баъзан зиддиятли, қарама-қарши фикрлар, мамлакатимизда кечаётган воқеа ва ҳодисаларга бир ёқлама ёндашиш ҳоллари ҳам учрамоқда. Биз ҳозир улар ҳақида тўхталмоқчи эмасмиз. Аммо Леонид Левитин билан Дональд С. Карлайл қаламига мансуб "Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти" китоби ҳақида мулоҳазаларимизни баён этишни бурчимиз деб ҳисобладик.

Ушбу асар янги Ўзбекистон, унинг биринчи Президенти ҳақида чет эл тадқиқотчилари томонидан нашрга тайёрланган

дастлабки жиддий уриниш бўлгани учун ҳам алоҳида диққатга моликдир.

Австрия Республикасининг федерал канцлери Франц Враницкининг китоб муқаддимасида айтган қуйидаги сўзлари ҳам мавзунинг долзарблигини таъкидлайди: "Президент Каримов давлат раҳбарларининг янги авлодини ўзида бошқалардан кўра тугалроқ мужассам этган. Китоб, айнан шу жиҳати билан Европа ва бутун дунё учун ниҳоятда муҳим бўлган минтақанинг нуфузли сиёсий арбобларидан бирининг шаклланиши ва сиёсий истиқболлари билан жамиятнинг кенг қатламларини таништирган ҳолда ахборот кемтигини тўлдиради".

Китоб кенг қамровли. Унда кўтарилган муаммоларнинг сони кўп. Биз уларнинг барчасини қамраб ололмаймиз, фақат айримлари ҳақида фикр юритамиз. Таснифимиз китоб тузилмасига унча тўғри келмаслиги мумкин, чунки биз асарда кўтарилган муаммоларни умумлаштирган ва гуруҳлаштирган тарзда ёндашдик.

Биринчидан, Ислом Каримов Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг биринчи котиби, кейин Республика Президенти этиб сайланган кунлар Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётида энг мураккаб давр эди. Собиқ СССР раҳбарларининг охирги талвасалари, Ўзбекистондаги оғир, фожиали аҳвол, кучли ижтимоий портлашлар яқинлашмокда. 70 йил мобайнида халқ хўжалигини режали ривожлантириш ўзининг хунук оқибатларини кўрсатиб бўлган, хўжалик юритишнинг эски омиллари ўз имкониятларини тугатиб бораётган, жадал ривожланиш механизми ҳали тўла ишламаётган, пахта яккаҳокимлиги окибатида экологик вазият кескинлашган, миллат генофонди бузила бошлаган, хуллас, инқироз чуқурлашиб бораётган бир пайт эди. Эркин фикр ва миллий онгнинг узоқ йиллар мобайнида топтаб келинганлиги ва бирдан уларни ифодалашга имкон берилганлиги энди эҳтиросларни жўш урдирмокда эди. Ўзбек миллий зиёлиларининг вакиллари демократик шиорлар остида митинг, йиғилиш ва намойишларда қатнашар эдилар. Бу йиғинларда

ўзбек тилига давлат тили мақоми бериш, миллий қадриятларни тиклаш, экологияни яхшилаш, пахта якка-ҳокимлигига барҳам бериш каби умуман тўғри ғоялар кўтарилган бўлса-да, очиқчасига экстремистик ва миллатчилик кайфиятлари ҳам учраб турарди. Чунки демократик ҳаракатларда иштирок этувчилар орасида ҳар хил тоифа ва савиядаги кишилар, ҳали сиёсий онги тўла шаклланмаган ёшлар бор эди. Ўз тор маҳаллийчилик, гуруҳбозлик, амалпарастлик мақсадларида бу ҳаракатлардан фойдаланиб қолиш ниятида юрганлар ҳам йўқ эмасди. Бундай шароитда минтақада иккинчи "уруш" майдони пайдо бўлиши ҳеч гап эмасди. Диндорлар орасида ҳам сиёсий фаоллашув сезила бошлаганди. Чунки илгари сиқувда ва таъқибларда бўлган исломий эътиқодга ҳам эркинлик берилган, у вулқондай шиддат билан ўзига йўл очаётган эди. Аммо бу ҳаракатда иштирок этаётганларнинг ҳаммасини ҳам эътиқодли деб бўлмасди. Акс ҳолда уларнинг давлат бошқарувига бевосита аралаша бошлаганини, тақсимот ва тижорат ишларида фаоллашганини кандай изоҳлаш мумкин?

Жуда катта иқтисодий имкониятларга эга бўлган юртда аҳолининг турмуш даражаси анча пастга тушиб кетган, вужудга келган демографик вазият бу даражани янада манфийлаштирган эди. Бунинг устига "ўзбеклар иши", "пахта можароси" каби уйдирмалар, боқимандалик каби шармандали айбномалар халқнинг, миллатнинг нафсониятига теккан эди.

Фарғона ва Кўқон воқеалари етилиб келмокда, олдинда Қувасой, Гулистон, Паркент, Бўка ва Ўш воқеалари... Ўзбекистонда ҳам беқарорлик туғдирмоқчи бўлган ташқи ва ички кучлар қимирлаб қолган. Ана шундай рутубатли кунларда Ислом Каримов давлат раҳбари сифатида ўзининг илк қадамларини ташлади. Муаллифлар эътироф этганларидек, чалкаш, чорасиздай пайтларда жамият ҳаётида кутилмаганда буюк шахслар юзага чиқади. Ҳар қандай халқ ҳаётининг талотўмларида тарихнинг кескин бурилиш босқичларида халқ ўз тарихини шахсий фазилатлари бўртиб турган, миллатни бирлаштиришга қодир, унда тараққиёт ва

тикланиш муваффақиятларига ишонч уйғота оладиган етакчига топшириши жамият ҳаётида кўп бор исботланган.

Иккинчидан, Ислом Каримов нафақат Ўзбекистоннинг раҳбари, балки "ўз қўшнисини ҳам тузатувчи", минтақадаги воқеа ва ҳодисаларни жаҳон миқёсига олиб чиқа олувчи халқаро доирадаги раҳбар сифатида ҳам майдонга келди. У минтақада бўлаётган воқеаларга бефарқ қарамади. Минтақада бошланган фуқаролар уруши Ўзбекистон бўйлаб тарқалмаслиги учун кескин чоралар кўрди. И. Каримов БМТ Бош Ассамблеяси 48-сессиясида сўзлаган нутқида ва БМТ нинг ўша вақтдаги Бош котиби номига йўллаган қатор мактубларида Афғонистон ва Тожикистонда давом этаётган биродаркушлик урушларини тинч йўл билан ҳал этиш масаларини кўтарди. У тожиклар можаросини бартараф этиш масалаларига бағишланган доимий ишловчи семинар чақиришни таклиф этди. Унинг ташаббуси билан БМТ вакиллари қўшни Тожикистонга бир неча бор келиб, у ердаги аҳвол ва қочоқлар билан боғлиқ масалаларни ўрганишди. Тожик мухолифати раҳбарлари билан учрашди. "Бало-қазода сеники – меники бўлмайди" деган қанотли гапни худди шу пайтда айтди. Шунингдек, Президент Каримов Орол ва Оролбўйи экологик фожиасини бартараф этиш, Ўрта Осиё ва Қозоғистон ягона иқтисодий ҳудудини вужудга келтириш борасида самарали ишларга қўл урди.

Учинчидан, "Президент-инсон" муносабатлари узвий боғлиқликда бутун асар давомида ривожланиб боради. Ҳақиқатда ҳам, ўзида энг олижаноб инсоний фазилатларни мужассамлаштирмасдан, элининг, юртининг дарду армонларини, ўтмишини ҳис этмасдан ва келажагини тасаввур қилмасдан туриб, кенг миқёсли раҳбар бўлиш мумкин эмас. Қолаверса, масъулият кишида яширин имкониятларнинг янги қирраларини юзага чиқаради. Ислом Каримов тез-тез Худога – Оллоҳга мурожаат этади, унга илтижо қилади. Бу нима – ожизликми? Йўқ, албатта. "Энг муҳими, ўзингга ишон", бу унинг доимий шиори, ҳаёт тарзидир. Мададга муҳтож бўлган пайтларда уни ёлғиз Оллоҳнинг ўзидан сўрайди.

“Маккага сафар қилган чоғларимизда, Каъба ичига киришдек шарафга муяссар бўлганимизда, – деган эди кейинчалик у, – мен халқимнинг бугуни ва келажагини бер, дея Худога илтижо килдим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар эҳтиромга лойиқ кўришмади. Бизга кўрсатилган барча ҳурмат ва иззат – Оллоҳнинг буюк иноятн. Мен Каъбатулло зиёратида улуғ бир рамз кўрдим. Ўзбекистоннинг келажаги муқаррар тарзда порлоқ бўлишига иймон келтирдим”.

Зеро унга барча инсоний туйғулар, кечинмалар ва ташвишлар хос.

Тўртинчидан, янги Ўзбекистон Президентининг энг кучли томони унинг иқтисодий сиёсатидир. Ўзбекистон ҳамдўстлик мамлакатлари орасида биринчи бўлиб макроиқтисодий барқарорликка эришди, ўсиш учун мустаҳкам замин ҳозирлади. У бозорга “юз” ёхуд “беш юз кун” нуқтаи назаридан ёндашмади. Иқтисодий тараққиётни доимий жараён деб ҳисоблади. Иқтисодиёт – инқилобларни, сакрашларни севмайди, деган нақл бор. Чунки “бу мавжуд турмуш тарзини, халқнинг бутун психологиясини ўзгартириш демакдир. Бизнинг бош вазифамиз ҳеч қандай ижтимоий талафотларсиз ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг янги поғонасига яқинлашишда мужассамлашгандир”. У “ўтиш доимий жараён бўлмоғи керак, сабаби, инқилоб ҳаддан кўп кулфатлар ва ижтимоий йўқотишларга олиб келади”, деб ҳисоблайди. Шунинг учун ҳам “янгисини қурмай, эскисини бузма” ақидасига содиқ. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг бешта асосий тамойилини ишлаб чиқиш жаҳон иқтисодий таълимотига қўшилган ноёб ҳиссадир. Улар иқтисодий тараққиётнинг “ўзбек модели” асосларини ташкил этади.

“Ярим аҳолиси болалар ва ўсмирлардан иборат мамлакатда Гайдарнинг “фалаж қилиб даволаш” усулини қўллайдиган бўлсак нима бўлади?”– деган эди И. Каримов. Менинг назаримда, биз ҳали беш тамойилнинг моҳиятини тўла англаб, таҳлил қилаолмаганга ўхшаймиз. Мана, масалан, давлат бош ислоҳотчи, ислоҳот тақдири учун жавоб берадиган

ягона кафолат. Хўш, нима учун айнан шундай? Чунки бозор иқтисодиётига ўта бошлаш, мустақил миллий иқтисодиётни яратишга киришган пайтда, ҳали бир жойда тўпланган йирик капитал йўқ эди. Шунинг учун ҳам даставвал давлат инвесторлик ролини ўзига олди. Ислоҳотнинг кейинги босқичларида майда ва ўрта бизнес, кейинчалик эса миллий иқтисодиётдаги йирик корпорациялар, чет эл капитали инвестор сифатида майдонга чиқадилар. Нима афзал? Бой ҳукуматми ёки қашшоқ фуқароларми? Ёки аксинча, бой фуқароларми ёки камбағал ҳукумат. Ҳар ҳолда иккинчиси цивилизацияли йўл ҳисобланади. Президент "инсон – давлат" муносабатларида устуворлик инсонга берилиши лозимлиги тўғрисида изчил сўз юритаётир.

Бешинчидан, Ислом Каримов мухолифатга умуман қарши эмас. Лекин мухолифат амалий тусда бўлиши керак, деб ҳисоблайди. "Мухолифат, умуман, ҳокимият устида турган кишига нисбатан эмас, балки у амалга ошираётган, рўёбга чиқариш учун курашиш ишига, ғояларга нисбатан бўлиши керак. Агар кимда муқобил ғоя бор экан, агар у бирор масаланиинг бошқа тўғри ечими борлигини исботлаб бераолса, мен буни, албатта, қабул киламан". Мухолифат билан мулоқот демократик жамиятнинг ўзига хос белгиларидандир. У муросасозлик мавзуига тез-тез мурожаат килади, бирлаштирувчи сиёсат олиб боришга уринади. "Давлат фаолиятининг бош йўли сиёсий муросасозлик йўли бўлмоғи керак", "Келишув ихтилофларни ҳал этиш воситасига айланмокда" дейди. Аммо мухолифат тинч турмайди. Вақти-вақти билан ҳужумга ўтиб туради. У ҳукумат ва унинг раҳбари олиб бораётган сиёсатнинг у ёки бу томонларини танқид килишга ҳаракат қилади. Тўғри, мухолифат ҳам, танқид ҳам маълум меъёрда, агар у конструктив бўлса, фойдали, тараққиёт омилларидан бири. Керак бўлса, одам ўзига-ўзи ҳам мухолифатда бўлиши, ўзининг хатти-ҳаракатларига танқидий ёндашиши керак. Ана шунда киши ўзини ёмон ишлардан тияди, эзгу ишларни кўпроқ қилишга интилади. Лекин бу ерда меъёр қандай бўлиши керак? Ҳақиқат ким

томонда? Шу ўринда Д. Карлайлнинг фикри диққатни тортади. "Президент Каримовнинг ролига баҳо беришда ҳиссиётларга берилиш ярамайди. У ҳақда фақат бугунги кунда Ўзбекистон олдида турган қийинчиликлар ва иккиланишлардан келиб чиқиб, фикр юритиш мумкин. Унинг фаолиятидаги манфий ва мусбат жиҳатларга мавҳум тушунчалар ёрдамида эмас, аксинча, аниқ ва мавжуд шароитни ҳисобга олган ҳолда баҳо бериш мумкин. Тарих идеалларга ўралган мавхумлик алдамчи эканини кўп марта исботлаган. Агар уларнинг орқасидан кетилса, мақсадга етиш ўрнига жарга қулаб кетиш ҳеч гап эмас".

Олтинчидан, тарих алгоритмлари силсиласида Туркистон – Ўзбекистон заминининг алоҳида бетакрор ўрни бор. Бу узун ва мароқли мавзудир. Бу замин асрлар давомида Хитой, Ҳиндистон, Яқин Шарқ ва Европа трансконтинентал цивилизациялари ўртасидаги алоқалар майдони бўлиб келди. Ўрта Ер денгизидан Пекингача чўзилган Буюк ипак йўли маълум даражада бунинг учун асос бўлган эди. Бу йўлдан зебу зийнат, ипак буюмлари юкланган карвонлар қаторида зардуштийлик, буддавийлик, насронийлик ва ислом ғоялари ҳам қатнади.

Ўзбекистондаги янги маданий авлод Буюк ипак йўлининг ворисларидир. Чунончи, Ислом Каримов тадрижийлик ва инқилобга муносабатларда буюк аждодларимиз қарашларига таянади. Масалан, Беруний: "Рубъи маскуннинг одамзод яшайдиган қисмида воқеалар бирданига ёки галма-гал содир бўлади. Биз учун уларнинг галма-гал бўлмоғи маъқулдир" – деса, Ибн Сино: "Бир сифат доирасидан бошқа сифат доирасига бир туртки билан ҳам ўтиш мумкин. Босқичма-босқич ўтиш ҳам мумкин. Одамларга эса унинг босқичма-босқич содир бўлгани маъқул туюлади", – деб ёзган эди. Бу ерда асрлар давомида ижтимоий ҳаётни ташкил этишнинг жамоа шакли жамият ҳаётида муҳим роль ўйнаб келди. Ота-боболаримиз ўз кучларини бирлаштириб каналлар қазиди, йўл ва кўприклар қурди, тураржой ва жамоат марказларини бунёд этди. Ер-сув жамоалари ҳамиша ижтимоий табақаланиш кирраларини ювиб, уни юмшатиб келди. Бу ерда Рим ёки

Юнонистондаги каби соф маънода ҳеч қачон қулчилик бўлмади. Яъни қуллар меҳнатидан фойдаланиш жамият ҳаётининг асосини белгиламади. Аммо то Октябр тўнтаришигача Бухорода қуллар ва уларнинг меҳнатидан фойдаланиш сақланиб қолди. Агар Россияда деҳқон феодалга бириктирилган бўлса, бу ерда ерга бириктирилган эди. Шунинг учун ҳам Шарқ бу – Шарқ, Ғарб – бу Ғарбдир. Уни балки алоҳида цивилизация, субцивилизация ёки суперцивилизация деб аташ мумкиндир. Лекин унинг алоҳида феноменга эга цивилизация эканлиги аниқ.

Жамоавийликниг муҳим унсури сифатида маҳалла мавқеи бизнинг замонимизда янги мазмун ва янги аҳамият касб этди. Унда мужассамлашган беқиёс имкониятларни Ислом Каримов кўра билди ва уни жамият ҳаётини ташкил этишнинг, ўз-ўзини бошқаришнинг муҳим омили сифатида расмийлаштирди.

Еттинчидан, китобда "Демократияолди авторитариз-мими ёхуд феодал олигархиями" ва "Тоталитаризм ва либерал демократия ўртасида" деб номланган, бошқаларга нисбатан анча умумийроқ шаклда баён этилган бўлимлар ҳам мавжуд. Худди ана шу мавзулар бўйича Л. Левитин билан бир оз баҳслашиш учун асос борга ўхшайди.

"Ўрта Осиё воқелиги, – деб ёзади у, – ўзининг ўзига хос мисолларида демократияолди авторитаризми ва феодал олигархияси ўртасидаги танлаб олиш тўғрисидаги хулосани тасдиқлайди". Бу ҳолни муаллиф: "Анъанавий ижтимоий тизулмалар, сиёсий ҳаётдаги сулолавий, оила-қариндошчилик ва юртдошлик алоқалари сиёсий саҳнадан тушмади, балки қайта кучайди", – деб изоҳламоқчи бўлади. Ўрта Осиёни-ку билмадим, лекин Ўзбекистонга бундай хулоса тўғри келармикин? Раҳбарнинг обрўйи, қатъияти, ўзбекона миллий анъаналарда гап кўп. Ўтиш даврида биринчи раҳбарнинг эътибори давлатнинг бош ислоҳотчи сифатидаги роли билан ҳам белгиланади. Ўтиш даврида қатъий қарорлар ишлаб чиқишда, тўсиқларни енгиб ўтишда оғишмайдиган, изчилликда уларни ҳаётга тадбиқ этишга қодир ҳокимиятсиз

туб ислоҳотларни амалга ошириш мумкин эмаслигини, аммо ҳар қандай ҳокимият, агар у чинакамига қодир "ҳокимият" бўлса, барибир ўз ичига "авторитарлик"ни, яъни қатъийликни, бир томонлама мажбурийлик хусусиятларини олишини муаллиф ҳам таъкидлайди. Бунинг устига, у яна: "ҳозирги вақтда Ўрта Осиёда авторитар тартибни алмаштирадиган ҳеч вақо йўқ, авторитар бошқарувга муқобил йўқдир",– деб ёзади. Шу бобнинг кейинги бўлимларида эса, парламентаризмнинг илк одимлари, ҳуқуқий ислоҳотлар ва ҳокимият қонунчилиги ҳақида тўхталадики, уларнинг мазмуни авторитар бошқаришнинг муқобил унсурлари ўзига кенг йўл очаётганини билдирмайдими?

Саккизинчидан, Ўзбекистонда эркинлик майдонини кенгайтириш тамойили борган сари яққолроқ кўзга ташланмоқда. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Бозор муносабатлари жамият ҳаётини демократлаштириш асосларини кенгайтиради. Инсонга ҳуқуқ ва эркинликни давлат бермайди, албатта. Улар инсонга яратганнинг инъоми. Америка демократиясининг оталаридан бири Томас Жефферсон: "Бизга ҳаёт ато этган парвардигор, айни вақтнинг ўзида эркинликни ҳам берган",– деб ёзган эди. Давлат фақат "тунги қоровул" ҳам эмас. У инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қиладиган, уларни кафолатлайдиган куч. Давлат номидан иш кўрадиган Президент, кишиларни ўз касби бўйича иш билан кафолатлаш, уларни бошпана, тиббий хизмат, таълим ва шахсий дахлсизлигини таъминлаш борасида муҳим ишларни амалга оширади. Эътиқод ва виждон, сўз ва фикрни ифодалаш эркинлигини жорий этиш борасида олиб борилаётган ишларни ҳам эътибордан қочирмаслик лозим.

Тўққизинчидан, Ўзбекистон Президенти халққа илгари топталган тарихий кадриятларини қайтармоқда. Амир Темур ва Шароф Рашидов "реабилитация" қилинди. "Каримов бошлаган компанияни "Ўтмиш орқали келажакка" деб таърифлаш мумкин",– деб ёзади Д. Карлайл, – Тошкент марказида Амир Темурга ўрнатилган ёдгорлик, Президентнинг фикрича, ўтмиш ва келажак ўртасидаги боғлиқлик тимсоли бўлиб

қолиши лозим. Тўғри, Темур шахсини баҳолаш унчалик ҳам осон иш эмас. Аммо унинг фаолияти авлодларнинг самимий хотирлашига муносиб кўплаб ижобий жиҳатларга эга. У ўз салтанатининг мукаммал давлат тузилмасини, қонунлар тизимини яратди. Улкан суғориш ишлари, ҳунармандчилик, савдо-сотиқ, шаҳарлар қурилиши ва меъморчилигининг равнақи унинг номи билан боғлиқ. Амир Темур шахсига қизиқиш ягона ҳодиса эмас. Бу йил Бухоро ва Хива шаҳарларининг, келгуси йил эса буюк ҳадисчи, ислом оламида машҳур Имом Бухорийнинг юбилейлари юртимизда кенг нишонланади.

Ўнинчидан, Ислом Каримов бугунги кунда ислоҳотларнинг самараси бевосита дунёқарашимизнинг нечоғли шаклланган ва тафаккуримизнинг нақадар кенг эканлигига боғлиқ деб ҳисоблайди. "Кишиларнинг тафаккурини ўзгартириш керак. Бу тўппа-тўғри таъсир ўтказиб бўлмайдиган энг муҳим масалалардан биридир. Кишининг тафаккурини қонунлар билан ҳам, фармонлар билан ҳам ўзгартириб бўлмайди. Бироқ ўзгартириш керак". Бу борада амалга оширилаётган ишларнинг кўлами кенгдир. Маънавият ва маърифат жамоатчилик маркази ва унинг жойлардаги бўлимлари иш бошлади. Янги тарих, Ўзбекистон миллий энциклопедияси яратилмоқда. Ислоҳотларнинг чуқурлашуви, иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашуви ва юксалиши кишиларнинг турмуш шароитини яхшилашга ва охир-оқибатда эса тафаккурини ўзгартиришга олиб келадиган улкан имкониятлардир.

Дарҳақиқат, китобнинг хулосасида қайд килинганидек, "аср ва минг йиллик интиҳосида Ўзбекистон ўз ҳаётининг буюк олатасирлар ва ҳайратли ўзгаришлар даврини муносиб якунлаяпти хамда умид ва ишончларга тўла янги аср бўсағасида турибди".

"Жаҳон адабиёти", 1997, №1

КИМ КИМГА МУҲТОЖ?!

Россия бизга муҳтожми ёки, аксинча, биз уларгами? Балки саволнинг шу таҳлитда қўйилиши унчалик тўғри эмасдир. Аммо кейинги пайтларда Россия оммавий ахборот воситаларида пайдо бўлаётган қатор мақолалар масалага айнан шундай ёндашишни тақозо этмоқда. Бу мақолаларнинг мазмунини чақадиган бўлсангиз, собиқ СССР ворисининг миллий республика-давлатларга унчалик бефарқ эмаслигига, уларни осонгина "қўйиб" юбормаслигига ишонч ҳосил қиласиз. Бу борада амалий ҳаракатлар ҳам бошлаб юборилганини айтиб ўтиш жоиз. Ушбу ҳаракатлар эса "Чекка миллий ўлкаларда яшаётган русийзабон халқларни ҳимоя қилиш", "Россиянинг давлат бутунлигини сақлаб қолиш", "Ҳамдўстлик давлатлари доирасида интеграциялашув" каби важлар асосида кечмоқда. Улар қандай важ ва заруратлар билан изоҳланмасин, қай шаклларда кечмасин, мазмуни битта: қандай бўлмасин, миллий республикаларнинг тизгинини қўлдан чиқазиб юбормаслик.

Кўриниб турибдики, янги Россия давлатчилиги ҳали эски империячилик кайфиятидан қутула олмаган. Бунинг устига, СССРнинг парчаланиб кетиши, жаҳон социалистик тизимининг барбод бўлиши НАТО қўшинларининг рус чегараларига яқинлашиб қолишига олиб келди. Қолаверса, халқаро иқтисодий-молиявий уюшма ва ташкилотлар, ривожланган давлатларнинг мустақил миллий давлатлардаги позицияси мустаҳкамланиб, кенгайиб бормоқда. Албатта, ҳар қандай сиёсат, хатти-ҳаракатлар замирида иқтисодий манфаатлар, рағбатлар ётади.

Хўш, Россиянинг Ўзбекистонда қандай иқтисодий манфаатлари бўлиши мумкин? Халқ хўжалигининг деярли барча асосий тармоқларида бундай манфаатларни кўриш мумкин. Мулоҳазамизни саноатдан бошлай қолайлик.

90-йилларнинг бошида республика саноат маҳсулотининг умумий ҳажмида, аввало, собиқ Иттифоқ вазирлик ва маҳкамаларига бўйсунувчи бирлашма ва корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотлар 30 фоизга етиб, Иттифоқ-республика вазирлик ва маҳкамаларига қарашли корхона ва бирлашмаларда эса 54 фоиз саноат маҳсулоти тайёрланганди. Иккинчи томондан, Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа республикалардан келтириладиган ишлаб чиқариш ва истеъмол молларига боғлиқлиги кучайди. Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларга боғлиқлиги ўз навбатида якунловчи ишлаб чиқариш босқичлари аҳамиятининг ҳаддан ташқари ошувига, маҳаллий машинасозлик ва бошқа базис соҳаларининг заиф бўлиб қолишига олиб келди.

Тўғри, Ўзбекистонда барча саноат маҳсулотлари таркибида машинасозликнинг ҳиссаси 20 фоизга ҳам етмасди. Аммо ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмасининг бундай бир томонлама характери марказни тўла қаноатлантирар эди. Чунки саноати ривожланган районларда ишлаб чиқариладиган катта миқдордаги тайёр маҳсулотларни сотиш учун катта-катта бозорлар зарур эди. Ўзбекистон ва бошқа миллий республикалар эса ана шундай муҳтож бозорлар ҳисобланарди. Мана, нима учун ташқаридан маҳсулот киритишнинг асосий йўналиши саноат асбоб-ускуналари, технология, фан-техника натижалари бўлиб келди?

Иттифоқ аҳамиятига молик вазирлик ва маҳкамаларнинг эътибори биринчи навбатда ўлка кон-саноат мажмуини ривожлантиришга қаратилгани ҳам тасодифий эмасди. Савол туғилади: нега қисқа вақт ичида Ангрен, Олмалиқ, Навоий, Зарафшон, Учқудуқ ва бошқа шаҳарлар бунёд этилиб, уларда қурилган саноат корхоналари марказдан кўчирма қилинган ишчи ва мутахассислар ҳисобига таъминланди? Чунки бу жойларда нодир ва ноёб металлар сероб эди. Газ ва нефтни

қўйиб турайлик, стратегик минерал хомашёларнинг ўзи ҳам етарли эди. Ўзбекистон узоқ вақт собиқ СССРнинг олтин-валюта захираларини тўлдириб келди.

Оппонентларимиз: "Ҳозир олтин нодир металл сифатида ўзининг илгариги ўрнини йўқотган, олтин-валюта захираларида унинг миқдори фақат маълум фоизнигина ташкил этиши мумкин, пулдаги олтин стандарти бекор қилинган, тиббиёт ва заргарликда ҳам унинг ўрнини босадиган ҳийла арзонроқ ашёлар топилган, шунинг учун фақат олтин билан узоққа бориб бўлмайди",– дейишлари мумкин. Хўп, уларнинг фикрини қабул қилдик ҳам, дейлик. Аммо, биринчидан, олтиннинг тўлов воситаларидан бири ва халқаро инвестициялар учун гаров эканлигини ҳали ҳеч ким бекор қилгани йўқ. Иккинчидан, олтин ва бошқа нодир металлар қўлланиладиган янги соҳалар вужудга келмоқда. Биргина атом реактори учун ўнлаб килограмм олтин зарурлигини таъкидлаб ўтишнинг ўзи кифоя эмасми?

Қишлоқ хўжалиги соҳасида тўхталадиган бўлсак, узоқ замонлардан бери пахта, ипак толаси ва жун Россия саноатининг "нони" бўлиб келганлиги маълум. Масалани янада равшанлантириш учун мозийга қайтайлик. XVIII асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мусулмон дунёсида маданий инқирознинг кучайиши ва Европа саноати қўлининг узил-кесил устун келиши туфайли шундай ҳолат қарор топдики, оқибатда барча Шарқ мамлакатларида – Мисрдан то Ҳиндистонгача пахта хомашё сифатида четга чиқарилиб, Ғарбий Европа саноатида тубдан қайта ишланиб, газламага айлантириладиган бўлди. Туркистондан пахта, асосан, Россияга юборилади. Академик В.Бартольд маълумотларига кўра, XVIII асрда бир фунт пахта хомашёсининг нархи 10–15 тийин, пахта калавасиники эса 30–40 тийин бўлган. Бу нарх ва нисбат XIX асрнинг иккинчи ярмида, яъни, руслар Туркистонни босиб олгандан кейин ҳам сақланиб қолди. Қизиғи шундаки, ўлкада пахта хомашёси етиштирилиб, кейин рус саноатида қайта ишланиши уч юз йиллик тарихга эга бўлса-да, бу тажриба то мустақилликкача давом этиб келди.

Рус тўқимачилик саноатининг Туркистон пахтасини истеъмол қилиши фақат 1886–1914 йилларда 42 марта, пахта экин майдонлари эса 45,2 карра ошиб, жами 600 минг гектарга етди. Ўша йиллардаёқ Фарғона водийси пахтачиликнинг муҳим райони сифатида алоҳида ажралиб чиқади. Бу ерда бутун ўлка пахта майдонининг 65 фоизи жойлашганди. Суғориладиган майдонларнинг 75 фоизидан 100 фоизигача шу экин билан банд эди. Водийда пахта якка-ҳокимлиги худди ана шу йилларда қарор топди.

Бир вақтлар Туркистон ўзининг дон маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини тўла қондириб, четга ғалла ҳам чиқарарди. Аммо пахта билан банд бўлган майдонларнинг нафақат мутлақ, шу билан бирга, нисбий ўсиши натижасида бу ўлка тақчил нон баланси районига айланиб қолди. 1927–28 йилларда Ўрта Осиёга ташқаридан нон келтириш 560 минг тоннани ташкил этган бўлса, 1932–33 йилларда 820 минг тоннага етди. Яъни, беш йил ичида қарийб 1,5 марта ўсди. Агар Октябрь давлат тўнтаришигача республикамизда суғориладиган экин майдонларининг ярмини ғалла эгаллаган бўлса, 1929 йилда бу кўрсаткич 40 фоизга тушди. Тожикистонда 77,4 фоиздан 51,9 фоизга, Туркманистонда 58,4 фоиздан 49,5 фоизга, бугун Ўрта Осиё бўйича эса 58,3 фоиздан 47,4 фоизга пасайди. Шу вақтнинг ўзида пахта билан банд бўлган экин майдонлари 27,7 фоиздан 39,2 фоизга, Тожикистонда деярли уч марта, Туркманистонда 25 фоиздан 34,4 фоизга, Қирғизистонда 6,4 фоиздан 10,4 фоизга ўсди. Полиз, боғ ва узумзорлар билан банд бўлган майдонларни кенгайтириш имкониятлари ҳам чекланиб борди.

Пахта хомашёсининг асосий ҳажми (90 фоиздан зиёдроқ) Ўзбекистон ташқарисида қайта ишланиши, нон маҳсулотларининг асосий қисми четдан келтирилиши республикани бошқа минтақаларга қарам қилиб қўйди. Пахта монокультурасининг ўрнатилиши эса аҳолини ҳам моддий, ҳам маънавий қашшоқлаштирди.

Бу сиёсат мустақилликкача бўлган йилларда ҳам давом этди. Ўлкада ижтимоий ишлаб чиқаришнинг хомашё ва

ундирма тармоқларини ривожлантиришга зўр берилди. Қишлоқ хўжалиги экинлари орасида пахта ва ғалла ўрин алмашди. Пахта майдонлари барча экин майдонининг ярмидан кўпроғини, агросаноат мажмуида эса 73–75 фоизни ташкил этди. Ғалланинг ҳиссаси эса 20 фоизга тушиб қолди. Бу мисоллардан масала равшанлашади: бундай салкам текин луқмани ким ҳам осонгина қўлдан чиқариб юборарди?

Кейинги вақтларда Россияда жонланиб қолган "катта оғалик" ҳаракати аслида анча илгарироқ бошланиши мумкин эди. Аммо бунга мамлакатдаги ички қарама-қаршиликлар, зиддиятлар, Чечен уруши халал бериб келди. Буларнинг бориши кўпчиликни шу масаладан чалғитди.

Мана, ниҳоят, интеграция ғояси ўртага ташланди. Ҳушёр фикрлайдиган сиёсатшунослар, иқтисодчилар Россия–Белорусь иттифоқидан ҳозир ҳам таажжубда. Ҳақиқатан ҳам интеграция барча бало-қазолардан қутқазадиган сеҳрли таёқча бўлмаса-да, ҳар ҳолда ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг ҳийла юқори самарали шаклидир. Бу – бор гап. Унда таажжубга не ҳожат? Гап шундаки, интеграциянинг асосий принципларидан бири интеграциялашувчи бўлаклар (мамлакатлар) тараққиёт даражасининг бараварлиги, ҳеч бўлмаганда бир-бирига яқинлигидир. Европа ҳамжамиятига кирувчи мамлакатларда барча иқтисодий ва ижтимоий кўрсаткичлар бўйича бараварлик ва яқинлик мавжуд. Россия ва Белоруснинг иқтисодий тараққиёт даражаси ўртасида эса катта тафовутлар мавжудлиги ҳеч кимга сир эмас. Аҳоли жон бошига ҳисоблаганда (АҚШ долларида), ялпи миллий маҳсулот ва ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми Россияда Белорусга нисбатан деярли бир ярим баробар юқори.

"Дўстлик фақат тенглар ўртасида бўлиши мумкин", деган эди улуғ Афлотун милоддан илгари. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов бу икки давлат ўртасидаги муносабатларга тўхталиб, шошма-шошарлик билан интеграция жараёнини обрўсизлантирмаслик керак, деди. Ҳатто Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам улар ўртасидаги фарққа эътиборини қаратди. Лекин барибир,

"иккилар иттифоқи" имзоланди. Бундан манфаатдор доиралар ва кучлар борлиги аниқ. Акс ҳолда, бу ҳодиса демократларни ҳам, коммунистларни ҳам, либерал-демократларни ҳам бирдек қаноатлантирмас эди.

Россия-Белорусь иттифоқи ҳали СССРни тиклаш умидини батамом узмаган кимсалар қалбини яна бир "қитиқлаш" эмасмикин? Қуллик кайфияти – ёмон нарса. Тарихда қуллик-дан озод этилиб: "Тўрт томонинг қибла, кетавер!" – деганларида ҳам, айрим қулларнинг ўз хожаси олдида тиз чўкиб, "Йўқ, хўжайин, бизни озод этманг, биз кета олмаймиз, агар сиздан кетсак, хонавайрон бўламиз, очликдан ўламиз",– дея илтижо қилганлари ҳақида ўқиганмиз. Бу сиёсат ана шундай қулсифат кишиларга мўлжалланган эмасмикин? Ҳар ҳолда, Россия матбуотида ёзилаётганидек, бу иттифоққа икки давлат раҳбарининг имзо чекиши ғарбчилар ва славянофиллар сиёсий оқимлари ўртасидаги тортишувда ҳозирча иккинчи оқим қўлининг баланд келиши қабилида жўнгина изоҳланишини жиддий ҳолат, деб бўлмайди. Аммо бу Москвадаги геополитика, геостратегия ва сиёсатшунослик билан шуғулланадиган ўнлаб илмий марказ ва идораларнинг хулоса ва тавсияси эканлиги ҳақиқатга яқинроқдир.

Илгариги замонда бундай тавсиялар Петербург университети Шарқ тиллари факультети ва рус география жамияти томонидан тайёрланарди. Ўрта Осиёга юбориладиган ҳар бир киши – генерал-губернатордан тортиб рота командиригача – бу икки марказ тайёргарлигидан ўтар, маҳаллий аҳолининг тарихи, маданияти, урф-одатлари билан таништирилар эди. Шунинг учун ҳам улар большевик комиссарлар ва "Кремль десантчилари"дан фарқли ўлароқ, ҳийла узоқни кўзлаб иш тутарди. Туб аҳолининг дину эътиқоди, шариат бўйича судлов ишларига мутлақо аралашмас, шу йўл билан мустамлакачиликнинг умрини узайтиришга ҳаракат қиларди. Уларнинг назарида "абориген"ларнинг нафсониятига тегиш ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин эди.

Ҳозирги кунда Россия матбуотида Ўзбекистон тўғрисида берилаётган айрим нообъектив, баъзи ҳолларда эса ҳақора-

томуз мақолаларни ўқирканмиз, беихтиёр изтиробга тушамиз, у ёки бу муаллифдан, газетадан хафа бўламиз. Бундай ҳолларда нари борса ийманибгина ўз матбуотимиз саҳифаларида уларга жавоб берган бўламиз. Кўпинча унинг замирида катта сиёсат ётганини, бу сиёсатнинг илдизи анча узоққа бориб тақалишини ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Келинг, яна бир бор мозийга қайтайлик.

XVI–XVII асрларга келиб, Туркистон ва Россия ўртасида савдо алоқалари анча кучайди. Маълумки, ушбу икки ўлканинг иқтисодий муносабатлари анча илгарироқ бошланган эди. 1464 йили Ҳиротда темурий Абусаид биринчи рус элчиларини қабул қилади. Бу даврда савдо алоқаларининг янада кучайишига вужудга келаётган савдо капитализми катта таъсир кўрсатаётганди. Бу муносабатлар эса буюк жуғрофий кашфиётлардан кейинги дастлабки савдо алоқалари эканлиги ҳисобга олинса, унинг аҳамияти ҳар икки томон учун ҳам бекиёслиги англашилади.

XVI–XVII асрларда Туркистондан Россияга юбориладиган асосий экспорт моллари ипак, ип-газламалардан иборат эди. Россиядан Туркистонга эса сукно, балиқ суяги, мўйна, тери, ёғоч идишлар, игна, турли тўғноғичлар келарди. Мол айирбошлаш ҳар икки томон учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ички бозорларини истеъмол моллари билан таъминлашда катта ўрин тутар эди. Лекин шунга қарамасдан, рус шарқшунослари "'Бу савдо биз учун зарарли эди", қандай турдаги молларни келтириш ҳақидаги мурожаатларни эса "доимий тиламчилик", "уларнинг қуруқ таклифлари" деб, атайдилар. Масалан, профессор Н.И.Веселовский: "Ўрта Осиё элчиларининг юрагидаги бош мақсади биздан ҳадяларни ундириш эди", – деб ёзади.

Модомики Туркистон билан бўладиган савдо, рус шарқшунос олимлари ёзганидек, "зарарли" бўлса, нима учун Россия бунга катта эътибор берарди? Гап шундаки, бу алоқалар нафақат савдо-тижорат бўйича, балки жуда муҳим стратегик ва транзит жиҳатдан аҳамиятга молик эди. XVI асрга келиб, рус мустамлакасининг ҳудуди Урал, Тоболь ва Иртишгача

етиб келганди. Бухоро ва Хива билан дипломатик ва савдо алоқаларининг ўрнатилиши эса, аввало, ўтроқлашган рус ҳудудларига бўладиган тажовузлардан бир қадар кафолатларди. Иккинчидан, Москвани келгусида Ҳиндистонга ўтадиган транзит йўли сифатида кўпроқ Бухоро ва Хива қизиқтирарди. Бу жиҳатдан қараганда Н.И.Веселовскийнинг: "Бу савдо бизга қараганда Ўрта Осиё учун зарур эди", – деб таъкидлаши ишончсиз туюлади. Бу аслида рус босқинчилик мақсадларини хаспўшлаш учун қилинган йўл эди, десак, тўғрироқ бўларди.

Кўпчилик рус шарқшуносларининг Туркистонга тенг ҳамкор сифатида эмас, балки анча юқоридан, димоғдорлик билан ва ҳатто ишончсизлик билан қарашади. Профессор С.В.Жуковскийнинг ёзишича, Хивага кираверишда Хохлов бошчилигидаги элчилар гўё ҳибсга олиниб, улар ўлим жазоси билан қўрқитилиб, сиқувларга дучор қилиниб, шундан кейингина улардан ҳадялар ундириб олинган эмиш. Бухоро хонига юборилган лочинларни талашиб, хиваликлар ўртасида муштлашув рўй берган эмиш. Ўша манбада, шунингдек, Абулғозихоннинг буйруғи билан 1646 йилда рус савдогарлари таланди, улардан 10257 сўмлик мол ўзлаштирилди, 1654 йилда эса иккинчи марта 2765 сўм миқдорида пул тортиб олинди, деб кўрсатилиши ҳаммасидан ҳам ошиб кетади. Сезаяпсизми, машҳур "Турклар шажараси" муаллифи, ўз даврининг ўта маърифатли ва зукко давлат бошлиғи ҳамда унинг салтанати оддий қароқчи тўдаларига тенглаштирилмоқда. Бундан бўлажак босқинчилик учун ҳар хил "далиллар" билан асос яратиш зарур бўлганини англаш қийин эмас.

Шундай бўлгач, Туркистонни босиб олишда иштирок этган рус солдатларининг қарияларни, гўдакларни ва хотин-халажларни найзаларга илганларини ўз кўзи билан кўрган ва бундай хунрезликларда қатнашган рус рассоми В.В.Верешчагиннинг маҳаллий аҳолини ҳақоратомуз тасвирлаганига ажабланмаса ҳам бўлади. Мана энди тоталитаризмдан кўп азиятлар чеккан ёзувчи А.Солженицин "Россияни қандай қилиб тузатиш керак?" номли китобчасида ўтган йиллар давомида Россия ўз ҳаёт шарбатларини миллий респуб-

ликаларга бериб келди деб, бизни боқимандаликда айблаши, бошқа бир жойда эса Ўрта Осиёни инсоннинг кераксиз аъзосига қиёслашини ҳам тасодиф, деб ҳисобламаса бўлади. Ўзининг шовинистик қарашларини яшира олмайдиган яна бир рус рассоми И.Глазуновнинг ундан қолишмай, миллий республикаларни ношукурликда айблашига ҳам, "ўзбеклар иши", "пахта можароси" каби миллатнинг иззат нафсига тегадиган уйдирмаларнинг тўқиб чиқарилганига ҳам ҳайрон қолмасак бўлади. Лекин шу ўринда табиий бир савол туғилади: агар бизнинг уларга керагимиз бўлмаса, унда ҳамиятимизга тегишнинг нима кераги бор?

Яна бир гап. Академик, марҳум тарихчи Ю.Бромлей бош муҳаррирлигида чоп этилган "Жаҳон халқлари тарихий-этнографик маълумотномаси"ни олиб кўрайлик. Ундаги ўзбеклар, қозоқлар ва қирғизларга оид бўлимларни солиштириб кўрадиган бўлсак, улар ўртасида ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан катта тафовутларни пайқаш қийин эмас, айниқса, кейинги икки халқ ҳақидаги очерклар алоҳида муҳаббат, ҳурмат билан ёзилган. Нима учун шундай? Чунки бу бўлимлар ўша халқ олимлари томонидан ёзилган. Токи ўзимизнинг тарихимизни ўзимиз яратмас эканмиз, ўтмишимиз, маданиятимиз ва урф-одатларимизни камситиш, соҳталаштириш давом этаверади.

Энди бошқа хулосаларни баён этишни муҳтарам ўқувчиларнинг ихтиёрига қолдирсак-да, фикримизни жаҳон мутафаккирларининг ушбу сатрлари билан якунласак. Француз тарихчиси Алексис Токвиль бундай деб ёзган эди: "Америка – адолатли мамлакат. Агар Америка қачонлардир адолатли бўлмай қолса, у буюк ҳам бўлмай қолади". Россия Америка каби буюк мамлакат бўлишни истамаслиги мумкин эмас, албатта. Лекин "улуғворлик ва тубанлик алоқага киришган жойда мувозанат йўқолади", деган калима ҳам борки, бу хитойлик мутафаккир Лао Цзи қаламига мансубдир.

"Халқ сўзи", 1997 йил 19 апрель.

Кимдир менга "Мухолифларингиз борми?" деган савол бериши мумкин. Ҳа, бор. Менинг энг кучли мухолифим – бу боқимандалик.

Ислом Каримов

БОҚИМАНДАЛИК

Боқимандалик нима? Боқиманда ким? Бир қарашда, анча осон кўринган бу саволга дабдурустдан, жавоб қайтариш қийин. Чунки ушбу тушунчани баъзан кенг, баъзида эса, аксинча, тор маънода қўллашга ўрганиб қолганмиз.

Боқимандалик, ўзининг луғавий маъносига кўра, бировнинг қарамоғида бўлиш, бировга боқимлик, нонхўрлик, қарамликни билдиради. Тайёрга ўрганган, текин еб ётадиган, "ўроқда йўқ, машоқда йўқ, хирмонда ҳозир", тайёрга айёрларни одатда боқимандалар тоифасига киритадилар.

Хўш, у қандай ва қаёқдан пайдо бўлади?

Президентимиз бу саволга жуда аниқ жавоб берди: "Бу кайфиятни кўтариб юрганлар ҳеч нарса қилишни хоҳламайдиган кишилардир. Уларга жуда ўнғай. Улар умр бўйи эски тизимда яшаган ҳамда ўзини жуда яхши ҳис қилган. Бу энг аввало, партиявий номенклатура, эски мафкуравий тизим "вояга етказган" иллатдир".

Дарҳақиқат, ҳаддан ташқари марказлашган режа ва қатъий тақсимот ҳукмрон бўлган собиқ жамиятда боқимандалик учун иқтисодий ва ижтимоий иқлим мавжуд эди. Чунки унда моддий неъматлар уларни ишлаб чиқариш учун меҳнатга мувофиқ эмас, сунъий равишда тақсимлаш дастаклари орқали текис, яъни "сув олиб келганга ҳам, кўза синдирганга ҳам" баробар бўлинар ва истеъмол этилар эди, 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида бу кайфият кишиларимизнинг онгига чуқур сингиб кетганди. Шунинг учун ундан қутулиш тез ва осон кечмайди. Жамиятни боқимандалик кайфиятидан батамом фориғ этиш эса худди мулкка эгалик кўникмаларини тўла шакллантириш каби муайян давр талаб қиладиган жараёндир.

Албатта, ҳеч бир жамият боқимандаликдан манфаатдор эмас, буни истамайди. Лекин, шунга қарамай, у турли шаклларда зоҳир бўлади. Шу жиҳатдан олганда, у касаллик-дир. Вақтида даволамаса, сурункали ҳолатга ўтади, энг ёмони, у теварак-атрофидагиларга ҳам "юқиши" мумкин. Киши бир марта текин ёки кам меҳнат сарфлаб, давлатдан мўмайроқ маблағ ўмардими, у энди буни яна қўмсайди. Бундай номақбул хатти-ҳаракатларга қарши ўз вақтида тегишли чора кўрилмаса, унинг кенг томир отиши ҳеч гап эмас.

Аввало, боқимандаликнинг уч турини бир-биридан фарқлаб олайлик. Биринчиси энг оддий, маиший шаклда намоён бўлади. Ҳеч қаерда ишламайдиган, ҳеч кимга нафи тегмайдиган, бировлар меҳнатининг натижасини ўзлаштириб ётадиган, бошқалар ҳисобига кун ўтказиб, "берсанг ейман, бермасанг ўламан" қабилида иш тутадиганлар бу шаклни ташкил этадилар. Кўпчилик маҳалла-кўйларда бундай боқи-мандаларга қарши жамоатчилик фикри шакллантирилган.

Боқимандаликнинг иккинчи турига, таъбир жоиз бўлса, унинг ясама, сохта шакли киради. Масалан, бир вақтлар "оғалар"нинг "инилар"ини боқимандаликда айблаши русум бўлган эди. Гўё иттифоқдош миллий республикалар ўзларини ўзлари боқа олмайдигандек. Шунинг учун миллий бюджет камомадини (тақчиллигини) тўлдириш мақсадида умум-иттифоқ бюджетидан дотация олади, иттифоқ бошқа ўлкалар учун донорлик вазифасини бажаради, деб ҳисобланарди (Бу ерда "иттифоқ" деганда, Россия кўзда тутилар эди). Миллий республикалар эса, аксинча, ўзларини "умумий қозон"га кўпроқ улуш қўшган-у, аммо "чўмич"да қоқилган ҳисобларди. Аслида ягона халқ хўжалиги комплекси деб аталган халқлар ва миллий тузилмалар конгломератига ким қанча берган-ю, ундан қанча олганини ҳеч ким аниқ билмасди. Қизғин баҳслар натижаси ўлароқ, республика хўжалик ҳисоби тушунчаси пайдо бўлди. Вилоят, шаҳар, туман хўжалик ҳисобини ташкил этишга ҳам киришиб кетилди. Бироқ улар бирон-бир амалий натижа бермади. Бундан ўзгача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Бу борадаги баҳс ва эҳтиросларга

СССРнинг қулаши, миллий республикалар ўз давлат суверенитетини ўрнатиши нуқта қўйди.

Боқимандаликнинг учинчи шакли анча уюшган ва такомиллашган бўлиб, унга қарши самарали курашилмаса, унга қарши жамоатчилик фикри шакллантирилмаса, жамиятга жуда катта иқтисодий ва маънавий зарар етказади. Одатда у давлат, ўрта ва қуйи бўғинларда яратилган моддий неъматларни, ресурсларни тақсимлаш жараёнида содир бўлади. Тўғри, бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан моддий-техника таъминоти, фондларни тақсимлаш, ҳар хил лимитларни ажратиш каби механизмларга барҳам берилди. Аммо ҳали ҳам турли хил даражаларда марказлашган пул ресурсларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш институтлари мавжуд. Худди ана шу жойда боқимандалик учун имконият мавжуддир. Шунинг учун бу институтларнинг мазмуни, характери ва мақсадига батафсилроқ тўхталиш мақсадга мувофиқ.

Марказлашган пул ресурсларини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг энг муҳим қуроли бу давлат бюджети ва маҳаллий бюджетлардир. "Ўзбекистон мустақиллик йилларида" (1996) китобидаги "Давлат бюджети даромадларининг таркиби" (42-бет) жадвалидан англашиладики, ушбу даромадлар асосан, солиқлардан ҳосил бўлади. Унинг атиги 10 фоизга яқинигина божхона божлари ва ресурс тўловлари ҳисобига тўғри келади. Бевосита аҳоли даромадларидан ундириладиган солиқлар ҳисобига ҳам, 10 фоиз атрофида давлат бюджети даромадлари шаклланади. Корхона даромадлари (фойдаси) ва аҳоли даромадларидан бевосита ундириладиган солиқлар 1992–1995 йилларда сезиларли даражада ўсганлигига қарамасдан, уларнинг ялпи ҳиссаси бюджет даромадларининг 40 фоизга яқинини ташкил этади, холос. Билвосита солиқлар (асосан, акциз ва қўшимча қиймат солиқлари) бироз пасайган бўлса-да, бюджет даромадларида уларнинг ҳиссаси баланд – қарийб 50 фоизга тенг.

Табиий савол туғилади: нима мақсадда давлат солиғи йиғилади? Бунга умумлаштириб: "Бюджетнинг даромад

қисмини шакллантириш учун", – деб жавоб бериш мумкин. Аммо бу ерда масала анча мураккаброқ.

Ҳукумат ўзи берадиган айрим хизматларга ҳақ тўлаш, иқтисодиётда харажатлар даражасини назорат қилиш (даромад солиғининг ошиши кишиларнинг харид қобилиятини пасайтиради), даромадларни тақсимлашдаги тенгсизликни бартараф этиш (юқори даромадли аҳоли гуруҳлари кўпроқ солиқ тўлаши керак), мамлакат саноатини чет эллик рақобатчилардан ҳимоя этиш (тарифлар ҳам солиқ шакли ҳисобланади) ва бошқа мақсадларда солиқ ундирилади. Агар давлат у ёки бу турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришни (тамаки, арақ) камайтиришни хоҳласа, унга кўпроқ солиқ белгилайди.

Турли хил солиқлардан ташкил топадиган давлат бюджети даромадлари қайси мақсадларга сарфланади?

1992–1995 йиллар мобайнида халқ хўжалигини молиялаштиришга кетган бюджет харажатлари ҳиссаси қарийб уч баравар ошган бўлса, бугунги кунда у барча бюджет харажатларининг 30 фоиздан зиёдроғини ташкил этмоқда. Бюджет харажатларида эса ижтимоий-маданий тадбирлар асосий ўрин тутади. Унинг ҳиссаси – 45,3 фоиз. Бу кўрсаткич ўтган йиллар мобайнида бирмунча ўсди. Бюджет даромадининг умумий миқдорида давлат ҳокимияти ва бошқарув идораларини сақлашга кетадиган харажатлар 13,5 фоизки, бу анча барқарор кўрсаткичдир.

Ҳукумат ҳамма вақт давлат бюджети даромад ва харажат қисмларининг маълум мувозанатда (балансда) бўлишидан манфаатдор. Агар бюджетнинг даромад қисмидан харажат қисми ошиб кетадиган бўлса, пассив бюджет баланси вужудга келади. Бу – давлат бюджети тақчиллиги, деб юритилади. 1995 йили давлат бюджети тақчиллиги ялпи ички маҳсулотнинг 2,8 фоизига тенг бўлди, яъни олдинги йилга нисбатан бироз пасайди.

Пул ресурсларидан фойдаланишни ташкил этишнинг давлат ва маҳаллий бюджетларидан ташқари яна бошқа шакллари ҳам мавжуд. Давлат суғурта фонди, давлат бандлик, саломатлик, соғлом авлод учун фондлари ва бошқалар шулар

сирасига киради. Улар давлат бюджети маблағларининг ҳаракатчанлигини оширишга хизмат қилиб, зарур бўлган тақдирда маблағларни аниқ йўналишларда мақсадли фойдаланишни таъминлайди. Аммо мавжуд маблағларни қайта тақсимлаш чоғида ижтимоий эҳтиёжлар зарар кўрмаслиги, давлатнинг муҳим ҳаётий заруратларига сарфланадиган харажатлар миқдори камаймаслиги лозим. Шунинг учун ҳам бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида аниқ йўналишлар бўйича махсус бюджетдан ташқари фондлар ташкил этилади. Улар давлат ва маҳаллий бюджет воситаларидан ҳам фойдаланиши мумкин.

Масалан, ижтимоий суғурта фонди турли хил нафақаларни тўлаш учун пул ресурсларини ташкил этишни кўзда тутади. У вақтинча иш қобилиятини йўқотганлик, ҳомиладорлик ва туғиш, санаторий ва курорт хизматларини молиялаштириш ва бошқа мақсадларга хизмат қилади. Бу фонд харажатларининг асосий қисми турли нафақаларга сарфланади. У суғурта йўли билан ташкил этилади. Ана шу жараёнда турли мулк шаклларидаги корхона ва ташкилотлар, айрим шахслар, хусусан, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиганлар мажбурий тарзда иштирок этади.

Давлат бандлик фонди эса ўз ишини йўқотган ва йўқотиш хавфи бўлган кишиларни моддий қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни бошқа мутахассисликка ўргатиш учун зарур воситаларни бир жойга тўплаш мақсадида ташкил этилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ходимларнинг малакаси ва маълумотига қараб иш жойи билан таъминлаш кафолати ўз аҳамиятини йўқотса-да, аммо фуқароларнинг ўз иш жойини эгаллаш, меҳнат қилиш ва эркин касб танлаш ҳуқуқини таъминлаш масъулиятини давлат ўзидан соқит қилмайди.

Кўриниб турибдики, бюджет ва ундан ташқари фондлар, восита ва маблағларнинг ўз ўрни ҳамда аҳамияти бор. Ижтимоий аҳволимиз, оила сони ва таркибига қараб, ҳар биримиз улардан манфаатдорлик билан, имтиёз асосида фойдаланиш ҳуқуқига эгамиз. Шундай экан, бюджет ва фондларга тўловлардан бош тортиш ёки улардан озод

бўлишга уриниш давлат ҳисобидан ўзига моддий қулайлик ва ўнғайлик яратиш, охир-оқибатда эса давлатга боқиманлаликдан бошқа нарса эмас.

Солиқ тўламаслик ёки фирибгарлик билан унга чап бериш, айниқса, жиноят ҳисобланади. Ҳатто Ғарбда ҳам: "Ҳамма нарсадан қочиб қутулиш мумкин, лекин икки нарсадан – ўлим ва солиқдан қочиб қутулиш мумкин эмас", – дейишади. Демак, солиққа чап бериш ёки ўзига ноқонуний имтиёз яратиб олишнинг ҳеч қаерда иложи йўқ. Агар бундай қулайликларга эга бўлиш учун кимса, корхона ёки тармоқ "индульгенция"ни қўлга киритса-чи, яъни бундай имкониятини расмийлаштириб олса-чи? Бунинг ёмонлиги шундаки, уларда ишлаб чиқариш харажатлари, маҳсулот таннархи бошқа қўшни корхоналарга нисбатан паст бўлгани боис, юқори даромад (фойда) олади. Табиийки, ишчи ва хизматчиларга ҳам юқори иш ҳақи берилади, шу йўсинда тармоқ ва гуруҳ худбинлиги шаклланади, бир тоифадаги, бир хил шароитдаги корхоналар ва улардаги ишчи ва хизматчилар бир-бирларига қарама-қарши бўлиб қоладилар. Чунки бир жойда ҳар бир сўм пул, маҳсулот пешона тери эвазига, барча жисмоний ва ақлий имкониятлар тўла сафарбар этилган ҳолда топилса, иккинчи жойда унга сунъий йўл орқали эришилади. Бундай психология эса тез томир отади, атроф-муҳитга салбий таъсир ўтказади. Уни адабиётда "боқимандалик синдроми" (тутқаноғи), дейилади. Негаки, айрим раҳбарлар давлат бюджети воситаларидан мўл-кўл фойдаланишга ўрганиб қолиб, бозор шароитида ўзини йўқотиб, "тарки одат – амримаҳол" қабилида иш юритиб, ана шу "касаллик"ка гирифтор бўлиб қолади. Бундай тоифадагиларни "чиптасиз йўловчи"га ўхшатиш мумкин. Масалани янада ойдинлаштириш учун бир мисол келтирамиз. Айтайлик, Ўзбекистонда халқ таълимини такомиллаштиришга 10 миллиард сўм миқдорда маблағ зарур. Уни мамлакатнинг катта ёшдаги аҳолиси сонига тақсимласа, 1.000 сўмдан тўғри келади. Яъни, улар халқ таълими учун давлат бюджетига шунча миқдордан улуш қўшиши лозим. Агар бу

иш эркин бозорда ихтиёрийлик асосида амалга ошириладиган бўлса, кўпчилик фуқаролар ўз улушларини тўламаслиги мумкин. Натижада мамлакат халқ таълимини молиялаштиришнинг маълум қисмидан маҳрум бўлади. Лекин шуниси борки, ўшаларнинг деярли барчаси ўз фарзандларининг бепул таълим олишини истайдики, керак бўлса, буни қаттиқ талаб қилади ҳам. Соғлиқни сақлаш, нафақа тўлаш бўйича ҳам вазият худди шундай. Моддий неъматларни ишлаб чиқаришга ўз ҳиссаларини қўшмасдан туриб, ундан фойдаланишга ҳаракат қиладиганлар худди ана шундай "чиптасиз йўловчилар" ҳисобланади.

Айтиш мумкинки, ижтимоийлашган боқимандаларнинг жамиятга келтирадиган моддий ва маънавий зарари кўлами жиҳатидан жуда хавфли. Чунки бу тоифадаги боқиманда давлатнинг чўнтагига чанг солади. Лекин ўғрига жазо бор-у, боқимандалик учун жиноий жавобгарлик йўқ. Шунинг учун ҳам у – яшовчан. У ўзига яна бир имтиёзни яратиб олганга қадар, бемалол фаолият кўрсатаверади.

Боқимандалар одатда орамизда яшайди. Башанг кийинади, янги ва шинам машиналарда юради. Давра-ю йиғинларнинг тўри уларники. Буюк ўтмишимиз, порлоқ келажагимиз, тотувлик, биродарлик ҳақида, керак бўлса, жон куйдиргандек гапиради. Ҳазрати Навоий ва беназир Шерозийнинг байтларини қалаштириб ташлайди. Ўзига яратиб олган қулайликдан мақтаниб қўйишни ҳам хуш кўради. Ахир бегона пулдан масъулиятсизларча фойдаланишга унга ҳеч ким ҳуқуқ бермаган-ку?!

Аммо ижтимоий ҳимояга муҳтож ёки бошқа давлат бюджети ҳисобидан кун кечираётганлар, масалан, нафақачиларни (нафақахўр эмас) боқиманда ёки давлатга боқим, деб аташ мумкин эмас. Ўзбекистон аҳолисининг қарийб ярми меҳнатга қобилиятли ёшдагилар ва улар мамлакатнинг меҳнат ресурслари ҳисобланади. Қолган қисмини эса меҳнатга қобилиятли ёшдан юқори ёки паст, ногиронлар, вақтинча меҳнатга лаёқатини йўқотган кишилар ташкил этади. Одатда улар давлат бюджети ҳисобидан нафақа ва имтиёз билан

таъминланадилар. Биргина аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тадбирларига давлат бюджети умумий харажатларининг 10 фоиздан ортиқроғи кетади.

Нима учун улар давлатга боқиманда эмас? Чунки, биринчидан, ўзини-ўзи боқишга қурби етмайдиган фуқароларга ғамхўрлик – ҳар қандай адолатли давлатнинг асосий вазифалардан бири. Акс ҳолда, давлатнинг ўз фуқаролари олдида обрў-эътибори бўлмайди. Давлат халқнинг елкасида турмайди, аксинча, халққа хизмат қилади. Иккинчидан, бугун бюджет ҳисобидан нафақа ёки имтиёз олиб турган фуқароларнинг аксарияти илгари ўз давлати ва унинг равнақи йўлида меҳнат қилган. Келажакни таъминлаш учун ўзи ва меҳнат жамоаси ҳисобидан унча-мунча маблағ ҳам ўтказиб қўйган. Мактаб ёки ундан кичик ёшдагилар, талабалар масаласига тўхталадиган бўлсак, улар мамлакат келажагидир. Уларга сарфланаётган ҳар бир сўм истиқболда бир неча ўн сўм бўлиб қайтади. Шукрлар бўлсинки, бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган изчил сиёсатнинг самараларини ҳар биримиз кўриб турибмиз.

Энди ижтимоий фойдали меҳнат хусусида икки оғиз. Унга икки нуқтаи назар орқали қараса бўлади. Ҳамма ҳам завод ва фабрикада меҳнат қила олмаслиги мумкин. Бунинг сабаблари кўп. Лекин, масалан, шахсий томорқа хўжалигида меҳнат қилаётганларни қайси гуруҳга киритиш керак? Ҳозир шахсий томорқа майдонлари мамлакатимизда 650 минг гектар суғориладиган ерни ташкил этади. Қорамолларнинг 80, қўй-эчкиларнинг 65, парандаларнинг 60 фоизига яқини ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келади. Картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг 69, меваларнинг 55 фоизи, узумнинг учдан бир қисми шахсий томорқаларда етиштирилмоқда. Кўпчилик шахсий хўжаликларда уй бекалари, қариялар, болалар ҳам иштирок этаётир. Бола тарбиясининг ўзи энг катта ижтимоий фойдали меҳнат деб ҳисобланса, тўғри бўлади.

Албатта, давлат бойлиги – юрт, миллат, халқ бойлиги. Шунинг учун мумкин қадар бюджетдаги "ёриқчаларни бутлаш", "умумий қозон"ни тўлдириш талаб этилади. Бунинг

биринчи шарти ижтимоий ишлаб чиқаришни ривожлантириш, корхона ва аҳолининг даромад (фойда)ларини кўпайтириб, ишлаб чиқаришдан, аҳолидан солиқ тушумини тўла таъминлаш, экспорт ва импортни юксалтириш туфайли божхонадан тушадиган бож, ресурсларга тўловларни яхшилаш ва бошқалардан иборат.

Мамлакатимизда ижтимоий ишлаб чиқаришни, қўшма ва хусусий тадбиркорликни, халқаро савдо-сотиқни ривожлантиришнинг иқтисодий-молиявий механизмлари, ҳуқуқий ва моддий асослари яратилган. Уларнинг тўла ишлаши, давлат ва маҳаллий бюджетларни, ижтимоий фондларни маблағ билан таъминлаш имкониятлари кенгаймоқда. Булар масаланинг асосий томони. Унинг бошқа муҳим томони ҳам бор: жамиятда меҳнаткашларимиз томонидан яратилган моддий неъматларни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, уларнинг ихтиёридаги восита ва маблағларни аниқ мақсадга йўналтириш ва бу борада худбинликка йўл қўймаслик керак. Энг асосийси, Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, "фақат уюшган бозоргина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, ташаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади. Рағбатлантиришни ва йўқотган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди".

Бугун юрагида юрт туйғуси бор ҳар бир фуқаро жамиятимиз, давлатимиз ривожига халақит берадиган, уни орқага тортадиган иллат – боқимандаликка қарши курашиши керак. Бозор иқтисодиёти кишиларнинг ҳалол бизнес – дангал рақобат туфайли бойлик орттиришига кенг йўл очган экан, улар бу йўлдан дадил қадам ташлаши, мустақилликни мустаҳкамлаш, халқ фаровонлигини таъминлаш ишига ўз ҳиссасини қўшиши лозим. Шунда ҳар биримиз: "Шу озод юртнинг фуқаросиман!" – дея лутф этишга ҳақли бўламиз.

"Халқ сўзи", 1997 йил 28 май

ЯНГИЛАНИШ ТАҚДИРИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича республика комиссиясини ташкил этиш тўғрисидаги Фармойиши, Вазирлар Маҳкамасида бу масалага бағишланган йиғилишда Ислом Каримов сўзлаган нутқда қишлоқ хўжалигини янги юқори поғонага кўтариш истиқболи белгилаб берилди.

Дарҳақиқат, бутун халқ хўжалигида банд бўлганларнинг 40 фоизга яқини шу тармоқда меҳнат қилмоқда. Мамлакат аҳолисининг қарийб 65 фоизи қишлоқ жойларида истиқомат қилади. Шунинг учун ҳам қишлоқ хўжалигида ислоҳотлар чуқурлашмас экан, иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида ҳам бу масалани ҳал этиш осон кўчмайди. Президентимиз юқорида тилга олинган мажлисда таъкидлаганидек, қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришлар бутун ҳаётимизни ўзгартиради, ҳаёт эса тафаккурни ўзгартиради.

Қишлоқда ислоҳотларни амалга ошириш юзасидан бир қатор тадбирлар белгиланмоқда. Фармонлар, қарорлар қабул қилиниб, қишлоқ хўжалигини моддий ва молиявий, техникавий жиҳатлардан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилаяпти. Бу соҳада муайян ютуқлар ҳам йўқ эмасди. Шунга қарамасдан, аграр секторда ислоҳотларнинг бориши, бу соҳадаги аҳвол кўпчиликни қаноатлантирмайди, унинг ривожланиш суръатлари саноатга монанд эмас. Чунончи, 1996 йилда 1995 йилдагига нисбатан саноат маҳсулотлари ҳажми 106,0 фоизни ташкил қилган ҳолда, ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш 92,7 фоизга баробар бўлди.

Нима учун бугунги кунга келиб ислоҳотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчирилмоқда?

Йўлбошчимиз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида таъкидлаганларидек: "Ҳозирги вақтда айнан иқтисодиётнинг аграр секторида катта-катта захиралар мавжуд. Уларни ишга солиш яқин вақт ичидаёқ сезиларли натижалар бериши мумкин. Бутун иқтисодий ўзгаришларнинг якуни, барқарорлик ва халқ фаровонлиги кўп жиҳатдан туб ўзгаришлар жараёнлари аграр секторни қанчалик кенг қамраб олишига, қишлоқда ислоҳотлар қанчалик чуқур боришига боғлиқ бўлади".

Демак, мустақилликнинг еттинчи йилида қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштириш, қишлоқда турмушни янги поғонага кўтариш жиддий қўйилган экан, бу аввало, ҳаёт тақозоси, қолаверса, кун тартибига қўйиладиган ҳар бир шиор, вазифа реал имкониятга таянмоғи лозим. Бугун ана шундай имкониятлар юзага келмоқда.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш имкониятлари саноатда, умумий иқтисодиётда мужассамлашган. Бу аксиома. Қишлоқ хўжалигини жадал олға силжитиш учун жуда катта миқдорда молиявий ресурслар зарур. Бу қадар салмоқли маблағлар ё мамлакат ичкарисида ишлаб топилиши, ёки хорижий давлатлардан, халқаро молиявий ташкилотлардан қарз олиш ҳисобига амалга оширилиши мумкин. Қайси йўлни танлашни, мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ўша давлатнинг ўзи ҳал қилади. Биз қайси йўлдан бораётганимиз маълум. Деярли барча мамлакатларда, ҳатто ривожланган мамлакатларда ҳам қишлоқ хўжалиги норентабел ҳисобланади, шунинг учун ҳам давлатдан кўмак олади.

Қишлоқ хўжалигига ёрдам кўрсатиш учун, аввало, умумий иқтисодиётда, саноатда жиддий ўзгаришлар, силжишлар юз бериши керак эди.

90-йиллар Ўзбекистонда халқ хўжалигини, унинг муҳим бўғини – саноатни ривожлантиришда, ижтимоий ишлаб чиқариш тузилмаларини такомиллаштиришда алоҳида муҳим

босқич ҳисобланади. Бу даврда бир вақтнинг ўзида икки йирик тарихий вазифа илгари сурилди ва муваффақиятли ечилмоқда. Улар бозор иқтисодиётига ўтиш ва миллий иқтисодиётни барпо этишдир. Чунончи, Андижонда, Бухорода, Қўқонда, Хоразмда, Навоийда, Тошкентда йирик завод ва фабрикалар ишга туширилди. Улар бугун маҳсулот бера бошлади, миллий иқтисодиётга, мустақилликни иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлашга, ялпи ички маҳсулот ва миллий даромаднинг кўпайишига хизмат қилмоқда. Бу борада амалга оширилган кенг кўламли ишларнинг аҳамияти фақат шулардангина иборат эмас. Халқ хўжалиги, саноат структураси такомиллашмоқда, мамлакат борган сари индустриал қиёфа касб этмоқда, минглаб кишиларимиз иш билан таъминланди. Мустамлакачилик йилларида қарор топган саноат тараққиётидаги номутаносибликларга, зиддиятларга барҳам берила бошланди. Мамлакатимиз саноат ишлаб чиқариши нотекис, асосан Тошкент, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида тўпланган эди. Мустақиллик йилларида қуриб ишга туширилган корхона ҳисобига саноат ишлаб чиқариши географияси анча кенгайди.

Жаҳондаги тараққий этган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатдики, саноатсиз қишлоқ хўжалигини ривожлантириб бўлмайди. Қишлоқ хўжалиги барча халқ хўжалиги мажмуи тармоқлари, энг аввало, саноат билан чамбарчас боғлиқ. У ҳозир саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари, маъданли ўғитлар ишлаб чиқариш), саноат билан тугалланади (етиштирилган хомашё ва маҳсулотларни қайта ишлаш, тайёр маҳсулотга айлантириш). Бу икки тармоқ ўртасидаги алоқа вертикал интеграция ёки агросаноат интеграцияси жараёни бўлиб, борган сари чуқурлашиб бораверади. Гўшт, сут, сабзавот ва бошқа маҳсулотлар истеъмолчи дастурхонига тушишдан олдин саноатда қайта ишловдан ўтади. Бу объектив жараён.

Шундай қилиб, мустақиллик йилларида саноатда қишлоқ хўжалиги тараққиёти учун мустаҳкам негиз ҳозирланади. Умуман, приоритет (устунлик) деган тушунчанинг моҳияти

ҳам шундан келиб чиқади. Олдин жадал ривожлантириш учун айрим, энг зарур соҳалар танланади ва улар келгусида қолган соҳаларни ривожлантириш учун тамал-тоши ролини ўтайди. Урушдан кейинги йилларда Германияда ҳам, Японияда ҳам шундай йўл танланган эди. Худди шунингдек, тармоқ ичида ҳам устун соҳа ва йўналишлар белгиланиши мумкин. Шуни тан олиш керакки, бошқа соҳаларда бўлганидек, қишлоқ хўжалигидан ҳам бизга оғир мерос қолган эди. Тўғри, 70–80- йилларда қишлоқ хўжалигига қарз бериш, харид нархларини ошириш, қишлоқ хўжалигини ривожлантириш дастурларини молиялаштириш ҳамда солиқ сиёсати бир неча бор қайта кўрилиб, агросаноат мажмуи фойдасига гўё ҳал этилди. Бир неча ўн йиллар давомида қишлоққа нисбатан ўтказиб келинган адолатсизликни, бир оз бўлсада, юмшатмоқчи бўлишди. Аммо бу сиёсат эски ишлаб чиқариш усулларини сақлаб қолишга, йирик колхоз ва совхоз ишлаб чиқариш монополиясини мустаҳкамлашга, саноат учун керакли бўлган техника экинлари етиштиришни ривожлантиришга хизмат қилди, қишлоқда хўжалик юритиш шаклларини кенгайтиришни рағбатлантирмади.

Ер давлатники, у жамоа ва давлат хўжаликларига фойдаланиш учун бериб қўйилгани сабабли ҳам харид нархини белгилаш давлат монополияси бўлиб келди. Мана, нима учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларига белгиланадиган харид нархлари узлуксиз равишда индустриал ишлаб чиқариш воситаларига белгиланадиган саноат улгуржи нархларидан, ана шу қишлоқ хўжалиги маҳсулотларидан ишлаб чиқариладиган халқ истеъмоли молларига белгиланадиган давлат чакана баҳоларидан узлуксиз орқада қолиб кетди. Бу узоқ йиллар давомида шаклланиб келган халқ хўжалигининг бошқа тармоқларини аграр соҳа ҳисобига ривожлантиришдан бошқа нарса эмас эди.

Маълумки, бозор иқтисодиётининг учта таянч нуқтаси бор. Улар хусусий мулк, эркин тадбиркорлик (соҳибкорлик) ва рақобатдир. Бизнингча, қишлоқ хўжалигида хусусийлаштириш, айниқса, ерни сотиш ва сотиб олиш объектига

айлантириш масаласи анча мураккаб, етти ўлчаб бир кесишни талаб қиладиган, шошма-шошарликни хуш кўрмайдиган масаладир. Гап шундаки, бизнинг шароитимизда деҳқончилик асосан суғоришга асосланган, экинга яроқли ер майдонлари кўп жиҳатдан чекланган, катта миқдорда экиладиган техника экинлари, шу жумладан, пахта жамоа бўлиб меҳнат қилишни тақозо этади. Бундан ташқари, мамлакат миқёсида ер кадастрининг ишлаб чиқилиши, ерлар баҳоланиши керак. Булар маълум вақт талаб қиладиган катта юмушлардир. Ўтиш даври ҳали тўла тугалланмаган, баҳолар турли ички ва ташқи омиллар таъсирида тебраниб турган пайтда бугунги мезонлар эртанги вазиятни тўла ифодалай олмаслиги ҳам мумкин.

Ва ниҳоят, бу ерда қарор топган анъаналарни ҳам назардан соқит қилолмаймиз. Эҳтимол, ерни хусусий мулк объектига айлантириш борасида истаганча гапириш, ёзиш ва тортишиш мумкиндир. Лекин бизнинг ўлкада ҳамиша деҳқон ер эгасига эмас, ернинг ўзига биркитилган. Россияда эса крепостной деҳқон помешчикники бўлиб келган. Биргина шу феноменнинг ўзи ҳам хусусий мулкчилик ерга эгалик қилишнинг ягона шакли бўла олмаслигини кўрсатади.

Хўш, унда нима қилиш керак? Ердан фойдаланишнинг биз учун самарали қандай усуллари, шакллари бор? Бу ҳақда йўлбошчимиз шундай деб ёзади: "Қишлоқда бозор механизмларини ривожлантириш, деҳқонда соҳибкорлик ҳиссини уйғотиш мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, жамоа хўжаликларнинг ўзида ижара муносабатларини чуқурлаштириш, ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланишга бериб қўйиш орқали, шунингдек, деҳқон (фермер) ҳамда шахсий ёрдамчи хўжаликларни кенг ривожлантириш асосида рўй бериши лозим".

Деҳқончиликда оилавий пудрат шаклини қўллаш, ерга эгалик қилишда, даромадни тақсимлашда эса пайчилик усулидан фойдаланиш, пай орқали мулкка эгалик қилиш, даромад олиш, шартнома асосида ишлаш бугун мақсадга мувофиқ деб ҳисобланмоқда.

Ривожланган мамлакатларда аҳолининг 3–5 фоизини ташкил этадиган фермерлар озиқ-овқат маҳсулотлари билан ўз халқини тўла таъминлабгина қолмай, айни пайтда уларни бошқа давлатларга ҳам экспорт қилади. Шундайликка шундай, лекин худди шу Голландияда ёки Америкада фермерларга сервис хизмати кўрсатиш бўйича қанчадан-қанча аҳоли банд эканлигини эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Фермер ўз уйида ёки фермасида туриб, керакли уруғлик, маъданли ўғит ёки техника хизмати учун, арзон ва ишончли таъминотчи ҳамкорига буюртма бериши ва уни ўз вақтида олиши мумкин. У эҳтиёт қисмлар, ёқилғини ҳафталаб кутиб ўтирмайди. Токи деҳқон (фермер) ўзининг асосий иши – ҳосил тўплаш ва йиғиш билан шуғулланмас экан, унинг ишида унум, самара ҳам бўлмайди.

Президентимизнинг қишлоқда хизмат кўрсатиш соҳасини етарлича ташкил қилиш зарурлигини, деҳқонларга давлат ёрдамини аямаслик кераклигини қайта-қайта таъкидлаётганининг боиси шунда. Расмий статистика маълумотларига кўра, 1996 йилда ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 53,1 фоизи аҳоли шахсий ёрдамчи хўжаликларида етиштирилди. Ижара корхоналари, ширкатлар ва фермер хўжаликларининг ҳам ҳиссаси ортди. Агар уларга ўз вақтида керакли миқдорда ёрдам кўрсатиладиган бўлса, қабул пунктлари ва қайта ишлаш корхоналари қуввати етарли бўлса, улар бундан ҳам кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқариши ва истеъмол бозорини бойитиши мумкин.

Бугун ислоҳотлар маркази қишлоқ хўжалигига кўчирилмоқда. Саноатимиз каби қишлоқ хўжалиги ҳам жаҳон андозаларига мос келадиган соҳага айланишига тўлиқ асослар бор. Белгиланаётган режа ва дастурларнинг амалга оширилиши танланган янгиланиш ва ислоҳотлар йўлининг тўғрилигини яна бир бор исботлайди.

"Халқ сўзи",
1997 йил 7 ноябрь

МУСТАҚИЛЛИК – МАҲДУДЛИК ЭМАС

Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритгач, икки улкан вазифани амалга оширишга киришди. Улардан бири – миллий иқтисодиётни барпо этиш бўлса, иккинчиси – бозор муносабатларига ўтишдан иборат.

Миллий иқтисодиётни вужудга келтириш ва ривожлантириш ижтимоий ишлаб чиқариш структурасини такомиллаштириш орқали мамлакат халқ хўжалигининг ташқи омилларга боғлиқлигини камайтиради. Узоқ йиллар давомида қарор топган иқтисодиётимизнинг қиёфаси аграр, мустамлака структурадан кам фарқ қилиб, бир томонламаликка, марказий саноат районларига хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар етказиб беришга асосланган эди.

Натижада, Ўзбекистоннинг Россия ва бошқа республикалардан келтириладиган ишлаб чиқариш ва истеъмол молларига боғлиқлиги кучайиб борди. Иқтисодий ўсишнинг ташқи омилларига боғлиқлиги якунловчи ишлаб чиқариш босқичлари аҳамиятининг ҳаддан ташқари ошувига, маҳаллий машинасозликнинг заифлашувига олиб келди. Ўзбекистонда барча саноат маҳсулотлари таркибида машинасозликнинг ҳиссаси 20 фоизга ҳам етмасди. Бунинг оқибатида ташқаридан маҳсулот киришининг асосий йўналиши саноат асбоб-ускуналари, технологиядан иборат бўлиб қолди. Машинасозликнинг суяги ҳисобланадиган дастгоҳсозлик ҳаддан ташқари суст ривожланди. Бундай номутаносибликларга барҳам бермасдан туриб, мустақил, ҳозирги замон иқтисодиётини барпо этиб бўлмас эди. Мустақиллик

йилларида қуриб ишга туширилган юзлаб янги завод ва фабрикалар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфраструктура объектлари мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда, ташқи бозорга қарамликка барҳам беришда дадил қадамлардан бўлиб ҳисобланади. Илгари автомобилни ҳам, ғалла ва спиртни ҳам ташқаридан келтирар эдик. Аммо мустақиллик – маҳдудлик эмас. Ҳеч ким автаркизмни, ўз эҳтиёжларини фақат ўз ички ресурслари ҳисобига ўзи таъминлашни даъво қилаётгани йўқ.

Миллий иқтисодиётни барпо этиш йўлидаги саъй-ҳаракатимизни маҳдудликка йўяётганлар ҳам йўқ эмас. Улар бунинг исботи сифатида Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларининг йилдан-йилга камайиб бораётганини, мустақилликнинг дастлабки йилларида осон ва мўмай даромад топиш илинжида ёпирилиб келган бизнесменларнинг ҳозир бироз сийраклашиб қолганини дадил қилиб кўрсатадилар. Аммо Ўзбекистон ҳукумати очиқ иқтисодиёт тарафдори. Халқаро ва ички бизнесни, тадбиркорлик ҳамда рақобатни ривожлантириш борасида қабул қилинган қатор фармон ва қарорлар бунинг исботидир. Бозор иқтисодиёти гўё қатнов икки томонлама бўлган кўча. Товарларнинг кириши ва чиқиши учун бир хил имконият яратилишини тақазо этади. Ташқарига мол чиқмаса, мол кириши ҳам қийин. Бугун ер юзида айрим, ярим ёввойи қабилаларни ҳисобга олмаганда, ёпиқ, ўзини ўзи таъминлайдиган мамлакат, халқ қолмаган.

Ҳозир Ўзбекистоннинг 100 дан ортиқ мамлакатлар билан ташқи иқтисодий алоқалар олиб бораётганини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Ташқи савдо оборотида экспортнинг ҳиссаси 49,3, импортники 50,7 фоизни ташкил этмоқда. Тўғри, ўтган йил якунлари бўйича мамлакатимиз ташқи савдо оборотида узоқ хорижий мамлакатларнинг ҳиссаси 72,4 фоиз, шу жумладан, экспортда 77,1, импортда 67,9 фоизга тенг бўлди. Ҳамдўстлик мамлакатларининг ташқи савдо оборотидаги ҳиссаси эса 27,6 фоизга, шу жумладан, экспортда 22,9, импортда 32,1 фоизга етди, холос. Мамлакатимиз ташқи савдо фаолиятида АҚШ, Германия, Жанубий Корея каби

ривожланган мамлакатларнинг ҳиссаси ортмоқда. Бу тенденция соғлом тенденция ва бундан кейин ҳам давом этади. Чунки бозорда нимани кимдан харид қилишни ҳар кимнинг ўзи танлагани маъқул.

Гап йўқ. Бу борада ҳали айрим камчиликлар мавжуд. Ташқи савдо таркибида ҳудудларимизнинг ўрни бир хил эмас. Айрим чет эл мамлакатлари билан савдо-сотиқни икки томонлама ривожлантириш имкониятлари бор. Ва, ниҳоят, экспортимиз таркибида пахта толасининг ҳиссаси (38,1 фоиз), импортда эса машина ва асбоб-ускуналар (29,5 фоиз) ва озиқ-овқат молларининг улуши (35,8 фоиз) юқорилигича қолмоқда. Бу нисбат келажакда, албатта, такомиллашади.

Ўзбекистон ташқи савдо оборoти, иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллари орқали жаҳон хўжалик системаси билан тобора интеграциялашиб бормоқда, халқаро бозорда ўз ўрнини топмоқда. Автаркизм, маҳдуд ёҳуд ёпиқ иқтисодиётга келадиган бўлсак, бу хўжалик юритишнинг табиий, соғлом ҳолати эмас. Тўғрироғи, у – маълум мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган сиёсат. Бундай сиёсатнинг мамлакатимизда шаклланаётган миллий иқтисодиётга ҳеч қандай алоқаси йўқ. Мустақилликни алоҳидаликдан фарқламайдиган баъзи бир кимсалар буни кўра билмасликлари мумкин. Амалда маҳдудлик мамлакатнинг бошқа мамлакатлар билан савдо айирбошлаш алоқаларидан ҳоли бўлган, ўзини ўзи тўлиқ таъминлайдиган иқтисодий тартиботни англатади. Бу ерда гап барча мавжуд ички ресурсларни сафарбар этиш, бозорни қатъий регламентлаш, мамлакатдаги эҳтиёжларни фақат ўз ички воситалари ҳисобига қондириш орқали иқтисодий ҳаётни ташкил этиш ҳақида бормоқда. Техник жиҳатдан бундай сиёсат сунъий маҳсулотлар ишлаб чиқаришга кенг кўламларда ўтишни билдиради.

Иқтисодий маҳдудлик йўлини танлаш амалда буйруқбозлик ва тоталитар структураларни яратиш билан кечади. Хомашёдан фойдаланиш, ишлаб чиқариш ва айирбошлаш устидан қатъий назорат ўрнатиш, фондлар ва лимитлар бўйича тақсимлаш бундай сиёсатга хос белгилардир.

Ҳозирги замонда истеъмолчиларнинг ўта турфа хиллиги ва хомашё материалларининг тарқоқлиги туфайли автаркизм кенгайган шакл ёки бўлмаса иқтисодиётнинг айрим қисмини ўз ичига олиши мумкин.

Урушдан олдин Германия ва Италия автаркизм йўлидан борганди. Бундан мақсад миллий қувватларни тўла сафарбар этиш ва ўз иқтисодиётини чет эллик мол етказиб берувчилардан халос қилиш эди. Урушга бевосита тайёргарлик даврида улар табиий хомашёларнинг ўрнини босадиган товарлар ва сунъий маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантирдилар: ташқаридан мол киритиш тўхтатилди, валюта айирбошлаш устидан назорат ўрнатилди, тўла бандлик таъминланди. Бу сиёсат аввал миллий доирада амалга оширилди. Аммо миллий ресурслар чекланган савдо-сотиқ йўли орқали мамлакат эҳтиёжи учун зарур бўлган маҳсулотларни олишдан воз кечилган эди. Нима қилиш керак? Мана шундай шароитда "ҳаётий макон (майдон)" доктринаси илгари сурилди. Ички эҳтиёжларни қондириш учун зарур бўлган ресурсларни экспансия, босиб олиш йўли билан амалга ошириш бошланди. Бу эса қўшимча хомашё манбалари, ишлаб чиқариш қувватлари ва ишчи кучига эга бўлишни англатарди. Германия томонидан босиб олинган мамлакатлар автаркия характеридаги ягона "немис майдони"га интеграциялаштирилган эди.

Собиқ Совет Иттифоқи ҳам социалистик иқтисодиёт барпо этиш мақсадида амалда бошқа дунёдан ажралиш йўлига ўтди. Сталинчилик даври экспансиявий маҳдудликдан бошқа нарса эмасди. "Социалистик майдон" ана шу йўл билан вужудга келтирилди.

Булардан ташқари, тўла бандликка эришиш шиорлари билан иқтисодий блокларга бирлашиш, миллий хўжаликни жаҳон хўжалик тизимидан сунъий девор орқали ажратишга уриниш ҳоллари бўлди. Бу сиёсат гўё ташқи таъсирни ўтказмайдиган "сақлагич қопқоқ" вазифасини ўташи керак эди.

Миллий иқтисодиётни шакллантириш ва ривожлантириш, жаҳон ҳамжамияти билан бевосита интеграциялашишга

астойдил ҳаракат қилаётган мустақил давлатни-ку қўйиб турайлик, лекин турли хил "иккилик", "тўртлик" тузишга уринаётганлар амалда минтақавий маҳдудлик сари бораётганликларини билишадими? Нима учун бир иттифоқнинг ичида бировлар божхона тарифлари, қўшимча қиймат солиғини ҳисоблашда имтиёзга эга, бошқалари эса бундан истисно бўлиши керак?

Ўзларини "катта тўртлик" деб атаётган Россия, Белорус, Қозоғистон ва Қирғизистон иттифоқига зимдан назар ташланса, "социалистик макон"да бир вақтлар қарор топган автаркия эсга тушади. Собиқ СССР тарқалиши арафасида Россия, Украина ва Белорусдан иборат славян ҳудудини интеграциялаштиришга уриниш юз берган эди. Кейинчалик "Евросиё", "конфедерация" ғоялари майдонга чиқди. Улар қандай шаклларда бўлмасин, барибир МДҲнинг моҳиятига, қолаверса, бозор иқтисодиёти қонуниятларига зиддир. МДҲ таркибида турли хил иттифоқларни тузишга уриниш республика, давлатлар ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлашга хизмат қилмайди, аксинча, мавжуд муносабатларни ҳам заифлаштиради. МДҲ, йўлбошчимиз Ислом Каримов Кишинёвда таъкидлаганидек, ҳар томонлама иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадларида ташкил этилган бўлиб, унинг бош тамойили мамлакатлар ўртасидаги икки томонлама ва кўп томонлама иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган. Биз бугун бу имкониятлардан тўлиқ фойдаланаяпмизми? Йўқ, албатта. Бозор иқтисодиёти шароитида меҳнат, капитал, товар ва хизматлар ҳаракати учун иқтисодий макон қанчалик кенг бўлса, шунчалик яхши. агар уларнинг йўли турли хил иқтисодий блоклар, сунъий иттифоқлар билан тўсиладиган бўлса-чи? Шунчалик зараарлидир. Тўғри, бошқа давлатлар билан савдо-сотиқ алоқаларида қулай шароитга эришиш ва ўзаро божхона имтиёзларига эга бўлиш учун давлатларнинг регионал уюшмалари тузилиши мумкин. Шундай уюшмалардан бири – "Бенилюкс" (Бельгия, Люксембург ва Нидерландия, охиргиси урушдан кейин қўшилган) 1921 йилдаёқ ташкил топган эди.

Унинг асосий мақсади божхона иттифоқи, қишлоқ хўжалиги ва металлургия соҳаларида бир-бирига ўзаро имтиёзлар беришдан иборат эди. Кўриниб турибдики, бу иқтисодий уюшма ҳам, Европа иқтисодий ҳамжамияти ҳам, нефть ишлаб чиқарувчи араб давлатлари ёки каучук ишлаб чиқарувчи Лотин Америкаси давлатлари халқаро иқтисодий иттифоқлари ҳам икки асосий принципга – территориал ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг бир-бирларига яқинлигига асосланади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон иқтисодий интеграцияси ёки умумий бозори тўғрисида гап кетганда эса, яна умумий менталитет, тарих, тил, анъаналар ва дин бирлиги каби қўшимча омиллар ҳақида ҳам гапириш лозим. Булардан ташқари, регионда кўплаб бир хил турдаги маҳсулотлар: нефть, кўмир, олтин, пахта, ғалла ва бошқалар жуда катта миқдорда ишлаб чиқарилади. Бу ерда мавжуд сув, темир йўл, электр қуввати ишлаб чиқариш, моддий ва ижтимоий инфраструктура унсурлари шундай шаклланганки, улардан фақат биргаликда фойдалангандагина юқори самараларга эришиш мумкин.

Аммо "иккилик" ва "тўртлик"ка кирувчи давлатлар, айниқса, Белорус ва Қозоғистон, Қирғизистон ва Белорус ўртасида ана шундай умумийликлар, хўжалик-иқтисодий, тарихий-маданий бирликлар борми? Бу саволга ижобий жавоб бериш қийин. Ким билади, балки бу ерда соғлом иқтисодий заруратлардан кўра, сиёсий мақсадлар устунроққа ўхшайди.

Биз мустақилликка миллий тўнимизга ва регионал хусусиятларимизга ўраниб олиш учун эришганимиз йўқ, аксинча, Ўзбекистоннинг жаҳонни, жаҳоннинг эса Ўзбекистонни кашф этиши учун, умуминсоний қадриятлардан тўғридан-тўғри баҳраманд бўлиш учун эришганмиз.

Умуминсонийлик ва миллийлик кесишган нуқталар бугун тараққиёт марказларидир. Ҳамма учун бир ва кенг дунёни турли хил иттифоқ ва уюшмаларга сунъий бўлишига уриниш турли хил даражадаги маҳдудликдан бошқа нарса эмас. Маҳдудликнинг эса келажаги йўқ.

"Халқ сўзи", 1997 йил 2 декабрь

ИСЛОҲОТЛАР СТРАТЕГИЯСИ

Вазирлар Маҳкамасида 1997 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари, иқтисодий ислоҳотларнинг боришини баҳолаш ва 1998 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг асосий йўналишларига бағишлаб ўтказилган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов 1998 йилни макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда иқтисодий ўсишга ишончли база яратишда ўзига хос алоҳида босқич бўлади, деб айтди.

Маълумки, Ўзбекистонда туб иқтисодий ислоҳотлар стратегиясини белгилашда ўтиш даврининг бошларида давлатимиз раҳбари илгари сурган беш тамойил – иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчилиги, қонун устуворлиги, кучли ижтимоий-сиёсат юргизиш ва бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш асос қилиб олинган эди. 1997 йил якунлари ислоҳотларни амалга ошириш бўйича белгиланган стратегик вазифаларнинг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

Ислоҳотлар стратегияси бозор иқтисодиётига ўтишнинг қуйидаги асосий йўналишларини ўзида акс эттирмоқда.

Биринчидан, ислоҳотлар мулкий масалалар тўғри ҳал этилиб, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш узлуксиз амалга оширилган, кўп укладли иқтисодиёт барпо этилган тақдирдагина ўзининг салмоқли натижаларини беради. Мулк муносабатларини такомиллаштириш бўйича ҳали ўтиш даврининг дастлабки босқичидаёқ қабул қилинган тегишли қонунлар, Президент Фармонлари, Вазирлар

Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари шубҳасиз, ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Бу борада "Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида", "Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида"ги қонунларни ва "Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармонини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя. 1998 йил бошига келиб хусусий мулк шаклига оид корхоналарнинг умумий сони 85,4 мингтага етди. Бу – барча корхоналарнинг 46,2 фоизи демакдир. Уларнинг энг кўпи савдо ва умумий овқатланиш тармоғига тўғри келади. Жамоа мулкига оид корхоналар сони эса 71,7 мингтани ёки 38,8 фоизни ташкил этди. Бу жамоаларнинг асосий қисми (33,2 минг) қишлоқ хўжалигига оид корхоналардир.

Шундай қилиб, мамлакат иқтисодиётининг барча тармоқларида нодавлат сектори жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. Ўтган йили ушбу секторда 61,3 фоиз ялпи ички маҳсулот, 73,5 фоиз соф моддий маҳсулот, 59 фоиз саноат маҳсулоти, 99,0 фоиз ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулоти ишлаб чиқарилди, 71,9 фоиз қурилиш-пудрат ишлари, 95,3 фоиз чакана товар оборoти худди ана шу соҳада амалга оширилди. Халқ хўжалиги нодавлат секторида банд бўлганларнинг умумий сони 71,3 фоизни ташкил этмоқда. Давлат сектори иқтисодиётда ўзининг монопол аҳамиятини йўқотмоқда, кўпқиррали аралаш хўжаликка кенг йўл очилиб, рақобат учун борган сари кенгроқ имконият яратилмоқда. Илгари, яъни шўролар ҳукумати томонидан ҳам иқтисодий ислоҳотлар ўтказилган эди. Аммо улар мулкий муносабатларда чуқур ўзгаришлар ясай олмаганлиги сабабли поёнига етмаган, муваффақият қозонмаган эди. Мулкий муносабатлар яратган бойликларга эгалик қилиш, улардан фойдаланиш ва ўзлаштириш, инсондаги беқиёс қобилиятларни, имкониятларни рўёбга чиқариш билан боғликдир.

Иккинчидан, кичик ва хусусий тадбиркорлик (бизнес)ни рағбатлантириш, қимматбаҳо қоғозлар бозорини шаклланган

тириш ислоҳотлар тақдирини белгиловчи шартлардан биридир. Бу, биринчидан, давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш билан бевосита боғлиқ масала бўлиб, жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Ўрта мулкдорлар синфини шакллантиради ва айни пайтда ички бозорни истеъмол моллари ва хизматлари билан таъминлашнинг муҳим омили ҳисобланади.

Ўзбекистонда қисқа вақт давомида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришнинг ҳуқуқий шарт-шароитлари ва ташкилий тизимлари яратилди. Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Ўрта ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича ҳукумат комиссияси, "Бизнесфонд", "Мадад" суғурта агентлиги, консалтинг, инжиниринг, лизинг фирма ва компаниялари, бизнес-инкубаторлар иш олиб бормоқда. 1997 йилга келиб мамлакатимизда кичик ва хусусий корхоналарнинг умумий сони 100 мингдан ошиб кетди. Қишлоқ хўжалигида 20 мингдан ошиқроқ деҳқон (фермер) хўжаликлари ташкил топди. Аммо кичик ва ўрта хусусий тадбиркорликка муносабатнинг ҳозирги аҳволини қониқарли, деб ҳисоблаш мумкинми? Вазирлар Маҳкамасидаги йиғилишда таъкидланганидек, ҳали бу борада кескин бурилиш ясалгани йўқ. Яна кўплаб кичик ва хусусий корхоналарни ташкил этиш, бу ишга аҳоли шахсий жамғармаларини жалб этиш, шу йўл билан янги иш жойларини барпо этишга нималар халақит бераяпти? Айрим кичик ва хусусий корхоналар, деҳқон (фермер) хўжаликлари моддий-техника ва хомашё, узоқ муддатли кредитлар билан таъминлашдаги қийинчиликлар, шунингдек, жойлардаги бюрократик тўсиқ ва ғовлар туфайли ўз фаолиятларини тўхтатаётганликлари сабаби нимада? Гап шундаки, биз ўтмиш сарқити – боқимандалик психологиясидан қутула олмаяпмиз. Хусусий тадбиркорлик билан шуғулланишни ихтиёр этганларнинг аксарияти уни давлат ёки бошқа бировнинг ҳисобидан амалга оширишни хоҳлайди. Тўғри, кичик ва ўрта бизнесни давлат даражасида қўллаб-қувватлашга, барча ривожланган мамлакатларда, жумладан, бизда ҳам алоҳида аҳамият берилаяпти. Аммо давлат томонидан ажратилган маблағларнинг

ҳам ҳисоб-китоби бор. Қолаверса, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг давлат кўмагидан ташқари яна бошқа йўллари ҳам мавжудки, бугунги кунда улардан унумли фойдаланмоқ зарур.

Масалан, мулкни кафолат сифатида қолдириш ҳисобига ҳар қандай тижорат банкидан кредит олиш мумкин. Бундай имконият бўлмаган ҳолда тадбиркорликни молиялаштиришнинг венчур усулидан фойдаланса ҳам бўлади. Бу вақтда тадбиркорга маблағ ажратган банк, қарздан қутулгунга қадар фирманинг ёки ушбу хусусий ишнинг эгаси бўлиб тураверади. Айрим мамлакатларда кредит иттифоқлари ташкил этилган бўлиб, уларда кичик корхоналар ҳисобидан умумий жамғарма тўпланади ва ундан бир-бирига қарз беришда фойдаланилади. Биз эса шу мақсадга ажратилган 350 миллион АҚШ долларига тенг чет эл кредитининг атиги 1,5 миллионини ўзлаштиролдик, холос. Чунки чет эл кредит линияларига эга бўлиш учун, аввало, пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган бизнес-режа ҳамда бизнес лойиҳалар зарур. Умуман олганда, ҳали хусусий ишимизни йулга қуйишда ҳам, уй-жой, турмуш шароитимизни яхшилашда ҳам кредитлар тизимидан фойдаланиш қонун-қоидаларини тўлиқ ўзлаштирмай туриб, кутилган натижаларга эришиш қийин.

Учинчидан, иқтисодий мустақилликка эришиш, миллий иқтисодиётни барпо этиш, иқтисодий ўсишни таъминлашнинг муҳим шартларидан бири – иқтисодиётда таркибий қайта қуришни амалга оширишдир.

Айни пайтда халқ хўжалигининг амалдаги таркиби собиқ Иттифоқ меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви принциплари асосида шаклланган бўлиб, Ўзбекистонга арзон хомашё ва ярим тайёр маҳсулотлар, стратегик минерал ресурслар етказиб бериш ва саноат марказларида ишлаб чиқарилган тайёр молларни сотишнинг кенг бозори мавқеи ажратилган эди. Халқ хўжалигининг бундай мустамлака таркиби мустақилликнинг дастлабки йилларида эски хўжалик алоқалари, янгилари ҳали шаклланиб улгурмаган шароитда мамлакатимиз иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмасдан қолмади.

Миллий иқтисодиёт халқ хўжалиги таркибига мутлақо янги талабларни қўйди. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг тармоқ ва территориал таркибини такомиллаштирмасдан туриб, бой ресурслардан, катта имкониятлардан мақсадга мувофиқ фойдаланиш, вужудга келган номутаносибликлар ва зиддиятларга барҳам бериш мумкин эмасди.

Таркибий сиёсат, энг аввало, қишлоқ хўжалик хом- ашёси ва минерал ресурсларни чуқур қайта ишлашга, технологик циклнинг тугалланганлик даражасини оширишга, мамлакат ёқилғи-энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминлашга қаратилди. Илгари ташқаридан келтирилган юзлаб маҳсулот турлари шу ернинг ўзида ишлаб чиқарила бошланди.

Ички ва ташқи кредит воситаларининг асосий қисми ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун база ҳозирлашга йўналтирилди. Бу автомобиль ва нефтни қайта ишлаш заводлари, янги автомобиль ва темир йўллар, енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатининг ўнлаб янги ва замонавийлаштирилган корхоналаридир. Биргина 1997 йилнинг ўзида Кўкдумалоқ конида компрессор станцияси, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Фарғонада ип-йигирув фабрикаси қуриб ишга туширилди. Маълумки, Ўзбекистоннинг саноат қудрати асосан бир неча йирик шаҳарларда тўпланган эди. Мустақиллик йилларида амалга оширилаётган йирик қурилишларнинг географияси анча кенгайди. Бу сиёсат узоқ вақтдан бери ҳукм суриб келаётган саноат тараққиётидаги регионал номутаносиблик ва зиддиятни сезиларли юмшатди.

Табиийки, иқтисодиётнинг таркибини такомиллаштиришда кампаниячиликка йўл қўйиб бўлмайди, у бирданига такомилига етиб ҳам қолмайди. Бу ўзгаришлар мунтазам давом этадиган ижтимоий-иқтисодий жараён бўлиб, улар давр талаби ва иқтисодий сиёсатдан келиб чиқиб, тармоқлараро ҳамда тармоқлар ичида тўхтовсиз давом этаверади. Бозор иқтисодиёти ва фан-техника тараққиёти тан оладиган тармоқлар ривожланиб, маҳсулот ишлаб чиқаришда уларнинг

ҳиссаси ошиб бораверади. Аксинча, бозор ва тараққиётга мос келмайдиган соҳаларнинг маҳсулот ва хизматларни яратишдаги улуши пасайиб ёки бутунлай йўқолиб, ўз ўрнини бошқа, илғор соҳаларга бўшатиб бераверади.

Тўртинчидан, бутун халқ хўжалиги тармоқлари орасида айрим тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришга устуворлик бериш ва уларни давлат томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш тўғри йўл эканлигини ҳаёт исботламоқда. Устувор соҳаларнинг тўғри белгиланиши нафақат илгари тақчил ҳисобланган маҳсулот турларини кенг ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга олиб келади, балки ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини такомиллаштиради, шу билан бир қаторда бутун халқ хўжалигини олдинга силжитади, иқтисодий тараққиётда ўзига хос етакловчи вазифасини ўтайди. Кейинги йилларда мамлакатимизда қайта қуришлар саноатнинг негиз (асос) тармоқларини ривожлантиришни жадаллаштириш, экспорт потенциалини ва четдан келтириладиган маҳсулотлар ўрнини босадиган маҳсулот турларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, бозорни халқ истеъмоли ва озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўйинтириш, коммуникация ва ишлаб чиқариш инфраструктураси тизимини ривожлантириш, инвестицион фаолиятни жадаллаштириш, мамлакатнинг экспорт имкониятларини кенгайтириш, ташқи иқтисодий фаолиятни кучайтириш ва бошқалар устун йўналишлар сифатида белгиланган эди. Ўтган йили, масалан, халқ хўжалигига ажратилган барча инвестициялар таркибида ишлаб чиқариш тармоқлари ҳиссаси 63 фоизни ташкил этди. Ёқилғи-энергетика саноати тармоқлари саноат инвестициялари умумий ҳажмида 43 фоизни ташкил этди. Транспорт ва алоқа соҳаларини ривожлантиришга мавжуд сармояларнинг 31 фоизи сарфланди. Бу эса, ўз навбатида, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришни реал кўрсаткичларда ошириш имконини берди.

Бешинчидан, ислоҳотлар ислоҳот учун ўтказилмайди. Улардан мақсад – ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини узлуксиз ўстириш асосида халқнинг яшаш, турмуш даражасини юксалтириш. Худди ана шу натижалар исло-

ҳотларга ҳақиқий мазмун касб этади, уларни қуруқ сафсатабозликдан фарқлайди. Мамлакатимизда ўтган йили биринчи марта ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми аҳоли сони ўсиши даражасидан юқори бўлди. Бу ўта муҳим ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичдир. Натижада ялпи ички маҳсулот ҳажми аҳоли жон бошига 3,2 фоизга кўпайди.

1997 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 5,2 фоизга ўсди. Бундай ўсиш халқ хўжалигининг деярли барча соҳа ва тармоқларига хосдир. Саноат маҳсулоти 6,5, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш эса 5,8 фоизга ўсди. Бу кўрсаткич қурилишда 2,6, савдода 12,7, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш соҳасида 21,3 фоизга таъминланди. Халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш 11,2 фоизга ошди. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 12,7 фоизга ўсди. Бу собиқ Иттифоқ ҳудудида юз берган энг юқори ўсиш суръатидир. Шундай қилиб, ўзбек иқтисодий системаси туб ўзгаришлар амалга оширилаётган жараёнда 1990 йил даражасига нафақат эришган, балки ундан анча илгарилаб кетган биринчи ва ҳозиргача ягона иқтисодий системадир.

Шу ўринда яна бир сифат кўрсаткичи ҳақида тўхталмасдан бўлмайди. Саноат маҳсулотлари таркибида тайёр маҳсулот ҳиссаси тобора ўсмоқда. Агар 1990 йилда саноат ишлаб чиқаришининг умумий ҳажмида тайёр маҳсулотнинг ҳиссаси 35 фоизга тенг бўлган бўлса, 1993 йилга келиб 45 фоизни ташкил этди, ҳозир эса 70 фоизга яқинлашиб қолди.

Хўш, иқтисодий ўсиш суръатлари қандай омиллар ҳисобига таъминланмоқда?

Бунда мамлакатимизда ишлаб чиқариш, иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам негиз яратилгани, иқтисодиёт таркиби бозор муносабатларига монанд такомиллаштирилаётгани, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ҳиссасининг ошаётгани, капитал маблағлар катта қисмининг моддий ишлаб чиқариш соҳаларида ўзлаштирилаётганлиги, янги техника ва технология билан жиҳозланган саноат объектларининг қуриб ишга туширилаётгани ҳал қилувчи роль ўйнамоқда.

Ислоҳотларнинг бошидан ички имкониятларни сафарбар этиш сиёсати иқтисодий ўсишни таъминлашда бош йўналиш бўлиб келди. Энди эса иқтисодий ўсишни молиялаштиришнинг қўшимча, уни тўлдирадиган манбаи бевосита чет эн инвестициялари бўлмоқда. Биргина ўтган йили агар барча капитал қўйилмалар ҳажми қарийб 17 фоизга кўпайган бўлса, хорижий инвестицияларнинг ҳажми 30 фоизга ўсди. Бундан кейин, айниқса, минерал хомашё, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш борасида хорижий ҳамкорларнинг ҳиссаси ортиб боради. Халқ турмуш шароитининг яхшиланиши, кичик ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиши натижасида, шубҳасиз, келгусида халқ хўжалигини молиялаштиришда аҳоли шахсий жамғармалари ҳам кенг иштирок этади.

"Халқ сўзи", 1998 йил 24 март

ИҚТИСОДИЁТНИНГ ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАРИ

Ўтган етти йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси раҳбарияти ва ҳукумати олиб борган ички ва ташқи сиёсатнинг энг кучли томони иқтисодий сиёсат, туб иқтисодий ислоҳотларни ҳаётга жорий этиш бўлди, деб ҳисоблашга бугун тўла асослар бор. Мамлакат ичкарисидагина эмас, балки ундан узоқларда ҳам бу сиёсат ҳақли равишда иқтисодий тараққиётнинг ўзбек модели, феномени деган фахрли баҳосини олмоқда.

Етти йил аслида тарих учун бир дақиқа, холос. Аммо Ўзбекистон учун бу бутун бир даврга тенг вақт. Мамлакатнинг ҳозирги ижтимоий-иқтисодий тараққиётини энди мустақиллик мезонларидан келиб чиқиб баҳоламоқ лозим. Мустақиллик иқтисодиётнинг самарали ривожланиши, ташқи иқтисодий алоқалар, ижтимоий-маданий муаммоларнинг бутун бир мажмуасини ҳал этиш, жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашув учун кенг имкониятлар очди.

Мустақиллик йилларида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти асослари яратилди. Иқтисодий ислоҳотларнинг ўзимизга хос ва мос амалга оширилиши мамлакатда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пасайишини тўхтатиш, иқтисодий фаолиятнинг кўпгина соҳаларида барқарорликка эришиш имконини берди. Ўзбекистон ҳозирча СССР парчалангандан кейин пайдо бўлган давлатлар орасида ҳали ўтиш давридаёқ иқтисодий барқарорликнигина эмас, балки иқтисодий ўсиш ва юксалишни ҳам таъминлаган ягона иқтисодий система бўлиб қолмоқда. Бу ерда жаҳонда кам

учрайдиган – тангликдан ривожланиш орқали чиқиш феномени ўзининг тўғри йўл эканлигини исботлади.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки йилларида барча постсовет мамлакатларида бўлганидек, Ўзбекистонда ҳам эски республикалараро хўжалик алоқаларининг узилиши, янгиларининг эса ҳали шаклланиб улгурмаганлиги ва бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан чуқур структуравий қайта қуришларни амалга ошириш зарурати туфайли бир қатор иқтисодий қийинчиликларга рўбарў келинди. Бу шароитда ишлаб чиқариш воситалари бозорида ҳам, истеъмол бозорида ҳам тақчиллик юз берди. Ана шу вазиятдан ҳар ким ўз билганича чиқиб кетишга уринди. Ўзбекистон ҳукумати эса хийла қийин ва мураккаб, маълум вақтни талаб этадиган йўлдан – мавжуд барча ресурслар потенциалини сафарбар қилиш орқали саноат, транспорт, алоқа ва хизмат кўрсатишнинг улкан индустриясини бозор муносабатларига мослаб яратиш йўлидан борди. Чет эл инвестиция ва кредитлари ҳам ана шу мақсадга сарфланди. Натижада келгусида иқтисодий ўсиш учун мустаҳкам негиз ҳозирланди. Бу эса бош вазифани ҳал этиш, яъни макроиқти-содий барқарорликка эришишда ижобий силжишларни йилдан-йилга мустаҳкамлаб бориш имконини берди.

Иқтисодий тангликдан одатда кўпчилик мамлакатлар тинка-мадори қуриб, қарзга ботиб чиқади. **Ўзбекистон эса куч-қудратга тўлиб, имкониятлари кенгайиб чиқмоқда.** Бу, афсуски, ҳали кам ўрганилган ва кам ёритилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзбекона хусусияти ҳисобланади.

Хўш, иқтисодий ривожланиш қайси мезон ва кўрсат-кичлар билан ўлчанади? Унинг барча иқтисодий система ва мамлакатлар учун ягона ўлчови борми?

Иқтисодий тараққиёт мамлакат миқёсидан то хўжалик даражасигача бўлган турли хил иқтисодий кўрсаткичлар силсиласида ифодаланади. Улар орасида энг муҳими ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизмат даражасидир.

Макроиқтисодий даражада иқтисодий ривожланишнинг ўлчови сифатида ялпи ижтимоий маҳсулот, миллий даромад,

ялпи ички маҳсулот ва ялпи миллий маҳсулотнинг ўсиш суръатлари қўлланилади.

Ялпи ички маҳсулот мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг умумлаштирувчи кўрсаткичи бўлиб, у корхона ва ташкилотлар фаолиятининг пировард натижаларини ўз ичига олади.

1-ж а д в а л

Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши

1996 й.		1997 й.		1998 й. (январ-март)	
млрд. сўм	1995 й.га нисбатан % ҳисобида	млрд. сўм	1996 й.га нисбатан % ҳисобида	млрд. сўм (жорий нархларда)	1997 й. январ-мартига нисбатан % да
559,1	101,7	987,4	105,2	226,8	103,3

Ялпи ички маҳсулотнинг 15,9 фоизи саноат тармоқларида, 26,8 – қишлоқ хўжалигида, 5,9 – транспорт ва алоқада, 8,0 – қурилишда, 8,3 – савдо ва умумий овқатланиш корхоналарида, 22,4 – хизмат кўрсатиш соҳаларида ва 12,7 фоизи маҳсулот ва ташқи савдодан тушган соф солиқлардан таркиб топмоқда.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг қатор йилларга индексларда ифодаланиши ва бошқа мамлакатлар билан таққосланиши айниқса муҳим аҳамиятга эга. Унинг доимий нархларда ўсиши мамлакат иқтисодиёти тараққиётининг умумий тенденцияларини ўзида акс эттиради, юргизилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлигини баҳолайди.

Ривожланишнинг йиллик суръатлари ҳақидаги маълумотлар иқтисодий ислоҳотлар йилларида Ҳамдўстлик давлатларида юз бераётган чуқур иқтисодий пасайишни кўрсатади. (2-жадвал)

Жадвалда келтирилган маълумотларга кўра, Белорусда 1997 йилда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 10, Грузияда 11,3, Қирғизистонда 10,4 фоизга ошганини кўрамиз. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 5,2 фоизга тенг бўлган. Лекин юқо-

рида қайд этилган учта мамлакатда иқтисодий вазият анча тез суръатларда ўнгланаётган экан, деган хулоса келиб чиқмайди, албатта. Бу ҳақда жадвалнинг иккинчи қисми объективроқ хулоса чиқариш учун имконият беради.

2-ж а д в а л

МДҲ мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш индекслари

	Ўтган йилга нисбатан % ҳисобида					1990 йилга нисбатан % ҳисобида	
	1993	1994	1995	1996	1997	1996	1997
Ўзбекистон	97,7	94,8	99,1	101,7	105,2	82	86
Озарбайжон	76,9	60,3	88,2	101,3	105,8	42	44
Арманистон	91,2	105,4	106,9	105,8	103,0	56	58
Белорус	92,4	87,4	89,6	102,5	110,0	66	73
Грузия	70,7	108,7	103,3	111,0	111,3	38	42
Қозоғистон	89,4	87,4	91,8	100,5	102,0	61	62
Қирғизистон	84,5	79,9	94,6	107,1	110,4	154	60
Молдова	98,8	69,1	98,1	92,2	101,3	36	37
Россия	91,3	87,3	95,9	95,1	100,4	59	59
Тожикистон	82,7	87,3	87,6	83,3	101,7	-	-
Туркманистон	101,6	83,3	90,7	100,1	-	-	-
Украина	85,8	77,1	87,8	90,0	97	43	42

Агар суръат қаторларини 1990 йилга нисбатан таҳлил қиладиган бўлсак, МДҲ мамлакатлари орасида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кўпроқ ижобий натижаларга эришганининг гувоҳи бўламиз. Озарбайжон, Грузия, Молдова ва Украина мамлакатларида ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасининг ҳали ярмига ҳам етгани йўқ (37–44%). Арманистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Россия каби мамлакатларда унинг миқдори 1990 йил даражасининг 58–62 фоизини ташкил қилмоқда, холос. Белорусда бу кўрсаткич 73 фоиздан иборат.

Ўзбекистонда эса 1996 йили ялпи ички маҳсулот ҳажми 1990 йил даражасидан 18 фоизга паст бўлди. 1997 йилга келиб бу фарқ бироз қисқарди ва 14 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб бу муҳим иқтисодий кўрсаткич бўйича ислоҳотдан олдинги даражанинг 86 фоизига эришилди. Бошқа

бирорта иқтисодий ислоҳотларни ўтказаётган мамлакат бундай кўрсаткичга эга эмас.

Демак, Белорус, Қирғизистон ва Грузияда 1997 йилдаги иқтисодий ўсишнинг юқори кўрсаткичи ислоҳотлар бошланишидан олдинги даврга нисбатан эмас, балки 1996 йилга нисбатан олинган. 1996 йилда эса ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш 1991 йилга нисбатан Белорусда – 65, Қирғизистонда – 58, Грузияда атиги 29 фоиз бўлган, холос. Фикримизнинг далили сифатида МДҲ мамлакатларида бу йилларда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатларини кўрсатиш кифоя.

3 - ж а д в а л

1991 – 1997 йилларда МДҲ мамлакатларида саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ўсиш суръатлари

(1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида)

	1990	1992	1993	1994	1995	1996	1997
Ўзбекистон	100	94,7	98,1	99,7	100,0	106,0	112,7
Белорус	100	89,7	80,7	66,9	59,1	61,0	71,0
Қирғизистон	100	73,4	54,8	39,5	32,4	35,0	51,0
Украина	100	89,1	82,0	59,6	52,4	50,0	49,0
Қозоғистон	100	85,4	72,8	52,3	48,0	48,0	49,0
Россия	100	75,4	64,8	51,3	49,6	48,0	48,0
Арманистон	100	47,8	42,9	45,2	46,2	47,0	47,0
Озарбайжон	100	80,0	74,4	57,5	47,6	44,0	44,0
Молдова	100	64,8	65,0	47,0	45,2	42,0	41,0
Грузия	100	41,9	30,8	18,6	16,8	18,0	19,0

1997 йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариши ҳажми 1990 йилга нисбатан 12,7 фоиз ўсди. Бу кўрсаткич Белорусда 1990 йил даражасининг 71, Қирғизистонда 51 фоизини ташкил этди. Қолган бирорта мамлакат ислоҳотдан олдинги даражанинг ярмига ҳам эришгани йўқ.

Ўзбекистон иқтисодиёти учун 1995 йил бурилиш йили бўлди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин секинлашди, бир йилда у ҳаммаси бўлиб 0,9 фоизга тенг бўлди ва 1996 йилдан бошлаб ҳозиргача ялпи ички

маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий динамикаси давом этмокда: 1996 йилда унинг ўсиши 1,7, 1997 йилда 5,2 фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида 3,3, иккинчи чорагида 4,1, ярим йил бўйича эса 4 фоизни ташкил этди. Бинобарин, **мамлакатимизда 1998 йил натижалари бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1990 йил даражасига эришишда ҳал қилувчи қадам ташланди.** Саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича бу даражага 1995 йилда тўла эришган эди.

Шундай қилиб, **ҳали ўтиш даврининг ўзидаёқ Ўзбекистонда кўп укладли, аралаш, кўп тармоқли, ташқи барқарорлаштирувчи омиллардан холи бўлган миллий бозор иқтисодиётининг шаклланиши асосан тугалланди.**

Иқтисодиётдаги бу қадар чуқур ижобий силжишлар ўз-ўзидан юз бергани йўқ, албатта. Бу борада ҳукумат иқтисодий сиёсати, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш стратегияси муҳим, ҳал қилувчи роль ўйнади. Мамлакатда миллий иқтисодиётни бозор муносабатлари асосида ўзгартириш тадбирлари макроиқтисодиётни барқарорлаштириш дастурлари билан қўшиб олиб борилди. Бу ҳам ўзбек моделининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳисобланади. Бу ҳолат ислоҳотларни амалга ошириш суръатларига таъсир этмасдан қолмади. Аммо тангликдан чиқишнинг бошқа қулай йўли ҳам йўқ, бу тадбирларга тарих ажратган вақт ҳам кўп эмас эди. Халқ хўжалигида асосий структуравий қайта қуришларни тез суръатларда амалга оширишга алоҳида эътибор берилди. Ёқилғи-энергетика, машинасозлик, кимё, транспорт ва алоқа, йўл қурилиши, қайта ишлаш каби устувор соҳалар ривожлантирилди. Бу устувор соҳаларнинг ривожланти-рилиши, биринчидан, айрим стратегик маҳсулотлар бўйича мамлакатни ташқи бозорга қарамликдан халос қилган бўлса, иккинчидан, у соҳалар қолган тармоқ ва ишлаб чиқариш турларини ривожлантиришда ўзига хос етакловчи восита бўлиб хизмат қилди.

Устувор соҳаларни белгилаш, иқтисодиётда структуравий ўзгаришларни амалга ошириш халқ хўжалигини аниқ мақсадли молиялаштириш (инвестициялаш) эвазига

таъминланди. Барча инвестицияларни қарийб учдан икки қисми ишлаб чиқариш объектлари қурилишига йўналтирилди. Ҳозир саноат умумий инвестицияси миқдорида ёқилғи-энергетика комплексининг ҳиссаси 43 фоизни ташкил этмоқда. Ишлаб чиқаришга мўлжалланган инвестицияларнинг учдан бир қисми транспорт ва алоқани ривожлантиришга сарфланмоқда. Шунингдек, саноат умумий инвестицияларида металлургия, кимё ва нефть кимёсининг улуши ҳам сезиларли бўлмоқда. Агро саноат мажмуи қурилишлари эса ишлаб чиқариш инвестицияларида 17 фоизга тенгдир.

Ислоҳотлар тақдири кўп жиҳатдан жамиятда мулкий муносабатларни такомиллаштиришга боғлиқлиги ҳаммага маълум. 1997 йилда, масалан, ялпи ички маҳсулотнинг 61,3 фоизи, саноат маҳсулоти ҳажмининг 59,0 фоизи, ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг 99,0, қурилиш-пудрат ишлари ҳажмининг 71,9, чакана товар оборoти умумий ҳажмининг 95,3 фоизи нодавлат мулкига оид секторларда яратилди. Ҳозир нодавлат секторида ҳаракатдаги корхоналарнинг 84,1, иқтисодиётда иш билан банд бўлганларнинг 71,3 фоизи жойлашган. 1998 йилнинг бошига келиб давлат корхоналари мавжуд барча корхоналарнинг атиги 12,1 фоизини ташкил этди. Харакатдаги корхоналарнинг 46,2 фоизи хусусий, 38,8 фоизи жамоа мулкига тегишлидир. Аммо шунга қарамасдан яқинда мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришнинг 1998 йил биринчи ярим йиллиги якунларига бағишланган мажлисда Президент Ислом Каримов реал мулкдорлар пайдо бўлиш жараёни суст кетмоқда, баъзи жойларда хўжакўрсинга ўтказилмоқда, корхоналарни бошқариш тизимида туб ўзгаришлар йўқ, деб айтди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажми қанчалик универсал кўрсаткич бўлмасин, лекин барибир у иқтисодиётда кечаётган чуқур сифат ўзгаришларини ўзида тўла акс эттира олмайди. Шунинг учун ҳам уни тўлдирадиган, қўшимча иқтисодий кўрсаткичлардан фойдаланиш лозим бўлади.

Ўтган йил натижаларига кўра, **ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш умумий ҳажми суръатлари биринчи марта аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилди.**

Бу ўта муҳим сифат кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётимизда 1980 йилдан кейин кузатилмаган эди. Натижада ялпи ички маҳсулот миқдорини аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 3,2 фоизга оширишга муваффақ бўлинди. Бу мамлакат иқтисодий қудрати ва аҳоли ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Муҳим сифат кўрсаткичлардан яна бири шуки, ўтган йилдан бошлаб **ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг ўсиши билан бирга кечмоқда.**

Иқтисодий ўсиш суръатлари таҳлили шуни кўрсатадики, бу жараён **инфляциянинг паст суръатлари, ялпи ички маҳсулот ҳажмида жамғариш ва инвестициянинг юқори улуши, ялпи ички маҳсулотда давлат бошқариши харажатларининг нисбатан паст даражаси, шунингдек, мамлакат иқтисодиётининг нисбатан очиқ характери ва бошқа сифат ўзгаришлари баробарида кечмоқда.**

1997 йилда ялпи ички маҳсулот 5,25 фоиз ўсди, бироқ инфляция суръатлари бир йилда 13,6 нуқтага пасайди.

Асосий капиталга инвестициялар қўйиш молиялаштиришнинг барча манбалари бўйича бир йилда 17 фоиз ошиб, унинг ҳажми 271,6 млрд. сўмни ташкил этди. Асосий капиталда инвестицияларнинг улуши ҳам ўсиб, 1997 йили 34,6 фоизга тенг бўлди. Ялпи ички маҳсулотда бошқариш харажатлари 1996 йилда 0,9 фоиз бўлган бўлса, 1997 йилда 0,7 фоизга баробарлашди. Бошқа давлатларга нисбатан бу анча паст даража ҳисобланади.

Фақат кейинги бир йил ичида Ўзбекистон иқтисодиётига чет эл инвестицияларини жалб этиш ҳажми 40 фоиз кўпайди. Бевосита чет эл инвестициялари ва кредитлари эса 2,8 марта ошди. Иқтисодиётни ривожлантиришга киритилаётган чет эл инвестицияларининг ошиши, бир томондан, мамлакат иқтисодиётининг очиқ характерини ифодаласа, иккинчи томондан, ҳозирги замон технологиясининг қўлланишини, импортнинг ўрнини босадиган ҳамда рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйил-

ганини билдиради. Буларнинг ҳаммаси Ўзбекистонда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотларнинг йўлига тўла мувофиқ келади.

Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши амалда иқтисодиётнинг барча тармоқ ва бўлимларининг тўхтовсиз ўсиши негизида амалага ошмоқда. Масалан, биргина ўтган йил давомида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 6,5 фоиз, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 11,2, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти 5,8, чакана товар обороти 12,7 ва аҳолига хизмат кўрсатиш 21,3 фоиз кўпайди.

Бундай натижалар, ўз навбатида, аҳоли турмуш даражасини кўтаришга — унинг пул ва реал даромадларини, пенсия, стипендия ва бошқа имтиёзларни кўпайтириш, уй-жой, мактаб, тиббиёт объектлари қурилишини ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Бироқ шуни унутмаслик керакки, мамлакатда иқтисодий ўсишни таъминлаш ягона – пировард мақсад эмас. Ялпи ички маҳсулот таркибини такомиллаштириш, бозор тан оладиган, кишиларнинг кундалик эҳтиёжини бевосита қондирадиган, сифатли, яъни экспорт талабларига жавоб берадиган маҳсулот ва хизмат турларини муттасил кўпайтириб бориш бош мақсадлардан ҳисобланади. Президентимиз Ислом Каримов таъбири билан айтганда, ислоҳотлар ислоҳот учун эмас, балки кишилар учун амалга оширилади. Шундагина ислоҳотлар чуқур мазмун касб этади, кишиларни самарали меҳнатга рағбатлантиради. Мустақиллик йиллари давомида кучли ижтимоий сиёсат Ўзбекистон ҳукуматининг устун ва изчил сиёсатларидан бири бўлиб қолмоқда. Дарҳақиқат, ҳар қандай ҳукумат фаолиятининг якуни сифатида иккита мезон бўйича ҳукм чиқарилади: биринчиси – халқнинг фаровонлиги бўлса, иккинчиси – давлатнинг халқаро майдондаги салоҳиятидир. Ҳар иккала йўналишда ҳам жиддий силжишларнинг гувоҳи бўлмоқдамиз.

Мустақилликнинг яна бир йили ўтмоқда. Йилдан-йилга унинг залвори ҳам ортмоқда.

"Халқ сўзи, 1998 йил 16 август

ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ

Ватанимиз мустақилликни қўлга киритгач, тараққиётнинг қайси йўлидан бориш, миллий иқтисодиётни ривожлантиришда қандай тамойилларга таяниш каби бир қарашда жўн кўринадиган, лекин ҳийла мураккаб ва зиддиятли, мамлакатнинг тақдири билан боғлиқ ўта муҳим муаммоларга дуч келди.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов бу иқтисодий, ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳал этишга қаратилган давлат қурилиши ва иқтисодиётни тубдан ислоҳ қилишнинг беш асосий тамойили (қоидаси)ни илгари сурди. Юртбошимиз Ўзбекистоннинг иқтисодий сиёсати, янгиланиш ва ижтимоий тараққиёт йўлининг умумий принциплари ва ўзига хос хусусиятлари тўғрисида дастлаб 1992 йилда "Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли" деб номланган рисоласида фикр юритган эди. Сўнгра 1993 йилда эълон қилинган "Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли" асарида туб иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг бешта принципи (тамойили) ни чуқур ва атрофлича илмий асослади.

Иқтисодиётни мафкура ақидаларидан ҳоли қилиш, давлат бош ислоҳотчи экани, бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтиш зарурлиги, ҳаётнинг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш лозимлиги, кучли ижтимоий сиёсат юргизиш – иқтисодий ислоҳотлар стратегиясининг ана шу бешта асосий принципи илмий асосланиб илгари сурилганиға, мана, роппа-роса беш йил тўлди.

Тўғри, ўтган давр ичида янги-янги қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди, юртбошимизнинг янги асарлари, нутқ ва мақолалари чоп этилди, мамлакатимиз ҳаётида йирик ижтимоий-иқтисодий воқеа ва ҳодисалар рўй берди. Ҳаёт, амалиёт янги илмий қоида ва хулосалар билан бойиди. Бундай қараганда, улар ўша беш асосий тамойил моҳиятини биздан узоқлаштиргандек, уларнинг халқимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тўсиб қўйгандек туюлиши мумкин. Аслида эса бундай эмас. Бозор муносабатларига ўтиш бўйича қабул қилинган ҳужжатларнинг аксарияти ушбу тамойилларга асосланган ёки уларни ривожлантиришга, ёҳуд уларни ҳаётга татбиқ этишга бағишланган. Бу қоидаларнинг нақадар тўғри эканини ҳаёт тўла тасдиқлади, шу боис, улар ҳозир ҳам, бундан кейин ҳам ўз аҳамиятини йўқотмайди. Зотан, беш тамойил бозор муносабатларига таянган мустақил, миллий иқтисодиётнинг асосий шакл ва шамойилларини таркиб топтириш ва уни иқтисодий юксалиш сари изчил ҳаракатлантириш имконини берди. Чунки улар мамлакатимизда янги, олдингисидан тубдан фарқ қиладиган ижтимоий-иқтисодий тизимни қарор топтиришнинг ўзига хос дастури эди. Бу қоидалар истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаган жамиятимизнинг бу йўлдан оғишмай илгарилаб бориши учун асос этиб қабул қилинди. Бу қоидаларнинг ривожлантирилиши ва ҳаётга тобора дадилроқ жорий этилиши ижтимоий-сиёсий барқарорликни янада мустаҳкамлади.

Мана, масалан, **биринчи қоида – иқтисодиётни сиёсий қобиқлардан холос қилишни таҳлил қилиб кўрайлик.** Бу тамойил мамлакатимизда демократик бозор ўзгаришларини амалга оширишнинг асоси деб эътироф этилди. Иқтисодиётни яна сиёсатга, мафкуравий ақидаларга қурбон қилмаслик учун сиёсий мақсадларга эришиш воситаси деб қаралмади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг ўзи ижтимоий устқурманинг пойдеворида бутун жамият миқёсида демократик ўзгаришларни амалга ошириш учун асос, шарт-шароит ҳозирлайди. Бозор иқтисодиётининг ўзи барчага бир хил имконият (имтиёз) бериш билан иқтисодий демок-

ратиядир. Шу боис энди мамлакат ичкарисида ҳам, унинг ташқарисида ҳам, ишлаб чиқариш муносабатларини бозор, бозор бўлганда ҳам тартибли асосга қурилган бозор белгилайдиган бўлди. Энди ким билан савдо-иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш, аксинча, ким билан эса бундай муносабатларга киришмаслик юқоридан белгиланмайди. Шунинг учун ҳам ҳозирги иқтисодий ҳамкорларимиз орасида нафақат ҳамдўстлик мамлакатлари, балки янги ва эски дунё ҳам, ривожланган Европа ва ривожланаётган Африка ҳам, демократик Америка ва тоталитар Хитой ҳам, ўзаро низоли араб дунёси ва Исроил ҳам бор. Лекин улар ўртасидаги нисбат ўрин алмашган бўлиши мумкин. Агар илгари мамлакатимиз асосан собиқ иттифоқ республикалари билан товар айирбошлаган бўлса, бугунги кунда 70 фоиз савдо-сотиқни юксак тараққий этган – АҚШ, Англия, Бельгия, Нидерландия, Жанубий Корея, Швейцария, Финляндия каби давлатлар билан амалга оширяпти. Энди шериклар-ни бозорнинг ўзи танламоқда. Бу жараёнлар экспорт ва импорт таркибида жиддий ўзгаришлар билан содир бўлмоқда. Экспорт таркибида пахта толасининг ҳиссаси жиддий қисқарди. Машина ва асбоб-ускуналар, энергия тарқатгичлар, транспорт воситаларининг ҳиссаси эса ортмоқда. Импортда озиқ-овқат маҳсулотларининг ҳажми камайиб бормоқда.

Ташқи савдо айланмаси кўламининг кенгайиши ва унинг таркибан такомиллашуви, жуғрофиясининг кескин ўзгариши натижасида 1995 йилга келиб ташқи савдо айланмасида ижобий сальдога эришилди. Мамлакатга товар келтиришдан кўра, ташқарига мол чиқариш биринчи марта устун бўлди ва ўтган йилнинг натижаларига кўра ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажми 8,9 млрд АҚШ долларини ташкил этди. 1990 йилда Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасида салбий сальдо 3,7 млрд сўмни (жорий баҳоларда), ёки ялпи миллий маҳсулотнинг 11 фоизга яқинини ташкил этган эди. Кўриниб турибдики, сиёсат иқтисод учун эмас, балки иқтисод сиёсат учун хизмат қилмоқда.

Иккинчи тамойилга мувофиқ бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислоҳотчи, ислоҳот тақдири учун жавоб берадиган асосий куч-қудрат, кафолат бўлишини кўзда тутар эди. Бу борада бошқа йўл ҳам бўлиши мумкинмиди? Йўқ, бозор муносабатларига ўтиш даврида давлатдан бошқа қудратли иқтисодий куч йўқ эди. Йирик корхоналар эски кооператив алоқаларнинг узилгани, бозор шароитига ҳали мослашмаганлиги туфайли керакли маблағга эга эмасди. Чет эл банкларида катта маблағларимиз йўқ, океан ортида пулдор "тоға" ларимиз ҳам деярли йўқ, аҳолининг эса старт имкониятлари айтарли бир хил, кичик ва ўрта бизнесни, оилавий тадбиркорликни молиялаштириш учун етарли эмасди. Давлат эса илгаридан мустақилликкача катта иқтисодий мавқе ва қудратга эга, барча ишлаб чиқариш воситаларининг 90 фоизини бирлаштирган эди. Бундай уюшган, бир жойда жамланган улкан салоҳиятдан оқилона фойдаланмаслик хато бўлар эди, албатта. Бунинг устига ижтимоий йўналтирилган бугунги замон бозор иқтисодиётининг асосий унсурларини тез ва изчил қарор топтириш учун, бозорга ўтиш тўс-тўполонида иқтисодий, молиявий тизгинларни қўлдан чиқариб юбормаслик, аҳоли манфаатлари йўлида миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашни иложи борича одилона ва оқилона амалга ошириш учун ҳам давлат механизмидан фойдаланиш зарур эди. Бозор муносабатларига ўтишда, айниқса, унинг дастлабки босқичида давлат ислоҳотларда фаол иштирок этди, ислоҳотларни қатъийлик ва изчиллик билан амалга оширди, ишбилармон ва тадбиркор кадрларни тайёрлашга бош-қош ҳам бўлди. Булардан ташқари халқ хўжалигида амалга оширилган бугунги туб таркибий қайта қуришни, кучли ва кўп тармоқли ишлаб чиқариш инфратузилмасини вужудга келтиришни фақат давлатнинг кучи билан уддалаш мумкин эди. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтишни йўлга қўйишда давлат ўзининг тарихий вазифасини бажарди. Энди бундан кейин бозор муносабатлари мустаҳкамланиб борган сари давлатнинг иқтисодий роли сусайиб боради. Иқтисодий

вазифаларнинг аксарияти йирик миллий корпорациялар, корхоналар, чет эл ишбилармонлари ва хусусий тадбиркорлик зиммасига ўтади. Тарихий тараққиёт тенденциясининг ўзи шуни тақозо этади. 1997 йил натижаларига кўра саноат маҳсулоти умумий ҳажмида давлат секторининг улуши ҳаммаси бўлиб 41,0 фоизни ташкил этди, холос. Бу кўрсаткич бир йил илгари 46,5 фоизни ташкил этар эди.

Саноатнинг давлат ва нодавлат сектори

(1997 йил, фоиз хисобида)



Бу тенденция давом этаверади. Бугунги кунда қишлоқ хўжалиги, савдо, умумий оқатланиш, хизмат кўрсатиш соҳаларида давлатнинг улуши янада паст. Ўтган йили мамлакат халқ хўжалигида банд бўлганларнинг атиги 28,1 фоизи давлатга тегишли корхоналарда меҳнат қилди. Лекин бу давлат иқтисодий вазифа билан мутлақо шуғулланмайди, дегани эмас. Иқтисодиётда давлат сектори ҳукм суриши, у санацияда қатнашиши, ўлаётган корхоналарга жон бахшида этиб, уни яна хусусий қўлларга ёки жамоага қайтариши мумкин. Шунингдек давлат бундан кейин ҳам ўзининг молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нархни назорат қилиш ва бошқа дастаклар орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни изга солиб туради.

Аммо давлатнинг иқтисодий қудрати нақадар улкан бўлмасин, бу қудратдан қанчалик оқилона фойдаланмайлик,

барибир, учинчи тамойил – **бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш зарур эди. У асосий қоидалардан бири** сифатида илгари сурилди. Бу борада шошма-шошарликка берилмаслик, "янгисини қурмай, эскисини бузмаслик" тарзида иш тутиш йўлидан борилди. Чунки луқмани бирданига ютаман деб тиқилиб қолиш ҳам ҳеч гап эмасди.

Иқтисодиёт секторлари бўйича банд бўлган аҳоли таксимоти

(1977 йил, фоиз ҳисобида)



Бозор муносабатлари кишиларнинг янгича дунёқараши, психологияси, кўникма ва хулқ-атвори, таъбир жоиз бўлса, ҳаёт тарзи ҳамдир. Уларнинг қарор топиши ва ривожланиши учун эса маълум вақт, сабр-тоқат, изчиллик даркор. Шунинг учун дастлаб мулкни тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштириш, мулкчиликнинг давлатга қарашли бўлмаган шакллари – хусусий, оила, ҳиссадорлик, жамоа ва бошқа турларига асосланиб янгидан ташкил этилаётган хўжалик юритиш усулларини қўллаб-қувватлаш йўли билан аралаш, кўп қиррали (укладли) иқтисодиётни шакллантириш йўлидан борилди.

Бу қадар залворли юмушларни бир ҳамла билан ҳал этилмайди. Бунинг ўзи бир жараёндир, жараённи эса, маълумки, сунъий равишда тезлаштириб бўлмайди. Бизда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш савдо, умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш шахобчаларидан бошланди.

Бинобарин, аввалам бор, кичик хусусийлаштириш амалга оширилиб, 1994 йил охирига келиб амалда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичи якунланди, кейинги хийла кўламли ва мураккаб босқич сари йўл очилди.

Нархни эркин белгилаш борасида ҳам шундай йўл тутилди. Нарх-наво тизгинини бирданига қўлдан чиқариб юбориш охир-оқибатда пулнинг эплаб бўлмайдиган қадрсизланишига – гиперинфляцияга сабаб бўлиши муқаррар эди.

Иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошириш тамойили, айниқса, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга оширишга қаратилган устувор соҳаларни белгилашда халқ хўжалигини аниқ мақсадли инвестициялашда жуда самарали бўлди. Ёқилғи-энергетика, машинасозлик, алоқа, транспорт, йўл қурилиши, юксак даражада қайта ишлашга ўтиш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ана шундай устувор соҳалар деб белгиланди. Қишлоқ хўжалигида бундай устувор соҳа дончилик (ғаллачилик) бўлди. Бу тадбирларнинг амалга оширилиши тақчил маҳсулотлар юзасидан мамлакатни ташқи бозорга қарамликдан халос этибгина қолмасдан, унга катта миқдорда валютани тежаш имконини ҳам берди. Бу тежалган маблағ энди бошқа соҳаларни ривожлантиришга шарт-шароит ҳозирлаб, саноат умумий тараққиётини таъминламоқда. Тасаввур этинг, мустақилликнинг дастлабки йилларида зарур нефтнинг 80 фоизи четдан олиб келинар эди. Бундай ҳол ҳали ўзини ўнглаб олмаган иқтисодиёт учун оғирлик қилар эди. Энди эса ўзимизни нефть ва бошқа энергетика воситалари билан тўлиқ таъминлаш имкониятига эгамиз.

Бугун қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларга муҳим эътибор берилмоқда. Лекин ривожланган саноатсиз ривожланган қишлоқ хўжалиги бўлиши мумкин эмас. Гап шундаки, бугунги кунда қишлоқ хўжалиги соҳаси саноатдан бошланиб (ишлаб чиқариш воситалари ва маъданли ўғитлар ишлаб чиқариш), саноат билан якунланади (юксак даражада қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш). Саноатдан тежаладиган йирик сармоя маблағлари энди қишлоқ хўжалигига

йўналтирилади. Бозор иқтисодиётига изчиллик билан босқичма-босқич боришнинг маъноси ҳам шу. Бу соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши, уни ривожлантириш юзасидан қабул қилинган дастур, қонун ва қарорларнинг амалга оширилиши қишлоқ хўжалигини янада юксак поғонага кўтаради. Бизда мамлакат қишлоқ хўжалигида товар ишлаб чиқарувчилар манфаатлари ҳимоя қилинган: чет эл озиқ-овқатлари тўғридан-тўғри кириб кела олмайди. Минтақамиз табиат **катаклизмларидан** ҳам анча йироқ. Шунинг учун ҳам бугун бу соҳани саноатга монанд ривожлантириш шароитлари етилмоқда. Энди қишлоқ хўжалиги қолоқлик рамзи бўлмаслиги лозим.

Ижтимоий ислоҳотларни амалга оширишнинг ҳуқуқий негизини шакллантириш, **ҳаётнинг барча жабҳаларида қонун устуворлигига эришиш муҳим вазифалардан бўлиб, бозор муносабатларига ўтиш** жараёнида танланган тўртинчи тамойил эди. Таъкидлаш жоизки, мустақиллик йилларида амалда янги ҳуқуқий тизим яратилди. Бозор муносабатлари – ўзини-ўзи бошқарадиган демократик тизимдир. Бу жараёнга билиб-билмай аралашиш, маъмуриятчиликка, айниқса, ортиқча марказлаштиришга уриниш унинг имкониятларини чеклаши, охир-оқибатда эса обрўсизлантириши мумкин. Бозор иқтисодиётининг ўз қонуниятлари бор, унга аралашиш, волюнтаризмга йўл қўйиш, менсимаслик кўнгилсиз оқибатлар келтириши мумкин. Шу боис қонунга бўйсуниш бозор муносабатларига ўтишнинг етакчи тамойилларидан биридир, ҳуқуқий давлатнинг ўзига хос хусусиятидир. Бир мутафаккир айтганидек, “қонун тугаган жойда зўравонлик бошланади”.

Президентимиз **кучли ижтимоий сиёсат юритишни иқтисодий ўзгаришларни амалга оширишнинг ишончли кафолати, Ўзбекистоннинг янгиланиш ва тараққиёт йўлини намоён этувчи энг муҳим тамойиллардан бири деб билдилар**. Юртбошимиз бозор муносабатларига ўтишнинг беш тамойилини эълон қилишдан анча олдинроқ – 1992 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг

X сессиясида сўзлаган нутқида: "Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана шундан кейин амалга оширишга бел боғладик. Халқининг ярми норасида болалар бўлган давлат бирданига бозор муносабатларига ўтиши – беъмани гап", – деган эдилар.

Мустақиллик йиллари мобайнида давлатимиз бу йўлдан оғишмади. Бозор муносабатларига ўтиш жараёнида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг бутун бир тизими яратилди. Кишиларни ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлашларнинг кучли механизми жамиятда яратилган миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлашдангина иборат бўлиб қолмади. Бу вазифани ҳал этишда давлат манбаларидан ташқари меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари ва хайрия жамғармаларининг имкониятларидан кенг фойдаланилди.

Бозор муносабатларига ўтиш ҳеч қачон ва ҳеч қаерда силлиқ, ижтимоий қийинчиликларсиз кечмаган. Бу даврда аҳолини ижтимоий ҳимоялашга, қўллаб-қуватлашга етарли эътибор бермаслик омма орасида ялпи қашшоқлашувни кучайтирган, люмпенлар, пауперлар (жулдурвоқилар) қатламининг пайдо бўлишига олиб келган бўлур эди. Люмпенлашган оломон учун муқаддас нарсанинг ўзи йўқ, улар учун тўрт томони қибла. Президентимиз шунинг учун ҳам люмпенлашув ва пауперизмнинг пайдо бўлишига қарши ўрта мулкдорлар синфини шакллантириш, кичик ва ўрта бизнесни, тадбиркорликни ривожлантириш ғоясини илгари сурди. Кишилар чинакам мулкдор бўлгандагина пировард натижалар – ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва унинг ҳаражатларини пасайтириш, жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш учун курашади.

Ўзбекистон собиқ СССР республикалари орасида биринчи бўлиб дастлаб иқтисодий барқарорликка, кейин эса ўсиш ва юксалишга эришди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида пайдо бўлган тангликдан ривожланиш суръати билан чиқиб олди. Бундай ютуққа эришишда, шубҳасизки,

ўша беш тамойилга изчиллик билан риоя этилгани муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш индекслари

(1997 йилда 1990 йилга нисбатан % ҳисобида, МДҲ мамлакатлари бўйича)



Озарбайжон, Грузия, Молдова ва Украина мамлакатлари ялпи ички маҳсулоти ҳажми 1990 йил даражасининг ярмига ҳам етгани йўқ (37—44%). Арманистон, Қозоғистон, Россия каби мамлакатларда унинг миқдори 1990 йил даражасининг 58—62 фоизини ташкил қилмоқда, холос. Ўзбекистонда эса бу муҳим иқтисодий кўрсаткич бўйича ислоҳотдан олдинги даражанинг 86 фоизига эришилди. Келинг, МДҲ мамлакатларида бу йилларда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари қандай бўлганлигини кўриб ўтайлик. 1997 йилда Ўзбекистонда саноат ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 12,7 фоизга ўсди. Белорус, Қирғизистондан бошқа қолган бирорта мамлакат ислоҳотдан олдинги даражанинг ярмига ҳам етолгани йўқ.

1995 йил Ўзбекистон иқтисодиёти учун бурилиш йили бўлди. Ўшанда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг пасайиши кескин секинлашди, 1996 йилнинг бошидан то бугунгача ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришнинг барқарор ижобий динамикаси давом этмоқда: 1996 йилда унинг ўсиши 1,7, 1997 йилда 5,2

фоиз, жорий йилнинг биринчи чорагида у 3,3, иккинчи чорагида 4,1 фоиз, ярим йилда эса 4,0 фоиз бўлди. Шундай қилиб мамлакатимиз 2000 йилгача ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 1990 йил даражасига эришади деб ҳисоблашга тўла асослар бор. Саноат ишлаб чиқариши ҳажми бўйича бу даражага мамлакатимиз 1995 йилда тўла эришган эди.

Саноат ишлаб чиқариши динамикаси

(1996 йилнинг тегишли даврига нисбатан фоиз ҳисобида)



Шуниси қувонарлики, бизда ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиш суръатлари аҳоли сони ўсиш суръатларидан устун бўлишига эришилди. Бу ўта муҳим сифат кўрсаткичи бўлиб, иқтисодиётимизда 1980 йилдан кейин кузатилмаган эди. Натижада ялпи ички маҳсулот миқдорини аҳоли жон бошига 3,2 фоизга оширишга муваффақ бўлинди. Бу эса мамлакат иқтисодий қудрати ва аҳоли ҳаёт даражасини белгилайдиган муҳим мезонлардан бири бўлиб ҳисобланади.

Ўтган йилдан бошлаб ижтимоий ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши иқтисодиётда банд бўлганлар сонининг кўпайиши, инфляциянинг паст даражаси, ялпи ички маҳсулот ҳажмида жамғариш ва инвестициянинг юқори улуши ва бошқа сифат кўрсаткичлари билан бирга кечмоқда.

Бозор муносабатларига ўтиш даври Ўзбекистонда силлиқ, хамирдан қил суғургандек кечди, десак хато бўлар эди, албатта. Бу жараённинг мураккаблиги шундан иборат бўлдики,

бозор таъсиридан иложи борича ҳоли бўлган мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш ва бозор муносабатларига ўтиш ҳам, макроиқтисодий барқарорлаштириш ва бозор қайта қуришлари ҳам бир вақтнинг ўзига тўғри келди. Натижада макроиқтисодий барқарорлаштириш билан боғлиқ тадбирлар тизими бозор ўзгаришларига ижобий таъсир этибгина қолмай, шу билан бирга баъзи бир ҳолатларда бу жараён суръатини пасайтирди. Пул массасининг қатъий чеклангани, айниқса нақд пулнинг, хомашё бозори ҳали етарлича мувозанатлашмаган бир шароитда кичик бизнеснинг ишлаб чиқариш имкониятларини торайтириб қўйди. Тижорат банклари кредит имкониятларининг чеклангани эса корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун қисқа муддатли қарз бериш имкониятини камайтирди. Пул массасининг етарли бўлмагани халқ хўжалигида корхоналар тўлов қобилиятининг пасайиб кетишига ҳам сабаб бўлди. Бу жараёнлар бозорга ўтиш ва макроиқтисодий барқарорлаштириш жараёнларига бироз салбий таъсир кўрсатса-да, аммо уларни тўхтатиб қола олмади. Бозор муносабатларига ўтишнинг иккинчи босқичида ҳар икки йўналишда ҳам кескин ижобий силжишлар юз берди.

Хуллас, юқорида баён қилинган мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ушбу беш тамойил юртимизда барқарорликни мустаҳкамлабгина қолмасдан, иқтисодий юксалишимиз йўлида муҳим омил ҳам бўлди, ўзбекона тараққиёт йўлининг ўзига хос хусусиятларини ҳам белгилади. Шу боис ана шу беш тамойил эълон қилинганлигининг беш йиллиги муносабати билан мамлакатимизда кенг жамоатчилик иштирокида бешта халқаро илмий анжуман ўтказилиб, жамиятни ислоҳ қилишнинг бу беш асосий қоидаси моҳияти янада теранроқ таҳлил этилса, улар янги илмий-амалий хулосалар билан бойитилиб, бугунги тараққиёт давридаги ўрни ва аҳамияти кўрсатиб берилса, нақадар фойдали бўларди.

"Respublika", 1998 йил 1сентябрь

ИНҚИРОЗДАН ЧИҚИШ ЙЎЛИ – РИВОЖЛАНИШ

Мана бир ойдирки, Россия чуқур иқтисодий инқирозни бошидан кечирмоқда. Инқироз нафақат мамлакат иқтисодиётини, молиясини, балки сиёсий ва ижтимоий ҳаётини ҳам кенг қамраб олган. Тўғри, ҳукумат инқирозига барҳам берилди, ҳисоб. Янги Бош вазир тасдиқланди, янги каолицион ҳукумат таркиб топмоқда. Сиёсий эҳтиросларнинг жиловлангандек. Аммо иқтисодий тушкунлик тўхтатилгани йўқ. Рублнинг қадри ҳам, нархларнинг даражаси ҳам ҳали ўзининг олдинги мавқеига қайтмади. Саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг ҳалокатли пасайиши, оммавий ишсизлик, давлатнинг ўз фуқароларидан қарзи ортмоқда. Россияда юз берган иқтисодий, молиявий тушкунликни бировлар халқаро молия чайқовчилигининг оқибати деса, яна бировлар Президентнинг ички душманларининг қўпорувчилик ҳаракатлари натижаси, деб ҳисобламоқда. Яна бошқалар уни мамлакат тақдири учун эмас, балки шахсий бойлигини ошириш учун қайғурадиган бир ҳовуч молия, банк магнатларининг иши, деб баҳоламоқда. Уларнинг фикрича, мамлакат иқтисодиётининг калити бундай кимсаларнинг қўлида бўлиб, улар давлатни бошқаришда ўз улушларига эга бўлиш учун курашмоқдалар. Булардан фарқ қиладиган бошқа фикрлар ҳам йўқ эмас. Аммо бир нарса аён: Россиядаги чуқур системали инқироз кеча ёки бугун пайдо бўлгани йўқ. Унинг томирлари анча узоққа, юртбошимиз таъбири билан айтганда, улар танлаган йўлга бориб тақалади. Инқироз мулкни Россияча давлат тасаррufидан чиқариш ва хусусийлаштириш, табиий, иқтисодий ресурс ва бойликларни аёвсиз талон-торож қилиш, мамлакат капиталининг ҳуфёна йўллар билан ташқарига чиқиб кетиши оқибатидир.

Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, саноат ишлаб чиқаришини диверсификациялаш жараёнларида изчиллик етишмади. Баъзи тармоқлар, масалан, кўмир қазиб олиш ва бошқа норентабел ишлаб чиқариш турлари ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Давлат мавжуд иқтисодий ва молиявий тизгинларни қўлдан чиқазиб юборди. Тайёрга айёр сунъий молиявий пирамидалар авж олди. Жиноий гуруҳлар ишлаб чиқариш ва молияга аралашиб кетди. Натижада 17 августда ҳукумат ва Марказий банк энди валюта коридорини ортиқча ушлаб тура олмаслигини, давлат ички қарзи бўйича ҳисоб-китобларга қодир эмаслигини расмий билдирди. Бу валюта олди-сотдисида рублга нисбатан доллар курсининг кескин ошиб кетишига олиб келди. Рублнинг доллар ва бошқа қатъий валюталарга айирбошланиши ўзининг энг паст даражасига тушди. Импорт молларининг нархи кескин ошди. Бунга ҳамоҳанг, шов-шув ва ваҳима таъсирида гречка, шакар, сут каби шу ернинг ўзида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар баҳоси ҳам ўз-ўзидан ошиб кетди.

Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмасди. Чунки ҳукумат нархларнинг ошишини товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳисобига эмас, балки пул массасини бюджетдан тўловларни (иш ҳақи, нафақа) тежаш йўли билан ушлаб туриш йўлидан борди. Оқибатда давлатнинг ички қарзлари 70 миллиард АҚШ долларидан ошиб кетди. Ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш эса, расмий маълумотларга кўра, шу йилнинг июль ойида ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 4,5 фоиз, саноат ишлаб чиқариш ҳажми 9,4 фоизга қисқарди. Экспорт ҳажмининг сезиларли қисқариши эса мамлакатни миллиардлаб валюта тушумидан маҳрум қилди. Россия ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ҳали ислоҳотдан олдинги даражасининг 60, саноат ишлаб чиқариш ҳажмининг 50 фоизига ҳам етгани йўқ. Бугун Россиядаги бу аҳволни инқироз, синиш ва ҳатто ҳалокат деб атамоқдалар. Гап атамада эмас. Лекин иқтисодиётнинг сўнгги нуқтага, тубсиз жар ёқасига келиб қолгани, оддий халқ оммаси учун яна бир "фалаж" эканлиги аниқ. Мамлакат ўз тараққиётида бир неча йилларга орқага суриб ташланди. Давлатнинг ички ва ташқи қарзи тез суръатларда ўсмоқда. Ижтимоий соҳада аҳвол янада баттар.

Маълумки, бизнинг иқтисодиётимиз ёпиқ, маҳдуд иқтисодиёт эмас. У жаҳон хўжалик системаси билан борган сари яқиндан интеграциялашмокда. Шу маънода танглик бизга ҳам маълум даражада ўзининг таъсирини кўрсатиши мумкин. Бу ҳақда Президентимиз Озарбайжон сафари олдидан ўтказилган матбуот конференциясида аниқ ва батафсил тўхталди. Россиядаги инқироздан Жорж Сорос каби "пихини ёрган" устаси фаранг сармоядорлар ҳам панд еб қолишди. Аммо Россиядаги, умуман Осиё, Нью-Йорк ва Европадаги молиявий танглик ҳам бизга жиддий салбий таъсир ўтказа олмайди. Чунки ташқи бозор беқарорлигининг миллий иқтисодиётимизга таъсир зарбасини юмшатиш чора-тадбирлари мамлакатимизда аллақачон кўриб қўйилган.

Биринчидан, кейинги бир неча йил давомида ташқи савдо айланмасининг таркиби ва географияси жиддий такомиллаштирилди ва кенгайтирилди. 1997 йил ташқи савдо айланмасининг атиги 31,2 фоизи МДҲ давлатлари ҳиссасига тўғри келди. (Шу йилнинг биринчи ярми бўйича бу кўрсаткич 28,3 фоизни ташкил этди). Ўзбекистоннинг ташқи савдо алоқаларида Россиянинг улуши 14 фоизга тенг, холос. Бу олдинги йиллардаги натижалардан анча паст. Бунинг устига, Россия билан фаол савдо балансига эгамиз: яъни товар киритишдан кўра товар чиқариш устунроқ. Илгари ташқи мамлакатлар билан савдо-иқтисодий алоқаларимиз, арзон денгиз йўлларига бевосита чиқа олмаганимиз туфайли асосан Россия ҳудуди орқали амалга оширилар эди. Энди эса унга муқобил йўлларни топиш устида катта ишлар олиб борилмокда. Энди Ўзбекистоннинг Форс кўрфази, Ҳинд океани, Ўрта ва Қора денгизларга чиқиши, Тинч океани Осиё қисми орол-давлатлари билан боғланиши реалликка айланмокда.

Иккинчидан, чет эл инвестициялари учун очиқ, мустақил миллий иқтисодиётни барпо этиш жараёнида иложи борича ташқи бозор таъсиридан холи бўлиш мақсадида импорт ўрнини босадиган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни ривожлантиришга алоҳида эътибор берилди. Жумладан, энергия воситалари, ғалла ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўпайтирилди.

Учинчидан, мамлакатимизнинг олтин-валюта захиралари ҳар қандай қийин шароитда ҳам белгиланган меъёридан анча кўпроқ вақт давомида вазиятни барқарор ушлаб туриш учун етарли даражада. Россияда худди ана шундай кафолат етарли эмас. Чунки олтин-валюта захираларининг катта қисми ташқи қарзлар ҳисобига ўтказилган.

Хўш, Россиядаги инқироз нима билан ва қандай якунланиши мумкин?

Бугунги иқтисодий, сиёсий беқарорлик ва бошбош-доқлик яна анча давом этиши, аҳоли қашшоқлашувининг янада кенгайиши (ҳозир Россияда 40 миллиондан ортиқ қашшоқлар мавжуд), мамлакат яна кўп йиллар ур-сурлар майдони бўлиб қолавериши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам Россия олдида ягона ва тўғри йўл қолади. У ҳам бўлса инқироздан сабоқ олиш, тўғри хулосалар ясаш ва ундан соғломлашиб, кучайиб чиқишдир. Гап шундаки, инқироздан, рублнинг қадрсизланишидан мамлакатда молиявий вазиятни ўзгартириш мақсадида фойдаланса ҳам бўлади. Чунки энди экспорт тармоқларини ривожлантиришга, мамлакатдаги товар ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилишга ўтиш мумкин. Импорт қимматлашгандан кейин рақобатбардош товарлар ишлаб чиқаришга ўтилади. Бундан ташқари, энди валюта айирбошлаш курсини ушлаб туриш учун сарфланадиган ва банкдан банкга кўчиб юрадиган миллиардларни инвестицион лойиҳаларни молиялаштириш ва ижтимоий дастурларни амалга ошириш мақсадларига сарфлаш мумкин. Ҳа, инқироздан фақат ривожланиш орқалигина чиқиш мумкин. Бу энг тўғри, энг универсал ва синалган йўл. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг Ўзбекистон модели буни тўла тасдиқлади. Бугун биринчи навбатда саноат ва қишлоқ хўжалигини тиклаш, ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш даркор.

Қайси йўлдан бориш Россия янги ҳукумати, халқининг иродаси ва изчиллигига боғлиқ.

"Халқ сўзи", 1998 йил 28 сентябрь

"Биз янги йилдаги вазифаларимизни белгилар, ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам маданий ривожланиш режаларини тузар эканмиз, эришган ўсиш суръатларимиз келгуси йилда бу йилгига нисбатан янада юксак ва самарали бўлишига, халқимизнинг эртанги турмушини янада ёруг қилишга интиламиз".

Ислом Каримов

ТАРАҚҚИЁТИМИЗНИНГ АСОСЛИ ДАСТУРЛАРИ

Мамлакатимиз ўз тараққиёт йўлидан шиддат билан илгарилаб бормоқда. Ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётдан демократик ва бозор муносабатлари унсурлари мустаҳкам жой олмоқда. Бу борада 1998 йил муҳим босқич бўлди, деб ҳисоблашга тўла асослар бор. Ҳали ўтган йил якунларига расмий баҳо берилар, жорий йил вазифалари, йўл қўйилган хато ва камчиликлар кўрсатилиб, тараққиёт суръатларини таъминлайдиган омиллар белгиланар, аммо бугун мамлакатимиз иқтисодий ривожланишининг дастлабки асосий кўрсаткичлари маълум. Улар ҳақида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов давлатимиз Конституцияси қабул қилинган куннинг олти йиллигига бағишланган тантанали мажлисда, Вазирлар Маҳкамасида вилоятлар, шаҳар ва туманларнинг ҳокимлари билан учрашувда ҳамда биринчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессиясида сўзлаган нутқларида батафсил тўхталиб ўтди. Уларни тараққиётимизни белгилайдиган ижтимоий-иқтисодий дастурларнинг назарий асоси, деб баҳолаш мумкин. Мамлакатимиз раҳбарининг бу нутқларида илгари сурилган қоида ва хулосалар юртимизда кечаётган чуқур ижтимоий-иқтисодий жараёнлар ва тенденциялар таҳлили асосига қурилгани учун ҳам, нафақат муҳим назарий, шу билан бирга, катта амалий аҳамиятга эгадир.

Юртбошимиз эътиборни Қомусимизнинг асосий хусусиятлари ва аҳамиятидан кўра ҳам, унинг талаблари ва бошқа қабул қилинган қонун ва фармонларни бажаришнинг бориши каби оғриқли масалаларга қаратди. Биз ҳали инсон ҳуқуқларининг давлат ҳуқуқидан устуворлиги каби оддий ҳақиқатни тўла ҳазм қила олмаяпмиз. Дарҳақиқат, ким ким учун? Инсон давлат учунми ёки давлат инсон учунми? Баъзида қонун чиқарувчиларнинг, қонун посбонларининг ўзи бу қонунларни оёқости қилаётганликларининг сабаби ҳам шу эмасмикин?

Таъкидланганидек, фақат назоратчилар армиясини кўпайтириш билан кўзланган мақсадга эришиш қийин. Бу йўл билан фақат коррупциянинг тегирмонига сув қуйиш мумкин. Жамият ҳаёти ва ҳокимиятнинг барча бўғинлари устидан жамоатчилик назоратини ўрнатмасдан туриб, мавжуд салбий иллатларнинг томирига болта уриб бўлмайди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш институтларини шакллантириш ва ривожлантириш жамиятимиз тараққиётида муҳим йўналиш сифатида танланганлигининг боиси шунда.

Оила йилидан кейин 1999 йилнинг Аёллар йили, деб эълон қилиниши ҳам ҳукуматимизнинг ўзи танлаган ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига содиқлигини яна бир бор англатиб турибди.

Ҳаётимизни оқилона ташкил этиш, мустақиллик йилларида қўлга киритилган ютуқларимизга хавф-хатар ва зиён етказиши мумкин бўлган ички ҳамда ташқи офатларга ҳамжиҳатлик билан зарба бериш муҳим вазифалардан, деб қаралмоқда. Гап шундаки, Россия ва қўшни давлатларда юз бераётган молиявий кескинлик, даромад ва нархлар даражасидаги фарқлар ҳисобига кўплаб халқ истеъмоли молларининг ноқонуний йўллар билан ташқарига чиқиб кетиши ҳолатларининг юз бераётганлигидан кўз юмиб бўлмайди. Агар бу каби хавф-хатарларга ўз вақтида зарба берилмаса, таназзул вируси бизгача етиб келиши, ички истеъмол бозорига таҳдид кучайиши мумкин. Шундай экан, умумий хавфга қарши кураш нафақат мутасадди ташкилотлар, балки барчанинг вазифасидир.

Иқтисодий салоҳиятимизнинг ўсишига таҳдид солаётган ташқи хавф-хатарлар шулардангина иборат эмас. Бутун дунё молия тизимини издан чиқарган иқтисодий инқироз ҳам жаҳон бозорига конъюнктуравий ўзгаришлар киритди. Бу ўзгаришлар, афсуски, бизнинг фойдамизга бўлаётгани йўқ. Биргина ўтган йилнинг ўзида жаҳон бозорида пахта ва олтиннинг нархи сезиларли даражада пасайди. Экспортимизнинг асосий таркибий қисмини ташкил этувчи бошқа рангли металлар ва хомашё маҳсулотлари ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Бунинг устига, бултур пахтачилик соҳаси учун анча ноқулай келди. Натижада пахта хомашёси мўлжалдагидан анча кам тайёрланди. Бундай ҳолатнинг валюта тушумига, тўлов балансларига, айрим тармоқлар ишлаб чиқариш ҳажми ва суръатларига таъсир қилмаслиги мумкин эмас.

Президентимиз таъкидлаганларидек, ўтган йилнинг энг муҳим натижаси – макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни янада мустаҳкамлашдан иборат бўлди. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, иқтисодий ўсишнинг асосий кўрсаткичлари – ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 4,4 фоизга, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,8 фоизга, қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти етказиб бериш 4,8 фоизга ошди. Чакана товар оборoти, аҳолига хизмат кўрсатиш ҳажмининг ўсиши кузатилди. Инфляция даражасининг бирмунча пасайишига эришилди. Ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллиги мустаҳкамланди. Инвестиция соҳаси, жумладан, хорижий инвестицияларни киритиш фаоллашди. Натижада ўнлаб янги корхоналар, ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма объектлари ишлай бошлади.

Иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари бундан-да таъсирлироқ бўлиши мумкин эди. Аммо бир қатор ташқи ва ички омиллар бунга тўсқинлик қилди. Қайд этилганидек, бугун бизни ислоҳот суръатлари ҳам, натижалари ҳам қониқтирмайди. Қабул қилинган дастурларни амалга оширишда бепарволик, юзакичилик ва лоқайдликдан халос бўла олганимиз йўқ. Иқтисодий муносабатлар такомиллашган, яъни ҳиссадорлик жамиятлари, корпорациялар, холдинг компаниялари ва бошқа

мулкка эгалик шакллари пайдо бўлган бўлса-да, аммо одамлар тафаккурида, меҳнатни ташкил этиш, уни рағбатлантириш тизимида кескин ўзгаришлар сезилмаяпти. Қуйи бўғин раҳбарларининг кўпчилиги боқимандалик каби иллатлардан қутула олмаётир. Айниқса, банк тизими фаолиятида жиддий ўзгаришлар кўзга ташланмаяпти. Нима учун? Буларнинг сабаблари ўтмиш асоратларидами? Ёки кадрларимизнинг уқувсизлигидами, уларнинг бугунги куннинг шиддатли талабларидан орқада қолаётганлигидами? Ёки бўлмаса, ўтиш даври, таркибий қайта қуриш қийинчиликларидами? Бўлса бордир. Нима бўлганда ҳам, бугун мулк ўз эгасини топиши лозим. Мулкдорлар қатламининг тўлиқ қарор топиши, уларнинг ишлаб чиқариш натижаларини тақсимлашдаги иштироки, иш самараси учун масъулиятини тўла таъминлашга эришмоғимиз зарур.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни жадаллаштириш ҳам кечиктириб бўлмайдиган масалалардан бири сифатида кўрсатилди. Бу масалага доир махсус дастур, Ер кодекси, қишлоқ хўжалиги ширкатлари, фермер ва деҳқон хўжаликлари, давлат ер кадастри, ерни баҳолашга доир қонун ҳамда меъёрий ҳужжатлар қабул қилинди. Улар асосида қишлоқда мулкий пай, оилавий пудрат усуллари жорий этилмоқда, жамоа хўжаликлари қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлари)га айлантирилмоқда, юридик шахс мақомига эга деҳқон хўжаликлари қарор топмоқда. Энг муҳими, энди хўжаликларнинг айланма маблағларга бўлган талаби қондирилади, уларнинг ҳар бири шаклланиши учун имконият яратилади. Бу борада ҳам катта ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқдаки, шунинг ўзиёқ аграр соҳада ҳисоб-китобларни жой-жойига қўйиш, бозор шароитида қишлоқ хўжалигининг равон ишлаб кетишига шароит ҳозирлайди.

Кўрсатиб ўтилганидек, юқоридаги муаммоларни ечишнинг асосий омилларидан бири – бу кадрлар тайёрлаш ишини тубдан яхшилаш масаласидир. Уни самарали ҳал этиш кафолати эса мамлакатимизда қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурни изчиллик билан амалга

оширишдир. Умуман, белгиланган барча ижтимоий-иқтисодий дастурларни реаллаштириш давлат бюджети, унинг даромад қисмини тўла шакллантириш, уни оқилона тақсимлаш, ҳаражат қисми самарадорлигини бутун чоралар билан кўпайтиришга боғлиқ.

Олий Мажлиснинг ўн учинчи сессияси Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини айрим таклифлар ва мулоҳазалар билан қабул қилди. Маълумки, мамлакатимизда ҳозир ўнлаб йирик дастурлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилмоқда. Улар орасида қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, кадрлар тайёрлаш, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини қуриш, капитал қурилиш, коммунал хўжалик, соғлиқни сақлаш тизими, мамлакат экспорт салоҳиятини ривожлантириш, қишлоқ аҳолисини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш, давлат мулкини хусусийлаштиришда чет эл капиталини жалб қилиш ва бошқа дастурларни кўрсатиш мумкин. Булардан ташқари, бир қанча тармоқ ва ҳудудий дастурлар ҳам ишлаб чиқилган. Улар бугун амал қилмоқда. Бу дастурлар айрим етакчи тармоқлар ва алоҳида ҳудудларнинг барқарор ривожланишини таъминлаши лозим. Мамлакатимизда ҳали ҳеч қачон бунчалик йирик ва турли йўналишларда дастурлар қабул қилинмаган, уларни бажариш юзасидан кенг кўламли ишлар олиб борилмаган эди. Шу ҳолатнинг ўзи ҳам республикамизда ислоҳотларни амалга ошириш ҳал қилувчи паллага кирганини, унинг тобора чуқурлашиб бораётганини англатади.

Албатта, белгиланган дастурларнинг бажарилишини таъминлаш мақсадида, бюджетдан ташқари маблағлар ҳам жалб қилинади. Давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун (ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 3,0 фоиз миқдорида) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитлари, давлат қимматли қоғозларини сотишдан келадиган даромадлар, давлат мулкини хусусийлаштиришдан тушадиган маблағлардан фойдаланилади.

Бу йил асримизни якунлайдиган, бизни янги минг йилликка олиб ўтадиган йилдир. Бу йилнинг аниқ вазифалари ва улкан режалари Президентимиз Ислом Каримовнинг юқорида қайд этилган нутқларида, қабул қилинган дастурларда белгилаб берилган. Уларнинг рўёбга чиқишини миллионларнинг ҳамжиҳатлик билан қиладиган самарали меҳнати таъминлайди.

"Халқ сўзи", 1999 йил 26 январь

МУНДАРИЖА

Бизга қандай бозор керак? *О.Шарафуддинов* 3

БОЗОРДАН БОШҚА ЙЎЛ ЙЎҚ

Монокультура ҳақида 9
Бозор: ваҳима ва умид 12
Бозордан бошқа йўл йўқ 26
Умидвор эрта 35
Осиё ва бозор 46
Бозор – миллий ҳодиса 60
Бозор ва ҳақиқат 67

БУЮК СИНОВЛАР ДАВРИ

Тангликдан чиқа оламиз 87
Халқаро бозорга йўл 96
Мустақилликнинг иқтисодий асослари 106
Буюк синовлар даври 112
Ягона иқтисодий макон йўлида 121
Умумий бозор – умумий манфаатлар тақозоси 128

ТУБ ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Фаровонлик сари яна бир қадам 137
Ўзбекистон туб иқтисодий ислоҳотлар йўлида 141
Иқтисодий юксалиш пиллапоялари 152
Ўзгалар эътирофи 160
Ким кимга муҳтож 170
Боқимандалик 179
Янгиланиш тақдири 188
Мустақиллик маҳдудлик эмас 194
Ислоҳотлар стратегияси 200
Иқтисодиётнинг залворли одимлари 208
Тараққиёт тамойиллари 217
Инқироздан чиқиш йўли – ривожланиш 229
Тараққиётимизнинг асосли дастурлари 233

Нурислом ТЎХЛИЕВ

БОЗОРГА ЎТИШНИНГ МАШАҚҚАТЛИ ЙЎЛИ

Мусаввир **С.Соин**

Бадиий муҳаррир **А.Бурҳонов**

Тех. муҳаррир **М.Олимов**

Теришга берилди 2.11.98. Босмага рухсат этилди 1.01.99. Қоғоз бичими 84×108 1/32. Шартли босма табоқ 12,6. Нашриёт ҳисоб табоғи 11,7. Тиражи 3000 нусха. Буюртма № 3686. Баҳоси шартнома асосида.

"Ўзбекистон" нашриёти,
Тошкент, 700129, Навоий кўчаси, 30.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонасида босилди.
Тошкент – 700029, Буюк Турон кўчаси, 41.